


**Боқий МИРЗО**



**1**

**ТИЛЛАФУРШ**


Б 715716  
Н 54

Боқий МИРЗО

# ТИЛЛАФУРУШ

РОМАН

*Биринчи китоб*



«Наманган» нашриёти  
2011 йил

34(5Ү)6  
M54

Мирзо Бокий «Тиллафуруш» (роман) Б.Мирзо-Наманган  
«Наманган» нашриёти, 2011 йил - 244 б.  
ББК 84(5Ү)6

*"ТИЛЛАФУРУШ" романы ёзувчи Бокий МИРЗОниң биринчи  
йирик настрий асари сифатида "БЕГОЙИМ" газетасида босилган-  
дан кейин мухлислари янада купайды. Сабаби асар ҳаёттый  
воқеалар асосига қурилган. Бойлик түфайли икки аёл уртасида  
пайдо бүлган низо ва душманлыкни тасвиirlар экан, муаллиф  
ҳаёттыйликтан чекинмайды, бойликка ружу қўйиш оқибатлари,  
инсон феълида пайдо бүлган салбий узгаришларни мистаҳкам  
аҳлоқий маъёрларга талянган ҳолда таҳлил қиласиди. Хулоса  
чиқаришни эса китобхоннинг ўзига қолдиради. Асарни уқиб  
кўргач, ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз.*

НГ 870-2435,5-1452135 2011  
871-(15,0)-(07)

ISBN-978-9943-371-22-8

© "Наманган" нашриёти, 2011.  
© Бокий МИРЗО.

\* \* \*

Бойлик - нафсни семиртирадиган ширинлик, ейсан - тўймайсан...

Бойлик учун ташланган қадамлар аввалига ўта шиддатли бўлади, катта самара берәётганга ўхшайди, аммо охири телбаликка олиб боради. Афсуски, бойликни ҳаёт-мамот деб, бир умр уни деб яшаганлар фожиани тушуниб етмайдилар.

Бойликка муқкасидан кетган одам ҳаёт маъносини, Аллоҳ зиммасига юклаган вазифаларни унугали ва ўзига икки дунё азобини тайёрлаётганга ўхшайди...

\* \* \*

Тоғда дам олиш Хосиятнинг режаси эди. Асл мақсадини Ҳалима кейин тушунди...

Улар жума куни тонгда - ҳаво танга ёқадиган лаҳзаларда йўлга тушишди.

- Иссик бошланмай Туман аканикига етиб олишимиз керак! - шошилтиради Хосият.

Тоғ олдидағи охирги қишлоққа етишганда йұналишдаги такси ҳайдовчилари "У ёғига боролмаймиз", деб туриб олишди.

- Хоси, - деди Ҳалима машина топилавермагач, - тупканнинг тагида дам олишимиз шартми? Яқындаги хусусий дам олиш уйларидан бирида тухтасак булаверади-ку!

- У ернинг табиати бошқача, боргандан кейин қайтгинг келмай қолади, - қизиқтиради Хосият.

Тушга яқин битта мард "тикочи" манзилга ташлаб қўйди. Бир сүмни ўн марта уйлаб сарфлайдиган Хосият ҳотамлик қилганига Ҳалима ҳайрон...

- Тортишаверсак кеч киради. Эрта бормасак бўлмайди. Пул - топилаверадиган нарса...

Туман aka - бобоси ва отасининг эски қадрдони. Бир неча йил олдин Хосият бирга борганда отаси Туман aka ва унинг оиласи билан танишириб:

- Чирогимни ёқадиган шу қыз бор, холос! - деб маңноли қараб құйған эди. Туман aka уни тушунған ва қизнинг келишини анчадан бери кутаётған эди. Бугун курди-ю, унинг мақсадини тушунишдан ташқари, катта қыз - ҳатто турмушли, болали бұлиб қолганини күриб, дүппи бир айланғунча йиллар утиб кетибди-я, дея хаёлга толди ва унинг ота-бобосини эслаб, куръон тиловат қылды.

Овқатланиб, бир соат дам олишгач, Хосият Ҳалимани тоққа чиқышга ундағи. Мовий туман орасида салобат билан осмонга интилған чүккі жозиба билан узига чорлар, үнгирлардаги оппоқ қор, кум-кук үт-улан ёнбағирларга тароват бағышларди.

- Олға! - деди Хосият спорт кийимлари устидан қалин жемперини кияркан.

- Нега кросовка олвол деганингни энди тушундим, Хоси!

- Тоғда "шпилка" туфли билан юролмайсан!

Кум-кук манзарапар, жилғаларни томоша қилиб, манзилга йул олишди. Аммо иккови ҳам тоғ йулидан юрмаган, мاشаққатини кечирмагани учун йўл ярмига етганда оёқлари оғриб, танасидан дармон кетди, суқмоқ буйидаги тошга چузилиб қолишиди. Алланарса куч бераётгандай, Хосият ўзини дадил тутарди.

- Ҳали анча юрамиз, иродасиз бўлма, дугонажон! - деди ўзини чарчамаганга солиб.

- У ёғига ўзинг боравер, кучим тугади.

Юқоридан водий гўзал суратга ухшарди, гуллар, лолалар, үт-уланлар денгиздай чайқалади. Руҳ тиниқиб, асаб дам олар, тана қувватга киради.

Ярим соатча дам олишгандан кейин чарчоқ тарқади.

Булоқ сувидай кайфият, руҳий тетиклик аёллар вужудини эгаллаб олди. Аммо ярим соат юргач, яна бутун танани чарчоқ қоплади. Оёқлар оғрир, қалтирар эди. Нотаниш, аммо гўзал манзарапар Ҳалимани узига оҳанрабодай тортса ҳам, юрагининг бир чеккасини билинар-билинмас қорон-гулик забт этиб бораради.

Чуққига юз метрдан кўпроқ қолганда узоқдан қунғир тусли айиқ куринди-ю, иккала аёлнинг юраги чиқиб кетай деди. Айиқ уларни пойлаб келаётгандай, қулай фурсат топиб мақсадига етадигандай эди.

Айиқ юлғунлар орасидан урмаларди. Саросима билан орқага тисарилдилар. Харсанғга урилиб бешбаттар құрқиб кетишиди, йиরтқичга ем булиш хавфи бутун вужудни эгаллаб борарди...

Хосият катта тош олиб, айиқ томон отди, аммо ҳайвон зытибор бермас, уларни курмаётгандай эди.

Хар бир лаҳза фожиани яқинлаштирувчи зинапояга үхшарди. Айиқ ярадордек укирик овоз билан борлиқни ваҳимага соларди. Улар дуч келган томонға қочишаркан, ғор олдидан чиқиб қолишиди. Хосият атайлаб шу ёққа қочдими ё тусатдан келиб қолищдими, Ҳалима сезмай қолди..

Ортига қаради: ғор! Олдинда - йириқч айиқ!

Хосият тусатдан ғор оғзини түсіб турған харсанғ қимирлаганини сезди.

Фойибдан күч келиб, харсанғни итаришиди. У гилдирак устида турғандай осон құзғалди (Буни бобоси билан дадаси шундай үрнатганини биларди). Апил-тапил ғорға кириши-да, оғзини беркитишиди. Бир оздан сунг куз қоронгұликка урганди, ғор шифтидаги түйнукдан нур тушиб турар, вазиятдан чиқишиға умид гүфдиради.

Ғор тұрида билинар-билинмас сув шовуллайди. Үндан бошқа овоз ё ҳаракатнинг йүқлиги даҳшатли воқеалардан дарап бераётгандек, юракка құрқув солиб турарди. Улар ваҳимадан чалғыш учун ташқарига қарашиди. Айиқ ғор оғзига келиб, аёлларни ейиш учун қулай вақт кутаётгандай хүшёр ётиби.

Ғор ичидағи нарсаларни куриш мүмкін. Тұрга چузилған үулакда анчадан бери одам изи түшмагани иккі ожизада хавотир үйғотди. Үнг томонда буй баробар баландликда иккі киши бемалол сиғадиган супа булиб, ёнида ташқары қўринадиган тешикча бор.

- Чиқамиз! - деди Хосият Ҳалимага елка тутиб.

Супага астойдил жойлашғанларидан сунг қоронғи, ғор туридан намхуш ҳаво эсаётганини сеза бошлашиди. Ҳалиманинг жемперини ерга солиб, Хосиятникуига уранишиди. Сал нафас ростлаб, құрқувни унтуишгач, зерика бошлашиди. "Қачонгача үтирамиз?" деган фикр айланди мияларида. Ҳадик билан учаёттан шивир-шивиргина сукунатни бузар,

ялмоғиз бир ямлаб ютадигандай бир-бирининг пинжига суқилишарди.

Саҳарга яқин күzlари илинди.

Бирдан Хосият дугонасини туртиб, кўзи билан пастга имлади. Ҳалима йўлакка каради-ю, аъзойи бадани музлаб, кўз олди қорайиб кетди. Йўлакда думи фор оғзига, боши харсанг остига қараб кетган салкам икки метрли илон ётарди.

- Энди нима қиламиз? - деди қўрқув аралаш Ҳалима.
- Тсс!- деди Хосият илон уйғониб кетишига ишора қилгандай.
- Фор оғзидан секин чиқиб кетса бўлади...
- Етиб олса тириклай ютади!

Хосият қўрқувни енгиб, Ҳалиманинг қулогига пичирлади.

- Катта бувим бунаقا жойда хазина бўлади дегучи эди.
- Унинг гапи охирига етмай, илон супа томон ўрмалай бошлади.

- Үлдик, Хосият! - титраб кетди Ҳалима. Хосият туни билан уларга суюнчиқ бўлган тошлардан бирини жилдиришга имлади. Тош бунчалик оғирлитини хаёлга келтиришмаган эди. Биринчи уринишда бир қарич ҳам силжимади. Сал қимиirlагандай бўлди, аммо яна жойига тушиб қолди. Илон ўзлари томон ўрмалаб келаётганини кўришганда эса юракка қўрқув тушиши билан ғойибдан куч келгандай бўлди. Илоннинг боши супа ярмидаги харсангта етганда:

- Ташлидик! - деди бирдан.

Қиррали харсанг бир юмалади-да, илоннинг бошини эзib қолди. У салобат билан биланглаб тош остидан чиқишига уринар, думи тошларга "тарс"иллаб уриларди. Кейинги тош илоннинг белини эзib тўхтади. У ярим соатдан кейин жон таслим қилди. Ваҳима шу билан сўнгандай ҳамма ёқ тинчиб қолди. Фақат сувнинг билин-билинмас шовуллаши эшитиларди. Хосият бу ишни қандай уддалаганига ҳайрон: Худо куч ва жасорат берди шекилли...

- Горни томоша қиламиз! - дея енгил нафас олди Хосият. Ҳалима омон қолганига суюниб, тезроқ кетишини ўйларди.

- Ташқарыда айиқ турибди! - бепарво сұзларды Хосият дугонаси ортидан юришига ишониб.

Бир неча қадамдан сұнг күтилмаган ҳодиса рүй берди. Хосият оёғини симга үшшаган тараптарнан нарсага уриб олди-ю, ҳамма ёқни чанг-тупроқ, турли-туман тошлар, хас-хашак сингари майда-чуйдалар босиб кетди. Атрофда нималар бұлаётганини англаң бұлмас, "қарс-курс" овозлар ваҳимани күчайтираң әди. Улар олдини түйнүкден тушган йирик тошлар тұсыб қолди. Бирдан атрофни құрқинчли сукунат қоплади. Аммо Хосият катта мақсад йулида қийинчиликтарни бепарво енгаётгандек, дадил әди.

- Олдинга үтамиз!

- Хосият, қайта қолайлық, айиқ кетган.

- Мен шаршарани күрмоқчиман.

Халима ноилож әргашди. Сув яқынлашганда қоронфулиқ қуюқлашды. Хосият сүмкасидан фонарь олиб олдинга қаратди. Фор тубсиз жарликка үшшаб, ваҳимали әди. Хосияттың бу саёҳатга маҳсус тайёргарлик күрганы Халимани ҳайратда қолдираётган әди...

- Жон уртоқ, у ёғига бормайлык! - ялинарди Халима, - бир кор-жол бұлса үлигимизният топишолмайди. Болала-римиз нима бўлади?..

- Ёш боладай нолийверма, қурқоқ!

Хосият дадил, у гордан катта нарса умид қиласади. Халима ҳалокат кутаётгандай, шеригининг оёғига ёпишиди...

- Бас! Сен ҳам бормайсан! Айиқ ғажиб ташласа ҳам ортга қайтамиз. Яқынларимиз ҳеч бұлмаса сұякларимизни топиб олишади. Қайтдик, илтимос!

Хосият Халимани күч билан силтаб ташлаб, ерга йиқитди-да, олдинга интилди. Үн қадамча юргандан кейин сув чайқалишига үшшаш овоз эшилди. Қоронғида ҳеч нарса күрінмес, ваҳимали шарпалар кезиб юрганга үшшарди. Халима қурқув ичиде Хосиятта етиб олиб, құлидан ушлади.

- Мақсадинг нима, мени үлдириб кетмоқчимисан?

- Ҳей латтачайнар! Бас қиласанми, йуқми? Ё гордан чиқиб кет, ё индамай орқамдан юр!

Хосияттың дор устида юргандай омонат ҳаракат қили-

ши ваҳимага соларди. Бирдан алланарса "қарс" этиб, тепадаги олмадай түйнүк ёнидан тош ажраб, сувга "шалоп" этиб тушди-ю атроф ёришиб кетди. Ҳовуз суви шу қадар тиниқ эдикى, тагидаги тошлар ва құмлар бемалол күриниб турарди. Улар ҳайратдан ёқа ушлаб туришганды, оёқ остидаги майда тошлар сурилиб, ҳовузга тушиб кетищди ва тенгдан додлаб юборищди. Атрофни шовқин, ваҳимали овозлар босди. Ҳовуз чети силлиқ, ушлайдиган нарса топилмас, сув остидан гирдобга үхшаган күч икковининг оёғидан тортаётганга ёки үлган илоннинг шериги ютмоқчи булаётганга үхшарди. Улар бир-бирининг елкасига оёқ қуйиб булса ҳам сувдан чиқмоқчи бўлишарди. Сув шалоплаб, даҳшатни кучайтиарди. Уларни аллаким кузатар ва бошқарар, атайлаб қийноққа солаётганга үхшарди. Ҳалима укириб йифлаб юборди. Аммо Хосият жон ҳолатда бўлса ҳам имкон қидиради.

- Ўзингни тут, Ҳалима, чукиб кетамиз, торт қўлингни!
- Мени ушла, ҳозир ўлиб қоламан, Хосият!
- Э, пандавақи!

Хосият Ҳалимани зарб билан узидан узоқлаштириди. Гангиб қолган аёл тошга урилди. Чукиш арафасида қирғоққа ёпишди ва қозиққа үхшаш тошдан маҳкам ушлаб тепага интила бошлади.

- Тўхта! Мен олдин чиқиб сени тортиб оламан!
- Йуқ, аввал мен!

Тошқозиқ дош беролмай синиб кетди, иккови сувга ағдарилди. Хосият кукрагигача чўкканда ҳовуз чуқур эмаслигини сезиб қолди-да, озгина чўккалаб, юқорига сакради ва ҳовуз қирғоғига бориб тушди. Бир дақиқа ўтмай ташқарига чиқиб, Ҳалимани тортиб олди.

Омон қолганига ишонмай, бир-бирини ушлаб кураётган дугоналарни ҳайрат алангаси чулғади.

- Кетдик! - деди Хосият ҳаммасини унутиб.

Бир неча қадамдан сўнг яна қоронгилик бошланди. Фор охирига етгач, Ҳалима узини қулга олиб, шеригини зимдан кузата бошлади. У муҳим нарса қидираётгандай, деворларни пайпаслади. Ишламай қолган фонарни отиб юборди-да, катта силлиқ тошни қўли билан тозалади. Сийнабанди орасидан бир қарич пичоқсимон темир олиб,

тош орасига сукди. Нимадир "шир-шир" кесилди. Тош унгга сурилиб, туртбурчаксимон жойда катта қовундай келадиган мис кўза пайдо бўлди.

- Мана! - деди кузлари қувнаб.
- Бу нима? - ҳайратланди Ҳалима.
- Бобомнинг бобосидан қолган бойлик!!

\* \* \*

Кузани кутариб қайтишаётса, ҳовуздаги сувдан бир томчи ҳам қолмаган, ҳамма ёқ жим-жит, шаршара овози тинган эди. Илоннинг улиги устидан утиб, ташқарига қарашди: айиқ куринмас, атроф осойишта эди. Хосиятнинг ишораси билан супага чиқиб, кўзани очишиди. Ичи тўла тилла танга экан!!! Кувониб, тулқинланиб кетган Хосият кузани энг севимли нарсадай бағрига босиб, силар эди. Кузларида бахтиёрлик, севинч ёшлари жилва қиласди.

- Эй, Худо, бу ёғига ҳам узинг қўлла!

Ҳалима аввалига қўрқиб кетди. Аммо зеб-зийнатга қизиқиши туйғуси хуруж қилди-ю турли хаёлларни бир четга суриб, "Менга қанча тегаркин?" деган мулоҳазада тухтади.

- Ҳалима! - деди кутилмаганда Хосият, - бобомдан қолган мерос ҳақида бировга оғиз очмайсан. Тилингни тийганинг учун ҳақингни оласан. Тушундингми?

- Ҳа, уртоқжон!
- Эсингда бўлсин, ҳазил ҳаром!
- Тушундим...

"Шунча тиллани нима қиласкин? - уйлай бошлади Ҳалима,- шаҳардаги энг бой хотин буларкан-да!" Юрагининг бир чеккасини ҳавас, купроғини ҳасад эгаллай бошлади...

Хосият урнидан турди-да, кийимларини ечиб ташлади. Уни ярим яланғоч кўрган Ҳалиманинг оғзи очилиб қолди.

- Анграйма, сен ҳам ечин!
- Нима қиласиз?... - ҳайрон булди у.

Хосият ичкуйлагини белбоқса ухшатиб ташлади-да, қатига тангаларнинг ярнидан купини жойлаштириди. Сўнг белига маҳкам боғлаб, устидан кофтасини тушириб, спорт костюмини кийди. Қолганини Ҳалиманинг белига жойлашти-

ришди.

- Дугонажон, олға!

Белдаги бойлик оғир, аммо руҳлар тетик, қушдай енгил эзилар. Пул - белнинг қуввати деган мақол исботини топаётган эди...

\* \* \*

Хосият Фарида момосининг олдига кирганда қош қорай-  
ган эди.

- Келдингми, болам?

Орзусига етган момонинг кузлари чақнаб кетди. Хавоти-  
рини енгиб, Хосиятта юзланди.

- Иш битдими?

- Ҳа, эна!

- Худога шукр, утири қизим...

У даҳлизда ивиришиб турган Ҳалимани чақирди. Кампир-  
нинг сабр ҳақидаги афсоналарини тинглаб овқатланиш-  
гач, Хосиятнинг хонасига киришди.

Ҳалиманинг миясига "Менга қанча тегаркин?" деган  
савол михланган, аммо Хосият - улдабуроликда эркаклар-  
ни ҳам чангиди қолдирадиган, ушлаган жойини узадиган  
аёл бўлгани учун уни алдаш, курқитиш йули қоронги эди.  
Ўйлай-ўйлай "Аввал кўнглидан чиқарганини берсин, яна  
озгина сўрайман!" деган қарорга келди...

Хосият турмушга чиққандан кейин эрининг лапашанг-  
лигини билди-ю, режаси саробга айланди, ҳафсаласи пир  
бўлди. Эридан оддий савдогар ҳам чиқмади. У отасидан  
қолган бир ҳовли-ю, эски "Жигули"га эга холос. Уқимаган,  
ё замонавий ҳунар эгалламаган эди. Отаси улганидан  
кейин қандай яшашга сиқилиб юрган кезлари онаси  
Хосиятта уйлантириб қўйди. Бир яхшига бир ёмон бир-  
лашса, ҳаёт изга тушиб кетар, деган ниятни кўнглига  
тукканлигини қудаларга ҳам айтди. Аммо бу йул кутилган  
самара бермади. Берсанг ейман, урсанг уламан қабилида  
яшаётган эрнинг ҳаёт тарзини ўзгартириб, янгича ҳаётга  
кўниклириб бўлмади. Тўй ёки улфатчиликда ўтириб қолса,  
мсьёрини билмай ичар, ўзини бошқаролмайдиган даражага  
етганда одамлар уйига ташлаб кетар, бирор истаб  
келмаса ҳам текин зиёфатни қидириб топар, орсизларча

дастурхонда утираверарди. Уйга деярли ҳеч нарса олиб келмасди, онаси берган пулларни ҳам нафси йўлида курбон қиласди. Хосият буюрган ишларга деярли ақли етмасди. Бошқача айтганда, Хосият уни ёнида юришга ва ҳатто эрим дейишга ор қиласди. Дунё кузига тор куинган кезлари онасига:

- Мени нега унга бергансиз?- дея зорланарди.
- У лапашанг, сен чапдастсан, эпақага келтириб оларсан дегандик, йулга солиб булмайди шекилли...

Шу гапдан кейин Хосият эридан ажраб, кўч-куронини юклаб келди. Куда томон ялиниб-ёлворса ҳам ён бермади. Куёвни куришни истамас эди. Сабр қилса узига муносиби чиқиб қолар, чиқмаса битта бола билан она уйида яшайвериши кўнглига туғиб қўйди. Бу орада онаси қазо қилди. Беш йилдирки, кекса бувиси билан бирга. Саксондан ўтган момонинг бир-икки марта тоби қочди. Узидан чўчиған момо Хосиятни чақириб, бобокалондан қолган хазина ҳақида гап очганди.

\* \* \*

Хонтахтадаги бир уюм тилла макр-ҳийла, хузур-ҳаловат, имконият ва жиноятларни ўзида жамлагандай айёrona жозиба билан ўзига тортарди.

Бойлик - нафсни семиртирадиган озуқа. Ейсан - тўймайсан. Ҳалима тилла тангаларни ушлаб айлантиаркан, маҳлиёлик ортидаги қора кунларни тасаввур қилолмасди.

Хосият йигирма беш дона санади-ю:

- Бу сенга!- деб Ҳалимага узатди.
- Озгина қўшинг, дугонажон! - тили ёғланди унинг.
- Ўттизта етадими?

Хосият дугонасининг нафсини улчаб кўрмоқчидай, айёrona нитоҳ ташлади.

- Ахир, сиз билан тенг улиб тирилдим. Бундан кейин ҳам ёнингизда буламан, ҳеч бўлмаса элликта қилинг.

"Нафсинг ёмон эмас, дугонажон! - ўйлади Хосият зимдан унга термиларкан - аждоди бойлик кўрмаган бу кимса ярмини берсам ҳам тўймаса керак!"

- Бир кунда ўттиз тилла тангалик бўляпсан-у, яна қўшинг деганингта ўрайми?!

- Уртоқжон, - ялтоқланди Ҳалима, - бошқа аёл аппа қылмасак органга айтаман, деб туриб олиши мумкин эдику! Мен атигү элликта сўраяпман, холос. Қолаверса, сизни сотиш ниятим йўқ. Содиқман!

"Бир неча соат олдин форда "дағ-дағ" титраётган одамнинг дадиллигини қаранг! Бу тулки хотин бобомдан қолган мероснинг катта қисмига қайси иши учун эга чиқмоқчи? Ҳомтама булма, Ҳосият тирик экан, бу хазина фақат мени бойитади. Уни деб икки авлодим эзилиб, ўлиб кетди.

Ҳосият Ҳалиманинг дили бузилганини сезди. Ўзининг ҳам юрагида мудҳиш режа пайдо булди...

- Оббо уртоғ-эй, шунақами? - қувлик қилди асосий мақсадни сездирмаслик учун, - бунақа ишларга кўпам ақлим етмайди. Бупти-да! Мана элликта эмас, олтмишта бўлақолсин. Аммо оғзингта эҳтиёт буласан, катта бойлик бор жойда... а?

- Ҳа! - деди Ҳалима тангаларни чунтагига соларкан, гап замиридаги маънони тушунмади.

- Менга қара, Ҳали, - Ҳосият сузларига самимий тус берди,- буларни тез пул қиласман деб балога йўлиқиб қолма, ишончли харидор топилгандан сунг бирга сотамиз!

- Хуп булади...

Унинг тасдигида бирга иш қиласиз дегандан кўра, бу ёғини узим биласман маъноси купроқ эди.

\* \* \*

Ҳалима уйга кетаркан, миясини бойлик хаёли қоплади, юрагида ҳасад, ичқоралик туйғуси аланга олди. "Уники ун баробар кўп. Қари бувиси билан битта боласи бор холос, шунча бойликни нима қиласи? Менсиз боргандা илонга ем буларди. Қари момоси суюгини ҳам тополмай улиб кетарди. Форда далда булганимни эсламайди-ям. Аппа қиласиз десам буларкан".

Ҳалиманинг уйқуси келмади. Тиллаларни сотиб қандай ишлар қилишни режалаштира бошлади. Ҳаёлида пулга айлантириб кўрди. 50 миллион сум! Ҳозиргача рўзма-рўз кун курган аёл шунча пулга эга булса-я! Ақлга сигмайди. Аммо Ҳудо қуллайман деса бир кунда бераркан!

Ҳалима ўзини ҳамма нарсага қодирдек сезди. Шоҳона ҳаёт, сунгти русумдаги машина, евроусулда таъмирланган алоҳида квартира, Париж модаларида тикилган янги кийим-кечаклар юрагини тошириб, жилва қила бошлади.

Энди аламзадалик дардидан халос булади. Собиқ қайнонаси бир вақтлар яхши сарпо қилмадинг, байрамларда бирорта қаринлошинг йўқламади, деб гадойдан олиб гадойга солган эди. "Энди менинг даврим келди. Ҳаммангни чангимда қолдирмасам, Ҳалима отимни бошка қуяман! Куруқ олифта уғлинг Қосим товонимни ўпади. Ўзинг бош эгиб, ялиниб келасан! Сенлар оддий "Жигули"-да керилдинг, мен яп-янги "Нексия"да юрагингни эзаман!"

\* \* \*

"Ҳалима булмай ҳар бало бул!- кетгандан кейин Хосият уни қарғай бошлади,- шошмай тур, бир мисқоли ҳам насиб этмайди!"

\* \* \*

Хосият бир ҳафтадан кейин Ҳалимага телефон қилди.

- Кеч соат ўнда ҳалигиларни олиб, сой бўйига чиқиб тур. Яхши тўлайдиган харидор топдим! - деди-да, яна қушиб қўйди, - қаерга, нега, ким билан кетаётганингни ҳеч ким билмасин, тушундингми, ўртоқжон?

- Ҳа, албатта, йигирма минутдан кейин ўша ерда бўламан!

Ҳалима "Хосият харидорни шаҳардан - катта заргарлар орасидан топган, машина билан келади", деб ўйлаган эди. Аммо у тезоқар сойнинг осма кўпригидан якка келаётганини кўриб, ҳайрон қолди. Юрагида "Бирор тилла билан кетаётганимизни сезмасин-да", деган хавотир бўлгани учун кўнглига бошқа гап келмади.

- Ҳаммасини олдингми?

- Ҳа, - деди у пичирлаб.

- Мендаги қирқта билан юзта! Пули ҳозирча шунга етаркан. Сол манави халтага!

Ҳалима тангаларни белидан олиб халтага ташлади.

- Сен олдинда юр! - буйруқ қилди у.

Улар бир киши сифадиган осма кўприқдан ўта бошлаш-

ди. Ярим кечада сой шовуллаб, тулқинланиб, ваҳима билан оқар, одамлар ҳаракати деярли тұхтаганди. Икковлари мудҳиш нарсадан чучигандай омонат боришаркан, сув шовқини, қоронгулик замирида хунук аломат борга үшшарди... Бу аломатни Ҳосият аниқ ҳис қилиб турар, олдиндан тайёрлангани учун хотиржам эди. Күпприк ўргасига етишганды Ҳосият қўйнидан оғир, узун темир олди... Мулжални тўғрилаб, Ҳалиманинг бўйнига куч билан урди. У бир чайқалиб йиқилаётганды аввалгисидан оғирроқ зарба ми-ясига тушди. Ҳушини йўқотиб чапга оға бошлади ва Ҳосият тезлик билан уни кўпrik ушлагичи оша кутариб, сувга ташлаб юборди. Ҳалима сўзсиз, қаршиликсиз тўлқинлар орасига кўмилди, икки сониядан кейин бир кўринди-ю, бутунлай йўқолди.

Ҳосият уддабурролик қилдим деб севинди, аммо иш ҳамирдан қил суургандай биттанидан кунгли фаш тортиб қолди...

\* \* \*

Ҳосият изсиз йўқолганлар ҳақида кўп эшиттан. Бир неча ой аввал киракаш Раҳимни иккинчи хотинининг ўйнаши кўл-оёғини боғлаб, хушидан кетгунча калтаклаб, сувга ташлаб юборган. Ўлиги ириб кетганда топилди. Аниқ далил, гувоҳлар бўлмагани учун жиноятчи аниқланмади ва ҳеч ким жазоланмади. "Ҳалима чўкиб кетди, бир неча дақиқада ўлиши аниқ. Фақат энди бир-икки ҳафтада топилсин-да! - ўйларди у - танаси ириганда юзага чиқса ҳамма из йўқолади. Ўзим тилимни тийиб юрсам бас! Бирорта ҳам гувоҳ йўқ!"

Ҳосият ухлолмади. Ҳаёлида нохуш воқеалар кезиб юрганидек, юрагида қотилликдан азобланиш, дугонаси-нинг тақдирига ачиниш, мабодо жинояти очилиб қолса, узоқ йил турмада ўтириш ваҳимаси руҳиятини исканжага оларди. Жиноят қилаётганды кимдир кузатиб тургандай, эрта-индин ўлик топилганда "бу ишни Ҳосият қилди", дея гувоҳлик бераётгандай титраб кетарди. Гоҳ жойидан туриб, у ёқ-бу ёққа юрар, баъзан ерга қараб ўтирад, Ҳалиманинг сўзсиз йиқилиши, бир чўкиб, бир юзага чиқиши кўз олдидан кетмас, ярим тунда арвоҳи келиб

бүғиб олаёттандай безовта қиласы. Бир неча соат шу хилда азобланди. Сабри чидамай синфдоши Акмалга телефон қилды,

- Битта топиб бер! - деди ялинчоқ овозда, - роса хумор қиялпти.

- Мунча кеч!
- Мазам йўқ.
- Нега?
- Ошқозоним оғрияпти...
- Ун беш минутда бораман....

Виждан азобини наша кайфи билан енгишга қарор қилганди у.

Хосият Акмал олиб келган нашадан ютоқиб чекаркан, вужудини эгаллаётган сархушликдан енгил торта бошлиди... Уйғонганда ишга борадиган вақт бўлган, бувиси ўғлини мактабга жўнатаётган эди.

\* \* \*

Асаблари юмшаётган Хосият ўтган воқеаларни ўйламас, режалар билан таёлинин чалғитар эди.. Табиатан таъсирчан бўлмагани учун жараёнларга мослашиб осон кечди. Аммо Ҳалиманинг жонига қасд қилмасдан бойлигини тортиб олиш мумкин эди деб ўйлар, гуноҳ таъқибидан қўнгли оғирди. Ўзини чалғитиш учун эски таниши - кекса заргарга қўнғироқ қилди.

- Кеч соат ўнларга катта ўғлимнинг уйида кўришамиз! - деб телефонни узди Баёзхон ака. У икки дона танга олиб келишилган жойга етиб борди.

- Бунақасини анчадан бери кўрмагандим, - деди заргар айлантириб томоша қиларкан, - ҳақиқий Николайники! Икки дона холосми?

- Бори шу! - унинг кўзига тик боқди Хосият.  
- Яна топсангиз ўзим харидор! Тоза молни бегона қилманг.

Баёзхон кўп тортишмади - нарх Хосиятни қониқтириди. Икковлари жилмайиб хайрлашишди...

\* \* \*

Ота-онаси ўлиб кетгандан кейин Ҳалима изжарада, ёлғиз

яшашга мажбур булди. Икки акаси Россияда ишлар, йилда бир марта келишар, шунда ҳам аранг куришишар эди. Мехр-оқибат ипини боғлайдиганлар йүқлиги учун ўз ҳоли-ча яшашарди.

Ишхонада маошнинг чуғи камайгач, Ҳалима тирикчиликдан қийналди. Танишларниң маслаҳати билан Россияга ишлагани борди. Аммо қийинчиликлар жондан утиб, пушаймон кунларниң бирида ишхонада турт ойлик маошни бирданига ҳисоб-китоб қилишди-ю, унинг юрагида ёвуз режа уйғонди. Шерикларининг 10 минг доллар пули ва янги кийим-кечакларини уғирлади-да, Тошкентта қочди. Қизимни чиқараман, үглимни уйлантираман, янги уй қураман деб, жонни жабборга бериб ишлаётганлар қақшаб қолаверди. Манзилини нотүғри айтган бўлса-да, қидириб келишларидан чучиб, водийга - тоғаси яшаётган туманга келди. Икки хонали квартира олиб яшай бошлади. Катта тоғаси уни турмушга берди, аммо бир неча ойдаёқ қайнонаси қашшоқдан олиб қашшоқقا соловергач, қорнида бола билан ажрашиб кетишга мажбур булди. Бир неча ойдан кейин кўзи ёриди. На эри, на қайнонаси хабар олди. Бу пайтда тоғаси вафот этган, унинг ёлғиз ўғли Россияга кетган, қизи бошқа вилоятга тегиб кетган эди. Танишининг туғилган кунида Хосият билан танишди-ю, ажралмас дўстга айланишди.

Хосият Ҳалимани изсиз йуқолса, қидирадигани йуқлиги учун шерикликка таңлаганди. Оқиб кетгандан кейин виждон азоби безовта қилган бўлса ҳам жавобгарликни ҳеч ким буйнига қуёлмаслигини мулоҳаза қилиб хотиржам бўларди...

Хазинани топгунча орзулари, режалари куп эди. Асосийси - шаҳарда энг бой аёл бўлиш! Тангалар пулга айланаётганда каллага келган режалар узига маъқул келмасди. Турмушдан ажрагандан кейин синфдошлари Акмал, Ағаз билан яқин дуст. Пул топишда ҳамкор. Ҳозирча бир-бирларига хиёнат қилишмади. Бундан буён ҳам улар билан ишлашни кунглига туғиб, "Шаҳзода" ресторанига кечки овқатга таклиф қилди. Еб-ичиб булишгач, Хосият асосий муддаога ўтди.

- Менда озгина пул ..., ниятини ошкор эта бошлади,

- ётиб еганга тоғ чидамайды, - уни ҳеч ким билмайдиган қилиб купайтириш керак. Шундай қилайликки, учаламиз қисқа вақтда бойиб кетайлик.

Йигитлар бойиб кетишга қизиқиб қолиши.

- Пул қанча?
- Бизнесга стади.
- Аниқ гапирсанг.
- Айтайлик, ўн миллиондан күпроқ.
- Яна қушса буладими?
- Тогам бир ойдан кейин Америкадан қайтади, сұраб кураман.

- Берадими?

- Бирор марта йүқ демаган. Ҳозирча ўн миллион билан иш қилиб турайлик-чи, йигитлар.

Орага суқунат чукди. Ҳамма пулни купайтириш ҳақида бош қотираётганди.

- Наша экамиз!- деди Аваз күтилмаганда.
- Наша?! - ҳайрат билан унга қаради Хосият, - хавфлику!

Аммо шу заҳоти: "Нодон! Мақсадинг бой булиш экан, күркіб нима қиласан?! Одам ұлдиришдан құрқмаган наша әкишдан чучийсанми?!" деган фикр келди ҳаёлиға: Хосиятнинг юраги "шув" этиб, дугонаси ёдига туңди-ю, вужуди сесканди. Жиноятини ёдга солғани учун Азаздан хафа бўлишга ҳаққи йүқ. У наша савдоси билан шуғулланади ва учаласи ҳам оз-оздан тортиб туришади.

- Яхши қиз! - пичинг ва ҳазил аралаш деди Аваз, - дунёдаги энг катта бизнес шу зорманданинг орқасидан булади. Мұхими, мижоз узи излаб келади. Қолаверса, чумчукдан қурққан тариқ экмайди.

- Аммо ўн миллион бу ишга ҳеч нарса булмайди. Чопган-ёрлик Аҳмад наркош утган йили йигирма сотих нашадан олтмиш миллион сум соғ даромад олди. Аммо унгача пулни аямай сарфлади.

- Қанча кетди?

- Аниқ айттолмайман, аммо йигирма миллионга борса керак.

- Бу ишни яхши тушунмайман, - гапни илиб кетди Хосият,- фақат наша экилган майдонни қандай яшира-

Яшнобод Политехника  
17 Қасб-хунар колледжи АРМ

Инв № 60954

миз? Битта-яримтаси сотиб қыйса, орган ходимлари вертолётда айланиб топиб олишса, учаламиз қамалиб кетмаймизми?

- Э, Хоси, - кулди Акмал, - биз далада қоровуллик қылармилик? Сураганини бериб қыйсак, нашазорга пашшани ҳам йулатмайди.

- Агар, - орага сүқилди Аваз атрофга аланглаб, - пул күпроқ булганда сотиб оладиган 40 сотих нашазор бор эди, - у столга энгашувди Хосият билан Акмал ҳам яқинлашди. - қирғизистон чегарасида наша эккан Ҳамидула "камазчи"га 20 миллион сүм зарур экан, ўша нашазорини енг ичидә савдога қўйганмиш!

- Йўғ-э!- ажабланди Хосият.

- Хоси, сен бир нарса қилиб яна ўн миллион топ, ушани сотиб оламиз. қоровули, ҳимоя қиласиган одамлари нақд. Биз икки ойдан кейин ҳосил йиғиштирамиз. Бизга ўн миллиондан, сенга йигирма миллион қолади.

Мумай даромад қилишига кўзи етгач, Хосият дадиллашди.

- Гаплашинг, уч кунда пул топаман!

- Келишдик!

\* \* \*

Эртаси куни тунда Хосият Баёзхон заргар билан учрашди. Тангалар кўплигидан харидор унга бошқачароқ қаради.

- Николайнинг банкини ўмарганмисан дейман, қизим?

- ҳазиллашди.

- Ҳайрон бўлманг, менга арзимаган пул қолади. Ҳазина-нинг эгаси бор.

- Омадингни берсин.

Заргар йигирма миллион сүмга ҳисоблаб, доллар берди. Хосият "қофозлар"ни текшириб кўраркан, шубҳа билан Баёзхонга назар ташлади.

- Ҳозиргача ҳеч кимни алдамаганман!

- Кунглингизга келмасин, бирорнинг омонати-да!

- Бу дунёга ҳаммамиз омонатмиз!

У хижолат булиб яноклари қизарди, пулларни сумка-сига жойлаштириди.

- Сизни уғлим ташлаб қуяди.

Хосият квартирага етгунча хавотирда келди. Шофёр олд ойнадан синчиклаб қараганини ҳисобга олмаганда шубҳаланадиган воқеа булмади. Катта пул билан бемалол юриш бизнесменга ярашадиган одат эмаслигини англаң бораётганди. Уз "дом"идан юз метр үтгандан кейин:

- Етиб келдик, тұхтанг!- деди.

Эртаси куни сақарда Акмалнинг таклифи билан Ҳамидулланинг машинасида сотиладиган ерни кургани боришди.

Үсімлик чаман гуллаб, ҳосилға кирган экан. Мазанғта үшшаган қоп-қора одамни:

- Қоровулимиз Хайир ака, - деб таништирди Ҳамидулла,- уч йилдан бери биз билан ишлайди, яхши одам!

У оғзи маҳкам, деган маънода гапирганини ҳамма тушунди. Четроққа утишди.

- Озгина тушасиз! - Акмал Ҳамидуллага қаради, - ҳозир йигирма миллион нақд пул қилиш осон эмас!

- Үн саккиз миллион берамиз, - гапга аралашди Хосият.

- Аслида сотмоқчи эмасдим. Бир ишга катта пул керак булиб қолди. Бу ерни сотмасам, икки ойдан кейин уч баробар фойда куришимни биламан. Шаҳарлик болаларга айтсам "25" га ҳам олади. Аммо дүстдан күп душман, овоза қылгым келмаяпты. Бир ернинг одамимиз. Орамизда қолиб кетмайди, деган маънода арzon беряпман.

- Хуп! Ҳамидулла ака, иримига бир миллион үтинг!- қулини қисди Акмал.

- Йүқ демәнг!- тезлади Аваз билан Хосият.

- Барака!!

\* \* \*

Хосият тиялаларни ҳаракатта туширган сайин илҳомлашиб, гайратига гайрат күшилиб борарди. Хайир ака билан ҳамма ишни келишиб олишгач, Ҳамидулла билан ҳисобкитоб қилишди. У кетгач, ҳайрат билан қараган Аваз ва Акмалга хотиржам изоҳ берди.

- Үн миллион қарз олдим. Икки ойдан кейин икки миллион қушиб қайтаришимиз керак.

Бир-бирига маъноли қараб олган икки йигит жавоб қониқарлы, дегандай бош силкишди.

- Уч кундан кейин тоғамдан катта пул келади. Олишим билан сизларга құнғироқ қиласан.

Тарқалиши:

Хосият кечқурун тошкентлик дугонаси Нигинага құнғироқ қилди.

- Катта пули бор заргар керак.
- Иккінчи хотинликка тегмоқчимисан?!
- Э, Нита, ҳазилни құйсанг-чи, борганда тушунтираман.
- Топса булади. Фақат әртагача сабр қиласан. Менга қандай нағи тегади?

- Биттасининг ишини битириш керак. Икковимизни ҳам қуруқ қуймайди.

\* \* \*

- Болам, күп ҳовлиқиб кетма, - деди кечқурун овқатдан кейин бувиси Хосиятга, - тилла, пул иши нозик. Гаплашаётгандаринг яхши одамларми? Эртага ҳаммаларинг қамалиб кетмайсанми?

- Хотиржам булинг, буви! Шеригим - эски заргар Баёзхон! Пихини ёрган дейишиди. Бир миллиард пули булса ҳам, ёш болага әгилиб салом беради.

- Бобонг сенга ухшаган чапласт, уддабурро эди. Латта иси билингандәң қылса, маъноси чуқур - бир танга билан битадиган ишга йигирма тилла сарфлаб утирма, дегани экан. Болам, бу тиллани деб авлодимиз күп жабр курган. Ленин ҳукуматга келгандан кейин бойларни қулоқ қилди. Бобокалонинг мингта қуй, 200 бош мол, юзта от, унта арава топширгандан кейин ҳам тинчтишмади.

Бор мулкимни олдинглар! Ҳеч нарсам қолмади, деганига қарашибади. Қизиллар Эрон гиламлари, түя сандиққа солинган хитой шойиларини аравага юклаб олиб кетишиди. Кимдир бобонгни унта кузада тилласи бор, деб сотган, топишолмагани учун қизиллар уни итдай отиб ташлашиди. Тиллалардан бир қисмини бобонгнинг ақа-укалари бир кузадан булишиб олиб, хорижга равона булишди. Уларнинг болалари ҳануз турли давлатларда яшашыпти.

Бобонг узига тегишли бир кузани тишининг көвагида асраб, қирғиз оғайнисининг маслаҳати билан форға берки-

тиб тушганди. Уни ўттиз йил пойлади. Совет ҳукуматидан қўрқиб, бир донасини ҳам ишлатолмади. Дадаси золимларнинг үқидан яксон бўлганини унутмаганди. Тилладан хабар олгани охирги чиқишида бошида туки бор илонни кўрди-ю, юраги ёрилиб кетди. Уйимизга келиб, тилдан қолди, эртаси куни қазо қилди. Энди тиллани пойлаш дадангга қолганди. У кўп марта булиб-булиб ишлатиш ҳақида сўради, мен кўнмадим. Раҳматли даданг олтмишга кирганда фор оғзидан сирғаниб, харсангта қулади-ю, қораталоги эзилиб, уч ой ётиб:

- Бойликни ишлатиш якка фарзандим Хосиятга насиб этсин, эй, Худо, ўзинг мадад бер! - дея Яратганга илтижо қилди. Сен тоқقا кетгач, эшигимдан киргунингча Худодан омадингни, тан-жонинг соғлигини сурадим. Кечаси тинмай ибодат қилдим. Худога ёлбордим. Агар сен ҳам олиб келолмасанг, бойлик қўлдан кетарди. Уни ҳеч ким тополмасди. Худойимдан ургилайки, аёл бошинг билан илонни ўлдирибсан. Бу - хазина сенга насиб этганидан далолат. Энди эҳтиёт бул.

Биласанми? Авваллари тилла ҳақида гаплашсак, ҳаммазининг тушимишга уша илон кириб гапирарди. Шошилма! - дерди донишманд чолдек. Энди сен аждодларимиз нуфузини тиклашинг, хориждаги қариндошларимизни излаб топишинг керак. Даданг уларнинг руйхати, манзилини ёзиб қўйган. Агар шу ишга астойдил бел боғласанг, катта одамга айланасан. Мен қирқ йил үқитувчилик қилган булсам, неварам шундай булишини орзулаганман.

- Буви, Худо хоҳласа, юзга кирасиз, ниятингизга етасиз. Эрта-индин машина олсам, сизни Тошкентта, Самарқанд-у Бухорга олиб бораман.

- Иншооллоҳ, аммо унутма! Хазина қонлар, жонлар эвазига етиб келди. Катта мақсадлар йулида ишлатсанг, аждодлар руҳини шод қилсанг дейман, акс ҳолда улар безовта бўлишади. Бойлик буюрмайди. Узингга ҳам ҳало-кат келтиради. Тушундингми?

\* \* \*

Учовлари кечки пайт Хосиятнинг шаҳар марказилаги квартирасида учрашдилар. Хосият кечагина Тошкентдан

келган, икки шерик ундан янгилик кутишарди.

- Тофам эллик минг доллар жұнатибди. Күчмас мулк олиб ишлатиб туришимни тайинладилар.

- Режанг борми?

- Аввал сизларни әшитай-чи!

- Менда битта таклиф бор,- гапга қушилди Ақмал, - "Адам делавой" марказдаги ресторанини битирибди. Сотармиш. Олиб ишлатсак, яхшигина даромад келтиради.

Хосият үйланиб қолди. Таклифда жон бор, бошқа соҳалар билан шуғулланиб юрмасдан ресторанни олса, унга обрӯ келтиради. Ресторан кимники? Хосиятники! - деган гап замирида хурмат, шон-шуҳрат, куч-қудрат бор эмасми?

- Оламиз! - деди Хосият кескин, - бироқ иш юритишга пулни икковингиз сарфлайсиз.

Авазнинг шашти пасайди. Ақмал негадир хаёл сура кетди.

- Очифини айтсак, Хосиятой, - гап бошлади юмшоққина қилиб Аваз, - биздаги озгина пулга ресторанни юргизиб булмайди. Пулни сен сарфляйсан, биз содиқ одаминг булиб ишлаймиз. Тепада Худо битта бўлса, сен билан дилимиз бир! Битта кемадамиз, қайтиш йуқ!!

Аваз шу ерда тухтаганда Ақмал гапни тортиб кетди.

- Мәҳнатимизга, садоқатимизга яраша ҳақ тұлайверсанг, сенга панд бермаймиз. Болалиқдан бирга устганимиз, сени алдаб ёки сотиб нимага эришардик? Бизда бунақа "казёллик" йуқ!!

Хосият икковларига майда-чуйда харажатларга икки юз доллар пул берди.

- Бозор куни "Нексия" оламиз. Ақмал, уни сен минасан. Энди машинада битирадиган ишларимиз купайди.

Уч кундан кейин ресторанни куришди. Икки қаватли, куча томони ойнаванд, ёзлик зали бор, томидаги майдондан ҳам фойдаланса булади. Мұхташам меъморий кури-нишдаги бино шаҳардаги куркам иморатлардан эди. Хосият шундай мулкка эга булаётгани учун ич-ичидан фуурланиб кетди. Яйраб-яйраб унга тикилди. Мақсадлари томон катта қадам ташлаганидан хурсанд эди. Орзулари ушалганда кечадиган түйғулар тулқынлантираётган, ҳаёт

ва дунёниг жозибали қирраларини очаётган эди. Ўзини дадил, фуурли, ҳамма нарсага қодир сеза бошлади. Залга қўйилган замонавий стол-стуллар, эшик ва деразалардаги элита пардалар Европадаги замонавий ресторонларнидан қолишмас эди. Буларга боқиб завқ-шавққа туларкан, аждодлар руҳи қуллаяпти, дея севинар эди.

- Нега сотмоқчисиз, Адҳам ака? - сўради Хосият бепарво кўринишда, - умид билан қургансиз-ку!

"Делавой" шошилмади. Саволни жавобсиз утказиб юбормоқчими ёки булар ишонадиган далиллар ўйлаяптими, билиб бўлмасди.

Уларни кичик заллардан биридаги столга таклиф қиласкан:

- Очифи, чарчадим, соғлигим яхши эмас, чет элга бориб даволанмоқчиман. Бундан ташқари, мен пулни ариқдан сузуб оляпман-у айримлар қуруқ қолаётгандай ичқоралик билан қарашади.

- Э, ҳожи ака, - орага суқилди Аваз, - сиз бор жойга унчамунча текширувчи тумшуғини суқавермайди. Ўзингизга яраша обрўйингиз, таниш-билишларингиз бор.

- Шундайку-я, - чайналди "делавой", - соглигинг безовта қилиб тургандан кейин бойлик ҳам, обру ҳам кузга куирнимас экан.

Ақмалнинг назарида, ҳожи ресторанни сотишдан асл мақсадини ҳеч қачон айтмас, бойиш усулларидан бири - режаларини сир тутиб амалга ошириш эди! Чертсангиз бетидан қон томадиган, юз миллионлаб пулга эга одамнинг шу ёшда соғлиги панд беришига ишониб бўлмасди.

- Шунчаки сўраб қўйдик-да, ҳожи ака, Худо шифосини берсин!

- Раҳмат, биродар!

- Гап бундай, ҳожи ака, бизга сал арzonроққа берасиз. Кигиз сотсанг, қушнингга сот, четида узинг утирасан, дейишган эскилар. Насиб қилиб олсак, ресторанимизнинг тури сизники!

Енгил кулги кутарилди.

- Албатта!

- Ҳа, айтгандай, - "делавой"нинг тирсагидан ушлади Аваз,- ҳожи ака, ресторанингизнинг алоҳида хонаси бор-

ми? - деди машхур кинодаги Иван Васильевичнинг гапига ишора қилиб.

- Сизлар учун топамиз, фақат вақтинча шоҳ вазифасини бажариб, Марфа Васильевнани олиб келсангиз булгани!

Ҳамма кулиб юборди.

Ресторан етмиш минг долларга нархланди. Эллик минг нақд, қолганини икки ой ичида олади. Учовининг назарида, ҳожи негадир қишлоқ четидаги эски тегирмонни сотаётгандай бепарво савдолашди. Ҳаракатларидаги маънони билиб булмаса-да, мақсадни ошкор этмаслик ҳисобига муддаога осон етишни танлагани ойдинлашди...

\* \* \*

Бир ойдан кейин Хосият яна Тошкентта хазинасидан бир қанчасини кутариб борди. Заргар бир нечта тангани кафтига олиб, термиларкан:

- Асл мол, - дея завқланди, - бунақасини ҳозир топиш қийин.

У Хосиятга бироз маъноли қараб турди-да, оҳиста гап бошлиди.

- Сураганнинг айби йўқ, Хосиятхон!  
- Бемалол.

- Ҳамма топган пулинни тилла ёки долларга айлантириб босиб қўйса-ю, сиз пулга айлантираётганингизга тушунолмаяпман. Дунё мафияси сизга яқинда тилла арzonлайди, дея хабар бергандай иш тутяпсиз-а?! - жилмайди заргар.

- Жа-а маркамизни кутариб юбордингиз, aka! Мен уртада воситачиман, холос. Ҳазинанинг асл эгалари бошқалар!

Хосият узи ҳақида баланд фикрланаётганидан ҳузур қилиб жилмайди, ҳатто олдидаги одамга ҳурмати ортди.

- Менга фарқи йўқ, асалим! Фақат шунча катта бойликни аёл кишига ишонаётганларга тушунмаяпман? Наҳотки, сиздай гўзалдан бошқа ишонгандари бўлмаса?! Бунақа ишларни куз очиб юмғунча битирадиган учар йигитлар камми?

- Тўғрику-я,- чайналди Хосият, - уларнинг ишончига кирганман шекилли...

Саиджон заргарлар авлодидан бұлса ҳам анчадан бери тоза тангалар қулига тушмаган, уларни ёшгина аёл күтариб келгани мантиққа түгри келмаслиги жиддий үйлантирапар, ортидан айғоқчи қуйилган бұлса, боши берк күчага қисиб келишидан хавотирда эди. Хосият унинг ҳадигини тушунди.

- Ака, - деди мулойимлик билан тагдор қилиб, - мен курган-кечирған одамлар авлодиданман, сиздай зотларни тутиб бергандан кура, кучада гадолик қылганим афзал!

Заргар хижолат бұлды, аммо бойлик Хосиятта тегишли эканини тушуниб хотиржам тортди ва аёлга ҳурмати ортди. Зудлик билан ишини битирди. Хайрлашиш олдидан уни бир пиёла чойга таклиф қилди. Режа учун қулай имконият туғилганидан севинган Хосият таклифға розилик билдірди.

- Сиз күпни танийдиган одамсиз, - гап бошлади орадаги жимликтен бузиб, - битта жиддий илтимосим бор!

- Хуш-хуш, - қизиқсанды заргар чой узатаркан.

- Туркия, Саудия Арабистонидаги танишларингиз орқали қариндошларим билан алоқага киришишимга ёрдам берсанғы, бошим осмонга еттан бұларди.

Заргарнинг Хосиятта нісбатаң қизиқиши янайм ортди. Чиндан катта одамларнинг авлодидан, бирорлар тилласиға воситачи әмаслигига ишонди.

- Аниқ манзиллари борми?

Хосият сумкасидан рүйхат олди. Заргар күз югуртириди, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Улар номи чиққан ишибилармөнлар, йирик сармоя эгалари эди. Бир аёлга, бир рүйхатта қараб ишониш-ишонмасликни мuloҳаза қилиб турғанда, миясига зарб билан ургандай Хосият гап бошлади.

- Ҳайрон бұлманг! Ҳозиргача имкониятимиз булмагани учун улар билан алоқага киришмаганмиз. Энди юзма-юз гаплашаверамиз.

- Сир булмаса, мана бу Мустафобей кимингиз бұлади?  
- Бобомнинг набираси!  
- Содиқ Юсуф-чи?  
- Бобомнинг акасидан қолған ягона зурёд!  
- Саудиядаги Мұхаммад Маҳмуд кимингиз?

- Бобомнинг тоғасидан қолган кенжә ўғил!
  - Яшанг, Хосиятхон! Шундай катта одамларингиз бор экан-у, bemalol юришиңгизни қаранг!
  - Қанот чиқариб учиб кетайми? - самимий ҳазиллашди Хосият.
- Мен бир ҳафтада аниқ жавоб айтаман, ҳар ҳолда ишиңгизни тез ва осон битиришга ёрдамимни аямайман. Маслаҳатим, сармояни эҳтиёт қилинг, ҳамкорликка асқотади.

\* \* \*

Хосият йигитлар билан ресторанни ишга тушираётган кунлари Тошкентдан заргар қунғироқ қилиб, зудлик билан келиб кетишини тайинлади. Гарчи мақсадини айтмаган булса ҳам Хосият муддаони тушунган, қариндошлари билан алоқага киришиш истаги билан ёнаётгани учун, Акмал билан пойтахтга жунаб кетди.

- Хуш келдингиз, Хосиятхон! ·
- Хосият заргар бу қадар очиқ чехра, тавозе билан кутиб олади, деб уйламаган эди.
- Айрим қариндошларингиз билан боғланишга муваффақ булдим.
  - Раҳмат ака!
- Анчадан бери сизлардан хабар кутишаётган экан. Насиб қылса, Мустафобей эртага пешиндан кейин Истанбулдан учиб келади. Мен сизни у билан учраштиришга ваъда бердим.
- Сиздан миннатдорман, ака! Биз нима қилишимиз керак?

- Мен унга меҳмонхонадан жой буюриб қўйдим. Бир кунга келади. Ишларни келишиб олинса булди.

Заргар Мустафобейдан унумли фойдаланишни кузлаётганини Хосият тушунди. Унинг ишончли ҳамкор бўлишини уйлаб, кўнглига яхши ниятларни тугиб қўйди.

- Бугун меҳмонимсиз, ҳеч қаёққа кетиш йўқ. Шаҳар четидаги дала ҳовлига - эртага Мустафобей билан гаплашиладиган оромгоҳга бориб бир пиёла чой ичсак!..

"Сайд заргарнинг диди чаккимас, - дачанинг гузал ва шинамлигини куриб уйлади Хосият,- шаҳарда ҳовли, уч

хонали квартира, туманда оромгоҳ, алоҳида хизматкорлар, булар ҳамманинг қулидан келадиган иш эмас, яна шаҳар марказидаги мижози кўп заргарлар унинг шогирдлари, ҳар ой ҳиссасини келтириб беришади. Балки барча заргарлик дуконалари узиникидир.

- Шогирдларимдан хурсандман, - айлана столга ўтиришгач, бемалол суз бошлади заргар, - шу жойни олиб беришганди, шаҳар шовқинини кутаролмай қолсак, жонимизга оро киряпти, қолаверса, хорижлик нозик меҳмонларга ҳам бир-икки кечага кунимгоҳ буляпти.

Хосият атрофга назар солди, гулзор, хиёбонлар, манзарали дараҳтлар рангига, қиёфасига қараб жойлаштирилган, арча алоҳида қаторда, икки йул мажнунтол экилиб, ариқда сув юргизиб қуйилибди, меванинг барча ноёб турларидан бор, қарагай қаторининг ортида каттагина кул, суви тип-тиник, зилол. Курган одамнинг суқи киради. Бунақа манзарани бирорта туманда топиш қийин. Бир қаторга жойлаштириб қурилган иккита икки қаватли бинонинг деразасидан арчазор ва кул худди расмлардагидай кузга ташланиб туради. Хиёбонга сувлар сепилған, икки нафар боғбон уз иши билан машғул.

"Сайд заргар шаҳарнинг атанган бойимас, аммо шунча мулки булса ҳам кичкина дукончаси бордай камтарона юришини қарант! Бойийман, ёмон күзлардан эҳтиёт була-ман деган одам шунақа пишиқ ва камтар бўлармикин? Буни эътиборга олиб қуяман!"

Дугонаси Нигина билан биринчи марта борганда камтаргина турган Сайд заргарни куриб:

- Жа, дагарга ухшамайди, шекилли? - деганида:

- Бу одамнинг ўнги ичида! - деганини эслади.

Шоҳона кечки овқатдан кейин кул атрофини айланишиди. Гузал манзаралар, зилол сув, сабода япроқлар шивири, кум-кук утлар - қалбга ором беради, руҳиятда ажиг кечинмалар, нозик туйгулар ва муҳими, файрат уйғотади. Минг хил рангда товланиб, патларини ёйиб турган товусни, уттиз метрча келадиган симтурли хонада диконглаб юрган кийикни курди-ю ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Одамнинг тушига ҳам кирмайдиган ҳодисалар кечинмаларни остин-устин қилиб юборди. Хосиятнинг юрагида

заргарга нисбатан илиқ түйфулар уйғотди...

- Үнги ичида экан! - ўйлади Хосият заргарга қараб...

Икки қаватли бинода чарчагунча тенниң үйнашды, сұнг душ қабул қилиб, ётоқларга киришди. Анчадан бери әрқақдан узоқ юрган Хосият илк марта Саид заргарни ўйлаб ётди. Элликка яқынлашган эса-да, сочига оқ ораламаган, уктам йигитлардай қадди тик, сузлаганда табассумга мойил күзларини қисиб туриши үзига ярашган бу одам борган сайин унинг юрагига ўрнашаёттанини үзи ҳам сезмаётган эди...

Әртаси куни түшга яқын Тошкент аэропортида Мустафобейни кутиб олишди. "Мерседес"га жойлашишгач, заргар уларни таништируди.

- Бу хоним - мен сизга айтган Хосиятхон!

- Жуда-жуда хурсандман, Хосиятхоним. Танишганимдан баҳтиёрман.

- Мен ҳам! - құл узатди Хосият.

- Сиз билан күришмоқни анчадан бери ният қилиб әдик.

Насиб шу кунга экан, Аллоҳга шукр!

- Сизлар ҳақынгизда бобом гапириб берғанлар. Сиз, катта бобомнинг набираси Мустафобей буласиз, шундайми?

- Туғри топдингиз! Носир афандининг кенжә үгиллари!

- Ҳозирда Истанбулда туришингиз ҳақида эшитгандим.

- Ҳозир иш важхидан Анқарада яшаётирман. Битта корхонамизни үзим бошқаришимга туғри көляпти. Оёққа турғизгандан кейин ишончли вакилга топшириб, Истанбулга қайтаман! Үзингизни қаердан сураймиз, хоним?

Хосият жавоб беришігә оғиз жуфтлаганда Саид заргар:

- Узр, бей афанди, - деди мұлойим овоз билан,- нарсаларингизни аввал меҳмонхонага қыйиб, сунгра бизнинг дала-ҳовлиға үтсак!

- Сизни уринтириб құмасмикинман, Саид афанди?

- Асло! Кулбамизга қадам ранжида қилиб, бир пиёла чойни бирға ичишдек баҳтга мұяссар қылганингиздан бошимиз осмонга етади!

- Саид аканинг боғлари шаҳар шөвқинидан узоқ, суҳбат учун қулай!

- Шундайми? - Хосиятта қаради Мустафобей.

- Бобо юртингиздаги гўзал жойларни кўрсангиз кайфиятингиз кутарилади.

Мустафобей шаҳардан ташқарида, салқин жойда утирасак, деган фикрда бўлгани учун даъватга эътиroz билдири мади, ҳатто ниятни аввалдан билганлари учун хурсанд булди. Дала-ҳовлида Мустафобей очилиб кетди. Табиат манзараси, сулим ҳаво, зилол сув - шаҳар толиқтирган одам учун айни роҳат! Яйраб чой ичди. Сунг Хосиятдан ота-оналари, боболари, ҳозирги қариндош- уруғлари, узининг нима касб билан тирикчилик қилаётганини суриштируди. Батафсил маълумотлар олгач, узлари ҳақида гапирди. Истанбул, Анқара ва Олмониядаги корхоналари ҳақида айтиб бергач, Хосиятнинг режалари билан қизиқди.

- Ниятим - сизлар билан яқиндан танишиш, бордикелди, ҳамкорлик қилиш...

- Яъни қандай?

- Водийда қўшма корхона очсан дейман...

- Ресторанингизни ким бошқаради?

- Узимизга қарашли одам.

- Ресторанингиз қошида ширинлик ишлаб чиқаришни йулга қўйсак! Мутахассислар етарлими, хом-ашёни арzon топиш мумкинми?

Тажрибасиз Хосият катта ишбилармон олдида шошиб қолди. Шаҳардаги "Супер ГОЛД"ни эслади. Унинг эгаси ҳам дастлаб турклар билан иш бошлаганди.

- Ўйлаб куриб, кейин маълум қилсам буладими?

- Албатта, хеним!

- Бу сафар шошиб келганим учун куп нарсалар ҳақида батафсил келишолмаймиз. Аммо яна келаман, қишлоқни зиёрат қиласман, айрим ишлар ҳақида уша ернинг узида гаплашиб олсак уринли булар... - Хосиятга сирли термулди ва унг кузини қисиб қуиди у. Хосият Мустафобейнинг бу ердагилардан сир тутилиши лозим булган ишларни назарда тутаётганини тушунди ва сирли нигоҳ билан жавоб қайтарди...

Сайд заргар ўз таклифини айтиш учун мавриди келганини тушунди ва дам утказмай суҳбатга киришди.

- Иккимиз манфаатдор буладиган режаларимни айтишга журъат этмоқчиман.

- Сузлайверинг, Саидбей!
- Тошкентда заргарлик дуконларим, шогирдлар анчагина, яна олти нафари Европада малака ошириб келди. Мақсадим - Туркияning катта шаҳарларида бир-иккита-дан заргарлик дуконларини очсак!

Мустафобей бир оз үйланиб қолди. Мулоҳазалари охирига етгандан кейин заргарга қаради:

- Дуконларда фақат тилла буюмлар сотиладими?
- Аввалига аёлларнинг тилла тақинчоқлари ва зеб - зийнатларини таъмирлаш ва ясаш билан шуғулланишади, кейинроқ имкониятга қараб, Россия орқали тилла тақинчоқлар савдосини йўлга қўямиз!

- Россияга боғлиқ ишларни ким зиммага олади?
- Худога шукр, ишбилармон танишларимиз бор, расмий идоралар билан битадиган қисмини бироз келишиб ҳам қўйганмиз. Туртта шаҳардан дукон олишга ёрдам берсангиз ва озгина маблағ масаласига елка қуйиб юборсангиз бас! Қолганини үзимиз эплаймиз. Шунга нима дейсиз?

- Мен юртга бориб, одамларимиз билан кенгашаман, кейин сизга хабар бераман, иншооллоҳ, бу масала биз томонга ҳал булажак!

Шундан кейин мезбонлар Туркия ҳақида, меҳмон эса Узбекистон ҳақида дилга туғиб қўйган саволларга жавоб олишди. Мустафобей Узбекистонда бизнес учун бугунги имкониятлар, қонуний асослар, маҳсулотларни экспорт қилиш қоидаларининг майда-чўйда жиҳатлари, ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган йирик фирмалар, кузга куринган ишбилармонлар ҳақида суриштириди. Хосият билан Саид заргар эса Туркиядаги ҳаёт, бизнинг маҳсулотлардан у ерга жўнатиш қоидалари, мамлакат саноатининг бугунги аҳволи ва ниҳоят, Германия билан алоқалари хусусидаги саволларига жавоб олдилар. Суҳбат қизиб, кечки тушлиkkacha давом этди.

Эртасига Мустафобейни кузатиб, аэропортдан қайтишгач, Саид заргар Хосиятни четроққа тортди. Кўзларида ҳаяжон, унинг билагидан беозоргина ушлади.

- Тёз-тез қуришиб турсак, Хосиятой!

Хосият заргарнинг кўзига тикилди. Аёл туйғуларига эътиборли экани билиниб тўтарди... Илиқ нафасни тана-

сида ҳис этиб, кунгли алланечук яйраб кетди. Икки қалбда пайдо булаётган кечинмаларга Акмал эътибор бердими-йуқми, Хосият аниқ айтольмайди, аммо хаёлчан булиб қолгани эътиборидан четда қолмади шекилли, қишлоққа кириб келишганда гап орасида шундай деди:

- Бизнес одами совуққон бўлиши керак! - Бу фикрни пинҳона рашк туфайли гапирдими, мақсаддан чалгимаслик учун айтдими - аниқ билолмади. Чунки Хосият барча туйғу ва кечинмалардан муҳимроқ - бувисини оламшумул воқеа билан хурсанд қилиш фикрида ёнаётган эди.

\* \* \*

Ресторанг Авазни директор этиб тайинлашди. Бир неча кундан кейин очилиш маросимини утказиш учун Хосият шаҳардаги кузга куринган бизнесменлар билан маслаҳатлашди.

- Ҳокимият билан келишмасдан иш қилиш қийин. Бинони куриб бергандай маросим кунини улар белгилайди. Таклиф килинган расмий кишилар ва нозик меҳмонларга бир пиёла ҷой ташкил қиласиз!- дея маслаҳат берди Воҳид тадбиркор,- уларни таклиф қилинг, шундай куркам ресторанни ишга туширганингизни куришсин, қулларидан келса, юргизишга ёрдам беришсин!

Иккинчи қаватдаги шинамгина хоналардан бирини офис қилишган эди. Хосият қош-кузини буяб, пардозни ухшатиб, ҳокимиятга жунаётганда Акмал:

- Тўхтанг, хоним, - деди ярим ҳазил - мутойиба билан, - тор шим, баданингизга ёпишган кофтада ҳоким ҳузурига боришингиз узбекчиликка туғри келмайди! Супермаркетга бориб, раҳбар аёлларни салобатли курсатадиган костюм-юбка сотиб олинг! Сочингизни силиқ тараб борсангиз, ҳоким жаноблари ҳурматингизни жойига кўяди.

Замонавий кийимга урганган Хосият бироз уйланиб қолди. Ҳозиргача бирорта ҳоким билан гаплашмаган, қабулига кирмаган аёл учун бу гаплар янгилик эди. Акмал билан супермаркетта равона булишди...

... Акмал билиб гапирган экан. Ҳоким Хосиятни ўрнидан туриб кутиб олди ва ўринбосари билан гаплашиб, икки кундан кейин тақдимотни утказиш ҳақида хабар қилишла-

рини билдириди.

- Келгуси режалар қандай? - юзланди ҳоким.

Воҳид тадбиркорнинг ўргатганлари ёдига тушиб, дарров ўзини қўлга олди. Ҳокимнинг синовчан кузларига қараб, мулойимлик билан гап бошлади.

- Узингиз қуллаб турсангиз, озгина ободонлаштиришга ҳисса қўшсам, ресторон ёнига ширинликлар ишлаб чиқарадиган бино қурсам дегандим.

- Ҳамкорларингиз бор деб эшиттандим.

- Улар билан ҳозирча амалий иш қилмадик, аммо режаларимиз бор. Худо хоҳласа, яқинда туркиялик ишбилармон Мустафобей ташриф буюради. Албатта, сизни огоҳлантираман. Вақтингизни аямасангиз айрим нарсаларни биргаликда келишиб олардик.

- Сиздек тадбиркор аёлларга, албатта, вақт топамиз. Хабарлашиб турайлик.

Гап оҳангидан ҳаммаси айтиб булинганини сезди. Ҳоким уни қабулхонагача кузатиб, қул бериб хайрлашди. У ҳали ҳеч бир расмий идора бошлиғидан бу қадар қадрқиммат ва ҳурмат курмаган, маданиятли муносабатини юрагидан утказмаган эди. Бинонинг сунгги зинапояларидан тушаркан, кайфияти баланд, қушдай енгил эди.

Уни курган Ақмал:

- Туғри айтибманми?- дея жилмайди.

- Сени биринчи маслаҳатчим қилиб тайинлайман, каллангта қойилман. Раҳмат.

- Куруқ раҳматни пишириб ейманми?!

- Немисча ҳисоб-китоб қиласилик, демоқчимисан?

- Тушунган одамнинг садағаси кетсанг...

- Бугундан ойлигингга юз доллар қушилди!

- Пулингиз кўпайсин, Хосиятхоним!

Улар офисга етиб келганларида Ақмалнинг телефони жиринглади.

- Эшитаман!

- Ақмалжон, озгина муаммо чиқиб қолди.

Бу Хайир aka эди.

- Тинчликми?

- Келсангиз айтаман!

- Хўп.

Хайир аканинг ташвиши Акмалнинг рангида ифодасини·тотганини Хосият тушунди. Унга юзланди.

- Билиб келаман!- деди-да, стол устидаги машина калитини олиб чиқиб кетди.

Экинзор марказдан уттиз километрча булгани учун Хайир ака куп кутмади. Тол салқинидаги сўрида эндиғина чой ичишга ўтиргандай Акмал етиб келди. Хайир аканинг бемалоллигини кўриб, бироз тинчлангандай булди. Аммо бор гапни билмагунча кўнгли жойига тушмас эди. Сурашибни шамол тезлигига қиёмига етказди-да, каравот чеккасига жойлашиб, Хайир акага қаради.

- Кеча начайлик одам юборган экан!

- Хўш?

- Ернинг эгаси учрасин дебди!!

Акмал бу ерда жавобгарлик билан алоқадорлик сезмади. Зоро, нашазор эгаларини қамаш керак бўлса, бошлиқ менга учрасин, деб ўтирумайди. Расмий одамлари билан акт туздиради, нашазорни ёқиб юборади, сунг жиноятчилар билан гаплашади.

- Нима қилиш керак, Хайир ака?

У бир оз ўйланиб турди-да, Акмалга синчковлик билан назар ташлади. Начайликка бериладиган ҳисса масаласини Ҳамидулла билан келишмаганмисизлар, демоқчилигини Акмал тушунмагани учун сигаретани товони билан эзғилаб учирди-да, шеригига юзланди.

- Ҳосил пишиб, йигадиган вақт келди. Бир ҳафтада сотиб юбормасангиз бўлмайди! Аввал эса бошлиқни тўйдириб биз томонга қаролмайдиган қилиш керак.

- Унга қанча бериш керак?

- Ун минг "куки" етади! Бу ерни текислаб ташлагунимизча кўзини юмиб туради.

- Қандай йифиб оламиз?

- Узимизникиларни ишлатиб бўлмайди. Мардикорларни Қирғизистондан олиб келаман. Фақат улар қимматроқ ишлашади.

- Барига қанча кетади?

- Йиғиштириш билан иш битмайди, йигит! Майдалаб қопга соламиз, Россияга тайёрлаймиз.

- Барча харажатни ҳисобланг-чи?

- Мен аввал анавилар бу йил қанчадан ишлаётганларини билиб айтаман.

- Демак, эртага хабарлашамиз.

Акмал кечки пайт милиция бошлигининг олдига кириш учун постдан рухсат суроётганда полковник унинг кимлигини сўради.

- Мени Хайир ака юборди! - деди Акмал ургатилган боғча боласидай.

- Кўчада кўришамиз!

Бошлиқ ташқарига чиқиши билан Акмал "Нексия"дан тушиб, мулозамат учун олдига борди.

- Ўтириш, четроққа чиқайлик! - деди машинага имлаб.

Адирлик жойларга етиб келгунча бошлиқ бир оғиз гапирмади. Акмалда чучиш, ҳадиксираш борлиги учун узини унгайсиз тутар, миясини туман қоплагандай фикрини жамлолмас эди. Машина дала йулига бурилгандан кейин:

- Тухта! - деди бошлиқ буйруқни оҳангидга. Долларни беришга тортиниб турганди.

- Тезроқ қимирила! - деган буйруқни эшитгач, шошганча пулни узатди. Ва оғир юқдан халос булғандай енгил тортди.

- Акмал!

- Эшитаман, ака!

- Бир ҳафта муҳлат: тариқдай баргини қолдирмай, йифишириб, урнини ҳайдатиб қуй, тушундингми?

- Хўп, ака!

- Кетдик.

Иш хамирдан қил суғургандай битгани учун хурсанд булди. Аммо экин ва ўзи ҳақидаги барча маълумотлар аниқ етиб борганига қойил қолди. Улар уртасида алоқа бор, пул билан битадиган ишларни бемалол келиб, ҳал қилса булаверади. Унинг пора олишига бутун ўзи шахсан гувоҳ булди. Камгап, ишни конкрет битириши ёқди. Одам деган чайналиб утирмасдан шунаقا ишлаши керак. Ортиқча гапларга урин ҳам қолдирмади, деган хаёллар билан кетиб бораарди.

Бир соатдан кейин хиргойи билан кириб борганда Хосият ҳаммаси жойидалигини билиб, асаби жойига

тушди. Утган гапларни муҳокама қилиб утиришганда, Хосиятнинг телефони чиройли мусиқа чалиб, сергак тортириди.

- Алло! Ассалому алейкум, Хосиятхон, омонмисиз?
- Э, Сайд ака, қалайсиз?

Акмал вазиятни тушунди ва рашкини енгиб, ташқарига чиқиб кетишга мажбур бўлди. Хосият гаплашаётганда бирор қараб туришини ёқтирмасди. Заргарнинг кунғироғини кутган, соғинч безовта қилаётгани учун кузлари порлаб, лабларида табассум пайдо бўлди.

- Ишларингиз яхшими, Хосиятхоним?
- Шукр, ҳаммаси жойида!
- Маросим қайси кунга белгиланганини билмоқчиман.

Икки оғиз дил сўзларимни айтишни режалаشتиргандим.

- Бошимиз осмонга етган буларди, ака! Сизни олис йулга чорлаб, уринтириб қўймаймизми?

- Юзингизда табассумни куриш биз учун баҳт! Дил сўзларимни изҳор қилиш имконини кутиб яшаяпман.

- Ҳоким билан учрашдим, узимиз хабар қиласиз дейишди. Маросим кунини аниқ қилишгандан кейин сизга айтаман.

- Купга чузилмасмикин?
- Узоққа кетмоқчимисиз?
- Йуқ! Сизнинг хусну жамолингизни тезроқ куриш истагидан бошқа муддаомиз йўқ, асал!
- Жуда хурсанд қилиб юбордингиз-ку, ака!
- Сизни хурсанд куриш баҳтини үлчайдиган тош-тарозу бормикин?

- Худодан сизга соғлик, омад тилаб тураман!  
- Омон булинг, гулдай очилиб юринг, Хосиятхоним!!  
Хосият Сайд заргар билан учрашгунча бизнес хаёлида юриб, аёллиги эсдан чиққанига ҳайрон қолди. Эркакларни ром этувчи, битмаган ишларга йул курсатувчи, эркакда ҳамкорликка интилиш туйғусини кучайтирувчи АЁЛЛИГИ билан яшаш, уни сайқаллаштиришни англаш - фикрлар эшигини очгандай булди.

Заргар юрагида ширин туйғулар уйғотгандан кейин ойнага тез-тез қарайдиган, фаранг атирлар сепадиган, ўзига оро берадиган бўлди. Бир вақтлар севимли бўлиш

түйгүсүни кечиргән бүлса-да, ўтган йиллар бу нозик ҳиссиётларни ташвиш ва савдолар остига күмганди. Чиройи түғрисида яхши таассурот қолдириб, кайфиятини күтариш учун ҳам ўзига оро бериш мұхимлігини англаб, севиниб қўйди. Заргарнинг эътибори, шириң түйгулар учун ундан хурсанд эди.

Хосият ресторанды ишламоқчи бўлганларга вазифасини тушунтириб булиб, хонасига кираётганда бўйнига осган "Нокиа"си мусиқа аралаш "Софиндим, согиндим" дея садо берди.

- Ассалому алейкум, Хосиятхоним!

Аёл Мустафобейнинг овозини таниди. Куюқ салом-аликдан қўнғироқ сабабини ўйлаб турганда, Мустафобей муддаога кучди.

- Сиз муҳтарамани безовта қилишдан ғараз шулким, эртага Тошкентга учяпман, насиб қилса тушдан кейин пойтахтингизда буламан.

- Келишингизга интизор эдик. Узим кутиб оламан.

Мустафобейнинг келиши бизнесда ёки шахсий ҳаётида янгилик содир қиласидигандай, Хосият эртаниги кунни ёқимли кайфият билан кутарди. Акмални чақириб, машинани Тошкентга тайёрлашни буюаркан, мұхим нарса ёдидан чиққандай ҳамкорига угирилди.

- Уни түгри уйга олиб келсакмикин?

- Албатта, қариндошингиз-ку!

- Ҳа-я!

Бироқ уйи чет эллик меҳмонни, хусусан, Мустафобейдек ишбилармон қариндошини олиб борадиган даражада ҳашаматли ва замонавий эмас! Шаҳардаги энг катта ресторанни олибди-ю, уй-жойини қайта қуриш, ҳеч булмаса, евроуслубда таъмирлатиш хаёлига келмабди. Энди нима қилиш керак?

Акмалга гапнинг учини чиқарувди, маслаҳати асослидей туюлди.

- У уйингизни кургани эмас, сизлар билан яқиндан танишгани келяпти-ку! Иккита аёлга буюриб, ҳовлини саранжом-саришта қилдириб қўйсангиз булди. Яна билмадим. Момонгиздан суранг, яхши маслаҳат чиқади!

Уйга бориб бувисини вазият билан таништириди.

- Худога шукр, аждодларимиз билан учрашадиган булдик, болам! Акмалжон түгри айтибди, у биз учун келяпти. Борди-келдини йулга қыйсак, кейинги сафар келишгунча янгича, қаватли уйлар соларсан! Уни яхшилаб кутиб ол, чиройли меҳмон қил, ишларини битирүшга ёрдам бер, қариндошларимизни суриштир.

- Хўп булади, бувижон!

Хосият ресторанга қайтаркан, Мустафобейнинг келиши ҳақида Саид заргарга айтиш ёки айтмаслик ҳақида уйларди. Юрагига қулоқ солса, аёллик нафси - Саид заргар билан учрашиш, суҳбатлашиш, қалбига чуқурроқ кириб бориш нияти қитиқлаб турибди. Бизнесни уйласа, ундан зарур пайтдагина фойдаланиб юравериш керак! Охири, муҳаббат билан бизнес, дунёвий ишлар ҳеч қачон келиша олмаслигини, иккисидан бирини танлаш зарурлигини англади. Бундай вазиятга биринчи дуч келган булса-да, тўғри - узига маъқул хулоса чиқарганига ишонди. Сунг "Мен шаҳардаги энг бой хотинга айланиш, боболаримга ухшаб катта-катта мол-мulkни тасарруф этиш ниятидан-ман-ку!" деган қарорга келди-да, булажак ишларни Саид заргардан сир тутишни лозим топди. Узил-кесил бу қароридан хурсанд булиб турганда, "Нокиа"си тилга кирди.

- Саломатмисиз, Хосиятхоним?

Саид заргарнинг овози Хосиятнинг кунглини аллақандай ширин туйғуларга тулдиргандай, кайфиятини кутарди. Ўзи билмаган ҳолда гаплашаётганини ёнидагилардан яшираётган қиздай ташқарига чиқди.

- Раҳмаг, Саид ака, ўзингизчи? Ишларингиз яхшими?

- Мен яхши, кайфиятингизни билиш, бирор ёрдамим керак булса бажону дил хизматингизда булиш нияти билан қўнгироқ қиляпман, дўстим!

- Бошим осмонга етди, ака!

Аёл қалбida меҳргами, қизиқишгами ухашаш туйғу пайдо булди-ю, овози титраб кетди. Заргарнинг гапиришидан қалбга яқин оҳанг ёки эҳтирос сезилар, бу нарса соғинчга ухшаб кетишини Хосият сал кейинроқ тушунди.

- Мустафобей сизга ҳам қўнгироқ қилган булса керак?

- Ҳа. Гаплашлик.

- Сизнинг олдингизга келганда бир йула мен билан

боғлиқ ишларини битириб кетмоқчи экан. Учрашувда менинг иштирокимни маъқул курмади шекилли, бирга бориш түгрисида ҳеч нарса демади. Улар билан муносабатда мендай тажрибали одам ёнингизда булса зарар қилмаса керак.

Хосият заргарнинг лутфу марҳамат қоришган гапларига жавоб қилишни билмай, ўйланиб қолди. Аммо ҳозир нимадир демаса, нокулай вазият туғилишини ўйлаб таваккал қилди.

- Келсангиз хурсанд булардим.

- Яшанг! Кўнглимиз бир эканини аввалдан билганим учун сиз билан боғлангандим. Сиз уни кутиб олиш учун Тошкентга келишингиз шарт эмас. Ўзим қишлоғингизга олиб бораман. Худо хоҳласа, эртага сизникоша куришамиз.

- Сизни хизматга қўйганимдан хижолатдаман, Сайд ака! Яхшилигинизни қачон қайтара оламан?!

Хосият заргарга нисбатан кунглида пайдо бўлган озгина қарздорлик ҳиссини сал эрта айтиб қўймадиммикин, деб ўйлаб турганда, заргар уни вазиятдан чиқармоқчи бўлди.

- Мени водийдан излаб келиб топгансиз. Очиги, сиздан курган фойдамиз олдила биз қиласидан хизмат денгиздан томчи ҳам эмас, хижолат бўлишга урин йўқ!

Хосият гаплашиб булгач, кунглида янги жараёнлар содир булаётганини, заргарнинг ошуфта муносабати таъсир қилганини ички сезги билан тушунган булса-да, тугал шамойилини тасаввур қилолмас, бундай пайтда ўзини тувишни билмас эди. Қалбининг нозик бир нуқтаси жаранглаб кетди-ю, аёлларини остин-устун қилиб юборди. Назарида, заргар Мустафобей билан келишдан муддаоси - уз туйғуларини, соғинчини Хосиятга сездириб, қандайдир муносабатлар урнатиш, Мустафобей билан унинг орасида ошиқона ришталар пайдо булишининг олдини олишдан иборатга ухшарди. Бу фикрлар бир лаҳзада кўнглидан кечган булса-да, уйчанлик қоплаган чехрасида кувончга ухаш из қолдириб утди.

Тошкентда содир бўлган ilk муносабатлар кучини ҳали ҳис этмаганди. Аммо ҳозир билдики, уша заиф, уткинчи туйғулар узоқ давом этувчи муносабатлар дебочасига ўхшаб, яшил баргда ялтираган қуёш нуридай баҳорий кайфият уйғотган эди.

\* \* \*

Саид заргар водийга бориш учун тайёргарликни буюмларини жойлашдан эмас, Хосият ҳақида баъзи маълумотларни аниқ билиб олишдан бошлади. Нигинани "Ором" кафесига кечки таомга таклиф қилди.

Бир неча кундан бери хаёли паришон. Хосият билан бир-икки марта гаплашди-ю, юрагига чуғ тушгандай, буйдоқ йигит ёш қизни севиб қолгандай, қалбида ошуфтаҳол кайфият сеза бошлади. Уктам қарашлари, ишдан бошқа нарсани уйламай, тоза фикр билан гапиришлари эътиборини тортганди. "Туғри, кийимлари қиммат, ўта замонавий эмас, қомати ҳам уртача, бироқ қарашларида тиниқлик, теранлик бордай. Энг муҳими, айрим аёлларга ухшаб эркакларга "Мен билганлардан қаери ортиқ, ёки заиф томонлари қайсилар экан", деб эмас, самимий хурмат билан қарайди".

Заргар бугун қўнфироқ қилишдан аввал айтмоқчи булганларини роса уйлаб курди. Олдига бориш учун топган баҳоналари кунглига ўтиришмади. Мустафобей қўнфироқ қилгандан сўнг туғилган фикри кунглини шундай қувонтирдики, озодликни эшитган маҳбусдай яйраб кетди. Ўзини қўярга жой тополмай бофни икки марта айланиб чиқди...

Кафеда суҳбатни нимадан бошлашни билмай турганда Нигина жонига оро кирди.

- Хосият билан гаплашиб турибсизми, Саид ака?

Сеҳргардай дилидагини топганидан ҳайрон булганча "ялт" этиб Нигинага қаради заргар.

- Ҳа, бир-икки марта иш юзасидан телефонлашдик. Бироқ мен уни яхши билмаганим учун гапимиз унчалиқ қовушмади.

Нигина заргарга қаради. Кузлари аксини айтиб турибди. Аёллар масаласида соддалигини эътиборга олмагани учун сири фош булганидан бехабар қолди. Қувгина Нигина Саиднинг Хосиятга муносабатини тахмин қилди. Номини тилга олганда унинг кузлари чараклаб, туси узгариб кетди.

- Сиз бизнес ортидан қувиб аёлларни унутиб қўйгансиз!- ошкора ноз билан гапирди Нигина,- қулфи дилини очади-

ган сөхрли сузларни билмайсиз.

- Соддалик курсин...
- Сизни тупори деёлмайман. Аммо бу туришда ун йилда ҳам күнглингиздагини тополмайсиз!

- Гапингизда жон бор. Бирс менга дугонангиз ҳақида гапириб берсангиз яхши була.

- Ҳа... энди үзингизга келя .из, Сайд ака!

Барча аёлларда бўлганидек, унда ҳам узга аёлга озгина файирлик, эътибордан қолиб кетаётганидан алам туйфуси бош кутарди, тухталиб қолди. Сайд билан бир-икки йил олдинги муносабатларини, минг ҳаракат қилишмасин, бир-бирларини тушунолмаганларини эслаб, "Балки Ҳоси билан тил топишиб кетар", дегандай фикрга борди-ю, рост гапиришга қарор қилди.

- Дугонам - тилла аёл. Эри жудаям булимсиз, қовушмаган одам эди. Ажраб кетишга мажбур булди. Турт йилдан бери бева. Унга файратли, сизга ўхшаган тадбиркор одамлар ёқади.

- Ҳозиргача узига ёққанни учратмаганми?
- Ҳаётига шунаقا одам кириб келганда мен билардим.

Орамиздан қил ҳам утмайди.

- Боласи бор, а?
- Кичкинагина ўғли, бувиси билан туради.
- Ота-онаси -чи?
- Утиб кетишган...

Сайд сұхбатдошимни суроқ қилаётган булмайин дегандай, мавзуни бошқа томонга бурмоқчи бўлди. Гап тўхтаганда, Нигина илиб кетди.

- Яқинда янги ресторон сотиб олди. Ҳорижда қариндошлари кўп. Ҳаммаси миллионерлар.

- Биласизми, Нигина, менга мол-дунёси эмас, беғубор табиати купроқ ёқади. Ҳурмат қилишга, қадрлашга арзидиган аёл экан...

- Севишга ҳам арзийди,- кулиб қўйди Нигина.
- Балки...
- Сайд ака, тортинманг, сизни тушунаман. Беш-олти йилдан бери сукқабошсиз. Ёққан аёл билан баҳтли бўлишга ҳаққингиз бор, туғрими?

Сайд бош қимирлатиб, "ҳа" ишорасини қилди. Ҳаёли

бир вақт иккови уртасида пайдо булган муносабатларга кетди. Дастрлаб бир-бирлариға ёққандай булувди. Учрашиб туришди. Бироқ заргар унинг характеристидаги үзига тескари қырраларга дуч келиб қолди. Эрига бўйсунишни истамаслиги, тортишиб қолганда эркак хурмати ёки үзининг аёллиги учун ён бермаслик, арзимаган сабаблар билан аразлаш иллатлари заргар қунглини совутиб юборди. Нигина орани иситищга ҳаракат қилди. Аммо соч толасидай нозик ришта аллақачон узилган, туйгулар унутилиб, иш юзасидан бўладиган муносабатларгина сақланиб қолганди, холос.

\* \* \*

Хосият кечки овқатдан кейин корейс сериалини кўриш учун ўз хонасига киргандан "Нокиа"си сайраб кетди.

- Ҳа, Нигин, қалайсан?
- Зур, кечагидан яхши!
- Ишларинг боряптими?
- Ҳа. Янгилик бор.
- Қанақа?
- Сайд заргар сен билан қаттиқ кизиқиб қолибди.

Унинг номини эшитиб қалбига илиқ туйғу қўйилган булса-да, суҳбатнинг давомини эшитишга интилди.

- Йўғ-э, мен билан нега қизиқади?
- Севиб қолганга ухшайди! - кулди Нигина.
- Кулгумни қистатма!
- Кузидан, гап-сузларидан сездим. Эҳтиёт бўл, ўртоқжон, бошингни айлантириб, Тошкентга олиб кетиб қолмасин!

"Бу гап менга сариёфдай ёққанини сен қаёқдан билардинг, дутонажон!" - ўйларди у.

- Биз ҳам анои эмасмиз! - йулига гапирди у.
- Бўпти, Хоси, омадингни берсин!
- Хуп...

Хосият боши айлангудай суюниб кетди. Нималар бўляпти ўзи?! Бирор кутилмаган воқеаларни атайлаб ҳаётига киритаётгандай туюлар, янгиликларга ишонгиси келмасди.

Айниқса, Нигина айтган янгиликни эшитганда денгиз-

дай қалқиб турған қалбига бурон ёпирилиб киргандай ҳаяжонланиб кетди. Тан оладики, кейинги уч-түрт йил ичида эркак зотини уйламагани учун пардоз-андоз қылмади. Демак, чиройи ҳам күзга ташланмади. Тенгқурларига ухшаб кузга куриниб қолганда нуфузли одамлар унга қизиқиб қолишиди.

\* \* \*

Офисга телефон туширилди, икки кундан кейин аппарат тұтиқушдай сайраб кетди. Ақмал гүшакни олиб:

- Сизни бир аёл сураяпти! - деб Хосиятта узатди.
- Эшитаман!
- Ҳа, ҳурматли дугонажон?

Аёлнинг овози шундай зарб билан урилдики, Хосиятнинг юраги ерга тушган тарвуздай "тарс" ёрилиб кетай деди. Кузи тиниб, боши айланди. Рангидә қон қолмади. Фожиа шарпасини сезгандай кузи қўрқинчли тусга кирди. Ақмалнинг: "Тинчликми, нима гап?" деган суроини ҳам эшитмади. Гушакни ташлаб юборишига озгина қолди.

- Нега овозинг чиқмайди?
- Ким... Кимсиз? Мен танимай... - аслида илк эшитгандай овозни таниган эди.
- Овозимни эсдан чиқардингизми? Эслатиб қуяйми?
- Мен.. ҳозир, мазам...
- Шошилманг, дугонажон, нега танимайсиз? У балиқларга ем булди, жиноятим очилмайди, деб уйлаганмидингиз?
- Йук, Ҳалима... яхшимисан, дугонажон?...
- Хайрият, энди үзингизга келяпсиз, уртоқ! Овозимни эшитиб, ҳушдан кетдингиз, деб уйлабман.
- Қаердан қунгироқ қиляпсан, ўртоқ?
- Нариги дунёдан, тушундингми, ифлос!
- Үндай дема, жон ўртоқ, ҳаммасини үзим тушунтириб бераман!...

- Бирдан үзимни куриб, юрагинг ёрилиб кетмасин деб қунгироқ қилдим! Учрашувга тайёрлан, эрта-индин кўришамиз.

Хосият гушакни қуяркан, ўзини ташлаб юборишдан чучиб, стулга суюнди. Сир бой бермоқчи эмасди. Ақмал

билан Аваз күнгилсизлик рўй берганини сезиши.

- Машинани юргиз!
- Мазанг қочдими, доктор-поктор чақирайликми?
- Йўқ, яхшиман. Тезроқ бул...

Үйга келиб эшигини ичидан қулфлади-ю, диванга чўзилди. Юрагини ваҳима қоплаб, аллақандай безовталик ёпирилиб кела бошлади. Ҳозир момонг улиб қолди дейишса, Ҳалима - тирик, дейилганчалик ваҳимага тушмасди. У ухломади. Бувисининг:

- Кизим, овқатингни еб ол! - деган илтижосига ҳам эътибор бермай курпага бурканди.

Ҳалимани сойга ташлаб юборганини ҳеч ким курмагани учун хотиржам яшарди. Виждан қийналганда йигитлар билан иchar, нашадан тортар, аччиқ изтиробларини аллақандай куч сидириб ташлагандай енгилларди. Ойлар утиб, жинояти билан боғлиқ изтироб ва хаёллари узоклашди. Узини Ҳалимани улдирмагандай, янги оламга кириб бошқа одамга айланиб қолгани учун Ҳалима тўсатдан фойиб булгани ҳақидаги миш-мишлар унга етиб келмаган эди.

Фожиасинги бирдан ҳис қилгандай титраб кетди. "Озгина тилла деб уртогимнинг жонига қасд қилдим, бойликка очмидим? Салкам бир куза тиллам бор эди-ку! Қинғир ишнинг қийифи қирқ йилда ҳам чиқишини билмасмидим? Билардим. Кузим кур, суқир эканман! Энди нима бўлади? Топган лаззатим виждан азоблари, эртанги хунук учрашувлар олдида сариқ чақага арзийдими?! Ҳалиманинг юзига қандай қарайман? Мустафобей келишига спектакль тайёрлаётган бўлмасин? Дабдабали кутиб олаётганимда олдига чиқиб: "Бунга ишонманг, афандим! Бир ҳовуч зар деб дустининг жонига қасд қилган аглаҳ сизга ҳамкор булармиди? Ҳа, Сайд заргар жаноблари, айниқса, сиз эҳтиёт бўлинг, қўйнингизга кирмоқчи бўлаётган аёл эмас, илон! Қонингизни суради, бор-будингизни тортиб олиб, буйнингизга арматура билан икки марта уради-ю, асфаласо-финга жунатади. Мен-ку, тасодиф билан тирик қолдим. Сизнинг ёшингиз катта, тил тортмай уласиз" деса, ҳамма ишнинг пачаваси чиқади-ку! Уни топишим керак! Меҳмонлар келиб кетгунча ишкал чиқмаслиги керак! Бироқ бу ҳақда Ақмал билан Авазга қандай тушунтираман?"

Бироздан кейин Ҳосиятни "Ҳалима прокурорга ариза берса, энди бошлаётган бизнесим орқага кетмайдими?" деган фикр қийнай бошлади.

- У қаерда экан? Шу ерда, узоқда бўлганда янги туширилган телефон рақамимни билмаган бўларди!

У Акмал билан боғланди. Бироқ хотинини касалхонага олиб кетаётгани учун икки соат ичида боролмаслигини айтиб узр суради. Ҳосиятнинг юраги орқага тортиб кетди. "Ҳосиятой, қандай хизмат бор?" деб кузимга қараб турадиган ёрдамчим шундоқ кунда касал хотини билан уралашиб юрадими? Эй, Худо, энди нима қиласман? Шу мингирлаган хотинни шерик қилишни ким қуводи менга? Ҳамма айб ўзимда. Нафси ёмонлик қилмаганимда бу ташвишлар йўқ эди! Кунглимга ёмон режа келмасди. Ҳозир янги "Ласетти"да юрарди. Хизматимга кирганда ундан-да бойиб кетарди.

Ҳосиятга бу гаплар'таскин беролмас, Ҳалима томонидан узиники даражасидаги ёмонлик қасос шаклида келишини ўйлаб, саросимага тушарди.

У ҳозиргача бунақа руҳий безовталикни кечирмаган, эсанкираб қолмаган эди. Тогда айиқ букирганда ҳам, форда илон ҳамлага интилганда ҳам талвасага тушмаган эди. Кечирилмас гуноҳ азоби йиртқич ҳайвон хужумидан, илон ҳамласидан ёмон эканини англай бошлади.

У Акмалга телефон қилиб, касалхонадан қайтишда "Куруғи"дан топиб келишни илтимос қилди...

\* \* \*

Саид заргар Мустафобейни "Мерседес"га ўтқазиб, Қамчик довонига етгунча орқани курсатувчи ойнадан кўзларига қалқиб чиқсан туйгуни кузатди. Бир неча марта Ҳосиятнинг хушмуомаласи, ҳатто узига хос чиройи ҳақида суз қистириб ўтди. Аммо унда ўзгариш, гапни илиб кетишини кузатмади. Хорижлик ишбилармон узини сипо, расмий тугар, ҳазил-мутойиба мавриди келганда ҳам чегарадан чиқмас, ўзини кўлга олгани билиниб турарди. Қандай режалар борлиги ҳақида суралганда ҳам асл мақсадни яшириб, водийни, аждодлари яшаган қишлоқни зиёрат қилиш, қариндош-уруғлар билан танишиб, дийдорла-

шишдан бошқа муддаоси йўқлигини мулойимлик, кесатиқ билан айтгач, қайтиб сўрашга имкон қолдирмади. Ҳатто Саиднинг қизиқиши туфайли бераётган саволлари терговчининг муомаласига ухшаб кетаётганини эслатувчи бир-иккита сўз қистириб қўйди.

- Сиз билан анчадан бери қадрдонмиз, - гуноҳкордай хушомад оҳангода сузларди Саид заргар, - ҳаддим сифиб бир-иккита нарсани ортиқча сўраб юборган бўлсам, узримни қабул қилинг, афандим!

- Ҳечқиси йук, изтироб чекманг!

Заргар ўзбекча қўшиқлардан қуйиб вазиятни юмшатишга интилди. Камолиддин Раҳимовнинг Машраб фазали билан айтилган ашуласи Мустафобейнинг кайфиятини кутариб юборди. У хонандага қушилиб хиргойи қила бошлади. Бармоқларини қарсиллатиб мусиқага жур булди. Довондан утаётганда заргарни унутиб, атрофга ҳайрат билан термулар, ҳар бир тоғ, сой, қоя, чўққиларни ташналик билан томоша қиласи, "Оҳ чух гузал, чўх гузал!" дей ҳайратини изҳор этарди. Боболар ватани бунчалар гузал, салобатли, виқорли эканини билмагани учун тоғлардан нигоҳини узолмас, вужудини эгаллаб, туйгуларини жунбушга келтираётган ифтихор туйғусидан ларзага келарди. Водий далаларини кўрганда ҳайрати тошиб кетди. Кумкўк дараҳтзорлар, эканзорлар юрагини оҳанрабодай тортар, жаннатий боғлар дей таърифланган хаёлий гузаллик, тароватни ёдга соларди. Узини фуурга, куч-қудратга тўлиқдай сезарди. Саид уни янаем қойил қолдириш учун водийнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан дам олиш, луппидеккина ош еб, тоза ҳавосидан баҳраманд булиш учун ташриф буюрган одамлар билан лиқ тулган, Ўзбекистонга донғи кетган Чуст боғига бошлади. Мустафобей боғга қадам ташларкан, юзига урилган намхуш ҳавони ҳис этиб, "Хизр нафаси бор-а!" дей уйлай бошлади. Одамлар билан тулган, кувноқ, шодиёна, ҳайрат нафаси уфуриб турган боғ унинг учун янги бир олам, тахайюлий маскан ёди. Тўйга келгандай ясан-тусан қилган содда, аммо чиройли қизлар фариштадай кўринар, ўзбек қизларининг латофати ва малоҳати ҳақида уқиганлари ёдига тушиб, "Ундан-да гузал!" дей қувониб кетарди. У дунёга машҳур

оромгоҳларда бўлган, дунё гузали деб тан олинган аёлларни кўрган, аммо Чуст боғидаги табиий жозибани, нафосатни, жушқин кайфиятни уларга тенглаштирмас эди...

\* \* \*

"Ҳалима менинг биринчи рақамли душманим, - деди эртаси куни Хосият икковига,- меҳмонлар олдида бўхтон гаплар билан шарманда қилмоқчи. Аваз, уни икки-уч кунга узоқча олиб кет! - дея топшириқ берди, - нима қилисанг қил, - унга икки юз доллар пул узатди, - Мустафобей кетгунча кузимга куринасинг!".

Аваз уни аввалдан танирди, бир неча марта дам олишга бирга борган, ожиз томонларини узига билдирамай узлаштирган эди. Бу ҳақда Хосият бир неча марта эшитган.

Аваз эрталаб Ҳалиманинг уйига машина билан бордиди, "Бугун зарур ишим бор", дейишига қарамай, "Курсодошимниги зиёфатга борамиз", деб машинага босди, шаҳардан олиб кетди...

... Мустафобей машинадан тушаркан, истиқболига чиққан Хосиятни оҳиста белидан кучиб, икки юзидан беозоргина ўпид қўйди. Сайд заргарнинг кузи Хосиятнинг нигоҳлари билан туқнашди-ю, рашк қилгандай илжайиб қўйди. Мен ҳам шундай сўрашсаммикин, деган иштиёқ пайдо булди. Хосият буни меҳмонга хурмат, яқинликка нишона сифатида қабул қилди...

Мустафобей ёқимли атир ифорини сезди. Кулини олганда кузларига тикилиб аёлга ярашган эҳтиросни, беғубор табассумни кўрди-ю, ортиқча пардоз қилинмаган юзига маҳлиё булиб қолди. Юрагида илиқлик, қайноқ бир туйғу уйғонди. Бу аждодлар меҳри туфайли тугилган ҳиссиётми, аёлга қизиқишига ўхшаш кечинмами - шошилинчда англайлмай қолди. Аммо қалби янги бир кечинма билан бойигани, мўъжиза бобоюртда руй берганидан мамнун эди.

Меҳмонларни аввал ресторонга олиб боришиди. Алоҳида хонада тушлик қилишди. Шаҳарнинг кузга куринган жойларини кўрсатишиди. Расмларга тушишиди. Мустафобей чекка қишлоқлардан биридаги "Кўзёш булоқ" зиёратгоҳига бормоқчилигини айтганда, Хосият ҳайрон бўлди. Шунча йил яшаб, у ерга бормагани, меҳмон нега қизиқаётганидан

сайин ичгинг келади. Томчилари хуш ёқади. Тагидан одамнинг кетгиси келмайди. Бемалол утириб томчилар қўшиғига қулоқ солсангиз, аллақандай жарангдор мусиқа қалбингизни сеҳрлаб, илон ўйнатувчининг сурнайидек ўзига тортаётгандай бўлади. Айни пайтда бу овозлар турида ҳур қизларнинг йифиси ва нафис ҳурсиниклари эшитилганга ухшайди. Асрлар шамолида тузғиган, замонлар қатламида кўмилган аллақандай сирлар ҳақида сўзлаётгандай...

- Ҳа-а, жуда ажойиб! - ҳайратини ошкор қилди Мустафобей Хосиятга сирли қараб.

Уларни кузатиб турган Саид заргар ошириб бир нарса дегиси келди.

- Бизда бундай жойлар сероб! Насиб этса қўпини сизга курсатамиз, афандим!

Бир нафас утиришгач, сукунатни синдираётган томчилар юракка яқин мусиқага ўхшаб эшитила бошлади.

- Саид ака, сиздан узр сурайман, - бирдан заргарга қараб гап бошлади меҳмон,- Хосиятхоним билан икки оғиз гапимиз бор. Бизни холи қолдиришнинг имкони борми?

Заргар у билан телефонда гаплашган куни нега бирга борайлик, демаганининг маъносини энди тушунгандай булди. Хосиятга "Мендан яширинча нимани ҳал қилмоқчисизлар?" дегандай қаради-ю, таажжубдан бошқа маънони курмади. Хотиржам тортгандан сунг тилга кирди.

- Бемалол, афандим. Акмалжон билан машинада кутиб турамиз.

Улар ажриқ босган йулакдан машина томонга бурилиб кетишгач, Мустафобей Хосиятга юзланди.

- Хоним, - деди сирли овоз билан унга яқин келиб, - катталардан кимлар қолишган? - кузларидан қандай мақсадда сўраётганини билиб бўлмасди. Аммо гаплари замирада муҳим нарса борлиги сезилиб турар, фақат Хосият уни англашга қодир эмас эди.

- Фақат кекса бувим бор. У киши ҳам қаттиб бетоб.

- Хорижда биздек қариндошларингиз борлигидан бошқа гап айтмаганимилар?

- Йўқ, афандим.

- Ҳозир айтадиган гапларим сир бўлиши керак. Илло,

бувингиз ҳам билмаслиги шарт.

- Албатта, тушунаман, афандим.

Мустафобей булоқдан эллик метрча юқорида усган каттакон садага бир нафас тикилиб, уйланиб қолди.

- Мен бу ерга муҳим иш билан келганимни ёдда тутинг. Садани кўряпсизми?

- Ҳа.

- У билан булоқ уртасига турт куза олтин кумилган!!

- А?! - Хосият бунақа янгиликни кутмагани учун аввалига ҳайрон бўлди. Узини тезда қулга олиб, уйлай бошлиди. Боболардан қолган бойлик тоғдан олиб тушган олтин деб уйлар, Мустафобей айтган хазина ҳақида эшифтмаган эди. "Демак, дадамнинг бобосини советлар бекорга отиб ташлашмаган экан-да! Аблаҳлар ернинг тагида илон қимирласа билган-а!"

- Ҳўш? - Мустафобейга юзланди у.

- Шуни ишлатишимиш керак. Бахтимизга сада кесилмаган, булоқ ҳам ўрнида турибди. Хазинани топса булади. Бу ёққа келишимдан аввал бобом манзилни аниқ тушунтирган. Олтинни олиш йулини ҳам ўргатган эдилар.

- Қандай оламиз?

Хосиятнинг кузларида ички тулқинланиш, қувонч аломатларини сезган Мустафобей отни қамчиласхга тушди.

- Булоқ билан сада орасидаги ҳовлини сотиб оламиз. Асл мақсадимизни пашша ҳам билмаслиги керак. Деворнинг ҳам қулоғи бор! Бойликни билса, иккитаси тил бириктириб, бизни жаҳаннамга жунатиб бўлса ҳам унга эга булишга интилади!

- Ҳовлининг эгаси кўнармикин?

- Кўпроқ берсак, йуқ демайди. Бу ерда дала ҳовлилар арzon-ку!

Хосият уйланиб қолди. ТЎРТ КУЗА ОЛТИН ҳозиргача бирорта учарнинг қулига тушмадимикин? Мустафобей шунча йул босиб келса-ю, ҳовлини согиб олиб, ерни ковласак олтин чиқмаса, нима булади?

- Сиз орага одам қуйинг,- давом этди у, - Туркиядан келган беморга шу ернинг ҳавоси даво экан, бир-икки йил яшамоқчи, ижарада туришга кўнмаяпти, дурустгина даромад оласиз, деб қизиқтиринг!

- Ҳаракат қиласан.

- Икки-уч кун ичида бир ёқлиқ қилишимиз керак. Сунг бу ерни ковладиган оғзи маҳкам иккита одам ёллайсиз. Хазина топилгач, битта күзадагиси сизники булади!!

Хосият шошиб қолди. Күз олдига бир куза олтин келди-ю, күксига қувонч сифмай кетди. "Наҳотки, яна бир дунё тиллага эга булсан! Агар шундай булса шаҳарда менга тенг келадиган бой аёл булмайди-ку! Асл мақсадим ҳам шу эмасми?"

Хосиятнинг хаёл уммонига ғарқ бўлганини кўрган Мустафобей уни туртдан бирига кунмаяпти, шекилли деб уйлади.

- Хоним, - деди оҳиста Муста һөбей Хосиятнинг билагидан ушлаб, - барча харажатлар мендан. Кейин Истанбулда сизнинг номингизда дукон очамиз. Орамизда гина-кудуратга урин қолмайди.

Хосият кўнглидан кечайтганларни сездирмаслик учун янги нарса уйлаб топди.

- Мени учта кўзани у ёққа олиб кетиш муаммоси уйлантиряпти. Божхонадан утказолмайсиз!

- Ҳозирча бу ҳақда бош қотирмасак ҳам булади. Уларни эсон-омон топсак бас! Олиб утиш режаси тузиб қуйилган!

\* \* \*

Мустафобей Хосиятнида қолишга кунмади, шаҳарнинг энг нуфузли меҳмонхонасига жойлаштиришди. Кечки овқатни бирга ейишгач, унга яхши ҳордиқ тилаб уйга қайтишди. Йулда Саид заргар бироз андиша билан гап бошлади.

- Биласизми, Хосиятхон, бирорнинг ишига аралашишни ёқтирмайман. Лекин қадрдончилик ҳурмати сиздан бир нарсани сурошимга ижозат берсангиз.

- Бемалол, Саид ака!

- Биродаримиз Мустафобей бу ерда қанча булишларини, қандай ишлар билан келганларини айтмадиларми?

Хосият заргарнинг цубҳасини сезди. Асосий сирнинг шарпасини ҳам билдиримаслик шартлиги учун ишонарли ёлғон уйлаб топиши керак. Нима десин?

- Кунглингизга бошқа нарсалар келмасин, Саид ака. У

мени Туркияга таклиф қилди. Дўстона таклиф.

- Наҳотки, қандай баҳтли аёлсиз!
- Э, сиз нотуғри тушунманг. У қариндош сифатида боришимни айтди.
- Бошқа ҳеч нарса демадими?
- Энди менинг учрашганимга бор-йўғи икки икки-уч соат бўлди, холос. Куш тилинй қуш билар деганларидек, Тошкентдан келгунча сизга ҳеч нарса демадими?
- Булар ичидагини бирорга айтмайди...
- Демак, менга ҳам режасини айтмаганига ишонаверинг...

\* \* \*

Саид заргар Хосият билан дустона хайрлашган бўлса-да, у мендан асосий гапни яширяпти, Мустафобей фақатгина Хосиятни Туркияга таклиф қилиш учунгина келмагандир, деган фикр тинчлик бермас, тахминига аниқлик киритмасдан қайтаётганидан афсусда эди. Хосият "бир-икки кун қолинг, Мустафобей билан кетарсиз", деганда бугун жўнамаслиги мумкин эди, айтмагандан кейин шубҳагумонлари янада кучайди.

- Демак, - уйлади у, - бу иш тилла билан боғлиқ булгани учун мени аралаштиришмоқчи эмас, аждодларидан қолган бойлик ҳали купдир.

Саид заргар бойлика қизиқарди, катта-катта пул топиб келган пайтлари хотин, бола-чақаси қувонар, янги уйлар куриб, хориж мебеллари билан тўлдирганда, қизини узатиб, углини уйлантирганда маҳалла-куй, қариндош-уруларнинг оғзи очилиб қолган, у эса қувнаб-яйраган, аммо бойлиги купайган сайин соғлиги секин-аста панд бера бошлаганди. Дубайга охирги боришида юраги безовта бўлди, врачлар дори-дармон бериб, икки-уч кун парвариш этишди. Узоқча сафарга чиқмасликка, аёлининг олдида бўлишга қарор қилди. Зеро, унинг топғанлари бир умр ётиб ейишга етар, ҳатто заргарлик дуконлари, Россиядан келаётган тилла буюмлар савдосидан тушаётган даромадлар билан невара-чеваралари ҳам Тошкентнинг мана-ман деган бойлари қаторида яшаши мумкин эди. Қолаверса, Дубайга охирги боришида ўтган асрнинг биринчи ярмида-

ги алғов-далғовларда Саудия Арабистонига кетиб қолган узбек билан танишиб қолди-ю, бир-икки сұхбатдан кейин молу давлат туғрисидаги фикрлари үзгариб кетди..

- Бойлик одамга керак, лекин ортиқчаси инсонни йұлдан оздирағы, ҳалол одамлар сафидан бадарға қиласы. Пул топиши мүккасидан кетиш эса, ҳаром-хариш билан ҳалоллик уртасидаги масофани йүқтади. Ва инсон фақат дунёни үйлайдын осий бандага айланади. Бундан әхтиёт булинг, биродар,- деган эди Абдураҳим ақа исмли ватандоши,- пайғамбаримиз күнлик емишинг бұлса, бошқасига ғам ема, ризқ берувчи Аллоҳ әрталиктин ҳам үзи насиб этади, деб бежиз айтмаганлар.

Сайд заргар ёши утиб, инсон ва ота сифатида ортиқча мажбурияты қолмаса ҳам тинмай бойлик кетидан чопаёт-ганини үйлаб, виждан олдида ҳисоб бера бошлади. Аммо йұлдан қайтишининг бөш сабаби бу эмас. Садоқатли ва узини чин дилдан әъзоз қиласынан хотини Санобар кутилмаганда дунёдан күз юмған эди. "Әнди хориждан катта мол билан келсам, ким суюнади, ким чарчоғим ёзилғунча атроғимда парвона булади?- деди узига - узи. - "Үғлинг еб урга кетар, қизинг еб қирға", - дилидан утказды у.

Аёлининг вафоти - эңг оғир зарба эди. У шу қадар мулойим, оқила ва иболи эдикі, Эрининг гуноҳларига бағрикенглик қылғанини үйласа, заргар уялиб кетарди. ЭРИДА БЕГОНА АЁЛНИНГ ИСИНИ СЕЗСА ҳам , илму амал кучи билан қуполлик қылғанда ҳам Санобар узини босди. Қон ютиб, алам қайғусида ёнаётганини сиртига чиқармади. Эрининг қылмишларини бирор марта юзига солмади. У кучадан ҳеч қачон үйидагидай шодлик тополмаслигини билар, фақат эри учун яшар, болалари учун хизмат қылар, уларнинг розилиги ва хурсандчилигидан бошқа баҳт үйқ әди...

Әнди бундай аёлни қаердан топади?!

Заргар хотини олдида узини гуноҳкор билади. Бемағал улимида ҳиссаси борлигини фаҳмлаб, ичидан эзилади. "Бузук хотинлар билан майшат қилиб юрган пайтларим, билиб-білмай ҳақорат қылған чоғларим ичидан эзилгандир, менга текканига ағсус қылғандир? Лекин у ҳақиқий мұслима эди, ҳаммасини ичига ютди. Мени меҳри билан,

садоқати билан жазолади. Ундан мингдан минг розиман!"

Катта "қирқ" и үтказилғач, икки синглиси уни уйлантириш тараддудига тушди. Аммо заргар тиши-тирноғи билан қаршилик қилди. Фақат бир йилдан кейин бир неча аёлларни курсатиши, яқындан таништириши. Аммо уларнинг Сайд заргарга ҳалол хизмат қилиб, охират тадориги билан эмас, яхши еб-ичиш, кийиниши, заргарга қарашли дүконларга эга булиш, онасиникида қолган бир-иккита боласини уйлаб-жойлашдан бошқа муддаоси йўқ! Уйнаб турган кузларида шайтоний ниятлар, хотинглик қилишдан кура, бойликка эгалик қилиш туйғуси балқиб турарди.

Заргар Хосият билан танишгандан кейин юрагида илиқ туйғулар пайдо бўлди. Беғубор табассумини соғина бошлади. Кўзларида аввалги аёлларда кузатмаган самимиilikни учратди. Турмушга чиқишини таклиф қилса, мол-мулкига эҳтиёжи йўқлигини уйлаб хотиржам тортди... Аммо уша самимиilik остида ҳам бойликка муккасидан кетиш туйғусини, эрта-индин ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бормай қолиш фожиасини сездию, узини тортишга қарор қилди. Агар шу нарсани уйламагандан бугун водийда қолар, ҳар хил баҳоналар билан Хосиятга яқинлашар, юрагига кириб боришга интилар эди...

\* \* \*

Хосият заргарни кузатгандан кейин Мустафобей айтган ҳовлини сотиб олиш дарди билан ёна бошлади.

Офисда бир соатча дам олганидан кейин Акмал келди. Ҳовли Носиржон деган одамга қарашли булиб, саккиз сотихдан иборат, унга дадасидан қолган, бу ерда муқим яшамайди. Битта боғбон дараҳтларига қараб туради. Ӯзи шаҳарда ишлагани учун ёз кунлари болалари билан дам олгани келади. Бир неча кун туриб майда-чуйда ишлар билан шуғулланади, дам олиб қайтиб кетади. Күшнисининг айтишича, утган йили ҳовлини сотмоқчи булган, аммо бир-иккита харидорлар келгану, савдо пишмай кетиб қолган. Агар ҳовли дилидаги нархга кирса сотиши мумкин! Хосият дадилланиб, Мустафобейга қунғироқ қилмоқчи булди, аммо Акмал қайтарди:

- Уй эгаси билан гаплашиб, сотиш масаласини ҳал қилғунча гаплашмай турайлик!

"Тұғри,- үйлади Хосият, - бириңчи ҳаракатдаёқ унда нотуғри таассурот қолдирмайлык, сабр қылайлик".

Ақмал چұнтағидан ярим варақ қоғоз чиқарды.

- Хөвли әгасининг исми, фамилияси ва уй манзили,- деди қоғозни Хосиятга узатаркан,- шаҳар марказида тураркан, топиш қийин әмас.

- Машинани ҳайда, бориб келамиз!

Файзулла аканинг ҳөвлісіні қийналмай топиши. Аммо у үйда йүқ экан.

- Бугун бұлмайдилар,- деди йигирма ёшлардаги үғли,- Марғилонга түйга кетғанлар, эртага түшдан кейин келсалар керак.

Хосият ўғыл билан гаплашиш бефойдалигини билди. Аммо индамай кетавериш ҳам нодонлик, болага телефон рақамини узатди.

- Мұхым иш билан келғанмиз, телефон қылсалар учрашиш жойини келишиб олардик.

-Хуп бұлади...

Хосият шаҳардан қайтаркан, бир куза тилла нималарға қодирлигини тасаввур қилиб, ич-ичидан қувонар, миясида түрли-туман режалар пайдо буларди. "Замонавий АӘҚШ қурдирман, Тошкентдан квартира оламан, марказий бозордан бир нечта дүкон харид қиласын, энг тоза матолар менинг дүкөнимдә булади. Худо хоҳласа, Дубайга қатнайман!"

Туман марказига етишларига озгина қолғанда Ақмалға Хайир aka қунғироқ қилди.

- Бир соат ичида келиб кетсангиз, иш битиб қолди, сизбоп харидор топилди.

Ақмалнинг ёдидан чиқиб кетған экан, бир неча кун олдин Хайир акага нашани йиғиб олишга топшириқ беришган эди, бир дона баргини ҳам қолдирмай йүқотишлиари лозим эди.

- Арzonроқ бұлса ҳам сотиб тинчитиб қоя қолайлики, Хосиятой, бу барибир қалтис иш! Кейин бемалол бизнес билан шуғулланардик.

- Мени офисга ташлагин-да, Хайир aka билан гаплашиб

кел!.

Хосият касал бувисининг аҳволини билиш учун уйга кўнғироқ қилганди, хизматкори гўшакни кутарди.

- Ҳозирча яхшилар, аммо биласизми, Хосиятхон, сизни ишдан эртароқ келсин деяптилар, муҳим гаплари бормиш...

- Яхши.

Ақмал Хайир ака билан ишни битириб келганда Хосият уйга кетиш учун шайлананаётган эди.

- Харидор Россиядан экан, бизнинг нархга кунди.

- Ишончли одамми?.

- Хайир аканинг гапича, ҳар йили шу одам сотиб оларкан. Пулини кечқурун ҳисоб-китоб қиласкан.

- Пулни ресторон подвалидаги сейфга жойлайсан, тушундингми? Хушёр бул, бунақа катта пул билан ҳазиллашиб бўлмайди.

- Хуп булади.

- У ёқقا қандай олиб кетаркан?

- Шу кечаси Камазга юкларкан...

- Ҳа, майли нима қиласа узи билади, мол уники... Лекин сен пулни олгандан кейин имкони булса шаҳарни бир айланиб кел-да, қоронфилатиб ресторанга қайт. Шу ерда бир-икки кеча ётиб қол. Ўзингни эҳтиёт қил, қушнингни угри тутма!

- Тушундим...

Бувиси анчадан бери касал - оёғи оғрийди, белини кўтаролмайди, ичида азоб чекаётган булса ҳам сиртига чиқармайди. Куп гапирса, алжираб сири очилиб қоладигандай, мулоҳаза қилиб пастки лабини тишлиб ётади. Хосиятга қараб-қараб қуяди, гапириш мавридини кутаётганга ўхшайди.

Уч кун аввал ярим кечаси уни оғир йутал тутди, оёқ-кули шалвираб, озгина ҳушини йўқотди, Хосият қурққанидан қушни аёлни айтиб чиқди.

- Саксон олтига кирган кампир олма билан урик булармиди, - Хосиятга таскин берди қушни, - аммо ҳушёр булинглар, олдидан одам узилмасин...

Хосият қушни аёлни тушунди. Эрталаб аввалдан гаплашиб юрган бир аёлни оқсочликка олди, бувисининг ёнидан жилмай қаражни тайинлади. Касал кечаси алаҳсира-

ди, ёмон түшлар курди шекилли, ранги оқариб кетди, улган ота-онасини чақирди, Хосият қурқиб кетди. Мабодо улиб-нетиб қолса, нима қилишини билмаслиги учун оқсочдан кечаси ҳам қарашини суради. Маоши ортган аёл бажон-у дил рози булди. Ҳозир у, бувингизнинг муҳим гаплари бор экан, дейиши билан Хосиятнинг юраги шув этди. Боргунча бувиси бир ёкли булиб қоладигандай, уйга шошилди.

- Келдингми, болам? - бувиси анча тузук. Бу ҳол - улимдан олдинги жонланишми ё ҳақиқатан тузала бошлаганми - Хосият тушунмади. Диван олдига бориб чуккалаганда бувиси бошини силади.

- Кўзга куринаётганингда умрим тугаб қоляпти, афсусдаман, болам!

- Унақа деманг, буви!
- Умр ҳеч кимга вафо қилмаган..
- Сиз ҳали юзга кирасиз.
- Э, болам а, охири куриниб қолди...

Бувисининг имоси билан оқсочни ташқарига чиқариб юборди. Эна бор кучини туплаб Хосиятни яқинига имлади. Ва Мустафобей айтган тўртта кўза ҳақида гапирди, бобокалони шу тиллани яширгани учун отиб ташланган экан. Момо икки кузаси уларга тегишли эканини айтгач, Хосиятни ҳайрат чулғаб олди. "Мустафобей ҳалиги гапни бекорга сурамаган экан-да! Демак, олтин иккига булиниши керак! Ҳозирча бу ҳақда унга гапирмай тураман!"

- Болам, қариндошларни кургим келяпти...

Кечга яқин уруғ-аймоқ тупланди, бувининг аҳволини куриб, "пишиб" қолганини шипшишилди ва эрталаб келишларини айтиб тарқалишиди. Аммо уларнинг олди етиб келмай, бувининг жони узилди. Хосият мурда устида йиғлаб утирганда бирин-кетин йиғила бошлилашди.

Ақмал эрталаб бу ҳақда хабар берганда Мустафобей бир қалқиб тушди, аммо ичида нималар руй бераётганини ўзи биларди. Олтин ҳақидаги охирги гувоҳ оламдан ўтди. Энди бемалол узлаштирса булади. Хосиятни арзимаган танга берса кўнлириш мумкин. Назарида, Туркияга катта бойликни ташиб кетиш учун катта йўл очилганга ухшарди.

Кийиниб пастга тушганда Ақмал уни кутиб турарди:

- Жаноза қай вақтга белгиланган?
- Саоат үн бирга, афандим.
- Ҳай, у кишини охирги йулга кузатиш, пешонада бор экан, ҳайданг, биродар!

Улар қишлоққа етиб келганды жанозага тумонат одам түпланған, масжид имоми ёрдамчилари билан машинадан тушаётган эди...

\* \* \*

Мархұмни тупроққа қойиб келишгач, Мустафобей Хосиятдан қунғил сураш учун маврид қелганини түшүнди. Ақмалға айтиб буз мато ортидаги аёллар орасидан уни чақыртирди. Кузлари қизарған аёл оқ румолга үралған қойи уларға яқынлашды.

- Таъзиямни қабул қилинг, Хосиятхоним! Бошингизга түшгән мусибатга шерікмиз. Аммо Тангрининг иродаси, сизге сабр тилаймиз. Аллоҳ қолғанларнинг, хусусан сизнинг ва ёлғыз боланғизнинг умрини зиёда қылсın!

- Раҳмат, афандим!
  - Ұзингизни урнитирманг, беҳуда сиқылманг! Зоро, вақт ҳар бир дардни даволагувчи!
  - Миннатдорман, афандим!
- У парда ортидан узоқлашды.

Бир соатча ўтгандан кейин дарвозахонада одамлар билан үтирган Ақмалда турған Хосиятнинг қул телефони жириңглаб қолди. Бөгланиш тұгмасини босиб ташқарига чиқиб кетди, бироздан кейин құлида телефон билан қайтиб кирди-да, буз парда олдига бориб Хосиятга бўйлади:

- Сизни Туркиядан сурашяпти!- деди.
- Сал наридаги эркаклар ҳам, стулларда тизилиб үтирган оқ румолли азадор аёллар ҳам ялт этиб Хосиятга қарадилар.

Хосият оқ румолини қулоғига қистириб, телефонни яқынлаштириди.

- Эшитаман, афандим.
- Ассалому алейкум, Хосиятхоним. Бардаммисиз?
- Худога шукр..

- Мен сизларда мәхмөн бўлиб турган Мустафобейнинг дадаси Давронбей буламан. Бошингизга тушган мусибатни эшитиб қайғудаман. Таъзиямни қабул қилинг, қизим. Бу ердаги барча қариндошлар дардингизга шерикмиз.

- Раҳмат, раҳмат, - йигламсиради Хосият.

- Момонгизни Аллоҳ раҳматига олсин, охиратлари обод бўлсин. Сизга сабр тилайман.

- Йўқлаганингиз учун миннатдорман, афандим, Худо умрингизни зиёда қилсин...

Хосиятнинг кўнгли кўтарили. Юпанчга ташна, сабоқларга эҳтиёжманд қалбига тиниқ бир ҳикмат, ҳаётнинг аччиқ сабоги ёғилди.

- Утганларимиз умри оддий бўлса-да, қолганларга ибрат намунаси, ҳатто үлими ҳам уларни бир-бирига яқинлаштиради-я! - дея дилидан утказди Хосият.

Мархуманинг кичкина қирқигача Хосият қучага чиқолмади. Уйни сотиб олиш билан боғлиқ ишлар билан Акмал шуғулланди. Мустафобей кутилмагандан сафари чузилиб кетгани учун бирмунча диққат була бошлади. Аммо кўнишга туғри келади. Унга бир неча марта Истанбулдан қунғироқ қилишди. Бирор тушунмайдиган гаплар билан иш қандай кетаётгани ҳақида маълумотлар берди. Мусибат кунлари охирига етгач, иш юришиб кетишини айтгандай улар хотиржам тортишди.

Үй эгаси билан ҳовлисизда учрашган Мустафобей унинг ёши катталигини кўриб бироз хурсанд бўлди.

- Бу ерда яшаганингизга анча булдими?

- Ҳовли бизга ота мерос, биродар!

- Жуда яхши! - ичидан хурсанд бўлди у.

Мустафобей қисқа сукутдан сунг суҳбатдошининг кузларида самимиятни кўриб, чин дилдан қувониб кетди...

- Узр, биродар, бир-иккита нарсани сўрасам, одобсизликка йўймайсиз!

- Э, оғайни, арзимаган нарсага хафа булмайман, ахир бозорда мол сотилса ҳам бир-иккита айбини, яххисини айтиб куйилади-да.

- Куп яшанг, бирордар! Чин мусулмоннинг ишини қилганингиздан хурсандман.

- Ҳа, энди айтинг-чи, биздан аввал бу ҳовлига бирор

киши харидор бўлганми? Отангиз давридами, ёки ўтгандан кейинми?

Уй эгаси уйланиб қолди. Унинг кунглидан нималар кечайтганини мулоҳаза қилганча Мустафобей ерга қаради. Мустафобей гапларига ортиқча урғу бермас, уй эгасининг жавоби ўта муҳим масалаларни ҳал қилишда асқотишини хаёлига келтирадиган бирор хатти -ҳаракат қиласас эди.

- Дадам раҳматли қирқ ёшга етганларида туман марказида яшайдиган бир киши йўни сўраган экан.

- Сиз уни танийсизми?

- У киши қазо қилганлар.

- Болалари бормиди?

- Битта Хосиятхон деган қизлари бўларди. Ҳозир ишбильармон. Марказдаги ҳожининг янги ресторанини сотиб олган дейишади.

- Бошқа харидор булмаган, шундайми?

- Ҳа.

- Демак, у кишидан кейинги биринчи харидор менман.

- Шундай!

- Биродар, яна бир кичкина нарса.

- Сурайверинг.

- Хосиятхоннинг дадасига йўни нега сотишмаган?

Уй эгаси бироз мулоҳаза қилди. Мустафобей унинг кўзига қараб, кунглига жиддий гап келмаганига ишонч ҳосил қилгач, хотиржам тортиб ерга қаради.

- Менимча, отамда йўни сотишга эҳтиёж булмаган, ёки нархини келишолмаган.

- Сизни майда-чуйда саволлар билан уринтириб қўйяпман, минг бор узр сўрайман.

- Ҳечқиси йўқ.

Мустафобей сигарета олди-да, шошилмай тутатди. Уй эгаси эса, кичкинагина шампун идишдан қилинган носқовоғини олиб, тил тагига бир чеким нос ташлади.

- Садани бобонгиз экканлар шекилли, а? - шунчаки қизиқаётганга ўхшаб сўради у.

- Э, йў-ўқ, ўтган аср бошида ҳар икки илмни эгаллаган уламо ҳожи эккан, табаррук, кесманглар, дейишган эди. Езда соясида утирамиз, тегмадик. Аммо танасида илон бор. Икки-уч йилда бир кўринади. Бир-икки пойлаб

чопиб ташлагим келди, аммо неча йиллардан бери яшаймиз, турқи совуқ бұлсаям бирортамизга зиёни тегмади. Худонинг бир жонивори, юрибди-да, дедим.

Мустафобей хазина жойида турғанлигига ишонч ҳосил қылди. У ич-ичидан суюнди. Аммо Хосиятнинг отаси уйга харидор бұлғанлигининг сабабини мулоҳаза билан англағач, түрттә күзадаги тилла иккиге булиниши кераклигини Хосият билған, шунинг учун озгина тисарилиб турибди, унга хазинани тенг буламиз демасам, орамизга ишончсизлик, нифоқ тушади, деган фикрда тұхталди.

- Миннатдорман, кечки пайт одамларим сизга пулингизни олиб боришиади

- Расмийлаштириш масаласини нима қыламиз?

- Мен икки-уч ой шу ердаман, мавриди билан ҳал қыламиз. Үйингизни курдик, узоқ эмас. Үзингизга тегишли нарсаларни әртага олиб кетсангиз. Биз янги жиҳозлар олиб келмоқчимиз.

- Яхши, биродар...

Иш муаммосиз битаётганидан Мустафобей хурсанд эди. Кечки пайт Хосиятни йүқлаб борди. Яқында қурилған айвонга үтируди-да, қариндошлар олдида қироат билан қуръон тиловат қылди. Овози ёқимли, утқир булғани учун утирганларнинг қалбини ром этди, баданларини жимирлатиб юборди. Унга нисбатан ҳаммада ҳурмат, әхтиром пайдо бўлди. Айниқса, чиройли гаплару яхши ниятлар билан узундан узун дуо қылганда оғаринлар ёғилди. Хосият Мустафобейнинг йўқлаб келганидан қанчалик хурсанд булса, момоси руҳига қылған тиловатидан, яхши ниятлар билдирганидан боши осмонга етган эди. Меҳмоннинг оқибатли, диёнатли экани тўғрисида ёнидагиларга пичирлаб гапира бошлади.

Мустафобей әртасига әрталаб Ақмални чақиритирди. Уй эгасини рози қылғанлигини айтгандан кейин бироз жим қолди.

- Кичкина хизмат бор, Ақмалбей!

- Бемалол, aka!!

- Хосиятхон - яқин қариндошимиз. Үзини әхтиром қилиш билан бир қаторда утганларини ҳам иззатини жойига қўйишни бурчим деб биламан. Узоқ йиллардан

бери қариндошлар учрашмаган, биз энди куришиб, утган асрда узилган ришталарни қайтадан боғлаяпмиз. Кичик бир нишонаси сифатида утганларга бағишлиб, мұжазгина әхсон қилиб бермоқчиман. Сиз нима дейсиз?

- Менимча, әхсон қилиш хайрли иш.
- Хосиятхонимга билдирсангиз, пешиндан кейинга мас-жиддаги уламойи киромларни, маҳалла-күй, қариндошларни таклиф этсалар, қолган ишларни үзимиз бажарсак...
- Яхши, бориб айтаман.
- Кейин қайтиб келсангиз машинада биргаликда бозорга борсак.
- Хуп булади, афандим.

\* \* \*

Уша куни кечқурун Ҳалима кайф ҳолда ташлаб кетилгач, үзини бошқаролмай ухлаб қолди. Эрталаб турғанда боши оғрیر, кунгли беҳузур эди. Кеча Аваз билан кунгли тусаганча майшат қылған, ҳузур-ҳаловатнинг ҳамма тури-ни тотиб қурған бұлса-да, кунглида аллақандай хижиллик сезарди. Боши луқиљлаётгани учун жиддий үйлашга қурби етмади. Хавотир булиб, үзини үйлашга мажбур қилди. Ҳаёлидан майда-чуйда фикрларни қувиш учун аччиқ чой ичди, мияси бироз тиниққаң, кунглини ғаш қилаётган нарса лоп этиб ҳәёлига келди. Кеча дарё буйидаги кафеда үтиришганды Аваз жиддий тусга кирди-да:

- Сен, - деди у қошларини чимириб сирли овозда,-  
Хосият билан учакишка, ёнида юрадиган ишончли одамга айлан.
- Нега?
- Үчакишиб ҳеч нарсага эришолмайсан, хизматини қылсанг, машина, дурустроқ квартира оласан.
- Орамиздан нималар үтганидан хабаринг йўқ-да!
- Ҳаммасини унут. Бирор иш күрсатсанг, у сени йўқ қилишдан тоймайди.
- Буни биламан...

Ҳалима үйланиб қолди. Юрагига ваҳима урмалаб, ти граб қақшаб, сойдан чиққан кунни, бегона кампирникида беш-олти кун ётиб узига келганини, аммо квартирасига келиш-га қурқзанини үйлади-ю, Авазнинг гапида жон бор деган

хуросага келди. Буларни Хосият тайинлаганмикин, ёки Аваз яхшилик қылмоқчимими? Унга хизмат қиладиган булсам, тиллаларимни қайтариб бериши, ёмонлиги учун товон тұлаши керак.

- Хосиятнинг дүсти бұлсанг, унга айт мен билан учраш-син. Бир-иккита шартларим бор. Келишиб оламиз.

- Эртагаёқ айтаман.

Фарида момонинг кутилмаганда бандачилик қилиши бу гапларни айтишга имкон бермади. Аваз Ҳалимага қунғи-роқ қилиб, ундан құнгил сұрагани бориб, муносабатларинг-ни тиклашга ҳаракат қил, дея тайинлади. Таклифни маъ-қул күрган Ҳалима эртасига эрталаб махси-ковуш кийиб, оқ рұмол үраб, Хосиятдан қунгил сұрагани келганды ҳай-ратланған Хосият қурққанидан үзини йүқотиб қүйишига озгина қолди. Лекин Ҳалиманинг күзларида қасос ёки бошқа ёмонлик аломатини эмас, ҳамдардлик түйғусини куриб, қунглы жойига тушди...

\* \* \*

Сайд заргар Мустафобей билан Хосиятнинг якка гап-лашганларидан кейин орада сирли нарса борлигини бил-ган, бу нарсага уни аралаштиromoқчи эмасликларини ҳам тушунған, аммо севги йүқлигига ишонч ҳосил қылғандан сұнг Тошкентта қайттан эди. Акмалдан унинг бувиси оламдан ўтганини телефон орқали айтгач, эртасигаёқ водийга қараб йўл олди.

Хосиятга таъзия билдириб, қунгил сұраб бұлғач, ичка-рида Аваз ва Акмал билан овқатланишди. Эртага кетишини айтганда икки йигит ҳеч нарса демади... Заргар Хосият билан холи гаплашмоқчи, бу ерда сизни ушлаб турадиган ҳеч нарса қолмади, Тошкентта кетиб яшанг, ниятларни амалга оширишингиз учун шароит яратиб бераман, демоқ-чи эди. Аммо қунгил сұраёттанды күзларидаги шашқатор ёшни күрди-ю, мавриди эмаслигини англали. Оқ рұмол ярашган юзини эсларкан, туйғулари шунчаки қизиқиши эмаслигини англаб хурсанд булди.

\* \* \*

Мустафобейнинг эҳсонидан боши осмонга етган Хосият

ширин хаёлларга асир бўлиб уйкуга кетмоқчи, яхши кайфият билан туриб бир талай ишларни режалаштиromoқчи эди. Афсус, ёстиққа бош қуиши билан кутилмаган хаёллар миясини тумандай эгаллаб олди. Кўзи юмилса Ҳалима хаёлига келар, нафрат, қасос туйғуси билан унга яқинлашаётганга ўхшар, ҳаммаси учун жавоб берасан, дегандай жонига қасд қылмоқчи бўларди. У ёққа ағдарилди, бу ёққа ағдарилди, ҳаловат тополмади, нариги хонада ётган бир-иккита қариндошлари пинакка кетганига бир-икки соат бўлган, аллақачон хуррак отаётган бўлса-да, у ҳовлига чиқиб айланишдан тортинар, уйғониб қолишса, узини безовта қилаётган дардини сезиб қолишларидан ҳадикда эди. Яхши нарсаларни ўйлаб ҳаракат қилди, барибир ором тополмади. Охири, ташқарига чиқиб, ҳовлини айланди. Аммо дараҳтлар билан қопланган қоронғи ҳовли аллақандай шарпалар билан тўлгандай ваҳимали куринар, энгашиб ўсган анорлар ортида қўлига ўткир пичноқ ушлаган Ҳалима пусиб тургандай, қулай фурсат топиб ортидан зарба берадигандай туюларди.

Сўри ток тагида қўрқа-писа юаркан, Ҳалимага жабр қилганидан пушаймонлик туйғуси ғалаён кўтара бошлади. Нега шу ишни қилдим, менга нима кам эди, бу нодонлими ёки бойликка учликоми? Нега шайтон ёмон ниятни дилимга солди? Шайтонга енгилиб қоладиган даражада ожизмидим? Наҳотки, қилаётган ишимнинг оқибатини ўйлаб куришга, бу менга ярашадиган иш эмаслигини мулоҳаза қилишга иродам етмаган бўлса?! Шунчалик абллаҳманми?!

Ўйлаган сайин юраги безовта булар, Ҳалима кучатомондан бостириб келаётгандай қўрқувга тушарди. Бу саволлар уни сойга ташлаб юборганимдан кейин нечун хаёлимга келмаган, қалбим кузи курмиди, Ҳалима унг юзингга урганга чапини тутиб бер, қабилига кўнгил сураб келгандан кейин очилдими? Дўстни, инсонни қадрлаш туйғуси энди пайдо буляптими, аввал инсон эмас, икки оёқли маҳ луқмидим?! Эҳ, Хосият, Хосият, янайм Ҳалима инсофли экан! Дўстликка хиёнатинг эвазига ярим тунда бостириб келиб жонингни олмаганига раҳмат, де!

Худонинг борлиги, ҳамма нарсани куриб турганини,

бугун бўлмаса эртага жазойингни беришини унтиб қўйдинг шекилли, бойвучча?! Шаҳардаги энг бадавлат хотин буламан деб, қалби қашшоқ, разил одамга айланганингни энди билдингми? Хайрият, ҳақиқат бор экан! Кеч бўлса ҳам хатоларингни англадинг! Кузинг очилди...

Саволлар юрагини ханжардай тилар, дунёга сифмай қолаётгандаидай, паймонаси тулгандаидай титрар эди.

Умрида илк марта узини ёлғиз, нотавон сезди. Тоғдай суюнчиқ - бувиси қани? Уйда фариштадай утирса, кӯчакуда бемалол юрарди-ку! Иш билан кучага отланса, олдига утқазиб, дуо қиласарди, кун буйи режалари амалга ошиб, дили равшаб тортарди. Муаммосини ечолмай қийналса, маслаҳат сураш учун олдига югуриб келар, баъзан тиззасига бош қўйиб ёш боладай эркаланарди. Қани уша беғубор, оромбахш, маъсуд дамлар?! Энди бир оғиз гапига, озгина далласига зор бўладими?

Ўпкаси тулиб, кўзларига ёш келди. Ич-ичидан куйиниб йиғларди. Қайноқ куз ёшлари ёнокларидан сел булиб оқар, кўнгил губори ювиб тушаётганга ухшарди. Бувиси улган куни ҳам бунчалик йиғламаган эди. Жудолик дардини бошига чигаллик тушганда, унинг ҳамдардлиги, маслаҳатларига муҳтоҷ булгандагина ҳис қиляптими?!

Хеч нарсадан торгинмай, уйдагиларнинг уйғониб қолишидан чўчимай тўйиб-тўйиб йиғлади. Узини бемалол қўйиб йиғлади. Куз ёшларини артиб, енгил хурсингандан кейин анча енгил тортиб қолди. Уйга кириб тўшакка чузилиши билан уйкуга кетди...

Хосият маросимларни утказиб, ишга чиқсан куни офис телефони жиринглади. Бахтга қарши хонада ёлғиз эди. Аваз билан Акмал шаҳарга иш билан кетган, тушдан кейин булоқ ёнидаги уйга нарсалар сотиб олиш учун Мустафобейга ёрдам беришлари керак эди.

- Эшитаман!
- Хосиятхон яхшимисиз, дугона?
- Раҳмат!

У Ҳалимани дарров таниди, аммо юраги "шув" этди. Қунғироқ можаролар дебочасидай туюлиб, ранги узгарди. Аммо дугонасининг овозида таҳдид ёки нафрат сезилмади.

- Олдингизга бормоқчи эдим. Сиз билан гаплашиб

олсак.

- Бугунми?
- Шу топда жунаб турибман.
- Келаверинг, бирга тушлик қиласиз.

У ярим соатдан кейин хонада пайдо булди. Хосият азадор сифатида йиғлаб куришди. Бошидаги оқ румолини тұғриларкан, унинг күзларига қаради. Емон нияти йүк!

- Хосиятой, бувингиз яхши инсон әдилар, жойлари жаңнатда бұлсин. Шу қунларда сизге оғир гапларни айтмоқчи эмасдим. Лекин мажбурман. Иккаламиз орадаги чигалликни ечиб олишимиз керак.

Хосият күркүв билан унга қаради, Ҳалима жиддий қиёфада гапиради.

- Сиз менинг жонимга қасд қилиб, үзингиз берган ва менга тегишли тиллаларни тортиб олдингиз. Худога айтганим бор экан, тирик қолдим. Шунисига ҳам шукр, аммо юрагим санчиб, миям чайқаляпты, баъзан узимни ташлаб юборяпман.

- Худо сақласин.

- Айтганингиз келсин. Аммо ҳолва деган билан оғиз ширин булмайди. Врачлар анчагина даволанишимни айтшиди. Менга пул керак.

- Ёрдам бераман, дугона...

- Одам адашади, сиз ҳам үйлаб күрмасдан менга жабр қилдингиз..

- Мени кечириңг, Ҳалима, Худо ҳаққи хато қилдим.

- Сизни кечирғанман. Фақат мендан тортиб олган тилларингизни қайтарасиз. Ёнига яна шунча құшасиз. Даволанишим учун қанча пул кетса тұлайсиз! Сизге хусуматим, адоватим қолмайди. Орамиз очық булади. Ҳа, яна бир масала, бундан бүёғида доим бирга бұламиз, бизнеста шерик қилиб оласиз.

Хосият бир неча сония жиддий үйланиб турди. Ҳалима: шартларим оғир келди шекишли, деб фикрлаётганды у тилга кирди.

- Ҳамма шартларингиз бажарилади. Тилла масаласини уч киши билардик. Бувим қазо қилдилар. Иккимиз қолдик. Бу ҳақда ҳеч кимга гапирмасанғиз, тилингизни тиийиб юрсанғиз, мендан ҳеч қандай ёмонлик курмайсиз...

Хосият Ҳалимадан ёмон гап чиқмагани учун анча дадилланди. Ўзига, қилаётган ишига ишонч, бойликни яхши курадиган одам билан тил топиша олишига умид пайдо бўлди. У қўнғироқ қилгандан бери юрагини кемираётган фамдан, хавотирдан қутулгандай булди, аммо Ҳалиманинг кўнглида тиллани олгунимча қасосни кейинга суриб турай, деган фикр булиши мумкин деган хавотир кўнглини фаш қиласарди. Ҳозир бу нарсаларни уйлаш эмас, Ҳалиманинг шартларини бажариш муҳим эканини тушунди.

- Бугун кечки пайт бизникида куришамиз, - деди Ҳалимага самимий тикиларкан,- ҳозирча даволанишингиз учун икки юз доллар бераман.

Икки юз доллар алангаси Ҳалима кунглида асраб келаётган кек ва губорлардан бир чимдимини кўйдириб, кайфиятини кутарди. Кўзғалиб ташқарига чиқаркан, алланечук енгил тортган, вужудига қувват кирганга ухшарди. Ташқаридан, гулзор ёнида ифори кетмаган оппоқ ва қипқизил атиргулларни томоша қилиб турганда Хосият етиб келди. Кул узатиб хайрлашгандай бўлиб кафтига пул кўйди.

- Касалхонада ётинг, узим хабар олиб тураман. Соғайиб кетганингиздан кейин иш масаласини гаплашамиз.

- Яхши..
- Тушлик қилмаймизми?
- Шаҳарда ишим бор...
- Кечқурун куришамиз.
- Шомдан кейин бораман!

Кўнгли тинчиган Хосият эртанги ишларни режалаштириш учун ручка ушлаган эдики, "Нокиа"си ашула айта бошлади. Мустафобей ярим соатдан кейин ресторонга етиб келишини билдириди. Хосият ташқаридан кутиб олиш учун йулакка тушди...

Машинадан тушган Мустафобей унинг чеҳраси очиқлигини курди-ю, узида енгиллик сезди.

- Анчадан бери юзингизда бунақа чиройни курмаган эдим, Хосият хоним!

- Уйда утирсам, эзилиб кетадиганга ухшайман...
- Жудолик ёмон, хоним. Бироқ бувингиздан айрилган бўлсаңгиз, содиқ дустларингиз бор. Мен қариндош сифа-

тида мушкулингизни осон қилишга тайёрман. Қийналиб қолсангиз битта ишорангиз кифоя.

- Миннатдорман, афандим.
- Бугун кечки пайт уйга охирги нарсалар келади. Ўша ерда тунаб қолмоқчиман. Сиздан илтимос, йигитларингиздан бири бегона жойга ургангунимча мен билан қолса...
- Яхши. Ишни эртага бошлаймизми?
- Худо хоҳласа. Менда бир фикр бор.
- Бемалол айтаверинг.
- Назаримда, бундай нозик ишга бегоналарни аралаштирганимиз маъқул. Ҳаммасини узимиз бажарсак...

Хосият эҳтиёткорлик маъносини тушунди, аммо замира бошқа гап йуқмикин, деган фикрга ҳам борди.. Суҳбатдоши ерга қараб тинглагани, уз фикрини нигоҳини бошқа томонга буриб сўзлагани учун кўнглидаги ниятини билиш қийин эди. Аммо овозидаги самимилик ёмон нияти йўқлигидан дарак бериб турса ҳам Хосият унинг гапларини мулоҳаза қилиб куришга қарор қилди.

- Эплай олармикинмиз?
- Кеча юк олиб боргандা сада атрофини айландим. Илдизлари ташқарига чиқиб қолибди. Тупроқ сурилган. Назаримда, хазина унчалик чукурда эмас! Аввал айтилганидек, тўрт метр эмас, икки метр ковласак етамиш!
- Балки...
- Бегона одам керак эмас. Бирор билмай қуя қолсин!
- Кўпни кўрган одамсиз, маслаҳатингизга амал қиласиз, афандим.

Хосият Мустафобейни тушликка таклиф қилди. Соатига қараб бирга яқинлашганини билган Мустафобей ортиқча илтифотсиз рози булди. Улар ресторанинг алоҳида хонасига жойлашишди. Энг гапга чечан, чаққон офицант уларга қувонч билан хизмат қилди.

- Хоним!
- Лаббай!
- Гапларим ёқмаса аввалдан кечирим сўрайман. Анчадан бери оилавий аҳволингиз ҳақида билмоқчи эдим. Мавриди келмаётганга ухшайверади. Бугун алоҳида утирганимизда сиз билан яқиндан танишиб олсан дегандим.

"Фанта" хўплаётган Хосият Мустафобейдаги қизиқиши

ни сезди.

- Турмуш уртогим билан эмас, икки хизматчим билан кутиб олаётганимдан таажжубга тушгандирсиз?

- Кечирасиз, мен Акмалбейни турмуш дўстингиз деб ўйлабман.

Хосият мийифида кулиб қўйди.

- У билан синфдошмиз. Менда ишлайди, холос.

- Ёстиқдошингиз қаердалар?

- Очигини айтсан, у киши билан феълимиз чиқишмай ажрашганмиз. Ургада олти ёшли битта боламиз бор, мен билан яшайди.

Бирор Хосиятдан бу ҳақда сурашга ботинолмаган эди. У саволларга жавоб бераркан, ичига алланарса оғир ботганини, вайрон бўлган турмуш ҳақида гапириш нокулай эканини фаҳмлади. Қадимгилар "Чумолининг ҳам ини бузилмасин" деб бекорга айтишмаган экан-да! Яхши нарсалар ҳақида хотирлаш мароқли, аммо ... Хосият эридан ажрашганига анча булган эса-да, бу айрилиқ юрагида чуқур жароҳат қолдирганини энди ҳис этяпти. Айниқса, хориждан келган нозик меҳмон олдида битта турмушни ҳам эплолмаганини очиқ-ойдин тан олиш юракка ғашлик соладиган, нотавонлигини тан оладиган орсизликдай туюлиб кетди. Қани энди, турмушини бузмаслик учун ҳаракат қилганини, аммо уликка дори таъсир қилмаганидай эрини ҳам укувсизлик, ландовурлик балосидан кутқариб булмаганини ҳаммага тушунтириб бўлса! Айниқса, узгача қадриятлар билан яшайдиган Мустафобейдек инсонга ҳаммасини тула-тукис англатолса! Афсуски, бунинг иложи йўқ!

- Майдалаб сураганимни кунглингизга олмайсиз, хоним. Мени маъзур тутасиз. Сиз имкон қадар эркак никоҳида булишингиз лозим. Унутманг: ёлғизлик Аллоҳга хос!

Хосият унинг мақсадини тушуна бошлади. Аммо ҳали очиқ гапирмагани учун кунглида теран бир фикр туфилавермас, гапнинг давомини кутишдан узга чораси йўқ эди.

- Ёлғизликка кунишиб кетдим. Назаримда, юракдаги жароҳатлар битгунча ёстиқдошга эҳтиёжим йуқдай...

- Аслида бошлаган катта ишларингизни ривожлантириш, охирига етказиб, самарасидан баҳраманд булиш учун

ишончли одам керак, бундай одам эса, купинча турмуш уртоги бўлади. Сирингизни яшира оладиган, бирорларга алданиб қолишдан асрайдиган, ор-номусингизни тоза тутадиган одам ЭР бўлади. Сиз келишган, ақли расо, жозибали аёлсиз, зоро, содиқ одамни топиш учун узоқ изланишингиз шарт эмас! Бегонадан нажот кутиш ҳам доноларнинг иши эмас!!

Хосият Мустафобей кузларида ошиқона табассум сезиб, юрагида илиқ бир ҳаяжон ҳис қилди...

\* \* \*

... Ҳалима саҳарга яқин қўзини очганда сой бўйидаги дараҳт илдизига осилиб қолган, совуқдан баданлари қақшаб оғрир, вужуди титрар, темир теккан жой луқиллар эди. Бор кучини туплаб қирғоққа чиқиб олди. Нафас олишга қийналар, ёрдам берадиган одам истаб атрофга олазарак боқар эди. Хайриятки, намоздан туриб сувга чиққан кампир уни куриб қолди. Муздай тонгда ёшгина аёлнинг чўмилиши бирорнинг хаёлига келмайдиган иш булгани учун арвоҳми, ажинами деб қўрқиб кетди. Аммо аёлнинг совуқдан қалтираб турганини куриб:

- Қизим, сенга нима бўлди? - деди билинар- билинмас овозда.

- Онажон, менга ёрдам беринг! - Ҳалиманинг овози бўғилган, вужуди тезкор ҳаракатни кутаролмас эди.

- Сувга тушиб кетдингми, болам?

- Ҳозирча кийимларимни қуритай, кейин ҳаммасини тушунтириб бераман.

Унинг соchlари, қулоқлари, кийимларидан муздек сув оқар, аранг ўзини бошқараётгани сезилиб турарди.

Кампир уни уйига суюб олиб кирди, ўзининг кенг кийимларидан берди. Тагига икки қават тўшак солиб устига барқут курпа ёпди. Баданига илиқ утган Ҳалима бирордан кейин уйқуга кетди. Пешиндан кейин сал узига келиб уйгонгач, бошидан ўтганларини сўзлаб берди. Гилла ҳақида оғиз очмади...

Кечга бориб иситмаси кутарилди, чуқур-чуқур йўтала бошлади. Кампир бир ҳафта аллақандай дамлама ичирди. Бемалол юрадиган бўлганда Ҳалима тилга кирди.

- Менга она бүлдингиз, яхшилигингизни бир умр унутмайман. Сизни доим йўқлаб тураман, ая!

- Э, болам, одамдан яхшилик қолади! Ёмонликнинг бети қурсин. Аммо ҳасад ёки бойлик учун яқин дустига хиёнат қилғанларга ишонма, бу дунёда энг ишончли дуст - Аллоҳнинг узи! У билан бирга бул!

Ҳалима Хосият билан хайрлашиб шаҳарга кетиб бораркан, Тожи момонинг гапларини эслади. Хосиятга шерик бўламиз деди, аммо ҳаққини олгандан кейин узи билади. Ният сир тутилса тезроқ, ижобат бўлишини Тожи момо ўргатган...

Хосиятни кечирган, у билан муомаласини тиклаган, бу ишларни шартларига кўндириш учун қилганини бирор билмайди. Шивир-шивир гапларга қараганда у наша савдосидан катта даромад курган. Нуфузли одамлар қуллаб турибди, аммо заиф томони - қалтис вазиятда туфри қарор қабул қилолмайди! Хатосини кеч тушунади. Ёмонлигини бирор кечириб юборади деб ўйлайди, нодон... Кечириб бўпман, ўзимни тиклаб олай, сен билан алоҳида ҳисоб-китоб қиласман. Аваз билан ҳам алоқани узаман. Энди сен ўйлаган Ҳалима эмасман! Кур ҳассасини бир марта йўқотади. Сен душманни енгмасанг, душман сени улдирап, деб бекорга айтилмаган экан!...

Шаҳарга боргач, эски таниши билан квартира кўргани боришиди. Икки хонали уй, балконига ром урнатиб, уч хоналига айлантирган, евроуслубда бўлмаса ҳам чиройли таъмирланган. Энг муҳими - иккинчи қаватда. Қизи билан бемалол яшаши мумкин. Икки ёндаги кўшнилар - пенсионерлар, бирор билан иши йўқ одамлар.

- Икки кундан кейин эгаси келади, нархини келишиб оласизлар!- деди эски таниши.

Ҳалима у билан тушлик қилиб, уйига қайтди. Шаҳарга олиб кетадиган нарсаларни чамаласа, дурустроқ мебели, каттароқ гилами йўқ экан, жуда оддий, қўпол айтганда камбағал яшаркан.

"Хосият ҳаққимни берса, янги мебель, гилам, уй жиҳозлари сотиб оламан. Уйимни кўрган одам ҳавас қиласидиган

бүләди." - уйлади у.

Кечки пайт Хосият кутиб ўтирган экан. Ўзидаги пинҳоний режа ва ниятларни сездирмаслик учун аввалгидай содда Ҳалимага айланиб олди. Қиёфасига тикилган одам такаббурлик сезмас, юкиниб келган аёлдай тасаввур қиларди.

Илгари тилла булишган хонага киришди.

Уни кўрпачага ўтқазиб, Хосият аллақайси . . .нага кириб кетди. Орадан қанча ўтганини билмайди, у латтага уралган тиллани кўтариб кирганда Ҳалима бироз зериккан, ҳатто дугонаси кеч қолганига хавотирга тушаётган эди. Ҳадиги ноўрин экан. Хосият хазинани пешхонга қўйиб:

- Ресторан оламан деб ишлатиб қўйгандим, аммо юзтани тишимнинг ковагида асраётгандим, - деди.

- Бошқа қолмадими?

- Э, дугонажон, ҳамкормиз, бир-биримизда қолиб кетмайди.

- Яхши... Мен эртадан касалхонага ётаман. Ҳеч булмаса ун кун даволанаман. Ўзимга келганимдан кейин учрашамиз.

- Тушундим...

Ҳалима тиллаларни эски латтага ураб, сумкасига соларкан, Хосият: «пулга алмаштиromoқчи бўлсанг, ишончли одам бор» демоқчи бўлди, тилини тийди.. Бироқ бирга бизнес қиласиз деган одам маслаҳат сўрамаганига ҳайрон бўлди. Яхшироқ танишлар топдимикин? Улар билан менга қарши ишламоқчимасмикин? Рақобатга чиқмоқчи бўлса, чучварани хом санабди. Мустафобей айтган икки қўзани олсам, бунақа пашшаларни бир пуфлашда учириб, қайтиб туролмайдиган қилиб қўяман.

Ҳалима Хосиятникита келаёттанды кори ҳол юз беришдан хавотирга тушиб, ортига қайтмоқчи, тилладан кечмоқчи бўлди, аммо шаън-фурур, мақсад жасорат берди. Ўзини сипо, хайриҳоҳ тутишни улдасидан чиқди шекилли, Хосият шубҳага бормасдан хайрлашди. Ҳалима олтин тангаларни кўтариб бораркан, белгисиз томондан куч келгандай, қалбига шодлик ва севинч қўйилар, осмонда учайтган күшдай күшдай енгил эди. Уйига кириб ёлғизлик билан

юзма-юз келаркан, шодлигини бирор билан баҳам куриш мүмкин эмаслигидан юраги хижил булди. Қушни аёлникидан қизини олиб чиқиб, жойига ётқизди. Пишиллаб ухлаётган беғубор гұдакка термуларкан, болалиги ёдига тушди. Тошкент чеккасидаги маҳаллада үтган беғубор йиллари хотира қопқасидан мураларкан, бешафқат ҳаёт одам бошига оғир синовлар солишини уйлаб оғир энтиқди. Анча йиллар олдин қазо қылған ота-онаси ёдига тушиб, кузига ёш келди. Машаққат, ғам-ташвиш билан күмилған йиллар хотира ойнасидан кино лентасидай утар, умр, ВАҚТ ва ҳаёт деган ҳилқат юрагига титроқ сола бошлади. Қанча-қанча йиллар ёруғлик, шодлик ва қувонч күрмай утиб кетди. Ёшлиқ орзу-ҳаваслари, фаровон яшаш ниятига етолмаёттани күксига хурсиниқ солаёттан эди. Кулидаги нақд бойлик орзуларини амалга ошириш учун имкон берадими ёки кутилмаганды күлфатга дучор қила-дими? Тожи момонинг айтишича, ҳамма нарсани Худо билади.

Тонг отиши билан шаҳарга - Баёзхон заргарникига йул олди. Кечаги күрган квартираси унга тегишли булиб, бошқа одам номига расмийлаштирилған, оиласи одамларни ижарага қўйилар эди. Кеча қўшниларга сотиб олиши ҳақида эмас, эл қатори ижарада утиришини тушунтирган эди.

Баёзхон билан учрашиб, бир соат бирга-бир гаплашди. У йигирмата тангага рози бўлди....

Ҳалима шу куниёқ ширкат усталарига уйни евроуслубда таъмирлаш ҳақида топшириқ берди.

\* \* \*

Жиҳозлар келтирилди. Мустафобей уйга кучиб боргандан сўнг Акмал у билан бир неча кун тунаб қолди. Ҳовлига ёшгина хизматкор олинди. Атроф саранжом-саришта қилинди. Уйга кирган одамнинг дили-баҳри очилади. Мустафобей якка ётган куннинг иккинчисида атрофга қараб жиддий аланглади, бирор кузатиб турмаганига ишонч ҳосил қилғач, сададан "Кузёш-булоқ" қараб турт қадам улчади. Дарахтнинг катта бўлгани ҳисобига ярим одим ортга сурилди ва бир қарич келадиган қозиқ қоқди. Ер жуда

қаттиқ, тошлоқ булгани учун қозиқ қийин қоқылди. Сунг ҳовли ўртасига қўйилган сурига бориб утирида, ковлаш режасини туза бошлади...

Атроф электр нурлари билан чароғон булса-да, кечки шамол дараҳтларни силкитади, унинг овозига аллақандай нотаниш шарпалар қушилади, шивирлашга үхаш овози эшишилади, барчаси тушуниксиз ва хавотирли туюладида, юракда номаълум нарсадан ҳадик туғдиради. Мустафобей бу жараённи бегона жойларга мослашолмаётгани билан изоҳлаб үзини юпатмоқчи булади.

Тўғри, аждодлар ўнлаб йилларни шу ерда ўтказишган. Аммо ўтган юз йил ва авлодлар алмашинуви унинг руҳиятига бегоналик соглан, англаш салоҳиятига соя ташлаётгандай эди. У боболари қандай яшаганларини тасаввур қилмоқчи эди. Йфор билан эсан саболар ҳушини олди-ю, юрагига таниш, руҳиятга ором берадиган ёқимли бир туйғу пайдо булди. Бундай ҳиссиёт юрагининг нотаниш бурчагида ухлаб ётган, ҳозир бобокалон юртида баҳорда чиққан ялпиздай бош кўтараётгандай эди. Қалбини ватан туйғуси, аждодлар меҳри қамраб борарди. Атрофдаги манзаралар компьютер хотирасига жойлашган суратдай секин -аста хаёлига келади.

Қалбидаги жараёнлар вақтга буйсунмаётгандай... Кунглини аллалаб эсаётган сабо хуш ёқади. Ухлаганини билмай қолди. Хаёллар тушга уланди... Оппоқ соқолли оппоқ куйлак кийган чол узоқдан уни имлади. Мустафобей Хизр деб уйлади-да олдига борди. Борди-ю қазо қилган бобоси эканини билди. Бобо унинг бошини силади. Гапирмади, аммо дилидагини кўзлари айтиб турарди. У жуда сирли, вужудидан илоҳий қувват еилиб турганга ухшайди. Мустафобей бир оғиз гапиришга ҳам чучиб, унинг кўзларига термуларди холос. Бобо имо-ишора билан Мустафобейга қозиқ қоққан жойини курсатди-да, кулочини ёзди... Нимадир қаттиқ шитирлади, Мустафобей уйғонса, ялангда икки метрча келадиган кўкимтири оқиши илон ярим кулча булиб унга қараб турар, кўзларида аллақандай маъно борга ухшарди. Мустафобей қурқиб калима келтириди:

- Э, узр тақсир, узр,- деб секин, омонат ҳаракат билан сўридан тушиб ортига тисарилди.

Бир неча қадамдан сұнг, уй әгасининг "Аввал чопиб ташламоқчи булдим. Ўйлаб қарасам бизга зиёни тегмайди, Худонинг битта жонивори юрса юрибди-да дедим", деган гапи эсига тушиб, құркұв чекингандай бўлди. Илон бошини бир силкиб, ортига қайрилди, доира шаклида юрди, сұнг Мустафобей томонга шиддат билан бостириб кела бошлади. Унинг юрагини ваҳима қоплаб, нима қилишини билмай, сўри ток устуни ортига ўтди, аммо илон ҳеч нарсага парво қилмай бостириб келар, ташланадиган сиёқи бор эди. Орадаги масофа бир метрча қолганда у қўркувнинг зўридан кузларини чирт юмиб олди. Юраги зирқираб дунёни унутди, сўнг жар тубидаги қоронгуликка кулаг тушди...

Атрофни қоронғилик қоплади. Илон вазифасини бажариб булғандай ранги докадай оқарган Мустафобей атрофида икки марта айланди-да, унда тириклик аломатлари кўринмаганини сезиб, сада остидаги туйнукка кириб кетди.

\* \* \*

...Хосият Мустафобей таъсирига тушиб қолди. "Сиз келишган, ақли расо, жозибали аёлсиз, зеро, содиқ одамни топиш учун узоқ изланманг! Бегонадан нажот кутиш ҳам донолар иши эмас!" дегани хаёлидан кетмас, сирдошликка муносиб кўрганидан кунгли кўтарилаётган эди. Хушомад замирида риё кўринмайди. Оилавий аҳволини бекорга суриштирган экан-да!

Еши уттиз бешдан утиб, узини ва ўзгаларни хурмат қилишни, даражасига қараб эҳтиром кутишни ургана бошлаган, ҳаётнинг аввал билмаган хусусият ва иллатлари борлигини эътибордан қочирмаслик зарурлигини ҳисобга оладиган бўлиб қолган эди. Бошқача айтганда, у ОДАМга айланаётганини тушунмаган бўлса ҳам ўшанга яқин ҳолатларни сезаётган эди. Аёл сифатида ўзига қарагандан бүён нуфузли одамлар эътиборини қозониб, юрагига ёқимли ҳиссиётлар ёпирилиб киргани, янги дунёга қадам ранжида қилаётганидан баҳтиёр эди. Мустафобей кўнглига чўкиб қолган туйғуларни баҳор тошқинидай қўзғатиб юборди. Аёлга аталган ширин сўз, озгина эътибор нималарга

қодирлигини ҳис қилди. Ҳаёти мазмунли, мураккаб ва ранг-баранг бўлишини ўйлаб ич-ичидан кувонди. Унда эътибор билан қараётганларнинг ҳар бирига алоҳида муносабат шакллана бошлаган, бирини иккинчисидан устун жиҳатлари бор, аммо ҳаммасидан кечиб, фақат биттаси билан жиддий боғланиб кетишни катта йўқотиш ҳисобларди. Акмал ҳам, Сайд заргар ҳам, Мустафобей ҳам юрагидаги туйфу ва кечинмаларнинг бутун, мавжли бўлишида керакдай эди...

Мустафобей ҳаммасидан устунга ухшарди. Уни деб бошқалардан кечса алам қилмайди. "Пули бор, обрўси етарли, ишбилармон, аёлга муносабатни жойига қуя олади. Энг муҳими, у билан тақдирини боғласа, янги ҳаёт бошлиши мумкин. Аммо янги ҳаёт қай тарзда кечади?. Шуниси сирли, бироз хавотирли.. У - хорижлик, ҳаётини илгор, энг ёрқин тамойиллар шакллантиргани учун унга teng келолмаслиги мумкин, бартараф этиб булмайдиган аллақандай тусик, бир-бирига тушунтиролмайдиган мураккаб жараёнлар, кечинмалар бор. Қолаверса, уртадаги катта бойлик туфайли келишмовчиликлар пайдо қилиши турган гап. Бундан ташқари, Туркиядаги аёли ишқий муносабатларимизни билиб қолса, энди боғланаётган қариндошлик ришталари узилиб кетиши, бу ёқдагилар ҳақида ёмон фикрга бориши мумкин... -

Сайд заргар ҳақида уйлагандада эса, қалбida енгиллик сезади. У билан тил топишса бўлади. Хушомадлари мазмунли ва ёқади. Хосиятнинг бир-иккита камчиликларини кечириб юбориши, ҳурматини жойига қўйиши мумкин. Энг муҳими, у - ёлғиз. Болаларидан қутулган. Куп вақтини, маблагини оладиган оиласвий муаммолари, бошқа аёллар билан муносабатлари барҳам топган. Ҳис-туйғулари, имкониятлари ва вақтини менга сарфлаши мумкин. Қолаверса, ёшман, севикли хотини бўлиб, маликадай яшайман!

У заргар билан охирги муносабатини ўйлади. Мендан норози бўлиб кетмаганми? Тошкентдан онамнинг фотиҳасига келгани эътиборга лойиқ. Одамгарчилиги жойида экан. Уни умидвор қилган жойим йўқ. Мехримни қозонищ, эътиборимни тортиш учунгина келган булса ҳам оқибати бор экан. Бундай одам билан ҳамкорлик қилган

яхши. Ҳаётда ҳам чув туширмайди.

Хосият Акмални чақириб, Саид заргарга етарлича илти-фот курсатилдими-йуқми, суриншириди.

- Бизникида қолишга күнмай, меҳмонхонада турди-да, эртаси кунги эҳсондан кейин Тошкентга жұнаб кетди. У билан кучадан хайрлашдик."Хосиятхонга тезроқ боришим зарур бўп қолганини айтиб қўйсангиз, кейинроқ яна кўришамиз", - деб хайрлашиди у.

Хосият Акмал билан янги ҳовлига кирганда сада остида ғалати, ёқимсиз, ҳатто айтиш мумкинки, хунук бир сукуннат ҳукмрон эди. Бегона шарпа эшитилмас, ҳовли - эгаси ташлаб кетгандай файзсиз кўринарди. Улар каравот олдига келишганда шундоққина ялангда Мустафобей юзтубан ётганини куришди-ю, аввал бир-бирларига қараб олишди, юракка қўрқув тушди. Кап-кагта, эсли-хушли одам чиройли сурин турганда ерда ётишга бало борми дегандай, ҳайрон булишди. Хосият Акмалга ишора қилди:

- Қара-чи, нима гап?

Акмал Мустафобейнинг тепасига келиб, ҳеч қандай ҳаракат сезмагач, қурқув аралаш Хосиятга қаради. Хосият яна аввалгидай имо қилди. Акмал елка қисиб, қулларини икки томонга ёйди.

- Афандим! - деди энгашиб елкасига кафтини қуяркан. У қимир этмади. Акмал яна қаттиқроқ силкиб ўша гапни такрорлади. Жавоб бўлмагач, елкасидан ушлаб гавдасини ўзига угириди. Угириди-ю, қурқувдан титраб кетди. Кийимлари, юзи тупроқ, рангида қон йуқ, бошқача айтганда унинг тузи мурданикidan фарқ қилмасди.

- Акмал ушлама, - деди Хосият қулларини у томонга чузаркан, - ҳушидан кетганга үхшаяпти. Доктор чақириш керак.

Хосият қул телефонидан "Тез ёрдам"га қўнғироқ қила-ётганда Акмал ҳар эҳтимолга қарши Мустафобейнинг юрагига қулоқ тутиб курди. Овоз йуқ... Кукси жим-жит...

Улар сўрида ўтиришганда узоқдан "Тез ёрдам" машинаси куринди...

Врачлар уни олиб кириб кетишгач, Хосиятнинг кунглига ҳар хил хаёллар келди. Долларини оламан деб бирортаси үлдириб кетдимикин? Ёки тутқаноғи бўлса, ёрдам кўрса-

тилмагани учун ўлиб қолдимикин? Эртага милиция улардан гумонсираб қамаб қўймасмикин?

Фожиадан Ҳалима хабар топса, қасос учун қулай фурсат келганини билиб қолмасмикин? Милицияга ёки Туркиядан келадиганларга "Мустафобейни шу хотин улдирган, қўлидан қотиллик келади. Менга шунаقا-шунаقا иш курсатган, ишонмасангизлар гувоҳим бор. Оғзимни ёпиш учун мана шу тиллаларни берган", деса бемалол ишонишиди. Нима қилсам экан? Утган сафаргидай Аваз уни бир-икки кун узоққа олиб кетсинми? Бу сафар кундира олармикин?

- Э, нега қурқаяпман? Виждоним тоза, Аллоҳнинг олдида ҳам, бандаси олдида ҳам тилим қисиқ эмас! Подан олдин чанг чиқармай, балки ҳаммаси йули билан ҳал булиб кетар! Тилла масаласи нима бўлади? Давронбей келгунча буни ўйлаб курганмикин? Ёки вазиятга Қараб иш тувишни афзал билармикин?

Хосият миясида чағалайдек чарх ураётган саволларнинг бирортасига жавоб беролмас, фикрини жамлаш учун ўзи ни қўлга ололмас эди. Мустафобейнинг рангсиз, тупроққа беланган аянчли башараси кўз олдидан кетмас, уни таҳлика га солиш учун руҳиятига маҳкам чирмашиб бораётганга ўхшарди.

Кечга яқин эксперталар хулоса берди. "Кеча тушдан кейин қаттиқ қурқув туфайли юраги ёрилиб кетиши натижасида ҳүшини йўқотган. Баданининг бирор жойида ёки ички органларида шикастланиш, ташқаридан кирган зарба йўқ. Юраги ёрилиб кетгандан кейин йигирма минутга етмай жони узилган."

Икковининг кўнглида битта савол туғилди: У бирор нарсадан қўрқсанми ёки одамданми?

Ички ишлар ходимлари келиб баённома тузишли. Унга Мустафобейнинг ёнидаги паспорти, турли манзиллар, телефон рақамлари ёзилган дафтарча, оддийгина кармон ва ундағи икки минг етти юз доллар пул ва қимматбаҳо қул телефони қайд этилди.

Терговчи Мустафобей сунгти, марта қунгироқ қилган рақамни аниқлаб терди ва у Истанбулдаги Мустафобейнинг дадасига тушди. Ички ишлар ходими сифатида булган воқеани силлиққина тушунтирди. Отаси Давронбей

эртага етиб келишини айтди.

Давронбей эртасига эмас, индинига кечки пайт ўғли билан келди. Хосиятни курди-ю тарашадай қотиб қолди. Кўзда ёш билан сўрашгандан кейин:

- Уйимизда момомнинг сурати бор, қуйиб қўйгандай узи экансиз, қизим!- деди қўзлари чақнаб.

- Мусибатингизга шерикман, афандим!

- Раҳмат...

Хосият уйлаганидай, Давронбей ўғлини бағрига босиб, "Вой болам"лаб, айюҳаннос солиб йиғламади, бегона одамлар олдида, оғир вазиятларда узини қандай тутиш кераклигини яхши билгани учун босиқ ва сипо эди.

Кунгил сураганларга:

- Аллоҳнинг иродаси! - деди кузида ёш билан.

Уни экспертиза хулосаси билан таништиришди. Ўликхонага кириб тирикдай ётган ўғлининг юзига қаради-ю, ўлдирилмаганига ишонч ҳосил қилди. Қолаверса, у Туркиядан келгунча милиция ходимлари Мустафобей билан алоқада булғанларни марҳум ўлган вақтда қаерда бўлғанларини гувоҳлар ёрдамида аниқлаган, фақат у одамга алоқаси йўқ бирор нарсадан қўрқанлитини айтиб беришиди.

- Марҳумни юртингизга олиб кетасизми ёки шу ерга дағн этмоқчимисиз? - суради ички ишлар булими бошлиғи.

- Бирор муаммо борми, афандим?- Давронбей нимадандир ташвишлангандай бошлиққа ўгирилди.

- Ҳозирча йўқ, ўғлингиз шу ерда қоладиган булса, биринкита ташкилотлар билан битишадиган ишлар бор, демоқчиман.

- Иншооллоҳ, уни юртимизга олиб кетиб, боболаримиз ёнига дағн этамиз. Бугун-эрта мен тобут ва йул масаласини ҳал қиласман. Ҳужжат ёки тulos талаб этилса, бажонудил шу ернинг қоидаларига биноан қиласман.

- Яхши. Қийинчилик туғилса ёрдамга тайёrmиз, афандим!

- Миннатдорман, полковник!

Ички ишлар ходимлари кетишгач, Давронбей Хосиятни четта етаклади.

- Хоним, ўғлим сотиб олган ҳовлини кўрмоқчиман, унга насиб этмаган ишни иккаламиз битиришимиз керак. Бироздан кейин ўғлим иккаламиз шаҳардаги меҳмонхонага жойлашамиз, сунгра телефонлашиб ҳовлига ўтамиз.

- Балки биз ҳам сиз билан борганимиз маъқулдири...

- Вақтингиз бемалол бўлса бажону дил, аммо сизни муҳим ишингиздан чалгитишга журъат этолмайман, хоним...

- Сиз шаҳарни яхши билмайсиз, Мустафобей тушган меҳмонхонага олиб бораман, у кишининг номерида турасизлар, хонада нарсалари бор.

- Маъқул, хоним.

Улар шаҳарга кетишгач, Аваз маҳалла гузарига бориб сигарета харид қилиш учун янги очилган дўконга кирди. Уч-тўрт киши растага суянганча пиво ичарди. Бари Авазга таниш булгани учун бирма-бир сурасди.

- Авазбек, битта нарса сурасак, майлими?

- Сурайверинг, - деди Аваз қутини очиб бир дона сигарета олиб ёндириди-да, ҳузур қилиб торта бошлади.

- Гап-сўзлар түғрими?

- Қанақа гап-суз?- ажабланди Аваз.

- Туркиялик меҳмонни пул учун Хосият билан Акмал ўлдириб юборган эмиш!..

- Е, тавба,- деди Аваз ёқасини ушлаб,- бунақа булмағур гапни қаердан олдингиз? Мутлақо нотуғри!

- Элнинг оғзига элак тутиб булмайди, одамлар гапирияпти-да!

- Экспертиза ҳаммасини аниқлади, у қаттиқ қурқиб, юраги ёрилиб улган. Икки минг етти юз доллар пули, бошқа ҳужжатларига ҳеч ким тегмабди. Туркиядан дадаси Давронбей келиб қабул қилиб олди. Яна қанақа гаплар бор?

- Билмадик...

- Ҳовлининг аввалги эгаси ҳам ҳеч нарса бўлмай бир кечада ўлиб қолган, у ерда бир бало борми дейман-да...

- Худо билади..- деди ёнидаги шериги. Суҳбат узилди. Пивоҳўрлар Авазга ишониб-ишонмай бир-бирларига қараб қолишли...

Аваз уларнинг одидан кетаркан, иғвони ким тарқатган

бўлиши мумкинлигини уйлай бошлади. Ҳосиятнинг "Ҳалима биринчи рақамли душманим", деганини эслади-ю, унинг уйига жунади.

Подъезд олдида янги "Матиз"ини ут олдираётган Ҳалима Авазни куриб "Яна бирор жойга мажбуrlаб олиб кетмасмикин?" деган хаёлга борди. Кунглидан "У билан ҳеч қаерга бормайман! Менга хужайин эмас, тошини терсин!" деган гаплар ўтиб турувдиямки, телефони ашула айтиб юборди... У нотаниш рақамни куриб ҳайрон булди. Авазга тескари утирилиб, боғланиш тутгасини босди.

- Эшитаман,- деди ажабланиш билан.  
- Ҳалима хоним, машина муборак!  
- Раҳмат, кимсиз?  
- Бойвучча хотин булиб эски ошифингизни танимай қолдингизми?

- Э э, ўлинг! - таниб қолди Авазни, - рўпарамда туриб телефон қилишингиз хаёлимга келибдими?.. Нима гап?

- Сизни кургим келди. Биз фарибларга озгина вақт ажратсангиз, сухбатингизга муяссар булардик.

Ҳалима телефонни учирувдиямки, Аваз унинг олдида пайдо булди.

- Афсуски, вақтим йўқ!  
- Нега? - таажжуб аралаш сўради Аваз.  
- Шаҳарда зарур ишим бор. Нозик бир одам кутиб турибди.  
- Биздақа йуғон одамлар билан гаплашишга вақтлари йўқми?  
. - Ҳозирча йўқ!.

Аваз Ҳалиманинг шаштини кўриб, паст тушди. Ундаги виқор, фуур қаердан пайдо булганига ҳайрон турувдики, аёл машинага утириб жунаб кетди. Аваз дарров телефонга ёпишди. Аммо Ҳалима уланмади, ҳатто телефонни ўчириб қўйди. Авазга қаттиқ алам қилган булса-да, ўзини босиш одатига содиқ қолиб ортига қайтди. Аммо кунглининг бир чеккасида пайдо бўлган орият ва ғазаб билан кафтига туфлаб қўйди...

\* \* \*

Ҳосият Давронбей билан ўғлини Мустафобейнинг но-

мерига жойлаштиргандан сунг уларни садали ҳовлига олиб борди. Ота ўғли вафот этган жойда ерга қараганча сўрига ўтирди. Кўнглидан кечәётгандарни бирорвга айтмас, маъюс нигоҳидан жудолик изтиробини чекаётгани сезилиб турар, елкалари силкинар, фарзанд доги оғир ботганини билиш қийин эмасди... Кўзларидан қуилаётган шашқатор ёш ёнидагиларда ҳам қайгули кайфият уйғотарди.

- Иккита боласи бор эди,- ўзига гапираётгандай сұзларди Давронбей,- уғилларимнинг орасида ишбилармон, одоблиси шу эди. Афсуски, Худо кўп кўрди. Қанча-қанча орзулари ушалмасдан қолди. Юрагида етишмовчилик борлигини билардим. Уни нотуғри жунатган эканман. У ерда бўлганда сақлаб қолишнинг имкони бўларми? Яна ким билади, Аллоҳнинг буйруғи экан!

Фам тўла сұзлари яқинда бувисини тупроққа қўйган Хосиятга оғир таъсир қилди. Давронбейнинг кўнглини кутариш лозимлигини сезди.

- Ҳафа бўлманг, афандим, Аллоҳнинг иродаси! Уғлингиз билан кўп суҳбатлашмаган булсак-да, одобли, таргибли, инсон қадрини баланд тутишини билдим. Қисқа вақтда меҳримизни қозонган эди. Илоҳим, жойи жаннатда бўлсин!

- Айтганингиз келсин, қизим, омин!

- Дардингизни тушунаман, Сизга осон эмас. Аммо ўзингизни қўлга олиб жудоликни енгишга сабру тоқатингиз етади деб биламан. Мен бир нарсадан хурсандман: умрининг сунгги кунларида бўлса ҳам боболар юртини кўриб, тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб симирди!

- Ташаккур, хоним!

Давронбейнинг кунгли кутарилди, дарди енгиллагандай булиб, Хосият ҳақидаги тасаввурлари кенгайди. Аёл киши бўлса ҳам кунгилга таскин берадиган сұзлар атганидан юзи ёришиди.

- Ҳовлини Мустафобей сотиб олганди, аммо номига расмийлаштиргмаган эди. Уй кимнинг номида бўлишини энди ўзингиз ҳал қиласиз.

- Албатта! Аммо ҳозирча бу муҳим эмас.

Давронбей аввал атрофга олазарак қаради, сунг нигоҳи Акмалда тухтади.

Хосият томоқ қириб Акмалга ишора қылғац, Давронбей-нинг ўғли билан машина олдига кетишиди.

Давронбейнинг кўзларида шафақсимон нур уйнар, инсон танасида ва қалбида катта воқеалар арафасида содир бўладиган ғалати ҳаяжонланиш бутун вужудини қамраб борарди. Турган жойи бобо юрти бўлса-да, бегоналик ҳис қиласади. Хосият қариндоши бўлса ҳам, уртадаги айрилиқ уларни узоқлаштириб турар, ёши катталиги сабабми, аёл билан астайдил мулоқотта киришолмаётган эди. Аммо гап катта бойлик хусусида кетаркан, у Хосият билан тил топишишга мажбур, ишини битиргунча айрим шартларига куниши ҳам мумкин. Айниқса, муштарак мақсад учун фикрлари бир жойдан чиқиши шарт эканини яхши тушунарди.

Улар ярим соат давомида яккама-якка гаплашиши. Деярли пицирлашиб сўзлашган бўлсалар-да, бирор эшитиб қолмадимикин, дея хавотирга тушишар, Хосиятнинг назарида, девор ортида бирор ҳамма гапларини эшитиб тургандай юракда ғулғула уйғонаётган эди. Хосият Мустафобей билан кузадаги тиллалар ҳақида гаплашишни бошлагандан бери бирор ортидан пойлаб, сирдан огоҳ булаётгандай чўчидиган бўлиб қолганди. Хаёлига детектив кинолардаги воқеалар келар, узича, босқинчилар хужум қилса ҳимояланиш чорасини уйларди. Аммо бир нарсанинг шарпасини сезмагани учун кунглида "Бу ҳолатлар хаёлимда, чучиш туфайли буляпти", деган фикр борлигини тан олади. Кеча Акмал билан шаҳардан қайтишаётганда нотаниш "Нексия"дагилар кузатиб келгандай булди. Акмал Хосиятга имо қилди:

- Уларни танимайсизми?

Хосият ортига ўгирилди. Оралиқ яқин, давлат рақами аниқ кўриниб турарди.

- Йўқ! - деди хотиржам. Аммо анчадан бери улар ортидан келаётгани, буни Акмал ҳам пайқагани учун шубҳаси ортди, юрагида ғулғула туғилди. Ўзини хотиржам тутиб Акмалнинг шубҳаларини тарқатиб юбормоқчи булди-ю, ўзи унга суюнаётгани учун бундай куч тополмади. Аксинча, Акмалдан далда кутди. Шериги буни пайқаб, ўзини дадил тута бошлаган эди.

- Одамлар хорижда бемалол юради-ю, биз ўз юртимизда йүқ нарсадан чўчиймизми?. Хотиржам булинг, Хосиятой! Бу шаҳарда сиз билан мени таъкиб қиласидиган шоввоз ҳали туғилмаган!

\* \* \*

... Деярли ярим кеча. Осмонда парча-парча қора булутлар сузиб юрибди. Бир галаси ой юзини тўсганда атрофни қоронгулик қоплади. Утиб кетиши билан ўчиб қолган чироқ ёнгандай борлиқ ёришиди. Аммо сада остида кулда кетмон ва белкурак билан ер ковлаётган ота-боланинг ҳаракатларини аниқ билиб бўлмайди. Ёруғда бир нафас дам олишади, қоронгулик қоплаганда тез-тез ишлашади. Мустафобей қозиқ қоқдан ер кечаси сугориб қўйилгани учун юмшоқ. Кетмон ёки белкуракни зарб билан уриш шарт эмас. Нам тупроқ осонгина кучади. Давронбей билан ўғли терлаб кетганига парво қилмасдан салкам икки квадрат метр жойнинг тупроғини ёнга олади. Хосият кўча томонни, ҳовли ортини кузатади. Шарпа сезса, паст овозда ҳуштак чалиб шерикларига хабар бериши керак. Ҳозирча уларни безовта қиласидиган ҳодиса руй бермади. Хосият атрофни айланиб келиб энди сўрига утирган эди, Давронбейнинг:

- Қоч, ўғлим!- деган қўрқинчли овози эшишилди. Хосият шошилиб ўша томонга қаради. Селимбей ҳаллослаганча у томонга келарди. Давронбей юк халтадан алланарса олди-да, девор тагига юрди. Куриган баргларнинг шитирлаши, илоннинг вишилилаши, сўнгра ўткир дорининг сассиқ ҳиди келди. Ёқимсиз ҳид одамни ҳушидан кетказар даражада кучли эди. Давронбей қоронгуда икки тарафга юрди, ҳул гаврон билан ерга уч марта зарба берди.

- Нима гап? - Селимбейга қўрқув аралаш қаради Хосият.  
- Илон, илон бор экан! Баҳайбат илон!!

Давронбей сепган дори илонга қаттиқ таъсир қилди щекилли, ҳаракатдан тўхтади. У енгил тин олиб:

- Келаверинглар! - деди.

Шу пайт куча тарафдан нотаниш шарпа эшишилгандай бўлди, аммо Давронбей чорлагани учун у томонга эътибор беришнинг зарурати қолмади.

Иккаласи қўрқа-писа, оёқ учида юриб Давронбейнинг

олдига борди.

- Нима бўлди? - дея савол беришди.

Қора терга ботиб, ёқимсиз ҳиддан кўнгли бехузур бўлган Давронбей:

- Ўғлимнинг қотилини ўлдирдим! - дея девор тагига ишора қилди.

Ўтлар орасида икки метрча келадиган кўкимтири чипор илон ҳаракатсиз чўзилиб ётар, ой ёруғида териси совуқ ялтирас, икки ёш қалбига қурқув ва ҳайрат соларди...

- Үлмаган шекилли... - Селимбей илонга ҳадик билан қаради.

Давронбей белкурак билан илоннинг бошига бир неча марта уриб мажақлаб ташлади. Сўнг думидан тортиб сўри олдига олиб келди.

- Ота, нима қилмоқчисиз?

- Куйдириш керак. Аммо ҳозир эмас, тонг отгандан кейин қиласизлар бу ишни. Ҳозир ковлашда давом этамиз.

Хосият боя шарпа келган томонга қараб, қулоғини динг қилди, аммо на қадам товуши, на одамнинг нафас олиши эшитилди.

Ярим соатча ишлашгандан кейин бироз дам олишди. Давронбейнинг назарида хазина кўмилган жой узоқ йиллар давомида пастга чўккан, шунинг учун мўлжалдагидан чуқурроқ ковлашса ҳам етиб боришмади. Дам олиб бўлгандан кейин яна ярим соат ишлашгандан кейин Давронбейнинг белкураги қаттиқ нарсага "тақ" этиб урилди.

- Етиб келдик! - деди у юzlари қувончдан порлаб Селимбейга қааркан, - тупроқни кетмон билан торт, устида пишиқ фишт борга ўхшайди.

Тупроқни олишгач, гумбазсимон терилган фишт кўринди. Давронбей алланарсаларни пичирлаб дуо ўқиди, юзига фотиҳа тортди. Гумбаз устидаги фиштдан иккитасини олгач, қуйига туйнук очилди. Бошқа фиштларни олиш осон кечди. Хосият не кўз билан кўрсинки, тўртта кўза иккитадан устма-уст жойлаштирилган, Ҳалима билан фордан олиб келган кўзага бир томчи сувдек ўхшаш эди. Давронбей мис қопқоқни очди. Қўл суқиб бир чангала тилла танга олиши билан булут ортидан ой чиқди-да, атроф ёришиб кетди, тангалар ҳам ярақлаб, ҳамманинг қалбини бир олам

ёруғлик, қувонч билан тұлдирди. Селимбей билан Хосият тангаларни ушлаб куришар экан, ҳайрат ва қувончдан ҳаяжонланар, порлаб турған күзларидан шодлик ёғилар эди.

- Ишни тезлатиш керак, ҳадемай тонг ёришади! - деди Давронбей тангаларни күзага жойлаб, қопқоғини ёпаркан.

Күзаларни олишгач, Давронбей үглига буюрди:

- Илонни судраб кел!

Хали ҳайрат ва қувончи тарқамаган Селимбейга бу топшириқ жуда ғалати туюлди.

Ота буни нотуғри түшунди шекишли:

- Күркма, аллақачон үлиб бұлған! - дея далда берган бўлди.

Кўза ўрнига илонни кулча қилиб жойлаштиришди.

- Куйдириш керак дегандингиз-ку!- отасига қаради Селимбей.

- Шарт эмас. Доридан күпроқ сепиб, яхшилаб кумиб ташласак, ҳаммаси жойида бўлади.

Улар машина юхонасига күзаларни жойлаб, Хосиятникига кириб келишганда тонг ёришган, қишлоқнинг лойсувоқ томларига чиққан хўrozлар басма-бас қичқираётган эди.

- Селимбей, Сиз Мустафонинг мурдасини олиб келасиз!...

Давронбей режасини Хосиятга айтмаган эди. Маълумот ва дилга тугилган ишларни аввалдан ошкор қилишга одатланмаган ота навбатдаги юмушларини ҳам Хосиятдан сир тутди. Нонушта қилиб бўлишгач:

- Мен ўғлимни олиб кетгани темир тобут ясатишим керак! -деди.

- Туманда бунақа корхона йўқ!

- Шаҳардаги манзилини суриштирган эдим, айтиб беришди. Мен бугун шу иш билан шуғулланаман. Битгач, Селимбей мурдани олиб келади.

Хосият тиллаларни эсон-омон ковлаб олишганидан қанчалар севинган, ўзини бақувват ва бардам сезган бўлса, юрагида шунчалар ҳадик ва қуркув бор эди. Уйида турт куза тилла турганини бойлик учун одам үлдиришдан тоймайдиганлар билиб қолса, бошига қандай кулфатлар тушиши-

ни тасаввур қиларкан, юрагига ваҳима урмалар, тилла ҳақда ҳукумат хабардор бўлиб қолиши ташвишга кумиб турар эди. Худди қурол ёки тақиқланган нарса билан қўлга тушиб қоладигандай хавотир билан яшарди. Буни Давронбей сездими йўқми - аниқ билмайди, аммо хотиржам эмаслиги кўзига қалқиб чиқсан хавотирдан кўриниб турибди. Бойлик туйфуси шодлик туғдирган булса-да, катта хазинани божхона постларидан олиб утиб, Истанбулга эсон-омон етказиш қайфуси ташвишга солаётгани кўзларидан билиниб турарди. Давронбей бу ташвишни сездирмасликка интиларди, аммо Ҳосиятнинг ўзида ҳам шунаقا ҳиссиёт борлиги учун кечинмаларини аниқ тушунди. Бегона одамлар Давропбейнинг кузига боқиб, фарзанд қайфусини куришарди, холос. Замирида дунё ташвиши ёниб турганидан бехабар эдилар...

\* \* \*

Бойлик туйфуси Ҳалимадаги гина-кудурат, сиқилишлар ва эзгин хаёлларни ҳазондай учириб, куксида тиник кайфият пайдо қилди. У ўзида енгиллик, оғдига қўйган мақсад ва режаларини амалга ошириш учун куч-кудрат сезар, янги, бошқача одамга айланиб қолган эди. У авваллари Аваздан чучирди, қийналган пайтлари пул билан таъминлаб, тилини қисиб қўйгани учун буйруқларига бўйсунишдан бошқа чора тополмасди, ҳатто қўполлигига чидар, унинг камситишлари орадаги муносабатларнинг шаклланган қоидасига айланиб ултурган эди. Бугун эса гапларига эътибор бермай, машинани учириб кетганига ҳатто қўнглиғаш булмади. Қулидаги бойлик мақсадга элтишини кечроқ булса ҳам англаб етганига қувонди. У бирорларга хизматкор булиб яшашдан қутулгани учун Тожи момонинг маслаҳатларига тан беради. Унга дуч кслгандан бери ишлари юришиб, ҳаёти узгарди. Ҳар сафар дуо қилганда кунглида, руҳиятида кутарилиш пайдо булади. Қайси ишга қул урса, яхши натижা билан якун топади. Шунинг учун иккита хонасини чиройли таъмирлатиб, янги жиҳозлар олиб берди. Тирикчилигидан хабар олиб турадиган булди...

У кеча бир неча хил янги кийимлар олди. Супермаркетнинг "Гўзаллик салони"дан чиқсандан кейин ёш, дилбар,

эркаклар кузини үйнатадиган ҳурилиқога айланди. Рулда утирганда эса үзини чет әллік бизнесмендай тутар, одамлар билан кинодаги қув аёлға үхшаб муюмала қиларди. Ҳар қадамда Тожи момонинг маслаҳатлари, дуоларини эслаб, иши юришаётганидан қувониб қуярди. Юрагида Аллоҳга шукроналик билан режаларини амалга оширишга булган шаҳд ва ғайрат тұлиб тошарди. Атрофда минг йилдан бери давом этаётган ҳаётни янгитдан, барча қирралари билан кашф этаётгандай эди.

- Қизингни яхши тарбияла, урнингни босадиган одам булсан! - деди момо бир кун. У әртасига мактабга бордиды, синф раҳбари ва фан үқитувчилари билан гаплашиб, қушимча дарс утишларини, хизмат ҳақини ой охирида олишларини тайинлади. Инглиз тили муаллими билан алоҳида гаплашди, ҳафтада икки марта алоҳида машғулот утиб, бир йилда бемалол гаплашадиган қилиб беришини тайинлади. Катта пулни әшитган муаллима Ҳалиманинг шартларига рози булди.

- Олим булмасанғ-да, бутун одам бұл! Обруйинг ошади!. Лафзингга содиқ бул, ҳамма сен билан үйлашиб муюмала қиласы. Йулингта тусиқ күёлмайды,- деган гапни бир неча марта тақрорлаган момо. Ҳалима үйлаб қараса, ишнинг олдинга босиши ё орқага кетиши лафзга боғлиқ экан...

Тумандаги уйи бойвучча қушниларникига қараганда ҳароб эди. Энг зүр фирма усталарини чақириб, евроуслубда таъмирлатишни бошлади. Үзи битта хонасида яшаб турғани учун уйда күндузлари кам бұлар, кечгача бизнес ортидан слив югурғаётган эди. Шу кеча хоналардан бүек ҳиди анқиётганини баҳона қилиб, қизи билан Тожи момоникига жунади. Бозордан майда-чуйда харид қилиб, кириб борғанда кеч бўлган, кучада одам сийраклашиб қолган эди. Момо билан кечки овқат қилишгандан кейин зарур иши борлигини айтиб, қизини ухлатди-да, машинасини юргизди. Ярим тундан ўтиб қайтиб келганда момо ухламасдан кутиб утирас, кузларида аллақандай ташвиш яширинган эди.

- Бемаҳалда қаерларда қолдингиз, қизим?

- Зарур ишим бор эди. Хайрият, кеч булсаям битириб келдим.

- Қандай зарур ишкі, ярим тундан кейин битса?
- Кейин батафсил айтиб бераман, момо! Узр, ҳозир менга жой қилиб беринг...

\* \* \*

Давронбей кечга яқын усти ёпиқ юқ машинасида темир тобут олиб келди. Акмал Хосият икковига таниш бұлған ички ишлар булими бошлиғи ёрдамида тайёрлаган ҳужжатларини унга узатаркан:

- Мәхмөн бемалол кетишлари мүмкін, - деди, - довонда қор бор экан, әхтиёт бұлишингизни тайинлади.

- Аллоқ арасын.

Тобут Мустафобей ётқизилған түрдаги уйға олиб кирилгач, Давронбей Акмалга юзланди:

- Биз үғлим билан мурдани жойлаштиргунча эшикда посбонлик қилиб турсаңғыз. Бирорнинг назари тушмагани маъқул деб үйлайман.

Унинг күнглиға бирор гап келдими, йўқми, ота-бала ҳам, Хосият ҳам билмади.

Акмал бажону дил дегандай бош иргади-да, куча тарафга юрди.

Тобут ўта мустаҳкам, ичи ҳаво ўтказмайдиган материал билан қопланған, қопқаси гайка болт билан қотириладиган қилиб ишланған эди. Үнг девори бир мунча қалин бұлиб, орасига икки куза тилла сиғадиган жой қолдирилған, унга ҳам алоҳида гайка болтли қопқа ясалған эди. Мурдани тобутга олишдан аввал хазинани аёлларнинг капрон пайпогига солишиб, бояғи жойға узунчоқ қилиб жойлаштиришди. Ёнига мурдани ётқизиши... Қопқаси маҳкам беркитилди. Акмал кириб келганды Давронбей, Селимбей, Хосиятлар тобут устида хотиржам бош эгиб туришар, пича олдин бажаришган ишларидан нишона ҳам куринмас эди...

- Хосият хоним, - деди Давронбей унга ярим нигоҳини қаратиб, - үғлимнинг шу ерда бандачилик қилишида заррача айбингиз йүк. Сиздан тирноқча ёмонлик курмадик. Яхши кутиб олғансиз, мәхмөндүстлик курсатгансиз. Бобокалонлар юртида омонатини топшириш пешонасига Ѽзилған экан, Аллоҳнинг буйруғи бажарилди, холос. Сиз

күнглингизда хижолатчилик, айборлик сезманг!

- Раҳмат, афандим! - Хосият ерга қараб сўзларди. Онаси ёдига тушдими, Давронбейдаги ғамбода кайфият юқдими, кузларидан шашқатор ёш оқа бошлади, - ҳасратингизга шерикман!

Кўнглидан хирилик тарқаб бораётган Хосият розилик билан Давронбейга назар ташларкан, кўзларида ташвиш билан йўғрилган самимиятни курди. Ўзини хотиржам сеза бошлади.

- Раҳматли ўғлим қариндошлар уртасидаги узилган риштани боғлаб кетганидан хурсандман. Борди-келди, ҳамкорликни йўлга қўямиз. Дустлар билан борсангиз, эшигимиз очиқ. Бошимиз осмонга етади, - Давронбей асосий гапларни айтиб булганини сездиргандай чукур тин олди, - энди биз кетамиз.

- Мусибат аралашиб дурустроқ кутиб ололмадик, меҳмон қилолмадик, узр. Кейинги ташрифингиз хурсандчилик билан бўлади, деб умид қиласман. Сизларга оқ йўл. Аллоҳ паноҳида асрасин... Ҳа, айтгандай, - Хосият тобутга ишора қилди, - олиб утишда муаммо туғилса, Саид акага қўнғироқ қилсангиз ёрдам беради.

Хосият Саид заргарнинг телефон рақами ва уй манзили ёзилган қофозни узатди, аммо Давронбей бегоналар ёрдамига муҳтоҷ эмасмиз, дегандай бош қимирлатса ҳам Хосиятнинг қулинни қайтармади.

- У кишини безовта қилмаганимиз маъкул...

Тобут юк машинасида, ота-бала эса қора "Нексия"да кетишиди. Қишлоқ йулидан катта магистралга бурилиб, кўздан йўқолиб кетишгач, Хосият маънавий суюнчиғидан айрилгандай мунғайиб қолди. Давронбейнинг гапларидан кейин кўнглидаги хижиллик тарқалган бўлса-да, Мустафобейнинг охирги суҳбати, туйғуларини изҳор қилгандан кейин пайдо бўлган ҳиссиётлари озорли тиконга айланган, тақдир зарбасидан зада қалби кейинги воқеаларни сифди-ролмай қийналаётган эди.

Мустафобей турт куза олтин ҳақида гапирганда пайдо бўлган қувончдан нишона ҳам сезилмас, суюнадиган, маънавий мадад буладиган одамлар бир дунё бойлиқдан афзал эканини англай бошлаган эди. Айниқса, бувиси вафоти-

дан кейинги ёлғизлик күнглига ғалати, тушуниш қийин бұлған хавотир солаётган эди... Бунинг нима эканини теран тушунмаса-да, дилига оғир ботаёттанини сезар, энди узоқ йил ундан қутула олмаслигини билиб, баттар азобланар эди. Бундан ташқари, бойлика эга бұлғандан бери қандайлигини билиб бұлмайдиган ёқимсиз шарпалар, аллақандай кучлар тинимсиз кузатаёттандай, атрофини ваҳима билан тулдираёттандай буларди. Баъзан узи якка қолғанда аллақандай куринмас куч юрагига ваҳима солар, тинчлик ва хотиржамлигини янчиб ташлагандай тутарди...

Хосият хонасига дам олиш учун кириб, кузи илинди. Туш курди. Катта йулдан пиёда кетарди. Тұсатдан нотаниш ҳовлидан каттакон ит вовуллаб чикди-да, унга ташланди. Ҳайбат қилиб тош отса ҳам кетмас, ғажиб ташлайдигандай ваҳшийларча ириллар эди. Ит оғзини катта очганда у даҳшатли манзарани куриб, хушидан кетди.

Қанча ётганини билмайды, кузини очиб қараса, биров чақирыпти. Уйига үгри бостириб келгандай, ваҳимадан талвасага түшди. Куча эшиклари ланг очиқ, хизматкор хотин холасини күргани бораман деб ишга келмаган, қизи мактабдан ҳали қайтмагани учун уйда якка эди. Тилла беркитилған хонани қулфлаган булса ҳам биров билиб қолишидан ҳадиксираб юргани учун хаёлига дарров үгри келди.

Кечаси узига теккан тиллаларни каттагина сирли кострюлкага солиб, турдаги уйнинг кираверишидаги обрез учун ковланған чуқурға туширган, устига пишган ғиштлардан териб қуйған, полнинг қирқиб олинған таҳталарини урнига жойлаштириб, устидан гилам ташлаб қуйған эди. Нариги хонада Давронбей билан ўғли турған булса ҳам, биров пойлаб кузатаёттандай юрагига шубҳа урнашиб қолған эди.

Уни чақирған шериклари эди. Боя Акмал Авазни топиб ресторандан хабар олиб қайтаман дегани Хосиятнинг эсидан чиқиб кетгани учун уларнинг келиши хаёлида йуқ эди.

Күнгли ғаш, кайфияти түшкүн Хосият улар билан ресторанга кетгиси келди, аммо уйда ҳеч ким йўқлиги учун тилладан хавотир олиб юраги бетламади. Кечки пайт

хизматкор хотин келишидан умидвор булиб, йигитларга жавоб берди.

Садали ҳовлидан тиллани олишаётганини ҳеч ким кўрмаган, уйга олиб келишаётганда ҳам, узиникини чуқурга жойлаганини бирор курмаганини яхши билади, аммо кўнглидаги хавотир борган сайин катталашиб, азоб беряпти, руҳини сирқиратиб юборяпти. Давронбейнинг маслаҳатича, бирорга гапириш мумкин эмас. Сир тутилган ниятга эришиш осон булганидек, бирор билмаган хазинагина узига буюради.

- Хазинани учаламиздан бошқа ҳеч ким билмади. Умрбод фойдаланиш тилни тийишингизга боғлиқ, қизим! - деган эди Давронбей.

У икки соатни игна устида юргандай ўтказди. Уйлайвериб мияси, сиқилавериб юраги чарчади, хазинанинг сирли, залворли юки босиб келар, толиққан асаблари унинг оғирлигини яққол курсатиб турарди.

Кечки пайт уғлини ухлатгач, кино қуравериб чарчади. Озодбекнинг янги дискини икки марта томоша қилди, аммо уйқуси келмади. Сақлаш қийин булган бойлик кундузи пайдо бўлган ғашлик хамон тарқалмаган бўлса ҳам асаблари толиқиб кузи илинди. Қанча ухлаганини билмайди. Куксига оғир зарб ботиб, уйғониб кетди. Кўзини очди-ю... Ним қоронғида аниқ нарсани кўрмади, вазиятни аниқ тушунмади. Аммо устидан курпани шахд билан олиб, томоғига ханжардай пичноқ қадаган қора ниқобли одамни курганда юраги ёрилиб кетай деди... Тили калимага келмай, қўрқувдан қалтираб қолди...

- Жон керак бўлса овозингни чиқарма!

Хосият тирсагига таяниб урнидан турмоқчи булди. Аммо қули боғланган, румолга ухшаш латта билан оғзидан боши аралаш танғиб қўйилган эди. Узини ночор сезиб ингради, аммо кундаланг тортилган боғич овоз чиқаришга йўл қўймади. Ҳушдан кеткизувчи дорининг қолдиги, ўт-кир ҳиди кўнглини оздирар, титраб-қақшаганча ниқобли одам буйруғига буйсунишдан бошқа чора тополмас эди. Унинг мақсадини фаҳмлаган бўлса ҳам кимлигини билолмай жаҳли чиқаётган эди.

- Тур урнингдан!

Таҳдидли буйруқ юрагини зирқиратиб юборди.

Босқинчи үнинг бир қўлини ечиб, курагига ва биқинига пичоқ тиради.

- Тиллани қаерга беркитгансан? Уша ерга бошла!

Хосиятнинг гапиришга мажоли етмас, босқинчининг кузига қарашдан қўрқар, титроқдан талвасага тушаётган эди. У хона эшигига етганда белига боғланган чилвиридаги калитни олиб эшикни очди. Ичкарига кириши билан бояги овоз эшитилди.

- Тилла қаерда?

Хосият қурққанидан бир қули билан полни курсатди.

- Топ!

У гиламни кўтариб, кесилган тахталарни битта-битта олди ва фиштга бостирилган сирли кострюлка куринди.

- Ол!

Ташқаридан тушган нур пичоқ тифини ярқиратиб юборди-ю, Хосиятнинг юраги "шув" этди. Буйруқقا сўзсиз итоат қилди.

Ниқобли киши идишдаги битта кўзани олди-да,

- Қолганини жойига қуй! - деди.

Хосият унинг айтганларини бажарди. Сўнг ортга қайтишди. Энди уйга эмас, дарвозахонага юришди. У ниқоблининг амрига биноан дарвозани очди.

- Ичкарига кириб, дарвозани ёп! Чироқни ёқ!

Хосиятга босқинчининг овози бироз таниш туюлса ҳам кимники эканини эслолмади. Үзини ҳамон шер чангалидаги қўёндай сезар, пичоқ билан зарап етказмаса эди, деган хавотирда эди. Бироқ ниқобли одам мақсадига эришгани учун бошқа ёмонлик қиласлигини сезгандай хавотири пасайди. Чироқ ёнгандан босқинчи аввал оғзига тиқилган сургичсимон резинани, кейин ниқобини олди.

Ажабо!!!

Босқинчи Хосиятни ҳайратда қолдирди. У кузларига ишонмас эди.

- Ҳалима!!!

- Ҳа, дугонажон, озгина тилла билан товон тўлаб булдим, энди Ҳалима оғзини очолмайди деб ўйлаганмидингиз?. Чучварани хом санабсиз!

- Ё тавба, ўзингмисан?

- Ўппа ўзим! Чет элликлар билан тиллани ковлаб олаётганингда девордан кузатиб турғандим. Сен панда-вақи сезмадинг! Менда одамгарчилик борлиги учун ўша заҳоти органга хабар бермадим. Агар бир оғиз құнғироқ қылғанинда, ҳамманг қамоқда утирган бўлардинг. Сенга ўхшаб дўстини ўлдириб, дарёга ташлаворадиган номард, пасткаш эмасман. Бундан буёғига тилингни тийиб юрсанг ўзингга яхши булади.

- Ахир биз келишиб олгандик-ку!

- Керак бўлса яна келишамиз. Нашадан катта пул топганингни ҳам биламан. Ёнингдаги лайчаларингни ишга солиб мени гумдон қилишни ўйлама! Энди сендан қурқмайман! Танкаларим сеникidan кучли! Тушундингми?!

У эшикни қарс этиб ёпиб чиқиб кетди. Бироздан сўнг машина ўт олгани ва юриб кетгани эшитилди. Хосият хушига келолмай караҳт булганча қолаверди...

\* \* \*

Сайд заргар бир неча кун дала ҳовлида дам олгач, асаблари жойига келди. Ўзини бардам сезиб, кайфияти кутарилди. Сўнг кўнглига қулоқ сола бошлади. Хотини ўлгандан бери ётиш-туришидан маза, ҳаётидан путур кетиб қолганини, давлати ошиб-тошиб ётган бўлса ҳам ишлари унчалик юришмаётганини сезиб юрибди. "Ёнингда сени қуллаб, ишларингдан қувониб турадиган, рағбатлантирадиган чин дўстинг бўлмаса, катта ишга қўл ургинг келмай қоларкан. Бошқа одамга дилингдагини айтольмайсан, ҳаммаси ё пулингга ё мол-мулкингга ошна. Болаларнинг ўз ҳаёти бор. Кўз очиб курганингдан ажраб қолишнинг ёмон томони шунда экан-да!"

Хотини ўтгандан кейин заргарнинг кунглига қил сиғмас, кайфиятини кутарарадиган очиқ кунгил, меҳрибон аёл тополмай қийналарди. Икки синглиси икки томонга чопиб муносиб хотин излашлари самара бермади. Унга яқин аёлдан бирортаси ҳам заргарнинг кунглидагидай чиқмади. Бирига уй, бошқасига пул, яна бирига қизини чиқариш ёки ўғлини уйлантириш учун дагар ҳомий керак. Шоҳона ҳаётни ўйлаган чиройли аёллар вафо қилмайди.

У аёлга эҳтиёж сезганда бегона тушакда нафс қондириш-

га одатланмаган, куз сузган гузалларни шайтоннинг малайлари, айёр жодугарлар деб билади. Ҳалол меҳнат билан орттирган обрў-эътибори, хорижий давлатларга қатнаб туплаган пуллари, уй-жой, кучмас мулклари бетайин, қадрига етмайдиган аёл қўлига тушиб қолишидан хавотирланар, етти үлчаб бир кесмаса, болалари олдида бебурд бўлиб қолишдан чўчир эди. Буни барча қариндошлари, таниш-билишлари, дўстлари яхши билади, ёшига ярашмаган енгилтаклик қилишига ишонишмас эди. Бошқача айтганда, заргарнинг ҳамма масалада эс-хуши жойида эди.

Аммо Ҳосиятни ўйлагандага юрагида пайдо бўлган илиқ туйгулар, руҳиятидаги ёрқинлик янги дунёга олиб киргандай қалбининг энг нозик водийсини босиб турган тушкунлик белгисиз томонга чекинарди. Ҳозирча Нигина сезди холос. Мавриди келмагани учун заргарнинг синглиси ёки катта қизига айтмади. Заргар ёлғизликдан қийналганини билинтирмасликка ҳаракат қиласа ҳам барибир Нигина сезади. Чунки ўзи ҳам шу дардан кутулиш йўлини тополмай қийналади.

Саид заргар қолган умри сукқабош утишини ўйласа оғир, зерикарли ва ҳатто мазмунсиз яшаётгандай ваҳимага тушади. Бундай қисматга куникиб, ортиқча ҳаракат қилмасдан яшаш керакми ёки мазмунли ва қувноқ кун куриш учун курашиш лозимми, деган саволга даб дурустдан жавоб тополмайди. Кейинги пайтларда "Ҳаммада ҳам битта-иккита иллат бор, мен орзу қилган муқаммал аёлни энди топиб бўлмайди, орзумдаги маликани кутиб умрим ўтганини билмай қолмайин. Қанча умрим қолгани ёлғиз Аллоҳга аён", деган фикрга куника бошлади.

Шундай фикрлар билан кейинги вақтда Ҳосиятни куп ўйладиган булиб қолди. Тез-тез қунгироқ қилгиси кела-дию, бошига мусибат тушганини эслаб, кунглига сифмайди, дея телефонни жойига қуяди. Баъзан уйда хизмат қилаётган онаси тенги аёлдан кейинги умрини қандай ўтказиш ҳақида маслаҳат сўрамоқчи бўлади. Аммо кечин-маларини билдирилмасликка, ҳамма режаларини сир сақлашга одатлангани учун чурқ этмайди. Аёл унинг изти-роблари, ёлғизлик азобларини сезади, онасидай ачинган бўлади. Аммо дардини аритиш қулидан келмаслиги учун

бир оғиз гапиролмайди.

Хосият тилланинг ярмини бой берган куни эртасига эрталаб Саид заргар таваккал қилишга қарор берди.

Үй телефони рақамини терган эди, бир-икки дақиқадаёқ гӯшакни Хосият кутарди. У Саид заргарнинг меҳр билан йуғрилган, мулойим овозини эшитиб йифлаб юборди.

- Тинчликми, Хосиятхоним?!

Хосият аввал гапиргиси келмади, аммо ҳамдардга, кўнглини кутарадиган инсонга муҳтоҷ бўлгани учун йиғи аралаш сўзлай бошлади.

- Энамдан кейин бошим ғамдан чиқмай қолди! Ёлғизликда ичингни кимга ёришни билмайсан. На опам бор, на акам! Қариндош, таниш-билишлар уз йулига. Кўплари борингга ошна, кўнгил сўрашни билмайди. Гуё Хосият хоним машинада ялло қилиб юрибди. Ҳеч қандай ташвиши йўқ. Аммо ичимдан нималар утганини, нега шунчалар хафалигимни ўзим биламан.

Саид заргар унинг уксик аралаш йифисини эшитаркан, вақтида кунгироқ қилганидан хурсанд булди.

- Хосиятхон, мени ҳамдард билинг, сизга қандай ёрдам керак бўлса, ҳаммасига тайёрман. Сираям тортинманг. Олдингизга жўнаб турувдим. Худо хоҳласа, тушгача етиб бораман.

- Раҳмат Саид ака, кўнглимни кўтардингиз, аммо узоқдан овора бўлманг.

- Овораси борми? Вайрон кунгилни обод қилиш - Каъбани тиклаш билан баробар-ку!

Саид заргар гӯшакни қўйиб-ла водийга отланди. Утган йили олган "Мерс.."ини топ-тоза қилиб ювдириди. Германиядан олиб келган костюм-шимиини кийди. Франциянинг машҳур атиrlаридан сепиб йўлга тушди. Руҳи кутарилган, ҳамдард, суюнчиқ топилгандаи қалбида баҳорий кайфият хукмон эди.

Тожи момонинг эри юрга таниқли уста утган эди. Уста Мусаллам деса деярли вилоят танирди. Курган бинолари, қасрга тенглашадиган равоқлари бой-бадавлат одамларни ҳам, камчиким, арzonгаров тиклаб берган уйлари камбағалларга ҳам бирдай ёқар, яқингача одамларнинг тилидан

түшмасди. Олтмиш йилча аввал қўқонлик бадавлат бир одамникда қурган уйи уша тарафларда овоза булганда касбининг сир-асрорларини эгаллаб, роса қиёмига етказган даврига туғри келган, уша икки қаватли нақшинкор уй ҳалиям шаҳарда ягоналигича савлат тукиб турганини эшилса Тожи момо эрини ифтихор билан эслайди. Бадавлат киши устага катта пул берди. Уста шогирдларга сахийларча тарқатганда ҳам анчагина ошиб қолди. У ергуласи ёнига кўшимча ер ости хона курди. Аллақаёқдан буғдор, арпа, жухори, макка сотиб олди-да, ер ости уйига жойлаштириди. Қолган пулларга ўтизтacha қўй сотиб олиб, тоғдаги қиргиз ошнасига бериб юборди. Шундан бери қиргиз биродари ҳар йили беш-олтита семиз қўчкор олиб келади.

Момонинг ҳозирги утирган уйини ҳам раҳматли эри бандачиликни бажо келтиришдан ун йилча аввал бино қилган, мендан эсадалик бўлсин деб пештоқларига эрин-масдан шоҳона нақш солган эди.

Ҳалима олиб келган тиллани момо икковлари уша ер ости хонасига беркитишиди.

- Буни қаердан олганингизни айтмагунингизча кўнглим тинчимайди,- деди момо беркитиб булишгач,- катта хазинанинг орқасида ҳар хил ишлар булади. Жонингиз омонлигини уйлаб гапиряпман, қизим!

Ҳалима утган ишларни оқизмай-томизмай гапириб берди.

- Бойликдан фақат Хосият хабардор,- деди оҳиста Ҳалима,- бирорга гулламаслик ҳақида келишиб олганмиз. Қолаверса, бу ердалигини мутлақо билмайди.

Тожи момо Ҳалиманинг ишини маъқулламаган булсада, жиддий эътиroz ҳам билдирамади. Уйланганча, гап айтишни кейинга сурди...

Ер ости хонасига катта қулф(момонинг айтишича, Николай пошшоники) солди.

- Калити битта! - деди Тожи момо Ҳалимада хавотирга ўрин қолдирмаслик учун.

У нонушта қилгандан кейин шаҳарга, Баёзхон заргарнинг олдига жўнади.

Тилланинг катта қисмини долларга айлантириб, Дубайдан сара мол олиб келиш, шу билан Хосиятдан олдинлаб

кетишни режалаштирган эди. Тинмай ҳаракат қилиш кераклигини Тожи момо тушунтирган, у хориж билан алоқа қилиш шартларини билмаса-да, эҳтиёт бўлиш, бирорвга сир айтмаслик, бегоналар билан хушёр сўзлашиш туғрисида алоҳида ўгитлар берганди. Бугун ҳам фотиҳадан олдин аввалги айтганларини такрорлади. Ҳалима йулга тушаркан, Аллоҳдан астойдил омад суради...

Туман марказидан шаҳарга буриларкан, бир аёл билан эркак қул кўтарди. Танишга ухшатиб, Ҳалима тормоз босди...

- Ҳалимаой, узингизми? - семиз аёл орқа ўриндиқقا жойлашиб олгач, бақувват овозда суз қотди.

Ҳалима "ялт" этиб қаради.

- У эмас, ойи, - эркак эътиroz билдириди паст овозда.

Ҳалима қора кузойнагини ечиб, ортга қайрилди.

- Худди узиман! Сизлар ҳайдаб юборган, кучаларда сарсон булиб, ҳақоратларингизга чидаган собиқ келинингиз бўламан.

Улар бирпас жим қолишли. Ҳалиманинг уз вақтида отган уқи нишонга теккан эди.

- Турмуш қилмадингизми? - ниҳоят сукунти бузди собиқ қайнона.

- Йуқ. Акрам акам олтинчи хотин билан ажрашганларидан кейин мен билан ярашсалар керак деб, оғизларини пойлайпман!

Аёл пичингни тушунди. Акрам эса ҳамон меровланиб турар, рулдаги собиқ хотини эканига ишонгиси келмаётгандай эди... Улар машинани тухтатиб тушиб қолишини ҳам, пичингларга чидаб кетаверишни ҳам билишмас, ноқулай вазиятни бартараф этишнинг чораси - гап мавзусини алмаштириш деб билган собиқ қайнона яхши гаплардан бошлади.

- Ҳай, ўтган ишга саловот, машина қутлуғ бўлсин, қизим.

- Раҳмат, хола!

- Узингизга ярашибди.

- Сизларга ҳам насиб қилсин, хола.

- Туйларга мининг, қизим.

- Айтганингиз келсин, хола!

Ҳалиманинг "хола" лайверганидан ғаши келган собиқ

ҳаланади. Аниқ далили булмагани учун ичидан норози булади, холос. Ражаббой ва ўғиллари қасдини олиб, хотиржам тортган одамдай, тиллани күпайтираверган. Юзлаб мол-қуйлар, отлар, бошқа мол-мұлқлар орттириди. Аммо совет хукумати барини тортиб олди. Ўзини отиб ташлади. Лекин уларнинг авлоди молу давлатга қизиқкан, очкүз булгани учун күп жабр курганлар. Адолатсизлик билан топилған бойлик хароб қилган. Хосиятга тилланинг анча қисми насиб этмаганининг сабаби - фирромлик.

- Энди нима булади?
- Эсини йигиб, ақл, ҳалол йўл билан иш тутмаса, боридан ажрайди, узини ҳароб қиласди.

Ҳалиманинг Хосиятга раҳми келди. Аммо ёмонлигини уйларкан, ачиниш ҳисси тумандай тарқаб кетди. Қалбининг нозик жойила нафрат туғила бошлади. "Ўшанда нозик томиримга яна бир марта урганда ҳаёғдан куз юмардим, у барча тиллаларга эга булади. Менга етказган жабри учун уни ҳеч ким жазоламас эди. У эса ачиниш тугул, мени эслаб қўймасди..."

\* \* \*

Оқсоқ ихлос билан тайёрлаган нонушта дастурхонга тортилган бўйича қолди. Хосият иссиқ чойдан бир-икки хўплаши билан кутилмаганда кайфияти тушди. Барча аъзоларини ягона нуқтага жамлаб турган иплар бирдан узилдию, аъзойи бадани шалвираб қолди. Юраги омонатга ухшаб ҳар урганда қимиirlаётгандай эди. Санча бошлади. Ичи беҳаловат бўлиб, кўнгли айниди. Ранги оқариб ўзини тутишга мадори қолмади. Икки қули қалтираб, чап томонга оғди. Оқсоқ аҳволини сезди-ю, олдига югуриб келди. Калласи орқага оғаётган, кўзлари тепага тортила бошлаган эди. Оқсоқ ушлаб қолмаганда стул билан орқага гурсиллаб йиқилиши тайин эди. Хола уни елкаси билан кўтариб айвон қирғоғига солинган курпачага утқазди.

- Нима булди, онанг ўргилсин, қизим. Нега рангинг оқарди? Юрагинг безовга бўляптими?

Хосият жавоб беришга қодир эмасди. Фақат ҳамма саволларга калласини қимиirlатиб қўйди-ю, кузини юмди. Оқсоқ уни курпачага ётқизди. Бошига ёстиқ қўйиб, оёғини

тепага олди.

- Қизим, доктор чақирайми?

У бош қимирлатиб "йүқ" ишорасини берди.

- Аҳволинг яхши эмас. Ҳеч булмаса куриб құяди. Бирорта укол-пукол дегандай... майлими?

Хосият бироз жонланғандай кузини очди ва розилик аломатини берди. Оқсоч телефонга югурди.

Хосият ҳаракат қылса ҳам аъзоларини бошқаролмас, фикрини ифодалай олмас әди. Вужудида кечәётган нохуш жараёнларни тушунмас, аммо яхшилик аломати эмаслигини сезиб турарди. Бирдан аҳволи ёмонлашиб, руҳиятини туман қоплаб олди. Үзини йүқликтә ҳис қилди-ю, ҳамма нарса маъноси ва бор эканини йүқтотди...

Оқсоч гүшакни қыйиб келганда у ҳушидан кетган, құл-оёқлари жонсиз, ранги кесакдай қонсиз әди.

- Эй Худо, энди нима қиласман?

Хола унинг құксини силади. Аммо вужудидан ҳарорат қочаётғандай туюлди. Бадани совуқ, мурданикига үхшарди. Күрқәнідан қүшни аёлга югурди. Етмишларга борган Күддус момо халлослаб кирганды "Тез ёрдам" етиб келди...

- Қон босими тушиб кетди, - врач вақт үтказмасдан ҳамширага топшириқ берди, - босимни кутарадиган укол қилинг!

"Тез ёрдам" ҳайдовчисини чақириб марказий дорихонадан аллақандай ноёб, қимматбақо дорига жұнатди.

Бироздан кейин юрак фаолиятини меъёрига келтирадиган дори юборишли, ҳайдовчи етиб келиши билан осма укол улашды. Ярим соатдан кейин бемор юзига қон югруриб, кузини ярим очди.

- Хосиятой, тузукмисиз?

У бош қимирлатди холос.

- Гапга солманглар! - деди врач томир уришини текши-раркан, - босими кутарыляпты, бироздан кейин тұла үзига келади.

- Нима булган, үғлим?- оқсоч врачға юзланды.

- Юраги кетма-кет сиқилишларни кутаролмаган, Худо хоҳласа, үтиб кетади. Аммо бир курс муолажа, яхшилаб дам олиши керак. Ҳозир инфарктдан асраб қолдик, яна шу ҳолға түшса, оғир булади.

Сайд заргар уларнинг дарвозаси олдида "Тез ёрдам"ни

курди-ю, юраги "шув" этди. Кунглига ҳар хил фикрлар келди. "Үғлига бирор гап булдимикин? Ишқилиб үзи омон бұлсın!" Заргар машинадан тушиб уйға қадам ранжида қиларкан, ҳовлидагиларни күриб, вазият жиддийлигини фақмлади. Оқсоч билан саломлашиб, врачга юзланди.

У тинчлик керак дегандай, гапирмасдан чап күксини күрсатди. Заргар врач ёнидаги стулга үтиаркан, үзини сипо ва хотиржам тутса ҳам Хосиятга чин дилдан қайфураётгани билиниб турарди. Оқсоч узатган чойдан хуплаб уйға толди.

- Сиз хұжайинлари буласизми?

Заргар врачнинг кутилмаган саволидан хурсанд булганини яширолмади.

- Биз дустмиз! - деди кулимсираб. Аммо күпчилик ичидә үзини нокулай сезар, унга үйланиш нияти ошкор булиб, сири очилиб қолаётган ёш боладай безовта була бошлади.

- Зарур дори-дармон керак булса айтаверинг, доктор, бу ерда булмаса Тошкентдан топтирамиз.

Заргар вазиятдан чиқиш учун гапирганини, унинг ортидан кунглида түйфулари борлиги учун келганини врач сезди.

- Хосиятхоннинг мазаси қочганини билдингизми ёки тасодифан келдингизми?

Врачнинг саволи вазиятдан чиқишга яхши баҳона эканини фақмлаган заргар мавзу очилганидан суюниб кетди.

- Эрталаб телефонда гаплашганимизда ҳеч гап йўқ эди. Фақат бироз сиқилгандай булиб, ёлғизликдан шикоят қилувди.

- Ўшандаёқ юраги тулиб турган экан! - гапга аралашди күшни.

- Ҳозирча шу ердаги дорилар билан тузатиб оламиз, касал жуда ваҳимали эмас, фақат бемор дам олиши керак!

Хосиятнинг столдаги қимматбаҳо "Нокиа"си булбул булиб сайраб юборди. Заргар қараса, қунғироқ хориждан келяпти. Ҳаёлига Давронбей келиб, боғланиш тугмасини босди.

- Сизни Давронбей безовта қиляпти. Мен ким билан гаплашаётганимни билсам бўладими?

- Сайд заргарман!

- Омонмисиз, Сайджон?

- Раҳмат, тинчмисиз, Давронбей афандим.

- Хоним қаердалар?

- У киши... ҳозир телефонда сузлашолмайдилар балки эртага қунғироқ қилганингиз маъқулдир...

- Майли... Фақат биз Истанбулга эсон-омон қўниб олганимизни, ҳаммаси жойида эканини айтиб қўйсангиз...

- Жоним билан, афандим!

Заргар Мустафобейнинг улганини эшитиб, Давронбейга телефонда таъзия изҳор қилган, ўшандан бери энди гаплашаётган эди. Ҳозир гап замирини тушунмади, аммо ўзига келиб, воқеаларни идрок қила бошлаган Ҳосият осма укол олаётган бўлса ҳам ҳаммасини эшитиб ётар, қалбини алам уртарди: Давронбейлар икки кўза тилла билан олис юрга эсон-омон етиб олса-ю, мен уз юртимда бобокалондан қолган бойликнинг ярмини бой бериб утирам!...

Керакли дори-дармонлар руйхагини ёзиб бергач, унга албатта даволанишини тайинлаб, врач ҳамшира билан чиқиб кетди. Ўзини бир мунча бардам сезаётган Ҳосият ўрнидан туриб, Саид заргар билан саломлашаркан, кузларига тикилди:

- Узоқ жойдан овора булиб келибсиз-да!

- Овораси борми, хоним! Қолиб кетадиган ишим йўқ! Дустлар дийдорини куриб, қувониб юрсам дейман, қолаверса, яқин дустга, ҳамдардга зориқиб турганингизни билиб кунгил сурагани келмасам, одамийлигим қаерда қолади?

- Раҳмат, Саид ака! Кейинги пайтда ўзимни ёмон ҳис қиляпман.

- Сиқилманг, ҳаммаси утиб кетади!

Меҳмоннинг узоқ йўл босиб келягинини сезган оқсоқ ҳовли ўртасидаги хурмо дараҳти тагидаги столга дастурхон ёзди.

- Саид ака бир пиёла чой ичамиз!- таклиф қилди Ҳосият. Заргар дик этиб ўрнидан турди-да, машинасидан рангли целлофан халта кутариб келди. Қуқоннинг патири, довоннинг қурти, тоза асали бор эди. Халтани оқсочга узатаркан, Ҳосият мийигида кулиб қуиди.

- Овора булиб нима қилардингиз...

- Йулда эски асалфуруш танишим учраб қолди.. Сизга фойдали дегандай...

Хосият Саид заргарнинг ғамхурлигидан севинди...

\* \* \*

Ҳалима Баёзхонга астойдил ихлос қилди. Баёзхон тижорат ва заргарликда ишбилиармон. Фирромликни билмас, ҳамкорини ерга урмаган ҳолда ҳалол йўл билан иш битирарди. Шаҳар бойваччалари орасида обруси баланд, пули куп ва қоқилиш нима билмайди. Ҳалима билан иш бошлиётгандан омад ёлғон гапирмаслик, айтилган ишни вақтида бажариш, ҳисоб-китобда адашмасликка боғлиқ эканини келишиб олишган. Биттаси бажарилмаса ҳам иш тұхтаб қолади. Мұлжалдаги натижа чиқмайди.

- Менга устозлик қиласиз, ака, сизга астойдил суяномоқчиман!- деган Ҳалима ихлос билан, - мен нопок одамлардан жабр чекиб, бир үлимдан қолдим. Энди улардан үтиб кетишим шарт!

Баёзхон индамай мuloҳаза қилди. Ҳалима "Кимдан жабр кургансиз?" деб сұраса керак, деб уйлаган эди. Кутганидай бұлмади.

- Бу ёғига ҳушёр булинг! - деди холос. Аслида Хосият икковидаги тилла бир хиллигидан үнга ким озор берганини аниқ билған, фақат Ҳалиманинг гаплари ростми, ёлғонми, билмоқчи бұлди. Эртаси куни тумандаги ициончли одамлари орқали бу саволга жавоб топди. Ҳалима ёлғон гапирмаган экан! Муносабатни давом этгирди... Шаҳар марказидаги уч хонали квартирасини үнга сотди, тиллаларини пулга айлантиришга ёрдамлашди (албағта, үзи ҳам мумайгина даромад курди). Дубайга қатнаб сара моллар олиб келиши учун нуфузли танишлари орқали ҳужжат олишига ёрдам берди. Унинг ҳушёр, чаққонлигини курған Баёзхон тарбияси бесамар кетмаслигига ишонч ҳосил қылғандан кейин нуфузли дүстлари билан таништириб қўйди, ҳатто Дубайдаги икки ҳамкорига Ҳалимага ёрдам беришлари ҳақида кунфироқ қилиб қўйди. Ҳалима Тожи момонинг маслаҳатига кура, янги танишлар билан қалинлашса ҳам Баёзхонни унутмади, ширин тил, чиройли гап билан ундан маслаҳат оладиган одат чиқарди.

Баёзхон хурсанд булар, унга омад тиларди. Кексайганда ҳолидан хабар оладиган шогирд чиқараётганидан мамнунлик туяр эди.

Баёзхоннинг айрим шогирдлари заргарликнинг ибтиносини үргангач, кейинги босқичга зеҳни етмай қийналган, қобилиятли шогирдлари эса Тошкентда дукон очиб катта шаҳарга танилаётган эдилар. Мақсади катта булгани учун уста уларга аралашмас, айримлари Европада иш урганиб қайтганларини эшишиб хурсанд буларди. Йуқлаб келишса, боши осмонга етар, уларни дуо қиларди. Биттаси Англияда ишлаш учун таниқли фирма билан шартнома имзолагандан кейин фотиҳа олгани келганда эса севинганидан ўзини қуярга жой тополмай қолди. Шаҳардаги барча дустларини гуплаб зиёфат уюштириди ва унга оқ йул тилади. Шогирд ҳамманинг олдида:

- Шу даражага етишимда устознинг меҳнатлари катта, у кишига бир умр таъзим қиласман! - деб янги олмон костюмшини совға қилганда эса кузларига ёш келди...

Кунларнинг бирида Ҳалимага шу ҳақда гапириб берди. Заргарнинг муддаосини тушунган Ҳалима хорижга кетган шогирддан ҳам иликроқ гаплар айтиб, Баёзхоннинг бошини осмонга етказди...

\* \* \*

Акмал тушга яқин Ҳалиманинг Дубайга кетаётгани ҳақида хабар топиб келганда заргар билан кофе ичиб утирган Ҳосият оёғи куйган товуқдай типирчилаб қолди. Ҳасаддан ичи ёниб кетди. "Қандай қилиб? - таажжуб аралаш алам билан уйлай бошлади у, - мумкин эмас!". Ҳосиятдаги ўзгаришни сезган заргар мазаси қочганини эслади-ю:

- Сизга ортиқча ҳаяжонланиш мумкин эмас! - деди майин овозда эҳтиёткорлик билан.

- Сен туфайли одам бўлган кимса сендан утиб кетса алам қиларкан. Ваҳоланки биз - ҳамма ишни бирга қиласмиз деб келишиб олгандик. У ваъдасида турмагани учун ачифим келади-да, сиз мени бошқача тушунманг, Саид ака!

- Ҳосиятхон, ҳозир одамлардан ҳамма нарсани кутса булади. Европалик бир бизнесмен ойдан икки юз квадрат

метр жой сотиб олганига ишонасизми?

- Қандай қилиб?

- Ана, таажжубга тушяпсиз! Эртага дугонангиз уша одамнинг ёнида ойга бориб келибди, дейишса ҳайрон булманг. Зурини эшигининг: олимлар коинотга саёҳатни йўлга қўймоқчи. 2012 йилга бориб самода "Галлактик люкс" деган меҳмонхона иш бошлайди. Уч кун яашаш учун турт миллион АҚШ доллари тўланса бас. Саксон минутда ер шарини айланиб чиқасиз.

- Э, у пулни ким ҳам тўларди?! Қолаверса, Ҳалиманинг иши билан бу воқеанинг қандай алоқаси бор?

- Шунаقا дейсиз-да! Ер юзидағи қирқ минг одамнинг унга имконияти бор экан! Шунаقا! Арзимаган нарсалар билан уралашмасдан фақат олдинга интилинг, одамлардан утиб кетинг! Ҳайратдан тилларини тишлаб қолсинлар!

- Ёнимда юрган дугонамнинг лафзисизлиги, ўзгариб кетганини тасаввур қилолмаяпман!

"Ичингизга сифидиролмаяпсиз шекилли..."

Хосият дугонасига ҳасад қилаётганини заргар сезди. Бачкана туйғуларга ўралашиб қолганидан афсусланди.

- Хосиятхон! - заргарнинг овозида ҳикмат борга үхшарди,- қирқ ё элликдан кейин умр шу қадар тез утадики, ёшликтининг энг қайноқ, ҳамма нарсага қодир дамларини майда-чуйдалар билан утказганингизни уйлаб, афсус чекасиз. Бунаقا нарсаларни унутинг-да, катта ишларга бел боғланг!

Зағар бошқа гап айтиш ноуринлигини фаҳмлаб, узини босди.

Хосиятнинг таажжуби аламга, ғазабга айланиб борарди. "Менинг тиллаларим билан кучайган хотинни соғ қўймайман!"

- Аваз! - деди топшириқ.оҳангида, - шу бугуноқ ким билан, қачон кетаётганини аниқлайсан, балки шунчаки гапдир...

- Хўп булади...

Хосиятга заргарнинг гаплари энди таъсир қилди шекилли узини босишга интилди. "Чида, Хосият, фафлатда қолсанг, бор-будингдан ажрайсан!"

Аваз топшириқни олгандан кейин Ҳалиманикига келди.

У уйда йүқ, усталар ишлаётган эди.

- Уч-түрт кундан бери күрмаймиз!- дейишди бепарволов билан.

Аваз эртасига эрталаб "Нексия"да кучага чиққанда Ҳалима "Матиз" билан туман марказидан шаҳар йулига бурилаётган эди. Сигнал чалди. Аммо қора кузойнак таққан Ҳалима парво қымади. Аваз қувди. Ҳалима ҳам тезликни оширди, етишига йул қўймоқчи эмасди. Аммо барибир Аваз "Нексия"да қувиб утиб катта йулга кундаланг тухтади-да, машинадан тушди.

Ҳалима кабинадан бошини чиқариб, савол назари билан қаради.

- Бир минутга машинадан тушишга вақtingиз борми. Ҳалимахон?

Жаҳли чиққан Ҳалима атайин урнидан қимирламади. Охири:

- Шошиб гурибман йўлни бўшатинг, Аваз ака! - деди жилдий қиёфада.

- Биламан Дубайга шошяпсиз! Қачон, ким билан кетаётганингизни билсак бўладими? Майкл Жексон уша ерда яшаётган дейишади, балки мендан салом айтиб қўярсиз!

Ҳалима Авазнинг гапидан таажжубга тушган булса-да, ўзини бепарво тута бошлади.

- Сизга қизифи йўқ!

- Балки қўриқчингиз булиб бориб келарман!

- Сиз қуриқлайдиган хоним бошқа! Йулни бушатинг, акс ҳолда зуравонларга дуч келдим деб милицияга қунғироқ қиласман!

- Ўҳу, қурқитиб юбордингиз-ку, асалим!

Ҳалима мулжаллаб курди. Авазнинг машинаси ёнидан утиб кетса булади, қолаверса, орқада машиналар купайиб, сигнал чала бошлаган эди. Чаққонлик билан рулни бурди-да, битта машина аранг сифадиган жойдан утиб кетди. Аваз рулга утиргунча у анча илгарилаб олди. Аммо бироздан сунг Акмал ортидан қувиб келаётганини сезди. Бошқа йулга бурилиб кетмоқчиди. Эплолмади. Аваз уни йул четига қисиб келди-да, тухташга мажбур қилди.

- Машинадан тушасанми, йўқми?

Очиқ пуписадан пешонаси тиришган Ҳалима Баёзхон-

га қунғироқ қилиб ёрдам беришни сұраб, манзилини айтди.

- Ённингизда катта пул йүқми? - суради Баёзхон.
- Юз долларча бор холос, нимайди?
- Үндай бұлса, сиз дикқат бұлманг, қызим, ҳозир одам жунатаман.

Халима хотиржам утирганда Аваз тепасига бостириб келди.

- Ҳей, тирранча, машинадан тушиб йул четига үтасанми-йүқми?

- Тушмасам нима қиласан?
- Шундай иш қиламанки, тушинггаям кирмаган воқса содир бұлади.

- Катта кетма, менга хужайин эмассан!
- Тилинг чиқиб қолибдими, кечагина арзимаган пулға чирмандамга үйнаб юрувдинг.

- Сен үйлаган толлар кесилиб кетди. Мен ҳеч кимнинг чирмандасига үйнамайман.

- Куралыз. Туш машинадан!! - Авазнинг қупол овози Ҳалимани зирриллатиб юборди.

Шу пайт иккита қоп-қора "Ласетти" баланд сигнал билан келли-да, уларни ураб олли. Учта барзанги Авазнинг олдода пайдо бұлды.

- Сизга ёрдамга келдик, ака!..

Аваз гавдали каратәчиларни күрган, аммо бунақа "шкаф"-ларни учратмаган эди. Ранги учиб, вужудини титроқ босди. Сурашиш учун узатилған қули ҳавода қолди. Күз очиб юмгунча иккитаси қулинни қайириб, машинасига үтқазиб қўйди. Сўнг энг бақуввати кабинада титраб утирган Авазга эгилди.

- Иккинчи бу аслга хирадик қилсанг, румол ўрашингга туғри келади, тушундингми?!

Аваз қурға-писа бош қимирлатди, "шкаф"ларнинг "Ласетти" си уртасида кетаётган Ҳалима үзига келолмаётган Аваз олдода тухтади. Қора кузойнагини олиб:

- Майл Жексонга саломингизни етказиб қуяйми!! - деди.

Аваз икки метрча ерга кириб кетгандай бұлды, бир оғиз ҳам гапиролмади.

Улар шаҳарга кетиши. Аваз эса бир неча ой аввал қулида ўйинчоқ булиб юрган кўримсизгина аёл қисқа вақтда қудратли шахсга айланганини билолмай гаранг эди... Қолаверса, Дубайга кетиши ҳақида маълумотларга эга булолмади. Энди Хосиятнинг олдига қандай боради?

Аваз қурқиб кетган эди. Шаҳарда узича мафия булиб олган бир неча тудани билади. Аммо бугунгилар уларга ўхшамайди. Ҳаммаси "Ласетти"да келди! Қаршилик кўрсатганда эзib қўйишлари аниқ эди. Ўзи, Хосият ва Акмал улар олдидаги пашша эканини англаш аламли эди!

Тарвузи қултиғидан тушиб, Хосиятниги келганда оқсочдан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

- Садали ҳовлига кетиши! - деди у ҳайрон булиб.

Аваз аёлдан бошқа гап сўрамади. Машинани елдек учирив қароргоҳга кетди.

Иккаласи каравотда бизнес билан алоқадор, Ҳалимадан утиб кетиш режасини тузётган эди.

- Ҳозир бой одамлар купайиб боряпти, - дерди заргар, - хотинлари, ҳатто уйнашлари Хитой кийимларни назарига илмайди. Шунинг учун шаҳарда Туркия ёки Европа фирма дуконини очиб, энг сара аёллар кийимларини сотиш керак!

- Тошкентда шунақаси борми?

- Кўп! Аммо вилоят марказларида йўқ! Биринчи сиз очсангиз, ҳаммани ҳайратда қолдирасиз!

- Ростдан-а?!

- Омадингиз чопишига мен кафил!

Заргарнинг самимияти Хосиятга омад эшигининг очилишидай туюлди.

- Менимча, бизнес учун маблағингиз етарли бўлса керак!

- Бирордан кам эмасман!

У Ҳалимани назарда тутганини заргар тушунмади. Аммо аллақайси рақибини ўйлаб гапирганини фаҳмлади, холос. Хосиятнинг кузларида шаҳд, рақибидан утиш ва бой хонимга айланиш туйғуси хуруж қила бошлаган эди...

Ҳалима самолётга утиргунча Баёзхоннинг учала йигити

ҳамроҳ бўлди. Ҳозиргача бундай эътибор ва эъзозни кўрмаган аёл ичидан фуурланар, назарида рақиблари олдида икки газ ўсгандай эди. Орзулари кутганидан зиёда амалга ошаётганини уйларкан, юрагига қувонч, шодлик ёпирилиб кирап, ҳаётнинг янги босқичига мослашиш жараёни вужудини қамраб олаётганини сезиб турарди.. Бироқ кутилмаган омад ортида бирор кунгилсизлик йўқмикин деган қурқув ҳам бор эди.

Бир неча йил олдин "Москва - Тошкент" йўналишидаги самолётга чиққанда бир мунча қурқан эди. Бирорта одам аэропортгача юкларини кутаришиб келиб, оқ йўл тилаб кузатиб қўймаган, ҳурмат-эҳтиром билдиримаган эди. Кутиб оладиганлар ҳам бўлмаган. Бугунги иззат-икромдан боши осмонга етди. Эрталаб Тожи момодан фотиҳа олиб чиқаётганда узида енгиллик сезганди, уша кутаринки кайфият миясида "Мен баҳтиёрман!" деган Фикр туғилишига туртки берар, руҳиятининг барча қаватларида шодлик ва шукроналик туйғулари денгиз сувларидай мавжурарди...

Икки-уч кун авғал омади, ишларининг олдинга босаётгани ҳақида Тожи момога гапирганда:

- Аллоҳнинг иродаси билан! Ўзига осон, қизим. Аммо шукр қилинмаса, барини бир кунда олиб қўйиш ҳам қулидан келади! - деганди.

Ҳалима Аллоҳга шукrona айтди. Тожи момо ургатган мустажоб дуоларни такрорлади. Қалбида пайдо бўлаётган ёқимли туйғулар, севинч ва фуур катта омаддан, Аллоҳ ишларига ривож беришидан нишонага ухшарди.. Самолёт моторининг гуриллаши ҳам, йўловчиларнинг пичирлашлари ҳам қулогига кирмас, вужудини қамраб бораётган баҳтиёрлик туйғусини ҳозирга қадар ҳис қилиб курмагани, бундай тотли лаҳзаларни яшаб курмагани учун ёқимли нокулайлик руҳиятини қамраб борарди.

Ақмал Хосият билан заргарнинг суҳбатига халал бермаслик учун каравотга ўтирмади. Атрофда айлана бошлади. Мустафобейнинг мурдаси олиб кетилгандан бери бу ерга ҳеч ким келмаган. Ҳовли ҳақиқий улиқ чиққан уйдек ғарип ва ҳувиллаб қолган. Аввалроқ супириб-сидирилган булсада, кузни эслатгандай ялангга қовжираган япроқлар тўкил-

ган эди. Бирдан гул остидаги халқасимон катта занжирга Акмалнинг кузи тушди-ю, Мустафобей улимига алоқадор шубҳали нарсани кургандай юраги "шув" этди. Эҳтиёткорлик билан қулига олди. "Ие, бу нима экан?" деда таажжуб-ланганини эшиктган Хосият ва заргар у томонга қараши.

- Бу кимники экан?

Акмал занжирни каравотга қўйди. Хосият томоша қиларкан:

- Тилла занжир, қимматбаҳо! - деди қизиқиш билан.

Заргар:

- Туркларнинг иши! - деди касбига хос синчковлик билан томоша қиларкан, - Истанбул заргарлари тайёрлаган, ҳеч булмаса минг доллар туради.

- Мустафобейнинг буйнидан тушиб қолган! - Хосият янгилик ихтиро қилгандай кузларини катта-катта очди. У билан илк учрашганда куриб, ҳавас қилган эди. Занжирда улик нафаси яширингандай Хосиятда совуқ туйғу уйғотди. Бошқа пайт буйнига тақиб куриши, ҳатто ёнидагилардан ярашдими, деб сураши мумкин эди. Ҳозир эса, ҳатто ушлаб ҳам кўрмади.

Заргар занжирга қараб, Хосиятнинг миясига келмайдиган мулоҳазаларга берилди. Бир нуқтага термулиб уйланиб қолди. Атрофдаргилар бошқача фикрга бормаслиги учун Хосиятга қайрилди:

- Сиз олиб қўйинг, Хосиятхон!

- Нега? - алланарсадан чўчиғандай бирдан савол берди у.

- Янги фикр туғилди. Бу, - заргар занжирни қулига олди, - бирорнинг омонати, Давронбейлар келганда мусибат туфайли тушиб қолганини билишмаган. Энди қимматбаҳо омонатни эгасига етказиш - одамийлик бурчимиз.

- Режангиз борми?

- Ҳа!

- Истанбулга бориб, занжирни Давронбейга берамиз. Яқинларига таъзия изҳор қиласиз. Бошқа қариндошлар билан ҳам танишасиз, сухбатлашасиз. Кейин сиз очадиган дўконни сара мол билан таъминлайдиган "Гара су" фирма-си билан шартнома тузамиз.

- Фирма раҳбарлари билан танишмисиз?

- Бир вақтлар бирга иш қилғанмиз.
- Қанлай яхши!- боладек қувониб кетди Хосият.
- Ишлар битгач, Анталия сиҳатгоҳида беш-үн кун дам оламиз. Ҳамма харажатлар мендан!

Хосият учун бу гаплар эртакка ўхшар эди. Қора денгиз буйида сайр қилиб юргандай ич-ичидан севиниб кетди...

- Режа катта-ку! Сиз у ерларда булғанмисиз?
- Бир неча марта! Денгиз буйида турт йил дам олдим, - эслаб энтикди Саид заргар, - пляжлар, шинам хоналар, ходимларнинг гузал муомаласи, шароитларини курсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Жаннатга тушиб қолгандай сезасиз узингизни...

Хосият кутилмаган, вужудини завққа чулғайдиган янгиликларни эшишиб ҳайратда қолди. Саид акаси юрагининг нозик жойига эрталабки нурдек жойлаша бошлаганди. Унга қизиқиши, меҳри ортди. Ҳамкорлик қиласа, шаҳардаги бой аёлларни доғда қолдиришига ишонч пайдо булди.

"Наҳотки, умидларим руёбга чиқса! Ҳалимага кимлигимни курсатиб қўяман!". "Саид ака! Сиздай ишбилармон одам билан яқи, лигимдан хурсандман!"

\* \* \*

Уни аэропортда Зоҳиршоҳ ва Азизбеклар кутиб олишди. Самолётдан тушгунча инглиз тилини билмаслигидан азијат чеккан Ҳалима икки мезбоннинг ўзбек тилини чиройли гапиришидан севиниб кетди... Ҳушчақчақ одамлар экан: мусофирихонага етгунча Узбекистон ва ўзбеклардан, қизиқ одатлари ва кулгили гапларидан сўзлаб хүш кайфият бағишлиашди.

Ҳалима Дубайнини куриб ҳайрат бармоғини тишлади. Осмонупар бинолар, тижорат дўконлари, хизмат курасатиши уйлари, техника, юзлаб турдаги енгил автомобиллар, чиннидай тоза йуллар янги, ҳақиқатга айланган афсонавий дунёни эслатарди. Кучалар машина билан тула, куркам, осмонга санчилган, салобатли биноларга суқ билан тикиларкан, "Майкл Жексон қайсиносида яшаркин?"- дея уйлай бошлади.

- Майкл Жексон шу ерда катта масжид қурдираётгани ҳақида ёзишган эди. Уша битганми?

- Ҳа, аммо у савдо марказидан анча олисда жойлашган. Бу ерда қушиқчига қизиқиш унчалик эмас. Одамларнинг купи тижорат учун тез келиб-кетади.

- Ҳоним, сизга қайси мусофирихона маъқул? - сўз қотди Зоҳиршоҳ.

- Очифи, бу ерда биринчи булишим, қайсини таклиф қиласизлар?

- У ёқдан келганлар купроқ "Ал-Азиз"да туришади.

Эртасига учовлари тижорат дўконларини айланишди. Ҳалима қирқ минг долларлик сара мол харид қилди. Энг муҳими, кутганидан бир неча баробар арzonга олди. Зоҳиршоҳнинг танишлари, қадрдонлари Ҳалимани доимий мижоз қилиб олиш учун кўп молларни арzon беришди. Сотувчиларнинг муомаласи, мижоз учун керакли суз ва молни топа олишларига, сотса ҳам сотмаса ҳам бирдай хуш муомала қилишларига ҳайратда қолди. Сотувчи қиз ва йигитлар бир мактабда, бир устоз қулида тарбия топгандай дилидагини топиб гапиришлари уни завқда чулғарди. Савдо ва муомала маданиятини ҳавас қилди. Ҳалимани ҳайратда қолдирган иккинчи нарса: дўконда одам учун керакли юзлаб хилдаги молларнинг керагидан ортиқча мавжудлиги эди! Пештахталар, барча жойлар сара, тоза ва сифатли моллар билан тўлдирилган, мижоз қанча хоҳласа, бир пиёла чой ёки қаҳва ичгунча муҳайё қилишларига тан бермай иложингиз йўқ! Кўчагами, дўконгами қадам боссангиз, ернинг тозалиги, равонлиги ҳайратингизни оширади! Реклама, саноат моллари, озиқовқат ва электр маҳсулотлари, майший буюмларда илм-фан ва техника тараққиётининг сўнгги ютуқлари кўриниб турар, кузингизни яшнатиб, баҳри дилингизни очадиган юксалишда ақл-заковат қудрати яққол кўриниб турарди. У ҳамма моллардан олгиси келар, аммо чўнтақ билан боғлиқ чегараланган имкониятлар уни қайтариб турарди...

Зоҳиршоҳ ва Азизбек уни қандай ҳурмат билан кутиб олган бўлсалар, ундан-да катта эҳтиром билан кузатиб қўйдилар. Яна келиш эҳтиёжи туғилса, кунгироқ қилиш кифоялиги, Туркистон нафасини олиб келган ҳар бир юртдошга ёрдам бериш - ВАТАНга хизмат қилиш билан баробар эканини қайта-қайта таъкидладилар. Ҳалима хай-

рлашаркан, уларнинг боболари юртига эҳтироми ва садоқатидан, ўзига билдирилган ишончдан боши осмонга етди. Дунёқараши, олам ва одамлар тўғрисидалаги тушунчалари анча кенгайди. Водийга келиб самолётдан тушганда ҳам ўша кайфият тарқ этмаган эди.

Моллар савдо дуконларига тарқатиб берилди. Қабул қилувчилар кийим-кечак ва ранг-баранг матоларнинг сараси танланганидан хурсанд бўлишиб, ўн кундан кейин пулини олиб кетишини билдиришди. Режаси кутилганидан зиёда амалга ошаётганига қувонган Ҳалима Тожи момонинг гапларини эслаб, дилида Аллоҳга шукronа айтди. Бу таскин ва умидбахш сўзни чин юракдан бир неча марта такрорлар экан, бутун вужудини аллақанданй ёқимли туйғу қамраб олди. Қувонч ва далиллик кайфиятини кутариб юборди.

\* \* \*

Хосият Туркия, Анталия саёҳати ҳақида романтик хаёлларга фарқ булиб юрганда Ҳалиманинг Дубай сафари ҳақидаги ахборот етиб келди, ичи ёниб, алам туйғуси вулқондай отилиб чиқди, ёнига дарғазаблик қушилди.. "Бизнес қиласиз, ёнингга оласан", деган илтимослари қани? Ёлғон билан кўзимни боғлаб, ўзи зарур одамлар билан иш битириб кетибди-да! Мегажин!! Кейинги вақтда қорасини курсатмай кетганидан бир балолар қилиб юрибди деб ўйлагандим, қулимда шунча имконим туриб, ресторандан бошқасига ҳаракат қилмадим. Ҳеч ким билмайдиган, улик молни яшириб қувонишдан нима наф? У менга нуфуз эмас, фам келтирадиганга ўхшайди."

Хосият тиллани олдиргандан бери ўзига келолмаётган, бойликка қаттиқ ачинаётган эди. Баъзан кечалари уйқуси келмайди. Жиннига ўхшаб ўзи билан ўзи гаплашиб чиқади. Бирорга дардини айттолмайди. Бошини ураб туни билан уйланиб, оҳ тортиб чиқади, холос. Баъзан оқсоч аёл ҳол сураса, тайинли жавоб қилолмайди. Бунинг устига Ҳалиманинг қизи билан бирга ўқиётган ўғли Сардор кечагина янги гап топиб келди.

- Нигор бугунги тадбирда инглиз тилида шеър айтиб ҳаммани оғзига қаратди. Ҳатто ўқитувчиларимиз "Раҳмат,

қизим!" деб роса қарсак чалишди. Инглиз тили муаллима-  
сидан алоҳида дарс олаётган экан-да!

- Сен нимага олмайсан?

- Ўзингиз гаплашиб берсангиз оламан-да! Унинг ойиси  
ар ҳафта мактабга келиб уқитувчилари билан гаплашади.

Хосиятнинг қуксидаги алам яна кутарилди. "Бу томон-  
дан ҳам мендан утиб кетибди-да, уша Ҳалим!"

Ораларида булиб утган воқеаларни ҳеч кимга айтмагани  
учун унинг номини эшигандан Ҳосиятнинг нега жаҳли  
чиқишини, муваффақиятларидан ичи ёниб кетишини ҳам  
бошқалар билмайди. Аммо ёнида юрганлар аёлларда бир-  
бирини куролмаслик хусусияти күпроқ, улар ҳадегандан  
чиқиша олмайдилар деган фикрга қунишиб болғанлари  
учун Ҳосиятдан купам хафа булишмайди.

У эрталаб ишхонага келди-ю, Аваздан Ҳалимани топиб  
келишни илтимос қилди. Аваз бундай илтимосни буйруқ  
деб билар, дарров бажаришга киришарди. Мустафобей  
Туркиядан келаётгандан уни икки-уч кун узоққа олиб кетиш  
ҳақидағи илтимосини қойилмақом қилиб уддалаган, Ду-  
байга кетаётгани тұғрисидаги маълумотларни аниқлашга  
ҳам уша заҳоти жиiddий ҳаракат бошлаган эди. Аммо ҳозир  
урнидан құзғалгиси келмади. Ҳосият буни Аваз үйланиб  
утиргандагина пайқади.

- Нима гап, Аваз?

- Очиги, ҳозир унинг қаердалигини билмайман!

- Уйидадир!

- Шаҳардаги квартирасини ҳам евроусулда таъмирдан  
чиқартирибди. Балки уша ёқдадир.

- Қачон?

- Кеча гузардагилар гапиришди: бир ҳафтача булибди.

Ҳосият бу ҳақда ҳеч нарса билмаслигидан таажжублан-  
ди. Аччиғи келди, алами құзғалди. Назарида, бу ҳам  
Ҳалиманинг ғалабаси эди.

- Біттә жонига шаҳардан квартира олиб нима қиласы?

Аваз Ҳосиятнинг ғаши келаётганини аниқ сезди ва  
бунақа майдакашлик ярашмаслигини билдириб құйгиси  
келди.

- Күчмас мулкнинг нархи ошиб боряпти, ишбилармон-  
лик қилиб олған-да!

Хосият қовогини солди. Айни пайтда зарда қилишдан наф йүқлигини тушунди ва илтимосини такрорлади.

Аваз Ҳалиманинг Дубайга бориши ҳақидаги маълумотларни аниқлай олмагандан кейин "шкаф"воқеасини бирорга айтмаган, Хосият сураганда, "Тополмадим" деб қўя қолган эди.

- Хосиятхон, уни олиб келолмайман.  
- Нега? Қўлингда қўфиричоқ эди-ку!  
- Туғри, лекин учаламиз бир булсак ҳам олиб келолмаймиз.

- Сабаб?
- У кучайиб кетган.
- Қандай қилиб?
- "Танк"лари кучли...

Шундан сунг Аваз "шкаф"лар воқеасини айтиб берди. Бу гап очиқ-ойдин Хосиятнинг жаҳлини чиқарди. Ва у Авазга бақириб берди.

- Сенга ойлик берганимдан кейин топшириғимни бажарасан! Мен унақа мишиқилардан қўрқмайман! Ҳозир машинага утири-да, ернинг тагидан булса ҳам уни топ! Илтимос қиласанми, қўрқитасанми, етказиб кел.

Аваз норози қиёфада жунаб кетди. Тушдан кейин Ҳалимани бошлаб келди... Кучада машиналар сигналини эшиштган Хосият деразадан қаради. "Матиз"дан тушаётган Ҳалима европалик хонимларга ухшаб кийинган, узгаларнинг оғзини очиб қуядиган даражада кўркам ва сипо эди. Яқиндагина Хосиятнинг эскиларини кийиб ишга бораётган аёлнинг бирданига узгариб, замонавийлашиб кетганига таажжубда эди.. У узинини анча орқада қолиб кеггани ҳақида уйлаб, алланарсалардан норози булиб турганда коридордан пошнаси биланд туфлининг ингичка овози эшишилди ва тўқсон фойзга ўзгарган, қашларида виқор ва Хосиятга беписандлик куриниб турган Ҳалима кириб келди. Хосият бир газ пастга тушди...

Салом-алик жуда қисқа булди.

- Узим Дубайга борганимдан таажжубда булсангиз керак?

- Сал-пал.. Ахир, бирга бизнес қиласанлиз дегандик....
- Келишганмиз. Аммо уйлаб курсам, иложи йўқ экан!

- Нега?
  - Дугонажон, сабаблари күп...
- Халима шундай деб икки йигитта, Хосиятта сирли қаради. Дугонаси йигитлардан холи қолдиришни сұради.
- Биз гина-кудуратларни орқага ташлаб, орани очиқ қылғанмиз.
  - Аммо үйлаб қарасам, сиз мени ўлдириб, бойлигимга зга булиш фикридан қайтмаганга үхшайсиз.

- Сиз ҳам анойи эмассиз, дугонажон, ахир тилламнинг ярмини ярим тунда очиқ-ойдин тунаб кетдингиз-ку!...

Халима кутилмаган гапдан тұхтаб қолди. Устун жавоб қайтариши лозимлигини, акс ҳолда виқор билан келиши маңносиз эканини яхши тушунарди.

- Сизга астойдил сүянган эдим. Афсуски, мен ўйлаган тоғ - домига тортадиган жар бўлиб чиқди. Омон қолганимга шукр қилиб, сизга этак силкиганим түфри экан, ҳозир ишларим ёмон эмас! Аллоҳ мени яхши инсонларга рўпара қилди.

- Кимлигини билсак буладими ёки сирми?
- Сир эмас, аммо билмаслигингизни лозим қўраман.
- Эски қадрдонлигимиз ҳурмати мени таништириб қўярсиз?
- Таништиrolмайман!
- Нега?
- Сиз бойлик дардиде уларга ҳам оқибатсизлик қилишингиз мумкин.
- Улар ҳар гапда чақиб олишниям ургатишибди-да?!
- Буни ҳаёт ургатди! Ўша одамлар сиз юборган лайчаларни бир туртиш билан илигини қалтиратиб қўйганини эшитгандирсиз?!!

Хосият бироз тин олди, аммо юрагига қурқув ҳам түшли.. У сүянган одамлар, тансоқчилар ҳақида Акмалдан эшитгандарини эслаб, бироз хавотирга тушди. Лекин узидан анча наст, ортида лайчадек судралиб юрган аёлни қисқа вақтда устун булиб кетганини ҳазм қилолмас, вужудини кемираётган ҳасад туйфуси куксига игна санчгандай азоб берарди.

Айтишувни давом эттиришга бардоши етмади. Ён бериб вазиятни юмшатиш мумкинлигини тушунди.

- Дугонажон, - юмшоқ оҳангда сўзларди у, - сизни күнгил сурагани чақиртиргандим, чамаси мени нотуғри тушундингиз...

- Биламан, аммо дугонажон, күнгил сўраш учун пуписа билан чақиртирилмайди, яхши ниятни кунгилга тугиб борилади. Шу оддий нарсани тушунмаганингизга дугонамнинг томи кетганми дебман...

Ҳазил аралаш заҳарханда Хосиятни ерга киритди. Шунисига ҳам шукр дегандай чидади.

Ҳалима гап тугади ҳисоблаб, сумкасини қўлига олди. Хосият Дубайдан харид қилинган бежирим, энг замонавий сумка дугонасининг елкасига ярашиб турганига яна бир бор ҳасад билан қараб қўйди.

- Индинга туғилган куним, - деди Ҳалима эшикка яқинлашаркан, - шерикларингиз билан кеч соат олтида "Мадонна" ресторанига бориб, мени хурсанд қиласиз деган умиддаман.

- Раҳмат. Борармиз...

- Яхшиликни ўйласангиз, азиз меҳмонимиз бўласиз...

Ҳалима бояги виқор ва беписандлик билан чиқиб кетди.

Хосият Ҳалимани топтириб келиб, ҳеч қандай наф курмади, аксинча, дугонаси олдида анча паст кетганини тан олгандай бўлди... Қўлида шунча тилла бўлгани билан атрофидаги кучлар олдида ҳали ҳеч ким эмаслигини, улар бир ҳамла билан синдириб қуишилари мумкинлигини ўйларкан, ҳаётнинг нақадар бешафқат, бераҳм эканини ҳис қилгандай бўлди...

Яна боягидай деразадан пастга қаради. Ҳалима европалик сипо аёллардай шахдам, қаддини фоз тутиб машина олдига келди-да, сумкасидан "пульт"ни олиб тутмачасини босди. "Вип" деган овоз чиқариб, машина эшиги очилди. Бу овоз Хосиятга ҳам эшитилди ва қалбидаги алам ва ҳасад туйгусига керосин сепгандай бўлди...

Хосият Ҳалиманинг машинаси куздан йуқолгунча титраб-қақшаб қараб турди...

Ҳалима кузани олиб чиқиб кетгандан бери Хосиятда ҳаловат йўқ: тилланинг ярмидан ажралди, дугонаси ўзидан купроқ бойликка осонгина эришди, кейинги ютуқлари юрагига наштардай санчилмоқда, энг муҳими, бу даражага

қандай эришаётганини бирорга айтмайди...

Ҳалимани курага күзи, отарга уқи йүк! Овозсиз мигиғи бұлса-ю, бир уқ билан қулатса! Кейин нима бұлади? Кім билан курашади? Бемалол яшайверадими? Ҳеч кім билан иши бұлмайдими?

Бу фикр қониқтиrmади. Назарида, уни ҳаракатта ундағы, тинчлик бермаётган нарса - Ҳалиманинг кейинги эришган даражаси-ю, уни босиб үтиш учун қилаётган ҳаракатлари! Сендан мен үтәй ғояси бұлмаса, ҳаёт маңноси, яшаш ва курашишдан моҳият йўқолаётгандай тууларди! Ҳалимани йүқ қилиш фикри ҳатто хомхаёл бұлғанда ҳам аҳамиятта әга булмай қолди...

Кейинги воқеалар Хосиятни әзіб юборған эди. Даволанаётганды Давронбейнинг қунғироқ қилиши ва хазина билан юртига эсон-омон етиб олғанини, узи ярмини бой берганини уйлаб сиқылғанларини эсларкан, юрагига бир парча муз киргандай титраб кетди.

- Шунчалик ландовурманми? - узини ёмон куриб сузларди,- нақотки уз бойлигимни уз юртимда асролмасам?! Бойлик ақлу хушимни үғирлаб, кузимни кур қилиб қуйғанға үхшайди. Одамлар арзимаган сармояни миллионга айлантиради, кеча-кундуз тинмайдилар. Мен пулни аспраш ва күпайтиришнинг сирини билмаяпманми? Ёки бизнеснинг нозик шартига риоя қылмадимми? Балки уртоғимга шафқатсизлик қылғаним учун Худо жазолаётгандир. Унинг ишлари юришиб, менини тухтаб қолишининг сабаби Худо барака бермаётгандир?!

Турли-туман саволлар миясида чағалайдек айланар, таскин тополмас эди. Аммо саволларга жавоб топмай туриб муаммоларини ечолмаслигини ҳам күнгли сезарди.

Саид заргар Истанбулга - Давронбейга қунғироқ қылғанда Мустафобейнинг катта-кичик маросимлари үтган, оила аязолари одатдагидек, бизнес ва бошқа ишларини бошлаб юборған эдилар.

- Қариндошингиз Хосиятхоним ҳузурингизга бормоқчилар! - деди заргар сиполик билан

- Бош устига! - деди Давронбей хотиржамлик билан.

Заргар режа қақида қисқа гапирди. Давронбей самимий қабул қилди. Ва ишларига ёрдам беражагини билдириди.

Анталияда дам олиш масаласида ҳам уларни қуллаб-күвватлади. Ҳатто чиройли номерлардан жой қилдириб беришни вайда қилди.

Хосият Саид заргарнинг қўнғироғидан қувонди, оқсочга эртагача сафар анжомларини тайёрлаб қўйишларини бу-юрди. Аммо эртадан кейин Ҳалиманинг "Мадонна" ресторанида туғилган кун маросини утажагини ўйларкан, шаштидан тушди. У ерга бормаса бўлмайди. Зиёфат учун эмас, Ҳалиманинг орқасидан кимлар келади, маросимга қанча пул сарфлаяпти, қайси машхур хонандалар хизмат қилади, энг муҳими уни қуллаб турғанлар кимлигини билиши керак! Заргарга телефон қилиб Туркия сафарини уч-турт кунга қечиктириб туришни сўрамоқчи бўлди. Аммо Ақмал:

- Нотуғри бўлади, Хосиятхон!- деди кескин, - ҳозир Ҳалиманинг туғилган куни билан овора буладиган пайт эмас, кейинги йили ҳам бораверасиз. Қолаверса, ўрнингизга совға-салом билан Аваз иккимиз бориб:

- Хосиятхон Туркияга шошилинч иш билан кетдилар. узр айтдилар, десак, маросимда қатнашгандан кўпроқ ҳайратда қолдирасиз, анойи эмаслигингизни, сиз ҳам зимдан иш пишириб юрганингизни билиб, ичидан зил кегсин! Сиз истаган маълумотларни биз билиб қуяверамиз!

Хосият унинг таклифига тан берди ва заргарга қунғироқ қилиш фикридан дарров воз кечди.

- Раҳмат, Ақмал! - деди унга мулойимлик билан боқаркан.

- Арзимайди, сиз бораверинг, бу ердаги ишларни узимиз улдалаймиз!

Хосият эрта тонгда Тошкентга жунаб кетди. Йулда кетаркан, хаёлида Туркия, унинг дунёга машҳур шаҳарлари, одамлари, бизнес ва ҳамкорлар билан танишув жонланар, юраги тошиб кетаётганга ухшарди. Қани энди, қаноти бўлса-ю учиб кетса! У ердан ҳаммани, айниқса, Ҳалимани ҳайратда қолдирадиган таассуротлар билан қайтиб роса мақтанса, ҳамманинг оғзини очиб қўйса!

Руҳиятига равшанлик, кутилмаган кутаринкилик ина бошлади. Ўтган йиллардаги зерикарли ҳаёт ўрнини таас-суротларга бой, хотирани бойитадиган янги кунларга қадам қуяётганидан баҳтиёр эди. Бир неча йил аввал

туман, вилоят марказига борса ҳам бир дунё қувонч билан қайтадиган аёл энди дунёнинг машхур мамлакатлари, шаҳарларига қадам босаётганига ишонгиси келмас, қалбини тўлдирган севинч ва қувонч ёнида аллақандай ҳадик, курқув борга ухшар, узини сал ноқулай сезаётганга ўхшарди. "Бу нима?- уйларди у,- ҳаётимнинг янги босқичига мослашиш жараёнимикин, янгиликлар ва саргузаштлар олдида бироз эсанкирашми?" Кечинмаларни теран англолмаса ҳам ёқимли эканлигидан севинар, руҳиятида аввал тахлаб қўйилган янги қабат очилаётгандай хурсанд эди.

У Саид заргарни уйлади, куз олдида қиёфаси жонланар экан, нигоҳларидан самимийлик, меҳр ёғилаётганга ўхшарди. "У яхши одам!"

Ҳайдовчи айтилган манзилга яқинлашганда заргар дала ҳовли дарвозаси олдида кутиб турган, шоколад ранг "Мерседес БЕНЦ" машинаси ювиб, ялтиратиб қўйилган эди. Очилиб кетган Хосиятни кўрган заргарнинг юраги ҳапқириб кетди. Олдига борди-да, белидан оҳиста қучиб, унг ва чап юзидан упиб қўйди. Француз атирининг ифори аёлнинг димоғига урилар экан, Мустафобей билан сурашган дамни эслади. "Кузи тушган экан-да!"

- Яхши етиб келдингизми?
- Раҳмат, соғликларингиз жойидами, Саид ака!
- Сизни соғинишдан бошқа дардим, висолингизга етишдан ўзга муддаойим йўқ!

Хосият юкларини тушираётган ҳайдовчига "Эътибор берма-димикин?" дея қаради. Ўз иши билан банд. Дала-ҳовлидан бир киши чиқиб, сумкаларни олгач, икковлари етаклашиб ичкарига киришди.

- Узоқ йулдан чарчаб келгансиз, қорнингиз ҳам очгандир!

Заргар уни меҳмонхонага таклиф қилди. Стол шоҳона безатилган. Ёнида ресторон официанткаларидай кийинган ёшгина қиз хизматга шай туарди. У кулини куксига босиб, эгилиб таъзим қилиб кутиб олди. Хона бурчагидаги улкан телевизор хорижий каналлардан бирининг кўрсатувларини намойиш этмоқда. Мухбир билан оператор Африками, Америками- аллақайси мамлакат жунглилари-

да юрибди.

- Тортинманг, узингизни уйингиздагидай ҳис этинг, хоним!

- Раҳмат, Саид ака! - хаёлини йиғиштириди Хосият.

- Ҳа, айтгандай паспортингизни берсанғиз, сафар расмиятчиликларини туғрилаб күйсак.

Хосият сумкасидан паспортини олиши билан хонага бояги одам кириб, олиб чиқиб кетди.

Овқатланиб булишгач, заргар Хосиятнинг қулинини ушлади.

- Чипта эртадан кейинга олинади. Вақтни бекор утказмасдан бутун-эрта Чорвоғда дам олиб келсак. Нима дейсиз, Хосиятхон?

- Билмадим. Ишларингиз қолиб кетмайдими?

- Э, асал, дунёнинг иши тугармиди? Қолаверса, сизнинг кунглингизни олишдан зарурроқ ишим йўқ!

- Нима десангиз шу!..

Бугун заргар билан Чорвоқда айланиб юраркан, унга нисбатан илиқ туйғу уйғонаётганидан ҳайрон бўлди. Анчадан бери ҳаётга совуққон. Бугун ўзини кузатаркан, юрагини жи ғуллатаётган ҳиссиётлар юракнинг аллақайси қаватига кумилган илк севги ҳислари бош кутараётган бўлса керак, деб уйлай бошлади.

Заргар уни фаввора олдидаги уриндиқда қолдириб, аллақандай салобатли танишлари олдига кетганда кунгил осмонини саволлар банд этаётган эди. "Чиндан уни севиб қоляпманми? Уттиздан утганда ҳам юракда ишқ-муҳаббат туғиладими? Унга боғлаб турган ришта меҳрибончилиги туфайли қарздорлик туйғуси ёки ҳамдардга муҳтожлик эҳтиёжи эмасмикин?! Балки уткинчи ҳиссиётдир? У билан ҳаётимни боғлаб, юрагимни қулига топширсам, эртага ёқмайдиган қирралари очилса ёки қизлари ғашлик қилса, ёмон куриб қолмайманми? Натижасиз романлар туфайли енгилтак аёлга айлансан, айниқса, Ҳалимага уҳшаган душманларим кети билан кулмайдими?!"

Заргар шерикларидан ажраб, унинг олдига келганда паришонлигини кўриб бироз ҳайрон бўлди.

- Нима гап, жоним?

- Шундоқ узим...

Заргар ёш йигитлардай унинг билагидан ушлаб дараҳтзордаги кафега бошлади...

\* \* \*

Хосиятнинг маслаҳати билан янги костюм-шим, туфли кийган, оқ куйлакка қизил гулли галстук боғлаган Акмал билан Аваз "Мадонна"га кираверишида тўхтаб ҳайратдан ёқа ушлаб қолишиди. Ўртанча зал жуда чиройли безатилган, зиёфат дастурхони тўкин-сочин эди. Меҳмонларнинг ярмидан купи келган. Зал бурчагида созандалар вальс мусиқасини паст овозда чалиб туришибди. Акмал таниш "шкаф"ларга кузи тушганда юрагига ҳадик оралади. Меҳмонга келгандарини эслаб, хотиржамлик туйди. "Шкаф"-лар пешвоз чиқиб, уларни ойна томондаги столлардан бирига утқазишиди. Энди жойлашган эдилар, ичкаридан европача пуштиранг костюм-юбка кийган, туркча соч турмаги узига ярашган, пошнали туфлиси янайам салобатли қилиб турган гузал аёл чиқиб келди. Зал унга қараб бир гувраниб олди. Акмал уни дарров танимади. Яноғи билан бурни уртасидаги чиройли холга кузи тушди-ю, Ҳалимани таниб қолди. Ёнида узига ўхшаш икки аёл - узукка куз қўйгандай ярашиб турибди. Улар катта эшик томон юришган эди, ташқаридан икки шериги қуршовида машҳур заргар, бирвларнинг таърифича, микромилионер Баёзхон кириб келди. У Ҳалимани белидан оҳиста кучиб икки юзидан билинар-билинмас упиб қўиди. Туғилган куни билан табриклади. Шериги узатган каттакон совғани Ҳалимага берди. Ҳалима кўксига қулинини қўйиб, миннатдорчилик билдириди-да, совғани ёнидаги аёлга оширди. Сўнг меҳмонларни турга таклиф қилди. Уларнинг ортидан ташқарида турганлар ҳам столларга жойлашишиди.

Акмал Баёзхонни яхши танирди. Ресторанлари ва заргарлик дуконлари түғрисида афсонадай гаплар юради. Бир неча "Мерс"лари уғизлари ва хотинларига хизмат қилишини, Туркия ва Москвадаги заргарлик устахоналаридан миллионлар оқиб келишини эртакдай сузлашади. Унга ҳавас ва ҳасад қўлмаган бизнесмен кам.

- Аммо ўзи босиқ, ақлли ва айёр, деди Акмал унга ҳавас билан қаарarkan, - ёш бола билан ҳам эгилиб сурashadi.

**Ҳалима "танка"нинг зурини топибди.**

Акмалнинг Ҳалимага ҳавас билан қарашида унга утиб ишласа булаверади, деган фикр балқиб турарди. Буни Аваз сезди, унда ҳам Акмалнинг күнглидан кечәётган фикрлар бор эди. Ўз foяси, орзу-ниятлари орқали қадр орттиришни ўйларкан, Акмалдан аввалроқ ҳаракатга тушиш лозим деган фикрга келди...

Шаҳардаги кузга куринган бизнесмен, тадбиркор аёллар, заргарлар, дукон мудирлари, Дубайга қатнайдиган савдогарлар анжуманинг асосий меҳмонлари эди. Узларини сипо тутишар, гоҳ шерик билан, гоҳо узлари Ҳалимага ният ва ҳурмат изҳор қилишар, совфа-саломлар беришар, гулларга кўмиб ташлашарди.. Даврабоши чиройли сўзлар билан инсоннинг дунёга келиши ва ҳёти, дўстлик ва одамийлик ҳақида гапириб, Баёзхонга сўз берди. У шошилмай микрофонга келди-да, Ҳалиманинг тадбиркорлик истеъоди ва устозга садоқати, тарбияси ҳақида жуда мантиқли ва чиройли гаплар айтди. Сунг йигитларга имо қилиб, каттакон гилам олдириб чиқди. Улар стулга чиқиб, ойна теласидаги темир илмоққа гиламни осишгач, ҳамма қарзак чалиб юборди. Унда Ҳалиманинг гузал қилиб ишланган суврати бор эди...

Сунг қулида қимматбаҳо тор билан машҳур санъаткор чиққандан ҳамма ҳайрат ва эҳтиросдан қийқириб, қарсак чалиб юборди. У Ҳалимага омад, баҳт, ишларида ривож тилаб хит қўшиқларини айта бошлади...

Давра жуда файзли эди. Хонанда навбатдаги қушигини тутатгандан кейин кекса момо кичкина қизча билан гулдаста кутариб чиқиб, хонандани бош-кузларини силаб, "онагинанг ўргилсин, овозингга Худо даромад берсин, асло кам бўлма!" дея меҳрини билдириди. Сунг Ҳалима ҳақида гапирди ва уни энг яхши сұзлар, ниятлар билан дуо қилганда барча меҳмонлар юзларига фотиҳа тортдилар... Бу Ҳалимани қуллаб, унга туғри йул курсатиб турган Тожи момо эди. Аваз билан Акмалнинг назарида бундай покиза дуодан кейин Ҳалиманинг ишлари фақат олдинга босади, унга тусқинлик қилганлар хижолатда қолади.

Аваз Ҳалима билан кейинги ишлар ҳақида гаплашиш, бизнесига қушилиш масаласини ҳал қилиб олмоқчи эди.

Бир-икки марта кузи тушганини ҳисобга олмаганда, деярли эътибор бермаганидан Аваз сал ўксиди. Эски қадр-донлиги ҳурмати ҳеч булмаса сурашгани келади, деб ўйлаган эди. Аммо Ҳалиманинг бунга вақти ҳам имкони ҳам булмаганини ўз кўзи билан кўрди. Охири, сабри чидамади. Шартта ўрнидан турди-да, Акмал иккови олиб келган совғани кўтариб, микрофон олдига келди. Машхур ҳофиз бир нафас тин олаётган эди.

- Мен бирор сўз бермаса ҳам бу даврада бемалол гапириш ҳуқуқига эгаман, - деди бироз кайфи борлигидан фойдаланиб, - чунки Ҳалимахон энг яқин дўстим, кунгилга яқин қадрдоним!

"Кайфи бор экан, нозик меҳмонлар олдида қовун туширмасмикин?" - деб Ҳалима гам қилиб турганда ўша уч "шкаф" Авазнинг атрофига пайдо бўлди. Аваз хушёр тортди.

- Мен дилга яқин дўстимга бундан-да купроқ омад, баҳт, дунё тургунча туришини тилайман. Ва истардимки, бизнесда энг баланд чўққиларни эгалласа ҳам мендай дустларини унутмайдиган ҳалол инсонлигича қолсин!..

Қарсаклар янгради. Бу вақтда Ҳалима унинг олдида эди. У Ҳалиманинг белидан кучиб, юзидан ўпди ва совфа топшириди... "Сизни унутмайман!" дея пицирлади Ҳалима унга яқинлашиб. Кутимаган эҳтиром изҳоридан кўзлари ва қалбини ҳайрат алангаси қоплаб олди.

Акмал буларни кузатиб турарди. Кунглидан эса "Наҳотки, у Ҳалимага ишлаётган бўлса?!" деган шубҳалар утаётган эди....

Кеча охирида каттакон гулдаста кутарган Ҳалима йигитларга яқинлашди...

Ҳалима Авазнинг олдига келиб, саватдаги гулни узатди.

- Дугонамга беринг, туғилган кунимдан эсадлик! - деди узига хос виқор билан.

Аваз иккиланиб турганда Акмал "оловер" дегандай қаради. Бу вақтда Ҳалима саватчани ерга қуйиб, ортига ўгирилиб кетаётган эди...

Икковлари машинада кетишаркан, Авазнинг кўнглини турли- туман фикрлар эгаллаб олганди. Ҳалимадаги ўзгаришлар, кейинги даврдаги эришган нуфузи лол қолдирган эди. Шаҳарнинг манаман деган бизнесменлари, тадбир-

кор ва пулдорлари, тилла билан шугулланадиган заргарлар келиб совға-салом ва гулдасталарга күмиб ташлашганини куриб, икковининг оғзи очилиб қолди. "Үнги ичида эканку!" Аммо уни табриклагани чиқиб дуо қилган кампирни танимадилар. Шаҳарда Ҳалиманинг қариндошлари, айниқса, бунақа кекса қариндоши йүқлиги учун сал таажжубга тушдилар.

Аваз Ҳалима билан аввал шунчаки күнгилхушликка юрган бўлса, энди уни ҳатто севиш ва ардоқлаш мумкин деган фикрга келаётган эди...

Акмал Аваздаги ўзгаришларни зимдан кузатар, мақсади нима эканини билишни истар эди. Аммо Аваз қалбидаги ниятлар ва режалари ҳақида очиқ-ошкора гапирмагани учун бирор холосага келолмасди. Хосият Туркиядан қайтгандан кейин муҳим нарсалар, кейинги ишлар, Ҳалимани қувиб утиш чоралари ҳақида гаплашиб олишни дилига туғиб қуиди. У купчиликдан, ҳатто, Ҳалимадан орта қолаётганликларини, ресторон ҳамма муаммони ечолмаслигини, ҳаёт ва бизнес тиним билмай ривожланаётганлигини, кичкина ютуқларга овора булиб қолинса, босиб янчиб ўтишларини англаётган, бу масъулият ҳаёт - мамот жангি эканини Хосиятга тушунтиришни истарди.

\* \* \*

Уларни Истанбул аэропортида Давронбей билан икки нотаниш киши кутиб олди. Шаҳар четидаги дала ҳовлига олиб боришгач, ёши катта аёл унга пешвоз чиқди. "Бу Давронбейнинг хотини!" - дилидан утказди Хосият.

- Хуш курдик, Хосиятхоним! - деди аёл.
- "Овози мунча ёқимли бу аёлни", - ўйлади Хосият.
- Хушвақт булинг, опа! Саломатмисиз?
- Аллоҳга шукр!
- Менинг аёлим - Кумри бегим, - таништирди Давронбей.

"Нотўғри ўйламабман", - дилидан утказди Хосият.

- Фоят хурсандман.

Тошкент ва Истанбул аэропортининг кутиш залларида, самолётда йулда келаётганларида туркларнинг узаро муоммалари қандай эканини бир мунча ўрганган, қолаверса,

Саид заргар тушунтиришлар берганини эслаб гаплашишда унчалик қийналмади. Туркча сұзларнинг ҳаммасини билмаса, талаффузини ухшатолмаса ҳам сұхбатдошини тушуниб олар, әхтиёткорлик билан мулоҳаза қилишдан эринмас эди.

- Қумрибегим, таъзиямни қабул қилинг, жигарбандингиздан бемаҳал айрилдингиз. Мустафобей яхши инсон эди. Бироқ пешонасига бобоюртда омонатни топшириш ёзилган экан. Аллоҳнинг буйруғи!

- Раҳмат хоним, қандоқ қилайлик. Қисматга бўйсунмасликнинг иложи йўқ!

- Қайғунгизга шерикман! Сизга сабр берсин.

- Дустлар омон бўлсин!... Қани ичкарига марҳамат.

- Ташаккур, хоним.

Чоғроқ хонага кириб утирдилар. Давронбей ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Заргар ўнг қули билан чап қули бандидан ушлади-да, ерга қараб қуръон тиловат қилди. Дуо қилиб марҳумнинг руҳига баҳшида қилдилар.

Давронбей уларнинг келиши шарафига уз ҳовлисида зиёфат берди. Хосиятни нуфузли қариндошлар билан таништириди. Улар билан танишган Хосият бир газ усли, ҳатто Саид заргардан баландга чиқиб кетаётганга уҳшарди. Энг муҳими, булар кези келганда Хосиятни қуллаб юборишиларини ўйлаб, шодлик ва қувончга туларди. Юракдан тошаётган севинч айло кайфият бағишилар, дунё кўзларига самимий, ёмонлари йуқ жаннатга ухшаб кетарди.

Улар мазали турк таомларидан истеъмол қилдилар, латифаларидан эшийтдилар, бизнесдаги бугунги янгиликлардан хабардор бўлдилар. Хосият даврадагиларнинг бир хусусиятта тан берди. Ҳаммаси сунгги янгиликлардан, давлатлар сиёсатидан, фан-техника соҳасидаги кашфиётлар ва деярли дунёning ривожланган барча мамлакатларида бизнес учун яратилган шароит ва имтиёзлардан боҳабар эди. Тушунчаси, дунёқараши кенг бу одамларнинг Узбекистонга қизиқишилари кучли, фақат ишончли ва сармояси етарли ҳамкор топишга қийналаётганликларини қистириб ўтдилар.

- Хосиятхоним сизларга ишончли ҳамкор, деб кафолат бера оламан! - Саид заргар даврага гапирди, - маблағи

етарли, лафзсизликка ўрганмаган... Бу кишига ҳам ўзларида ҳалол шерик керак.

- Мен - деди Хосият заргарнинг гапидан дадилланиб, - вилоят марказида замонавий Шарқ аёллари учун сунг и модадаги кийим-кечаклар сотадиган супермаркет очмоқчиман!

Ҳамма шошилмай, салмоқлаб гапираётган Хосиятга қаради. Кўпчиликнинг нигоҳи ўзига қадалганидан ҳаяжонланган булса-да, ёнида заргар ва Давронбей турганини сезиб, руҳияти кутарилиб давом этди:

- Бундай дукон ҳали шаҳримизда йўқ! Умид қиласманки, бизда турк ва Европа модасига қизиқадиган, сара мол харид қилишни истайдиган хонимлар етарли. Бу лойиҳа қисқа вақтда самара беришига ишонаман.

- Хоним, агар сир бўлмаса айтинг-чи, шу ишга қанча маблағ сарфламоқчисиз? - уртада утирган, катта галстук боғлаган киши мурожаат қилди унга.

- Мен ҳамкоримнинг режасини, иш куламини билиб сармоямни... ярмини ажратмоқчиман.

- Сармоянгиз...

- Биргаликда ҳал қиласми. Ўйлайманки, мен билан ишлаганлар албатта фойда куради. Мен бошлаган иш водий бизнесида очилмаган қуриқ.

Фикрлар кунчиликда қизиқиш уйғотди. Ҳамма бирбири билан ўзаро пичирлашиб, гоҳо ошкора гаплаша бошлади. Хосиятнинг ёнида утирган заргар "Бопладингиз!" дегандай қулини қисиб қўйди. Хосият қувончга тўлди. Руҳиятнинг очилиб келаётган янги қабатларида порлоқ келажак, хорижий алоқаларнинг куз илғамас чуққилари кўринди. Кунглига чуғ ташлаётган янги зафарлар, бўлғуси воқеаларнинг шуълавор шарпаси илиқ туйғулар тимсолида дилини ярата бошлади. Бу фароғатли лаҳзалар унинг қалбида Аллоҳ қалимасидай муҳрланиб қолаётгандай эди...

Зиёфат иккинчи қават меҳмонхонасида булаётган эди. Деразадан водийга ухшаш манзаралар, кум-кук дараҳтлар, йўлда оққушдай учиб бораётган машиналар кузга ташланар, барчаси ёқимли эди.

Зиёфатдан туриб, ҳовлига тушишганда Кумри хоним

унга пешвоз чиқди.

- Хоним, омонатни олиб қўйсангиз! - деб тилла занжир узатди Хосият, - ўшанда садали ҳовлида тушиб қолган экан. Давронбейлар кетишгандан кейин ҳовлидан хабар олгани борсак, кўзимиз тушиб қолди. Бу ерга келишдан мақсадимизнинг бир қисми шу омонатни топшириш эди, марҳамат, хоним, болаларига буюрсин!.

Кумри хоним унинг ҳалоллиги, омонатта садоқати, ўзганинг ҳақидан қурқишини билиб, меҳри ортди. Занжирни олаётганда ёнидагиларга "қаранг, у ердагилар қанчалар ҳалол кишилар!" дегандай қараб қўйди. Қариндош бизнесменларда Хосият билан ҳамкорлик қилиш фикри мустаҳкам бўлди.

- Раҳмат, хоним, Мустафонинг хотини бир-икки гапирганди, занжирни биз яшириб олгандай хижолатда эдик. Ҳатто Давронбейни бепарволикда айблаб, бироз койигандик. Юзимизни ёруғ қилдингиз. Буғуноқ эгасига топшираман...

Ҳамма хурсандчилигини билдириди. Давронбей эса алоҳида миннатдорчилик изҳор қилиди. Хосият обрў келтираётган қимматли фикрни билдиргани учун заргарга ташаккурона кайфиятда қаради... Нигоҳларида миннатдорчилик билан бирга меҳр-муҳабbat ҳам бор эди... Заргар кўнглида севинч туйиб, кўзларини юмди.

Кечга яқин заргар билан дуконига боришли. Шаҳар марказида жойлашган куркам, ҳашаматли бинони кўриб ҳайратда қолган Хосият заргарга меҳр ва қизиқиш билан қаради. У ўзи билганидан кўпроғига қодирлигини энди сезаётгандай, ишонган ва суюнгани Ҳалиманинг "танк"ларидан бақувватроқ эканини ҳис этиб гууруланиб қўйди. Бошлаган ишларига ишонч туйди юрагида. Ҳалима минг чиранса ҳам кувиб етолмаслигини уйларкан, куксида ўзгача ҳузур, завқ-шавқ туйди. Ҳатто Сайд заргар билан эртароқ ҳамкорлик қилмагани, Туркияга аввалроқ келмаганига афсуслангандай булди.

Устахона билан дукон бирга жойлашган булиб, ўртасидан девор билан ажратилган, темир панжара билан қопланган ва сигнализация урнатилган эди. Тилла буюмларни ўғридан ҳимоя қилишнинг барча чоралари курилган, эгаси

хотиржам ухлаши мумкиндай...

Дўконда бир яшарли қизчадан юз ёшли кампиргача тақиши мумкин бўлган тилла исирға, узук, балдоқ, занжир ва бошқа безак буюмлари мавжуд бўлиб, одамларнинг уртacha иш ҳақларига нисбатан солиштирганда жуда қиммат эмасди. Бир меъёрда маош оладиган хизматчи буюмларни сотиб олишда қорнидан, кийимидан ва бошқа харажатлардан тийилиши зарур эмасди. Хосият ойна ичидаги тилла трослардан бирига ҳавас ва диққат билан қараб қолди. У нималар ҳақда уйлаёттаганини сезган заргар сотувчи билан кўз уриштириди...

Сайд уни ён томондаги меҳмонхонага бошлади. Стол-стул, диван, кресло маиший жиҳозлар билан безатилган, чуғдай гилам солинган хона шинамлиги билан Хосиятни узига тортди. У журнал столи ёнилаги креслога утирганда ёшлини қиз патнисда салқин ичимлик олиб келди. "Фанта"ни очиб стаканларга қўйди. Бирини заргарга, иккинчисини Хосиятга узатди. У чиқиб кетди ва ҳеч қанча вақт ўтмай қайтиб кирди. Кулини куксига қуйиб, заргарга юзланди:

- Афандим, бир сония ташқарига чиқишини изни сурашяпти.

У эшик томон равона бўлди. Хосият стаканни буштавудиямки, кайфияти баланд заргар кириб келди. Қулида боя Хосият курган тилла занжир...

- Хосиятхон, орамиздаги меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкам бўлиши учун шуни сизга совға қўлмоқчиман. Қолаверса, сизга Туркиядан эсдалик...

Хосият совғани олишни ё рад этишни билмас, кугилмаган воқеадан караҳт булаёзган эди.

- Эртага Анталияда буламиз, хонимларнинг олдида бўйнингиз бўш турмасин! Олинг, асал!

Шундагина у бўйнига ҳеч нарса тақмаганини, совғани тақса бўйни ва куксида узгача жозиба пайдо бўлишини ўйлаб ичидан кувонди, аммо қимматбаҳо совғани олишга бирдан ботинолмади.

- Жа, ғалати булди-ю, Сайд aka!

- Ҳечам ғалатиси йўқ, олаверинг!

- Барибир ноқулай-да!

- Бегона эмасмиз-ку, асалим!..

\* \* \*

Баёзхон таништирган савдогарлар мард экан. Молларнинг пулини келишилган вақтда туплаб бериши. Ҳалима шаҳардаги квартирасига келганда чарчаганини, савдогарлик, хорижга қатнаш ва пулларнинг ҳисоб-китоби осон иш эмаслигини англади. Аммо столга бор бойлигини ташланганда қувончи ичига сифмасди. Яқинда арзимаган пулга муҳтоҷ юрган Ҳалима наҳотки, қисқа вақтда шунча бойликка эришган бўлсам, дея ҳайратга чулғанар эди.

Тушликтан сунг ҳисоб-китобга ўнғиб кетди, кечга яқин аранг тутатди. Улкан чарвоқ туйиб, пешонасидағи маржондай терларни юмшоқ даструмоли билан сидираркан, елка туваётганлар яккалатиб қўймаётган булса-да, шахсан ёлғиз, содиқ одамга муҳтоҷ эканини ҳис қилди. Ва хаёлан шундай одамни қидирди. Куз олдидан кино лентасидай эркак танишлари утаркан, Авазда тұхталди. У билан ишласа булади. Лекин у Хосиятга хизмат қиласади!

Ҳалимада Баёзхондан ёрдам сураш фикри туғилди. Унда ишнинг кузини биладиган, оғзи маҳкамлар күп, лекин ўзи тарбиялаган одамларнинг қайси бирини бера оларкин? Сураса, ҳаито иккитасини олинг, дейди. Сабаби - Тожи момо узоқ қариндоши, бир вақтлар Баёзхоннинг олдига шу момо бошлаб борган. Ўшанда аёлнинг суюнчиқقا муҳтоҷ, кузига мултираб турганини куриб, Баёзхон Тожи момога қаради:

- Опажон, мени кечиринг,- деди салмоқланиб, - юкиниб келгандарни қулладим, боламдай бошини силадим, аммо куплари узини тиклаб олгандан кейин кечаги кунни унугдиган одат чиқарди. Ҳатто мени пир деб биладиган битта номард уз хатоси билан озгина зиён курса душманим билан тил бириктириби. Дуч келганга паноҳ булаверишга чучиб қоларкансан!

- Иним, Баёзхон, бу аёл - ҳаётда қоқилган, узини унглаб олган, ҳар бир қадамидан огоҳман, Худо хоҳласа, сизни ранжитмайди. Аёл булса ҳам номардлар йулини тутмайди. Киссасида пули бор, фақат туғри йул курсатиб, қуллаб турсангиз, бир-иккита нокаслардан ҳимоя қиласангиз. Бу

билмаса, Худо билар...

Баёзхон анча уйланиб турди.

- Момо,- деди сукутни бузиб,- яхши булса ошини ейди!...

Ҳалима Баёзхоннинг ишончини оқлади, қийин вақтларда узини йўқотмади. Ҳатто бир-икки синовдан "беш" баҳога утди. У Дубайга кетиши арафасида Баёзхон телефон қилди.

- Каттароқ иш қилаётган эдик, йигирма минг доллар топишнинг имкони борми?

Ҳалима аввалига синовни тушунмади. Лекин юборған одамидан пулни бериб юборди.

Орадан уч кун утди. Дубайга боришим орқага суриласди шекилли, деб турганда яна Баёзхон қунғироқ қилди.

- Ҳалимахон, иш битди, сизга катта раҳмат!

Кечки пайт ўша одам пулни ташлаб кетди. Дубайга кетаётганда Баёзхон қадрдонларидан иккитасига қўнғироқ қилиб, хонимни яхши кутиб олишларини тайинлади ва унга оқ фотиҳа берди...

Иккинчи синов у Дубайдан келган куни руй берди. Молларни тарқатиб булиб, уйга кирганда телефоны жиринглади (Баёзхон телефонни квартираси билан бирга сотган эди).

- Яхши бориб келдингизми?

- Раҳмат, устоз! Кечки пайт офисда буласизми?

- Худо хоҳласа...

Ҳалима Дубайдан уни атаб олмон костюм-шими олган эди. Ёнига эркаклар атиридан қушли-ла, идорасига борди.

- Бунчалик оворагарчилик шарт эмас эди. Ҳалимахон.

У, Баёзхон совғалан эмас, ОҚИБАТдан хурсандлигини билиб, темирни қизифида босганилиги севинди. Бундан ташқари, танишганларидан бери қандай ишга қул урмасин. аввал момо, кейин Баёзхоннинг фотиҳасини олишга одатланди. Дуо билан эл кукарап деганларидек, иши олдинга босаётганилигининг бош сабабини ана шу амалларида деб биларди...

Бугун ёрдамчи танлаш масаласида унга суюниш керакми-йуқми деган масала кундаланг булганда икки томонлама ҳурматни тарозига солиб узича аниқ тухтамга келди:

**Ундан сурайман!**

Кўнгли хотиржам бўлиб пулларни йиғиштираётганда қул телефони жиринглади.

- Ҳалимахон! - бу Авазнинг овози эди, - сиз билан куришсак буладими?

- Қачон?
- Масалан, бир соатдан кейинми, ё эртагами?
- Аниқ вақтини айтсангиз...
- Эрталаб соат саккизда!
- Қаерда?
- Сизнида!

Ҳалима ўйланиб қолди. Баёзхоннинг "Уйингизга танишнотаниш одамларни киритаверманг! Ёлғиз аёлнинг уйига яхши ниятда қадам босадиган кам бўлади..." деган гапи ёдига тушиб, уйда кўришмаслик учун баҳона топди.

- Эрталаб момоникига бормоқчиман, қайтишимда "Мадонна" ёнидаги кафеда учрашсак...

- Яхши. Сизни кутаман!

Ҳалима ёрдамчи танлаш - жўн масала эмаслигини уйларкан, шошилмай хulosага келиш, аввал момодан, кейин Баёзхондан маслаҳат олиш лозимлигини тушунди. Миллионлаб сўм пул топшириб қўйиладиган, моллар ҳисоби билан шуғулланадиган одам ҳалол, ишига ихлос ва адолат билан ёндашиши, Ҳалимани ҳурмат қилиши лозим, бунга муносиб киши эса баҳорги қузиқориндай ҳар қадамда учрайвермайди...

Эрталаб Ҳалима атайлаб ярим соат кеч борди. Аваз кутиб турган экан.

- Ушланиб қолдим, кечирасиз!- деди у салом-аликдан сунг Авазнинг кузига дадил қараб. Яқинда бир газетада "Киши руҳининг қуввати унинг нигоҳида булади", деган гапни ўқиган эди...

- Ҳеч, қиси йўқ! Чидаса бўлади.
- Менда гапингиз бормиди?...

Ҳалима ҳар бир дақиқам ҳисобли, тезроқ дардингизни айтсангиз, дегандай сўзларди.

- Туғилган кунингизда курдиму, шунчалик ўзгариб кетганингизга ҳайратда қолдим.

- Ҳаёт бир жойда қотиб қолмайди-ку! Балки эртага сиз

бошқа қиёфага кириб оларсиз...

- Лекин сиз билан битта жиддий масалада гаплашиш учун таклиф қылгандим.

- Эшитаман.

- Хосият билан ишләётганимни биласиз.

- Бутун шаҳар билади, - Ҳалима ўзига хос виқор билан сузларди.

Аваз ўзида сал үнғайсизлик, Ҳалима билан уртасида аллақандай бегоналик, тусиқ пайдо бўлганини сезди. Аммо режасини айтмасликнинг иложи йўқ.

Андишани четга суриб, унинг кузига қаради. Нигоҳида бачкана тўйғулар, майда-чуйда инжиқликни енгиб ташлайдиган руҳий қувват ва салоҳият бор эди. Ҳалима буни илк марта сезаётгани учун сал ажабланиб қаради.

- Очиги, у билан ишимиз унча қовушмаяпти.

- Нега?

- Изланиш йўқ, бергани харажатимизни қопламаяпги.

Мен сиз билан ишламоқчиман.

Ҳалима ҳайратдан ёқасини ушлади. Эй чархпалак дунё! Яқиндагина бу бола уни ўз измида уйнатаётган эди. Энди мўлтираб иш сўрайпти!

Ёрдамчи танлаш ҳақида кечаги фикри хәёлига келди.

- Сизнингча, мен купроқ тўлайманми?

- Ҳар ҳолда ранжитиб қўймайсиз.

Ҳалима унинг рост гапираётганига ишониб, масаланинг бошқа томонларига ойдинлик киритмоқчи бўлди.

- Ишқилиб, Хосиятга айғоқчимасмисиз? Нозик томонларимни, сиримни урганиб бўлгандан кейин қайтиб кетмайсизми? - у ярим ҳазил, ярим чин қилиб кулимсиради.

- Йўқ! Унга умрбод хизмат қиласман, деб ваъда бермаганман. Сиз билан аввалдан яқинмиз, тил топишармиз, деб ўйлайман.

- Хосият: одамимни тортиб олди деб таъна қилмасмикин?

- У, одамлар Хосиятдан безганки, Ҳалимага ўтиб кетган, дейишларини ҳ азм қилолмайди.

- У ҳозир қаерда?

- Хоним ошиқ бўлганлар.

- Ажабо!!!

- Саид заргар билан Туркияда юрибдилар. Ундан кетишининг сабабларидан бири шуки, севгини деганлар бизнес қилолмайди, иши орқага кетади.

- Қандай қилиб?

- Анталияда дам олишармиш... Демак унга бизнес ксракмас...

"Бу ерда эмаслигидан фойдаланиш керак", - дилидан утказди Ҳалима.

- Яна сурашга мажбурман: нега менга утяпсиз??

- Мен олдиндаги одам билан ҳамкорлик қилишни хоҳлайман. Итнинг кейинги оёғидай юриш керак эмас! Сизга садоқат билан ишлайман!

Ҳалима дилида уни олишга қарор қилаётган булса-да, билдиргиси келмади.

- Таклифингизни уйлаб кураман, Аваз ака!

- Қачон жавоб оламан?

- Уч кундан кейин!

\* \* \*

Ҳалима жавоб айтиш учун бекорга уч күнлик муддат белгиламади. Авазни ишга олишнині яхши-ёмон гомонларини тарозига солиши, устозидан маслаҳат олиши ва энг муҳими, Баёзхон топиб берадиган одам билан Авазни қиёслаб куриши лозим. Авазни ҳар ҳолда оз-моз билади. Заиф томонларидан хабардор. Оғир вазиятлардан чиқишига уста. Иш битириш учун бор талантини ишга солади. Хизматини муносиб қадрласа, қулдек ишлайверади. Илгари дам олгани боришганда, Хосият ҳақида гапириб:

- Асли ёмон аёлмас, - деганди уйланиб, - лекин мен бол эмас. Доим изланадиган, янгиликка интиладиганлар билан жонни жабборга бериб ишласанг арзийди. Файратим бор, фақат асов отдай сакраб, пишқириб ҳаракат қилгани майдон етишмаяпти!

Ушанда Ҳалима шундай эри ёки ҳамкори булишини хоҳлаган. Орадан вақтлар ўтди, вазиятлар, муносабатлар узгарди, узлари ҳам бир-бирига ўхшамаган одамларга айланишиди Эртага вазият яна янгича булиши мумкин.

Ҳалима қисқа вақтда турмушини янги ўзанга солган воқеалар руй берганини уйласа, ҳиссиёт ва фикрлар уни

шошириб күяди. Аввал ҳатто тасаввур қилолмайдиган янгилийклар олдила эсанкираб қоларди. Бугун янгиликларни оддий воқеадай қабул қилишга урганган, унча-муңча үзгариш уни ҳайратга сололмас эди.

Ҳалима уч кун уйлади, Баёзхонга маслаҳат солди, уз ҳолатини ҳисоб-китоб қилди ва туртинчи куни Авазни ишга олажагини маълум қилди.

Аваз янги машинала Ҳалимага хизмат қилаётганини кўрса - Туркиядан қайтган Хосият кутилмаған зарбага дуч келади...

\* \* \*

...Сувлари осмону фалакка отилаётган фаввора теварак-атрофга узгача чирой, шукуҳ ва шинамлик бағишлайди. Биллур томчилар шивирлаб, аллакиминг юрак сирларини куйлаётгандай бўлар, вақт ерда эмас, Арши аълода утаётган жаннатий чоғларга ухшарди. Денгиз узра учайдан чағалайлар, кум-кук тулқиниарнинг қирғоққа бош уриши турли шаклу шамойилга кира оладиган асов жонзотни эслатар, руҳиятта чексиз ором. Янги кутаринкилик бағишларди.

Кум-кук майдончалар дараҳтлар рангига уйғунлашиб баҳор тароватини намоён этади. Тип-тиник ва зангори борлиқ руҳиятни тозалайди. Кушлар чуғури, ноласи қулоққа хуш ёқади. Ҳаво мұтадил, енгил шабада эсиб, кум-кук, топ-тоза барглар билан қопланган шоҳларни майин сил-китади. Култиқлашиб утаётган ёшлар, ёнма-ён сайр қилаётган одамлар, оҳиста қадам ташлаётган кексалар бирорга халал бермай дегандай - оҳиста, ҳатто шивирлашиб гаплашишади.

Улар бир неча кундан бўри дунёга машҳур оромгоҳда дам олишяпти. Хосият дунё одамларида дам олаётганига қувонса, гўзалликдан кайфияти кутарилади. Кундан-кунга ёшариб, чиройига чирой қушилиб бораётгандай, Ҳалима бу ерларни тушида ҳам куролмайди, деб ич-ичидан қувонади. Тошкент бойларидан бири атрофида парвона.

Энг муҳим воқеа дам олишнинг учинчи куни руй берди. Кечки овкатдан чиқиб, ҳиёбонни сайр қилишгач, арча тагидаги скамейкада утиришиди. Саид заргар унга турмуш

куришни таклиф қилди!! Хосиятнинг назарида, гўё у энг ноёб қўшиқни шивирлаб, фақат Хосият учун куйлаб берди. Бу аёлга шу қадар ёқдик, оёғи ердан узилиб, қушиқ қанотларида парвоз қилгандай булди. Заргар Хосиятга қаради: юзида қувонч, чексиз шодлик балқирди. "Эркаклар кузи билан, аёллар қулоғи билан севади," - пичирлади у.

Заргар унинг қулини упди, силади, Хосият сармаст булиб кузини юмди... Ўзига келганда у билагидан ушлаб турар, кузларида кучли ҳаяжон ва эҳтирос ҳукмрон эди. Уялиб қулини енгилгина тортиб олди.

- Жавобингизни кутяпман, Хосиятхон?

Хосият бир оғиз гапи билан ақдири узгариб кетишини ҳис этиб турар, қалбига қулоқ солиб, келгуси кунларга аломат топишни истар, ҳаяжондан фикрлари чалкашиб кетаверар эди. Истанбул дуконида совға олгани ёдига тушди. "Ҳушомад бежизга эмаслигини кўнглим сезганди." У кўйлаги устида чиройли ялтираб турган тилла занжирга қаради-ю, юрагига илиқ бир туйғу ёпирилиб киргандай булди. "Муҳаббатда ҳам қули очиқмикин?"

- Сайд ака, мени шоширмасангиз...

- Албатта, вақт етарли... Аммо жуда чузиб юбормайсиз деган умиддаман.

- Ҳаракат қиласман.

- Аслида бизнинг масала ҳандалакдай пишиб қолган. Сизни анча билиб олдим, мениям оз-моз ургандингиз...

Шу пайт кутимагандан Хосиятнинг миясига, заргар ҳақида бир-икки оғиз илиқ гап айтиш фикри келди. Ўзини қулга олиб, ундан кузини олиб қочди.

- Сайд ака, сиз кўнгли очиқ, самимий, меҳрибон одамсиз. Ҳар қандай аёлни баҳтли қилишга қодирсиз...

- Баҳтли булмаслигингизга ҳам қуймайман. Бизнесингизга кўмаклашаман.

- Раҳмат, энди кириб дам олайлик...

Хосият мақтай бошлагандан заргарнинг кўнглига "Бироз яхши гап айтиб, кейин рад этади," деган фикр келганди. Яхши гаплар таклифга ижобий жавобнинг бошланишига ўхшарди...

Хосият эрта турди. Пардоз-андозни парижлик хонимлардан утказиб юборди. Энг хушбуй атир сепди. Яқинда

Истанбулдан олган европача кўйлагини кийиб, юрагида Саид акасининг муҳаббатини ҳис этиб, ўзини ойнага солди. Ажабо! Ёшариб кетибди! Юзлари тиниқиб, қиёфаси шаҳарликка уҳшаб қолибди. Кузлари чақнаб, киприклиари қайрилибди. Қадди қомати тик, бели хипча!! Юрагига ажиб туйгулар қуолиб, ўзини беҳад баҳтиёр сезар, хурсандчиликни баҳам курадиган одам йўқлигидан афсусда эди.

Хонасига киргандা заргар ухлаб ётар, ҳали оқармаган қалин соchlари пешонасига ёйилиб, уни ёшартириб турарди. У заргарнинг соchlарини бир томонга таради. Пешонасидаги ажинларга кафтини босди. Заргар ҳинд киносида гидай уйғониб кетди. Ва сирли жилмайиб турган Хосиятни билагидан ушлаб, ўзига тортди, юзидан бўса олди, соchlарини силади, буйнидан қучоқлаб, лабларига лаб босди. Дудоқлари чуғдай иссиқ эди. Аёл қаршилик курсатмади.

- Туриңг, Саид ака! - деди меҳр тула кўзларини унга тикиб, бармоқлари билан сочини тарап экан. Аммо бироздан кейин ёш қиздай уялиб, хонасига чиқиб кетди. Заргар кунглида илиқ туйғу ва шодлик аралаш фуур тыйди...

\* \* \*

Акмал Авазнинг Ҳалимага ишга утганини эшитди-ю, "Оқибатсизлик!" деди жаҳли чиқиб. Унга қўнғироқ қилиб бир минутга ресторанга келиб кетишини суради. Аваз ҳеч нарса булмагандай, әрталаб офисга кириб келди. Одатдагидай саломлашди.

- Ҳеч бўлмаса Хосиятнинг келишини кутмабсан-да! - аччиғини яширишга ҳаракат қиласарди Акмал. Аммо бироздан кейин Аваз:

- У билан аниқ муддатта шартнома тузмаганмиз, энди ўйлаб қарасам, бизга югурдаклигимиз учун пул бераркан, энди гуруримни асрайман. Бошқача айтганда, югурдакликдан ор қиласман,-деди.

Акмал ўзининг калласига бунақа фикрлар келмаганига ҳайрон қолди. Яшин тезлигига Хосият билан ишлаган даврига назар ташлади. Фақат майда-чуйда ишларни бажариб юарди.

- Ишсиз юрганингда икки юз доллардан берганини

- Ишсиз юрганингда икки юз доллардан берганини унутдингми?

- Ҳозир шуям ойлик бўлдию...

Ақмал яна аччиқланди. Уни нонқурлиқда айблаш фикрини очиқ айтмоқчи бўлди.

- Ҳалима Хосиятга душманлигини биласан, ҳафа булишини ўйламадингми? Ё янги бошлиғинг кўпроқ ваъда қилдими?

Аваз ўйланиб утирмади. Аввалдан фикрлаб қўйган гапларни тахлаб қўя қолди.

- Биринчидан, огайни, улар уртасидаги шахсий муносабат мени қизиқтирмайди. Иккинчидан, ҳозир қаерда яхши тўласа ўша ерда ишлайдиган замон. Икки юз долларга орқасидан итдай саккиллашим керакми?

- Ҳей Аваз, ишлаб тоғни талқон қилиб бермаяпмиз-ку, шукур қилсангчи?

- Ҳалимага ўтганим ҳошукурлик эмас!..

- Аммо оқибатсизлик!

- Оғзингга қараб гапир! Ношукурликни у қиляпти, керак бўлса исботлаб қўяман.

- Исботла!

- Иккала қулогингга қўрғошиндай қўйиб ол. Хосият наша савдосидан қанча пул топди?

- Саксон миллионга яқин!

- Сен билан менга қанча берди?

- Биз садоқат билан ишладик. Узи долларни сейфга беркитди. Ҳеч булмаса садоқатимиз учун минг доллардан бермади-ку! Биз қанақа шериклармиз? Ресторанг энг зўр ошпазларни мен топиб келдим, кечаю кундуз югуриб, иш ташкил қилдим, раҳмат демади, даромад купайди, ойлигимни купайтирмади! Сенга ҳар ой юз доллардан қушиб берди, менини эса, уша-уша! Ҳозир Анталияда заргар билан ялло қилиб юрибди. Биз вилоят марказига ҳам боролмаяпмиз.

Ақмал далилларни тан олди. Куксида қадрсизлик ва алам туйғуси бўй чузди. Авазга зимдан қарар экан, шаҳди баланд, шижоати жойида эди. Ҳалима уни пул билан қизиқтириб олган деган хуносага келди..

- қолаверса, Хосият изланувчан эмас,- давом этди Аваз,- Мен елиб-югуриб ишлашни, пул күпайтиришни, бирорлардан утиб кетишни истайман, ҳасад қилғанлар күйиб күл бұлса мазза қиласын!! Ич-ичимдан яйраб кетаман!!!- у дадил ва илхом билан гапирап, янги ишдан хурсандлығы чақнаб турған күзларидан куриниб турарди, - кучага қара, биздан кичик болалар "Ласетти" миниб юрибди, уч қаватли уйлар соляпты, машхұр хонандаларни чақириб, шаҳарға шов-шув буладиган түйлар қиляпты. Чет әллик ҳамкорлари билан машхұр ресторандарда утирибди. Буни нимаси ёмон, қавас қиласа арзийди-ку!.

"Қорнида шунча гапи бор экан, нега мен билмайман, қачон йиғилдийкін? Бундай фикрлаш хусусияти қачон пайдо булғанини билмай қолған эканман"

Ақмал Авазни энди күраётгандай, күзларини катта-катта очди. Аваз мен кетдім дегандай Ақмалға угирилди.

- Кечирасан, оғайни, уч кундан кейин "Камаз"чи билан Астанага жүнтіманды, бир-иккита хужжаттарни түрилашым керак.

Ақмал гап айтышга ожиз бұлиб қолди. Фақат үлганининг кунидан:

- Омадингни берсін! - деди холос.

Аваз янги "Матиз"да утган воқеаларни мулақаза қилип борарады. Улар билан ёмон ишламады, аммо күнгли тұлмады. Ҳалимага ишга утгач, қозғистонға мол учун "КамАЗ"да кетаётгани айни муддао бұлды. Сара молларни олиб келиш, савдоғарларға тарқатып да катта суммадагы пулларни йиғишириб олишни унға ишонғанда боши осмонға етган жағдай болды. Юрагининг бир чеккасида Астанага бориб, ишни битириб келишига ишонч бор, чунки у ерда мектебде уздын иккі синф олдин үқиған Жамол исмли ҳамқишлоғи бор. Айтишларига қараганда водийдан борғанларға катта ёрдами тегар экан.

Жамол мектебни битиргач, ҳарбий хизматни Олмотада утады. қозоқ командирнинг таклифи билан ҳарбий булинмада ишда қолди, бир йилдан сүнг командирнинг Маҳбал исмли қызыға үйланиб алоқида квартирага эга бўлди. Аммо ҳеч қанча утмай, ҳарбий хизмат соғлигига тўғри келмай қолди. Қайнотаси якка қызниң эрини шаҳардаги болалар

кatta эди) қилиб ишга жойлаштиргач, Жамолнинг алоҳида истеъоди намоён булди. Ҳар йили у қишлоқقا келганда купчилик кургани борар, ишлари ҳақида сураб-суринширип, келажакда ёрдами тегиб қолар, деган маънода яқиндан танишиб олишарди. Аваз ҳам танишган, манзиллари, телефон рақамларини олган, ҳатто бориб қолиши мумкинлигини қистириб утганда у "Чегарага келиб менга кўнғироқ қил, болалар сени қуриқлаб келади" дегач, ичига сифмай кувониб кетганди ва "Қани энди ўша томонларга катта савдо иши билан борсам," дей ният қилганди. Кеча унга кўнғироқ қилди ва қулидан келганича ёрдам беражагини эшишиб, оёғи ерга тегмай қолди. Ҳалимага ҳеч нарса демади, аммо ишни битириб келишита ишонтириди.

Ҳалима Аваздаги дидиллик ва жўшқинликни кўриб, йигит киши шундай бўлиши керак, деб ўйлади. Қозоғистондаги ишни улдалаб келса, ишга олганлиги аён булади...

Аваз эртасига пулни олиб, Астанага отланди. "КамАЗ" юргандаги Ҳалима "Матиз"да уларнинг олдига тушди. Тожи момоникида тұхтаб, ҳайдовчи икковини ҳовлига етаклади. Момо оқ фотиҳа берди...

\* \* \*

Хосият диванда чузилганча, кечган йилларни куз олдиндан утказар экан, бироннинг кўзига чуп суқмасдан, турмушига аралашмасдан ҳалол яшагани учун Аллоҳ мукофот сифатида Саид акасини меҳрига харидор қилганини ўйлаб, ич-ичидан хурсанд булар, тақдирига муносиб иш қилаёттанидан севинарди. У қанча ётганини билмайди, эшик кўнғироғи беозоргина чалинганда Саид акаси эканини кўнгли сезди ва трюмо ойнасига узини солиб, соchlари ва кийимларини тўғрилади.

- Безовта қилганим учун узр, - деди оҳиста белидан күчаркан у.

- Ҳечқиси йўқ, Саид ака! Бемалол кираверинг, ташқарига чиқмоқчи булиб турувдим.

- Хосиятхоним, - унга меҳр билан қаради заргар,- эртага Анталияниңг энг катта ресторанида унаштириш маросими ўтказсак!

- Қандай яхши! - Хосиятнинг кўзлари чараклаб кетди, - бироқ бир ўзимиз...

- Истанбулдан Давронбей билан Кумрибегимни таклиф қылдым. Эртага кеч соат еттига учеб келишади. Унгача биз Үрта дengиз бўйларида сайр қиласиз, нима дейсиз?

- Сиз нима дессангиз розиман... - заргарнинг кўксига бошини қўйди...

Хосият умрида дengизни кўрмаган, ҳатто катта сувни яқиндан томоша қилмаган эди. Киноларда дengизда сайр қилаётган, бўронда қолган кемаларда кечаётган шиддатли воқеаларни курганда юрагида қизиқиш, баъзан ваҳима кузғалар, қаҳрамонлар тақдирига ачиниб кузини чирт юмиб олар, гоҳо кўзларини катта-катта очиб, мовий дengиз кенгликларини, кўм-кўк соҳилларни эринмай кузатар эди. Уша пайлари мен ҳам дengизни куармикинман ёки маҳалламиздаги ариқдан бошқасини кўрмай ўтиб кетармикинман, деган фикр кечарди кунглида. Ҳинд кино-фильмидаги йигит-қизларни дengиз соҳилида ашула айтиб юрганини кўрса, юраги энтикиб кетарди, уларни баҳтли одамлар санаарди. Соҳилда сайр қилиб юаркан, совқотган қиздай заргарнинг пинжига суқилди. Акасини бирор олиб қочадигандай маҳкам ушлаб олган эди. Ҳаёлида ҳинд қўшиқлари янграйди, кунглида ёрқин, нотаниш, аммо ширин туйгулар тулқин уради. Ҳар бир қадами энг гузал ва унутилмас лаҳзалардай, хотирасига ёрқин туйгулар билан муҳрланиб, руҳий лаззат оғушида қолган эди. Заргар слкаларидан силаганда ўзини еттинчи осмонда сезар, баҳтиёрликдан оёғи ерга тегмаётганга ухшарди...

- Мени яхш“ кўрасизми, Сайд ака?

- Сиз гузал фариштамсиз, асалим! Анчадан бери севишимни сезиб юргандирсиз?

- Биламан, лекин элликка яқинлашган одамда севги булишига кўпчилик ишонмайди.

- Мен сизни бутун борлиғим билан ёқтираман, туйгуларим унча-мунча ёшнинг бекарор муҳаббатидан яхшироқ.. Ҳали бирорта аёлни сизчалик яхши курган эмасман.

- Бу гапларни тошкентлик қизларга ҳам айтганмисиз?

Хосиятнинг беозор суроқлари нозу ишва билан тула. Кунглини аллалаб утаётган лаҳзалардан таърифлаб булмас, хузур-ҳаловат олар, баҳтдан боши айланниб кетаётганга ухшарди. Юрагининг аллақайси бурчагида тупланган ҳаёт-

ўхшарди. Юрагининг аллақайси бурчагида тупланган ҳаётдан қониқмаслик, ёшлик даврларини ёлғизлиқда, бе-ҳаловат утказиб юбораётганилиги туфайли пайдо булган афсус ҳисси ўрнини қайноқ таассуротлар эгаллаб олди. Назарида, умр осмони губорлардан тозаланиб, баҳор қуёшининг тиник нурлари билан тұлиб бораётган эди. Бахтиёр дамларни кечирар экан, ёлғизлик, ташвиш ва муаммоларни енгіб утиш, ҳаётда урнини төпиш учун толиққанини ҳис қилди ва бу чарчоқлар уз урнини роҳат-фароғага бүшатиб бераётганига ишончи комил эди...

Улар денгиз буйидаги чиройли кафеда тушлик қилишди. Бутунлай нотаниш, аммо кунгил тилайдиган мавзуларда сұхбат қуришди. Ишхона, иш, муаммолар ҳақида мутлақо үйлашмас, таниш-билишлар, турли ҳамкорлар хаёлларига келмас, бошқача айтганда, дунёда икковларидан бошқа ҳеч ким йүқ эди.

Хосият Саид акасини хонасига кузатиб құйғач, уйкуси келмади. қувончдан юраги тұлиб-тошарди, таассуротлар рухият осмонида нурдай чараклар, оромбахш ҳислар билан тұла эди. У дунёning ҳамма телеканаллариниң күрасатувчи телевизорни ҳам, Туркия ва бошқа мамлакаттар машхұр хонандаларининг хит құшиқлари жамланган дискларни ҳам куришни хоҳламай хаёл суради.

Хосият үйлаб қараса, ҳамма ишнинг жавоби бор.

У Саид акасига ҳеч қандай шарт қўймасликка, яхши оила булиш учун унинг йўлидан боришга аҳд қилди, чунки заргарни үзидан ақлли, күпни курган, улдабурро деб билади, зеро, у шундай эрни орзу қилған эди...

Эртасига кечга яқын Давронбей қунғироқ қилди:

- Бир соатдан кейин етиб борамиз!

Аммо самолёт номағым сабабга кура кечикди. Улар аэропортдан ташқарига чиқишаётганды қуёш ботаётган, күм-күк борлиққа инган ранглар гузаллик ва жозиба тара-тар, дунёга машхұр сиҳатгоҳ одамларига аъло кайфият бағишкаёттан эди. Саломлашиб булишгач, заргарнинг ижарага олган "Мерседес"га жойлашишар экан, қумрибегим Хосиятга жилмайиб:

- Муборак, муборак! - деб қўйди.

Тиник зангори дарахтлар орасидаги яшил-сариқ фла-

конлардан тараптаётган нур атрофни забтига олаётган чирой билан қүшилмоқда, дөнгиз шамолида силкинаётган даражалар одамларга майин табассум билаң салом берәт-ганга ухшарди.

Уларни ёшгина, хушрой қызы салом билан кутиб олди ва стулларга таклиф қылди. Бироз эгилиб, уша ёқимли табас-сумни сақлаган ҳолда таомномани узатди...

Биринчи таом келтирилгач, заргар Давронбейга имо қилди.

- Каттамиз узингиз, икки оғиз лутф этсангиз!

- Бажону дил,

Давронбей ресторан шифтида айланиб ёнаётган ва кайфиятни кутариш учун узидан турли шаклда нур тараттаётган ажабтовур чироқларга тикилганча бир неча сония уйга толди ва қадаҳни дадил кутарди:

- Инсон ҳәети пас 1-баланд йуллардан, шодлик ва ғам-лардан иборат десам ишонаверинг. Аллоҳ пешонамизга ёзилган қисматдан қочолмаганимиздек, буюрилган наси-бамиз 1 ҳам албатта тановул қиласиз!

Бирдан Хосиятнинг телефони жириングлаб, Давронбей-нинг нутқи булинди. Хижолатда қолган аёл телефон экранига қараб ўрнидан турди.

- Хосиятхон, яхшимисиз?

- Раҳмат, тинчликми, Ақмал?

- Бу ёққа тез келишингиз керак, иложи булса шу бугун, факат тез!

- Тинчликми?

- Безовта қилмоқчи эмасдим. Лекин иложим қолмади.

Юрагига илондай урмалаб кирган ваҳима Хосиятни бетоқат қилиб юборди.

- Одамни хит қилиб юбординг, тез гапирсангчи!!

- Ресторан ёниб кетди!!

- А?!

Мияси ишламай қолди, асаби қақшади, юрагига боғлан-ган иплар битта зарб билан узилиб кетди... Дарров ранги оқарип кетди. Аммо шерикларига билдиришнинг мавриди эмаслигини тушунди, бироқ рангидан ёмонликни билиб олишларини сезди-да, антенна чиқмаяпты дегандай би-

**терди.**

- Нима булди?

- Билмадим. Ут учирувчилар бир соатдан бери шу ерда, аммо ҳали ёнғин учгани йүк!

- Ўт нимадан чиққан?

- Коровул чақирганда солиқ бошқармасида эдим. Келсам орқа томон ёняпти. Кейин бирданига айвон тарафга олов илашди. Бироздан кейин зал ёнди.

- Ҳеч кимга зиён етмадими?

- Битта ошпазнинг оёғи куйди, официантка нарсалариға кирганда кўйлагига ут илашибди... Жиҳозларни ташиб чиқишининг иложи булмади.

- Подвал... Сейфдаги... лар тинчми?...

- Ҳозирча бир нарса деёлмайман, устида ёнғин бор...

Хосият хонавайрон бўлган одамдай шалвираб қолди. Пўлат сандиқда эллик минг доллардан ортиқ пул бор, ёниб кетса нима булади? Уни ваҳима қоплади. Ишларим юришаётганда ким душманлик қилдийкин? Наҳотки, Ҳалима шунчаликка борса?! Бир-биримизни кечириб, ҳамкорликка келишгандик. Энди тўнини тескари кийиб олишдан муроди нима?!

Кузларига ёш келди. Юраги сиқилди, мендан омад кетдимикин? Ҳалимага зулм қилганимга жавобми? Мегажин, эвазига нақ олтин билан хун тулаганман-ку! Бир тийинга зор эди, мен туфайли бойвучча булди, энди барини эсдан чиқарса бўлаверадими?. Агар ёнғинда қўли бўлса, оёғини осмондан қиласман!!.

- Эй, Худо! Оғзим ошга етганда бошим тошга тегадими?!?

Бахтим очилса, бошқа тарафдан ғам келадими?!

Хосият кулфат марказида Ҳалима ва унинг одамлари турганини ўйларди-ю, Аллоҳнинг иродаси, пешонасига ёзилган ишларга фаросати етмас эди...

Ёнидагилар кўнгилсиз воқеа юз берганини сезиши. Заргар фожиани фаҳмлади. Аммо меҳмонлар олдида унинг кунглини кўтаришга интилди.

- Ҳеч нарса эмас, азизлар! - деди Хосият утиаркан, - иш бошқарувчимнинг тажрибасизлиги учун гузал Анталияга озгина нохуш воқеа етиб келди, холос!

Давронбей унинг кузида андуҳ аломатларини курди.

Бироқ эътибор бермасликка, Хосиятнинг диккатини бошқа нарсаларга жалб этишга интилди

- Биласизми, сизларда гузал манзаралар, хушҳаво тоғлар бор. Мен ёшлигимдан бери Фаргона водийсида сайр қилишни, тоғларида дам олишни орзу қиласман. Таърифлаб беришганда ҳавасим ортган. Баъзан тушларимга кириб чиқади. Ёшим ўтиб боряпти. Наҳотки, бобоюртдаги жаннатмакон жойларни курмай ўтиб кетаман, деб баъзан укинаман. Ўтган сафар жудолик туфайли сайр қилиш кўнглимга сифмади, аммо бобом таърифлаган ватан нафасини сезиб, ўглимнинг улими ҳам ёдимдан чиқаёзди.

- Давронбей, сиз Кумрибегимни олиб водийга боринг! Хушҳаво жсйларини айлантириш бизнинг зиммамиизда. Бонимиз осмонга етган буларди.

- Мустафобей олган ҳовли адирлик бағрида жойлашган. Кечки пайт гир-гир шабада танангизни яйратади. Узингизни жаннатга тушгандай ҳис этасиз...

- Во-вой-ей, ҳозир водийга кетиб қоламан! - Кумрибегим ёшларга хос иштиёқ ва қизиқиш билан давра аҳлига юзланди.

- Келинг, дўстлар, шу қадаҳни гўзал водийда учрашуви-миз учун кутарайлек!- ҳаммага мурожаат қылди заргар.

Заргар қадаҳни бушатиб, Хосиятта қаради. Гезроқ кетишини уйлаётгани сезилиб турарди. Давронбей боягина икковларига баҳт, омад, қўша қариш қисматини тилаган эди.

Хосиятни ёнидагилар тущунмасди. Акмалнинг тезроқ келинг, деганини эсларкан, йулга отланишни ҳам, дам олишни давом эттиришни ҳам билмас, Саид акаси билан маслаҳатлашишни мулоҳаза қиласади.

Даврадаги жўлқинлик сўнди. Яхши нияглар Хосиятнинг дилини ёритолмади. Бу даврадошлирига жиддий нохушлик булиб туюлаверди. Шунинг учун барвакт кузалишиди...

Улар тунги рейсда учиб кетишиди.

- Тинчликми, асалим? - деди хонага қайтишгач Саид заргар Хосиятнинг аввал қулларидан ушлаб, кейин белидан кучаркан,- нима гап?

- Дам олиш татимайдиганга ухшайли Саид ака!

- Очиқ гапирсангиз!

Хосиятнинг кузига ёш келди, елкаси силкиниб боши эгилди.

- Пешонам шур шекилли... - у дастрўмоли билан куз ёшларини артарди.

- Нега ундаи дейсиз, тақдирдан нолиманг, асалим, сизни ҳавас қылганлар тиқилиб ётибди.

У Акмалдан эшигтанларини сузлаб берди.

Заргар анча мулоҳаза қилди.

- Диққат бўлманг, - деди далда бериб,- мол-мулк топилили, энг муҳими, ўзингиз соғ-саломатсиз, ҳамма яхши кунларингиз олдинда.

У тоҳ утиради, тоҳ тинимсиз юради. Жиддий уйланаётгани, алланарсаларни мулоҳаза қилаётгани аниқ билиниб турарди.

- Акмалнинг телефон рақамини берсангиз! - деди охирн узига келиб.

- Нега?...

- У билан гаплашиб курмоқчиман...

Заргар хайрли тун тилаб чиқиб кетгач, Хосият ўзини диванга ташлаб йиғлаб юборди. Ҳаёллари чалкашди.. Заргар билан турмуши кунгилсиз воқеа билан бошланганини уйларкан, келажаги туман ичидаги қолаётгандай туюлар, никоҳ баҳт ва шодлик эмас, фам-кулфат олиб келадигандай, юрагига ваҳима соларди. Бир неча соат олдин қанчалар баҳтли, саодатли эди-я! Кунглида денгиз мавжларида жушқин туйғулар, тоза хаёллар кезиб юрганди. Энди эса, қалби фам, алам билан тұла! Ёмон хабар юрагига ханжардай санчилди. Бу нима? Яхши кунлар олдидан буладиган синовми? Наҳотки, синов - баҳт остонасида юрагига наштардай санчилған кулфат билан бошланса?! Эй, Ҳудо, гуноҳларим учун жазоламоқчимисан?! Ёнғин оқибатларини тутатыш билан кулфатта нұқта қуиілса яхши, аммо у давом этса-чи?

- Душманларим байрам қилаётгандир, устимдан кулаётгандир, сиғинни уzlари ташкил қилиб, рупарарадаги кафеда кайф-сафо қилиб утиришганлар?!

Хосият ярим тунгача ухломади, заргар иккى марта кирди, аммо юпатувчи суздан бошқа нарса демади. Ҳатто

гаплари аёлга унчалик таскин бермаётганини сезиб билдирмасдан чиқиб кетди.

У заргарнинг олдида паст кетмаслик учун куз ёшлигини ичига ютишга ҳаракат қилди, аммо у юраги вайрон булганини билди, ҳатто Хосиятнинг назарида, битта ресторан учун шунчалик қайфурадими, деб устидан кулаётгандир! Ресторан куйиб кул бўлса ҳам ҳам узини тиклаб олади. Туркия билан савдо қилса, йуқотганларини топади.. Аммо унгача Ҳалима ўтиб кетади!! Хосият шунга тоқат қиломасди, эрталаб руҳан чарчаб, қайнонасидан дакки еган келиндай хориб уйғонди.

У катта йуқотишни утказиб юборишга қийналаётган эди...

Дам олиш тугагунча Хосият Акмалга бир неча марта қунгироқ қилди, аммо гаплашолмади. У сойга тушган тошдай бедарак, Авазга қилган кўнгироқлари ҳам натижа бермади. Сунг заргар:

- фам чекаверманг, водийга боргандан кейин сизлаги қайғудан асар ҳам қолмайди! - деди.

Хосият унинг ишорасини тушунмади, замирила аниқ нарса борлигига ишонмади. Фақат Анталия аэропортига кираётганда қунгироқ қилиб, Акмал билан боғланганда унинг кайфияти яхшилигидан ҳайратда қолди..

- Эртага етиб бораман! - деди гап охирида. Аммо Акмалнинг кайфияти нега бунчалик яхши эканини тушунмади.

Тошкентга етиб боришгандан кейин Сайд заргар:

- Мен болалардан хабар олай! - деб ҳовлисига кетиш олдидан Хосиятни водийга кузатиб қўйди. У наштирилган қаллиқлардай хайрлашган заргар хурсанд эди. Аммо Хосият бир нарсага ҳайрон қолди. Анталияда ресторан ёниб кетганини эшитиб, Хосиятга қушилиб қанчалик қайғурган булса, бир кундан кейин кайфиятини тиклаб олди ва Хосиятни ҳам ҳафа бўлмасликка чақирди. Ҳозир ҳам йуқотиш рўй бермагандай қувноқлик билан хайрлашди. Хосиятда "Мен нима ғамдаману, бунинг қувноқлигини қаранг!" деган фикр туғилди, аммо ёмонлик сезмай, гумонларини чиқариб ташлади.

Қамчиқ довонидан утаркан, кўнгли кутарилди, туғилган

жойига яқынлашған сайин юрагини қоплаган соғинч, яқынларига меҳри секин-аста ҳузурбахш түйғулар бера бошлади. Осмонни бүйлаган пурвиқор тоғлар, гудак қал билаги беғубор түйғулар каби оппоқ қорлар, қор остидан муралаб, офтобга буй чұзған ям-яшил гиёхлар күксидаги губорларни ювиб ташлар, машина деразасидан кираётган майин ва ёқимли шабода танига ором берарди. У водий исини түйиб күнгли яйраб кетди, ватан түйгусини теранроқ англағади ва ўзининг шу юрт фарзанди эканидан қувонди, бу юртни дунёning эңг гузал жойларига тенгләштириб булмаслигини ҳис қилди. Иигирма күнга яқын машхур сиқатгоҳда дам олғанда түймаган ҳузурини ватан тоғларига бир марта қараганда, мовий туман қоплаган водийга термұлғанда топди, унинг самимийлигини ҳис қилди. Хизрнинг ҳузурбахш нафаси борлигини яна бир карра сезди ва киндик қони шу табаррук тупроққа тұқилғанидан ифтихор қилди. Тоғлар тугаб, адирлар бошланғанда қалбилдаги оромбахш жараён тугамаган, гиёх үнмаёттан қирларыда ҳам оқанрабодай тортадиган ифор бор эди. Буларни илғари ҳис этмаганига ҳайрон. Түғилған гүшаси-ни қаттиқ соғинганни ва куришга ошиқаётгани учун машина тезлиги уни қониқтиrmас, қаноти бўлса-ю, осмонда күшдек учиб ҳовлисига етса, ота жойининг жаннатий ҳидини ҳидлас!!

Аммо нима бўлғандаям биринчи ресторанга боришга қарор қилди. Унинг хаёлларича, куйиб қорайған, таниб булмайдиган ресторанга қараб юраги "шув" этиши керак эди. Ҳатто душманлари "баттар бул" дегандай тил учида кўнгил сўрагани келишларини тасаввур қиласарди. Ресторан олдида уни Акмал очиқ чехра билан кутиб олди. Хосият ресторанга қаради-ю, оғзи ланг очилиб қолди... Ҳайратдан катта-катта очилған кузларыда ёш милтилларди....

- Акмал, бу нима?

Хосиятнинг ёшариб, чиройли булиб кетганига ҳайрат билан қараб турган Акмал бирдан ўзига келди-да:

- Ресторан!- деди шошилиб.
- Бизникими?-узини қулга ололмай гапиради у,- ахир...
- Ҳа, мен уни ёниб кетди, ҳатто кули күкка совурилди деган эдим.

- Унда, кураёттганларим туш экан-да!

Акмал унинг билагини беозоргина чимчилаб қўйди.

- Ие, нима қиляпсан?

- Ўйғонмадинг, демак, ўнгинг!.

- Ўнгим.. Аммо ёниб кетгани ёлғонмиди, ҳазиллаштан-мидинг?!..

- Йук, чиппа-чин эди, фақат сен келгунча ҳаммасини туғриладик.

Хосиятнинг хаёлига пулат сандиқдаги эллик минг доллардан оттиқ пул келди. Демак, пул ёнмаган, Акмал ресторанни таъмирлашга сарфлаган. Менимча, тугри қилган. Душманлар олдида вайрон бўлиб ётгандан ишлаб тургани маъкул эмасми? Пул кетса кетсин, обрў кетмасин деб шуни айтадилар-да! Акмалнинг калласига қойилман, ҳақиқий содиқ шеригим экан! Ие, Тухта! Аваз кўринмайди-я! Касал-пасалмасми?!

- Аваз қаерда?

Акмал жавоб беришга тухталиб қолди. У баланд кайфи-ятда турган Хосиятни хафа қилгиси келмасди.

- Бироз иши бор экан, келолмади.. - деди унинг кўзларига қарамасдан.

- Тушгача келадими?

- Балки..

Улар залларни ва хоналарни айланишли, ҳаммаси аввал-гидан-да чиройли, замонавий услубда таъмирланган, ҳатто оғисга "SAMSUNG" кондиционери урнатилибди. Хосиятга фидиракли, юмшоқ кресло қўйилибди.

Хосият унга утириб бир айланди-да, Акмалга қаради. Кайфияти - аъло. Ёнгин қандай чиққанини аниқлагиси келиб қолди-ю, кузларидағи табассум сұна бошлади.

- Ўт нимадан чиқибди? - кайфияти тушиб бораёттанинни сезган Акмал уни чалғитмоқчи бўлди.

- Хосиятой, узоқ йулдан чарчаб келгансиз, бугун уйда яхшилаб дам олинг, эртага ҳаммасини яхшилаб гаплашиб оламиз.

Хосият бироз уйланиб турди.

- Оқсоқ уйдами?

- Албатта, сизни кутяпти. Иложини қылсам тушлик тугаб, мижозлар камайгач, мен ҳам бораман...

- Албагта, сизни кутяпти. Иложини қылсам тушлик тугаб, мижозлар камайгач, мен ҳам бораман...
- Яхши, тезроқ бор, гаплашамиз, янгиликлар бор...

\* \* \*

Сайд заргар түшга яқин Акмалга құнгироқ қилди.

- Ҳаммаси жойида! - деди у қувноқ кайфиятда.
- Билмадими?
- Ҳозирча йүқ! Бироқ пуллари бутун турганини күргандан кейин бари-бир сұрайди-да.

- Ресторан ёнган күнлари туманга давлат раҳбарларидан бири келиши кутилаётган эди, вайрон булиб турмасин деб, ҳокимият, тадбиркорлар палатаси ёрдам берди деңг...

- Яхши...
- Эртага түшдан кейин бораман...

Акмал кечки овқатланишга яқин Хосиятниги борди. Турция ва Антalia ҳақида, дам олиш, таассуротлари ҳақида сұраб-сuriштируди. Мақсади унга гап учун гал бермаслик эди.

- Бу сеніға, Акмал, - деди Хосият құшни хонадан китоб-қутига солинган құйлак билан яшил галстукни узатаркан,- Истанбулдан эслалик.

Оқсоқ овқат олиб келгач, у таассуротларини гапира бошлади. Дүнёқараши кенгайғани, ҳаёт туғрисидаги тасаввурлари ойдинлашгани аниқ билиниб турар, олдинги Хосиятта ухшамас, Акмалнинг назарида, саёҳат шахсига әмас, ташқи куринишига ҳам таъсир қылған, ярашган кийимлар, узини сипе тутишлар, энг муҳими, кузларida табассум ва ёқимли нигоҳлар пайдо бұлған. Қаддина тик тутиб утириши европалик хонимларни эслатади. Арзимаган пардоз билан гүзаллашиб кетгани Акмални әркак сифатида ҳайратта соларди. Аввалгиси билан ҳозирғи куриниши уртасида осмон билан ерча фарқ бор.

Акмал үйчан Хосиятта термуларкан, гүё хаёлидан нималар кечәётганини билиб турарди...

- Шундай кунда кайфиятингизни бузмоқчи эмасдим. Аммо бошқалардан әшитгач, мендан ранжиманг деб айтиб құймоқчиман!

- Тинчликми?

- Аваз Ҳалимага ишга ўтиб кетди!
- Ростданми?
- Шунақа, аммо жаҳлингиз чиқмасин, ундан яхшироғини топамиз...
- Биздан нега кетди?

Хосият кутилмаган хабардан таажжубга туши. Жаҳли чиқди. Лекин заргарнинг "ҳар қандай янгиликни, у зарарингизга бўлса ҳам совукқон қаршиланг" деган маслаҳатига кура ҳаяжонга берилмади. Бироқ Аваз душманига оғиб кетгани бефарқ қолдирмади. Ичида қанчалик диққат булаётган эса-да, Акмалга билдирмади.

- Янги иш бошлаймиз, у пушаймон булиб қайтиб келади. Сейфдаги пулдан қанча қолди?

- Ҳаммаси турибди.
- Нега?

- қайта таъмирлашга анчаси кетиши керак-ку!

У заргар айтгандай иш тутди. Хосият бир ишониб, бир ишонмай турганда Акмал гапни илиб кегди.

- Эртага тушдан кейин Саид aka келар экан! - дея фикрини чалғитди.

Хосият ҳаражатлари ҳақида уйлаб турганда Акмалнинг заргар ҳақида гапириши таъмирлашла унинг қули борлигига ишора борга ўхшаб туюлди. Аммо заргар ҳам, Акмал ҳам бу ҳақда ҳеч нарса дейишмагани учун сурашга истиҳола қилди. Кунглида ёруғлик пайдо булганди. Дам олишдан қайтгунча вайрон мулкининг обод булиши яхшилик аломати, гамхурлик қиласиган, қуллайдиган инсон бор экан, кейинги ишлари олға босишига ишорадай туюларди. Ширин хаёлларини "Нокиа"нинг қунғироғи бузди.

- Дугонажон, эсон-омон келдингми?  
- Раҳмат! Узинг қалайсан?  
- Дубайда ресторанинг ёниб кетибди деб эшитгандим.  
Таъмирлатиб олдингми?

- Мен келгунча аввалгидан ҳам чиройлилаб қўйишибди.  
- Яхши... Туғилган кунимга келолмагандинг. Бугун Арабистондан меҳмонлар келишган, бизникига кеч соат еттида ташриф буюрсанг, улар билан таништириб қўядим. Ҳар ҳолда фойдаси тегиб қолади.

бировни сувга итариб юбориш ёки заҳар бериб қўйиш одатим йўқ!

- Уйлаб кураман...

Телефондан қисқа-қисқа гудок эшитилди.

Хосият водийга етиб келгунча фожиани Ҳалимадан кўриб, роса қарғаган, ҳатто қасос режасини тузиб қўйганди, аммо ресторанни курди-ю, мудҳиш фикрлар миясини тарқ этди, қўёшда этиган тумандай тарқалди. Аммо ҳозир унинг қўнғироқ қил..ши ўша режаларни эсига солди-да, "ёнғинда қули бор", деган фикр хаёлида айланади. "Бошқа душманим йўқ, оддий ҳасадгайлар бутун бошли ресторанга ўт қўймайди. Аллоҳга шукр: келгунимча ёнғиндан асорат ҳам қолмабди. Аммо буни тадбиркорлар палатаси ва ҳокимият қилганига ишонмай турибман, унда ким қилган? Шунча маблағни ким ресторанимга сарфлайди? Ким?!"

Саволларга жавоб топиш аллақайси масалани ҳал қила-дигандай жиддий уйлана бошлади.

Телефони жиринглаб, экранда таниш рақам куринди.

- Эшитаман Саид ака!

- Купчилик сизникига меҳмонга кетяпмиз!..

\* \* \*

Аваз Астанадан катта юк билан келиб, тижоратчилар олдида обрўси кутарилиб кетди. Ҳалиманинг ишончига кирди. Кули енгил экан: моллар тарқатиб берилгач, бир ҳафтада сотилди. Даромади усиб бораётган Ҳалима уни "Чорсу" ресторанида ҳар шанбада бўладиган зиёфатига олиб борди.

- Авазнинг эндиғи сафари Арабистонга бўлади! - деди Баёзхон нариги маҳалланинг гузаридан тарвуз олиб келади дегандай бепарволик билан.

Ҳалима Аваз ҳақида гапириб берганди. Шунинг учун гуруҳ орасида танилиб бораётганидан, Баёзхондай миллиардер номини тилга олаётганидан ич-ичидан севиниб кетди. Бундан ташқари, Арабистоннинг номини эшитиб йигирма беш йил аввал утган бобосини эслади. Ёдгор бобо Маккага, Ҳажга боришини эллик йил диллаган, Худодан илтижо қилган, аммо иложи бўлмаган, юрак-бағри эзилиб

оламдан утгандан кейин қайта қуриш, сунг юрт мустақиллиги бошланди. Ҳаж учун эшиклар очилди. Бобоси булганда, албатта, Ҳажга жунатарди, узи ҳам бирга бориши мүмкін эди. Агар насиб этса, албатта, бобоси учун Ҳаж амалларини бажаради. Унинг меҳри, оқибати, ўқиб юрганда кургани бориб, дуо қилиб кетгандарига омадли зуриёди сифатида савоб ишлар қиласи. Савдога борганды қуллаган Ҳудо Ҳажга ҳам куч-кувват беради!

- Ишончли одамларимиз кумак беради, - давом этди у,  
- фақат бу сафар самолётда бориб келасиз! - қўлинни куксига қўйиб урнидан кузғалган Авазга қаради Баёзхон,-  
умид қиласманки, орамизда уз урнингизни топиш учун ҳалол, иймон-эътиқод билан ҳаракат қиласиз.

- Раҳмат, - урнидан туриб эгилди Аваз, - сиздек инсонларга ҳамкорлигимдан бошим осмонга етди! Ишончингизни оқлашга бор кучим билан ҳаракат қиласман!

- Омадингизни берсин!

Зиёфат байрамдай утди. Ёндагилар Авазга алоҳида эътибор билан қарашиб, чўқишириб ичишни таклиф қилишар, Астанадан катта юкни қисқа вақтда қандай қилиб безарап олиш келганига қизиқардилар. Аваз аввалига қул қовуштириб утирди, сунг ҳазиллашиб "кўки"дан узатсаларинг сирини айтаман", дея ҳазиллашди...

Бугун арабистонлик ишビルармонлар билан учрашгандан кейин уларни бир пиёла чойга таклиф этишиди. Андижондан қайтиб, кечки таомга рози булишгандан сўнг Ҳалима Хосиятни таклиф қилган эди. Ҳалима бу гапни айтди-ю, уйланиб қолди. У Анталиядан кечагина келған бўлса, ресторанининг ёниб кетиши билан боғлиқ сабаб ва воқеаларни таҳлил қилиб охирига етолмаётган қалтис вақтда кунфироқ қилмадиммикин, дея кўнглига ғашлик тушди. Аммо ресторан аввалгидан чиройли булганини курган Хосият ёниш сабаблари билан жиддий қизиқмаётганини сезган, бу масалага орган ходимлари аралашса кўп нарсаларни аниқлашади ва Хосиятнинг Ҳалима ҳақидаги гумонлари тарқаб кетади, деган фикрга бориб хотиржам тортиди. Бироқ ўртадаги кирлик йўқолмагани, душманлик давом этаётганини ҳисобга олиб, гумонлари тарқаб кетмаслигидан кўнглининг бир чеккаси қоронғилигича қолди.

тортди. Бироқ уртадаги кирлик йўқолмагани, душманлик давом этаётганини ҳисобга олиб, гумонлари тарқаб кетмаслигидан кунглиниң бир чеккаси қоронғилигича қолди.

Яқинда булган воқеа Ҳалима учун устознинг янги бир қиррасини очиб берди, унга ҳурматини оширди..

Ресторан ёнган куни Ҳалима Дубайдада эди. Эртаси куни шаҳарга етиб келгандаги одамлари орқали Баёзхон чақирилди.

- Очигини айтинг, ёнгинда қулингиз борми- йуқми?

Ҳалима аввалига қурқиб кетди.

- Орангизда кечириш қийин воқеалар ўтган, қасдимни оламан деган маънода бирор кишига тайинлаб шу ишни қилмадингизми?

Ҳалима Баёзхоннинг кузига қараса, астойдил гумон қиляпти.

- Устоз! - деди бошини дадил кутариб, - мени шу ишга қодир деб ўйлайсизми?

Баёзхон кипригини ҳам қимиirlатмади.

- Сураганнинг айби йўқ! Сиз ростини гапиринг!

- Тепамда Худо турибди! Ёнингга аралашмаганман!

- Чин сузингизми?

- Аллоҳни уртага қўйиб айтаман!

Баёзхоннинг кўзларида табассум пайдо бўлди. Урнидан туриб Ҳалима утирган стул ёнига келди.

- Раҳмат! Хурсанд қилдингиз. Бизнинг қоқилишимизни кутаётганлар кўп! Ҳушёр бўлинг.

- Хуп булади...

- Бизнесда уткирлик, устамёнлик ва ақл керак, ҳалоллик ва бирорвга ёмон ният билан қарамаслик ундан зарурлигини унутманг! Сизга битта тикан кирса, менга ўнта санчилади... Сизни эҳтиётлаб олиб юриш - бизнесингиздан оғирроқ...

У заргарнинг меҳрини сезиб, юрагига севинч ва фурур қўйилди. Устоз бемалол суюнса буладиган одам эканига амин бўлди. Бунинг устига имтиҳондан "беш"га ўтиб, юзи ёруғ эди.

- Унутманг! - деди Баёзхон хонадан чиқаётib,- шу ишда қулингиз булганда гуруҳимдан ажратиб ташлардим... Ва... ҳеч қачон ҳеч кимга қўшилолмасдингиз!

- Эски гиналарни унутинг, қадимгилар "Отангни улдирганга онангни бер.." деб бекорга айтишмаган...

Баёзхондаги ҳалоллик, шогирдларидан ҳам шуни талаб қилиш хусусияти аждодларидан ўтган бойлик.

- Рустамхон (бобосининг дадаси) номи чиқмаган заргар булиб, ҳамкасблариға қараганда ўртаҳол яшарди. Болалири катта була бошлагач, шерикларида қарз кўтариб хазинасини совуриб булган бир бойваччанинг яхшигина ҳовлисини сотиб олади. Даромади купайгач, кун ботишга қараган икки хонали йўни бузиб меҳмонхона қуришга аҳд қиласди. Уста ишлаётган кунлардан бирида у туш курди. Бир неча йил олдин қазо қилган дадаси "Үйни ертўласи билан сол!" дейди-да фойиб бўлади. Икки кун ўйланиб юради ва устозига маслаҳатга боради:

- Дадангиз раҳматли билимли киши эдилар, - дейди устоз мулоҳазага берилиб, - айтганларини қилинг, кам бўлмайсиз!

У болалари билан уч кун ертула ковлади. Туртинчи куни кетмони қаттиқ нарсага урилиб ут чиққандай булди. Ўрада якка қолиб, кўзани очди. Унда бир дунё бойлик бор эди. У ҳалол одам эди. Гиллани нима қилиш керак? Ҳеч кимга билдирмай ўзлаштириб юборсинми, ё бошқа йулдан борсинми?

- Ҳозирча хазинани бирор билмади, - ўйлади узича у, - тилимга маҳкам булсан кейин ҳам билмайди. Шунинг учун...

Лекин шу пайт аллақаердан овоз келди: "Аллоҳ билди-ку!" Рустамхон титраб кетди. Вужудини қандайдир оғир юқ босди. Юрагида хазинадан қўрқиши ҳисси кучайди. Аллоҳни эсдан чиқариб, ёмон ният қилганидан имони олдида ҳижолат булиб, қўли ишга бормай қолди

Қурилишни тұхтатиб, устозига келди.

- Хазинани топдингиз, аммо бу сизники дегани эмас! Имонингиз бақувват булсин, уни эгасига топшириңг!- деди у.

Рустамхон бирмунча енгил тортиб, уй эгасини суриштирди, ҳовлини бойваччага отаси олиб берган экан. Сотган одамни суриштирди. Түқсон турт ёшли Раҳим бобони қўшни қишлоқ четидаги боғига излаб борди. Юзидан нур ёғилиб турган қария уни хушнуд кутиб олди.

- деди унинг кузига қараб.  
- Ҳовва! Муборак бўлсин, болам! Буюрсин!  
- Раҳмат! - деди тушуниб-тушунмай Рустамхон, - сизга тегишли булса керак деган маънода излаб келгандим. Устозим хазинани эгасига топширишимни айтди.

- Отангизга балли! Устозингиз омон бўлсин!

Бобо анча сукут сақлаб қолди. Болишни у ёнига куйди, бу ёнига олди, ҳадеганда гап айтавермади. Меҳмоннинг безовта бўла бошлаганини сезиб, кўзига қарди.

- Отам раҳматли Ҳажга кетаётгандарида "Мендан кейин қийналмайсан! - деб эдилар, аммо Маккада вафот этдилар. Нега бундай деганлариги билолмай қолгандим. Кейин кичик амакимдан сурасам "Дадангнинг хазинаси бор эди, бироқ ҳеч ким билмайди", деганди. Ҳозир отам менга қолдирмоқчи бўлган бойлик шумикин, деб уйлаб утирибман. Менга тегишли десаму, аслида бундай булмаса-чи, бирорнинг молини олиб, кетар чофимда гуноҳга ботмайин. Бир ҳафта муҳлат беринг, ўзим таниғандардан суриштираман. Менга тегишли бўлса оламан, бирор далил билан исботланмаса ололмайман, болам!

Рустамхон бир ҳафтадан кейин хабар олди.

- Ҳовли отамга отасидан қолган экан. Үйимизга бирор тилла кўмиб кетмайди-ку! Демак, у бизга тегишли.

Бобо узидан катталарнинг гапи билан қаноатланган экан.

Эртаси куни хуфтондан кейин Рустамхон тиллани олиб келди. Раҳим бобо уни тенг бўлди... Ярмини узатиб: "Ҳалоллигингизга мукофот!" деди.

Улар авлодидаги бойлик тоза йўл билан дунёга келган.

У Баёзхондан хурсанд, аммо елкасида оғир масъулият сезиб, жиддий тортиб қолди... Хосиятга нисбатан қасос, ёвуз ниятидан бехабар қолиб жабр курганлиги учун алам-задалик туйфуси шоҳдан уриб туширилган қарғадек ерга қулади..

У Хосиятдан устун томонларини ҳис қила бошлади. Авазни ишга олгач, омади юра бошлади.. Баландроқ чўқ-қиласарни забт этишига имони комиҳ булди. Қувончли лаҳзаларда ўзини босиб, атрофига қарайди-да, дилида "Худога шукр" дея такрорлайди. Рухиятида тиниклик,

қалбида ором берувчи ёрқин нур куради ва кечалари ширин тушлар қуриб уйғонгач, Тожи момонинг ўгитига кўра, "Алҳамдуиллаҳ", дея кунглидан утказади.

Аваз Ҳалимага ишга утган дастлабки кунлари узини бироз ноқулай сезди. Шерикларига оқибатсизлик қилгандай, Акмал кўриниб қолса кузига қандай қарайман, Хосият келса, гапларимдан нотуғри хulosаси чиқармасмикин, деган мулоҳазага борди. Ҳатто Акмални курганда курмаганга олиб утадиган булди. Аммо уйлаб қараса, тили қисилиб ёки уларни ранжитиб чиқиб кетмади. Қарз олиб қочмади. Ҳалима билан ишлагиси, гавжум фронтда жанг қилгиси келди. Фақат Хосият йуғида, хайрлашмай, Акмалнинг гапича, Хосият Ҳалима билан душман мақомида эканини била туриб кетгани ғалати туюлди. Аммо Ҳалимага утиб, унинг Хосиятга душманлигини сезмади, ишига тұсқынлик қилиш ҳақида режа тузмади. Уртасида қандай иш утганини билмайди. Авваллари орасидан қил ўтmas дугона эканини биларди-ю, зимдан бир-бирига қарши эканини хаёлига келтирмасди. У воқеаларга бепарво булмасликка одатланишни кунглига туғиб қуиди. Бизнес одами янгиликлар олдиди, ҳаётнинг ёрқин тарафида булиши зарурлигини тушунди.

Хосият офисда ишлари билан шуғулланиб утирганда ресторон ходимларидан бири ташқарида нотаниш одамлар сурашаётганини айтди. У шошилиб күчага отилди.

Заргарнинг машинасидан пардоз-андозни жойига қўйган икки а л тушаётганини қуриб, юрагида раشك пайдо бўлди. Салом-аликдан сунг заргар:

- Буларни танийсизми?-деди.

Хосият аёлларнинг бўлиқ танасига ярашиб турган сўнгги модадаги қўйлакларига, европача туфлиларига, энг муҳими, буйнида ловуллаб, ичини куйдириб турган тилла занжирларига маҳлиё булиб қааркан, заргарга тегишли инсонлар, деган фикрга келди. Кўксини ғаш қилаётган раشك пуфлаб учирилган гарддек йуқолиб кетди. Нозик илтифот, такаллум билан саломлашиб бўлишгач, заргар аввал Хосиятга, сунг аёлларга қаради.

- Ёнингиздаги катта синглим - Назирахон, - деди яшил гули куйлак кийган, тилла тишли аёлни кафти билан

аввал Хосиятта, сунг аёлларга қаради.

- Ёнингиздаги катта синглим - Назирахон, - деди яшил гулли кўйлак кийган, тилла тишли аёлни кафти билан курсатиб, - буниси кичик сингил - Фаридахон.

Заргар Хосият томонга утиб билагидан ушлади-да:

- Бу киши, мен сизларга айтган Хосиятхоним буладилар! - деди аёлларга бироз кулиб қааркан. Охирги сузларни катталарга хос кулгу аралаш уятчанлик билан гапирди..

- Акамиз бекорга водийга серқатнов булиб қолмаган эканлар, Хосиятхоннинг маликадай гузаллиги, сарвдай қадди-қомати бор экан-да! - катта сингил лутғ қилди. Ҳамма кулди, Хосият ерга қараб уялганини билдири. Кичик сингил сония ўтказмай гапни илиб кетди.

- Буйлари бир-бирига мослигини айтмайсизми?

- Ҳа-я, Тошкентдай жойдан совчи булиб келганга яраша акамизга муносиб эканлар!

- Опа, - чузиб гапирди кичик сингил, - акажонимнинг дидла-ри чакки эмас, бунақаси Тошкентда ҳам топилмаган-да!

Заргарнинг сингиллари қувноқ, кунгли очиқ эканлигини дарров тушунган Хосият тортичоқлигини унуди, уларга қўши-либ хурсанд бўлди.

- Билмадим, - гап бошлади уйчан, - ҳозирдан мени осмонга чиқариб қўйсангиз, эртага Сайд акам тушириб қўйишга нарвонни қаердан оладилар?!

- О, зурсиз-ку, Хосиятхон, ўзимизга ухшаган ҳазилмутойибани севадиган аёлга ухшайсиз, Худо хоҳласа, икковингиз баҳтли яшайсиз!

Ҳамма устида ҳам, ичида ҳам унинг гапини тасдиқлаб, бош қимирлатди. Хосият уларни ресторонга таклиф қилди. Уларга аталган дастурхон тайёр эди. Тушлик ҳамма кутгандай жуда мазмунли ва чиройли ўтди. Кейин улар шаҳарни айланишиди ва Кузёш булоқقا боришли. Кечга яқин Хосиятларникида Акмал билан оқсоч аёл дастурхон тузатиб уларни кутаётган эди. Таомдан кейин катта сингил муддаони гапиргандан кейин Хосият дилига туккан гапларини сўзлай бошлади.

- Ота-онам утиб кетишган. Ягона бувижонимни яқинда топширидик. Узоқ қариндошлар бор. қизим билан яшай-

ман. Ишим асосан тадбиркорлик, сизлар курган ресторанинни аввалроқ сотиб олғандым. Саид акамтарининг раҳбарлигига туркиялик иш билармоплар билди танишдим. Яқинда вилоят марказида Туркияда ишлаб чиқарилган аёллар кийимлари билан савдо қиласидиган сурепмаркет очишни режалаштирудим. Маблагим старли. Фақат ташкилий жиҳатларига ёрдам бериб турслар бас. Бошқасини этлайман.

- Мен анчадаи бери кузатаман, - Хосиятнинг гапи тугашини кутиб тургандай сузлай кетди заргар, - унчамунча иш Хосиятхондан қочиб кутулмайди. Биздан бироз далда кифоя.

Хосият ҳам, заргар ҳам бу гапларни бекорга айтишмади. Сингиллар топганингизни шу аёлга сарфлайвермасдан набирала-рингизни, бизни ҳам уйланг, ака, дегандай гап қилишган. Ҳатто у ресторанни таъмирлашга сарфланган пул ҳақида ҳам ҳеч нарса демаган. Агар бу ҳақда гапиргандай, сингиллар аёллигига бориб, ҳали келмай туриб мингминг доллар пул сарфлаяпсиз, тўйдан кейин бор-будингизни унга ҳатлаб берасиз шекилли деб хирадик қилишлари, Хосиятнинг фашига тегиб, турмушга дарз солишлари мумкинлигини уйлаган эди. Аёлга бир тийин ҳам сарфламадим, ҳамма харажатларни узи қоплади, бу ёғини гапирсам, бойлиги меникidan купроққа ухшайди, деб уларни тинчиттан эди.

Сингиллар акага ачиниш, бошқа аёлдан қизганиш ҳамда унинг баҳти яшашидан куйиш туйғусини яшириб юрсаларда, нозик лаҳзаларда юзага чиқиб қолишини заргар яхши билгани учун орада низо чиқармаслик чорасини куриб турди. Акс ҳолда арзимаган пул ёки буюмни деб орага совуқчилик тушиши, ҳатто юз кўрмас булиб кетишлари бор гап. Заргар сингилларнинг туй-ҳашамига, маъракаларига қарашади, жиянларининг ўқиши ёки яхши ишга жойлашишига қўмаклашади. Узи туй қилса, уларга кузлаганидан дурустроқ совға беради. Гуё у бой-бадавлат булғани учун ҳаммаларига ёрдам бериб туришга мажбур, ёзилмаган қонундай белгилаб қўйилган. Даромад кўпайган вақтларда малол келмайди, иши юришмаган дамларда аччиғи келади, аммо узини босади. Вазиятдан чиқишига интилади. Аммо қалтис дамларда бирортаси кунгил сураб

бировдан мадад олиб, бошқаси узгаларга ёрдам бериб яшаркан! Дор устида яшаётган одамзод лангарининг икки томонига ана шу икки тош боғлаб қуйилгани учун фалокат рўй бермайди...

Анчагача гаплашиб утиришди, зиёфатдан ҳамманинг кўнгли тўлди. Эрталаб Хосият уч-тўртта қариндошларни чақирди ва заргарга турмушга чиқаётганини эълон қилди. Тушдан кейин заргар учала аёлни олиб тоққа дам олгани кетишиди. Икки кундан кейин эса у сингилларини жунатиб юбориб, Хосият билан қолди.

- Мен Тошкентга бутунлай кетолмайман, - деди Хосият у билан якка қолганда, - бу ердаги ишларимдан хабар олиб турмасам булмайди, қолаверса, супермаркет очишга жой олишим, бинони қурдиришим керак.

- Булардан олдин мен бошқа нарсани уйлаб турибман.
- Нимани? - ҳайрон бўлди Хосият.
- Маҳалла-куй, қариндошларни чақириб дўппидеккина ош дамласак, турмуш қурганимизни билишса...
- Каттароқ тўй қилсак-чи? - кулди Хосият.
- Ресторанда банкет уюштиришим мумкин.
- Келинг, Саид ака, шундай қиласиз, душманларим куйиб улсин.
- Кунини белгилайлик.

Хосият курсаткич бармоғини лабига кундаланг қуйиб ўйга толди.

- Банкет шаҳардаги "Мадонна" ресторанида булади, - заргарга кулиб қаради у, - шанба кунга меҳмонларни таклиф қиласерамиз.

- Тошкентдан хам чақирайликми?
- Билмадим. У ердагиларга алоҳида қилиб берарсиз. Дустларингиз куп.

- Яхши. Дала ҳовлида зиёфат бераман.  
- Хуллас, ҳаммаси нуфузимизга яраша бўлади...

Узоқ йил ёлғизлик азобини тортган, кун сайин ҳаётга муҳаббати, ишқи суниб бораётган катта одам учун ёшгина аёл висолига етишиб, умринг қолган қисмини шодлик ва фарофатда утказиш туйфуси бутун қалбини қамраб борар, кўнглига аллақандай ширин хотиржамлик солиш билан бирга умрининг янги поғонасига утаётганини ҳам эслатиб

куяр, қалбидә енгил титроқ ва қурқув бор. Хосиятга қараган сайин, ёшлигини тасаввур қылган сайин күксини шодлик ва ғурур қамраб оларди.

Хар куни оғайнилари билан ресторонда ёки чойхонада утиргандан кейин ҳамма тарқалгач, уйга боргиси келмай юрагини қоронғулик қоплади, күкрагидан бирор итараётгандай буларди. Бирор илму амал билан йүлини боғлаб, уйидан кунглини совутгандай түйила-верарди. Сабаби аён: уйда кутаётган, йулига күз тикиб турған одам йўқ! қаерда юрибсиз, тезроқ келмайсизми, деб қўнғироқ қымайди, сизсиз уйда турғим келмаяпти деб меҳрини изҳор этмайди.

Энди уни кутадиган, ҳар соатда қаердасиз, қачон келасиз дейдиган севимли аёли бўлади.. Ёлғизликдан қурқиб, уни енгиш учун кучада вақт ўтказишга чек қуяди. Паловхўрлик тугаши билан айрим дўстларига ўхшаб уйга шошилади. Аммо, аммо... бугун Хосият "Мен Тошкентга бутунлай кетолмайман" деганда кунглига бир чимдим фашлик тушди. Уч-тўрт кун уйда бўлиб кейин водийга жунаворса, яна ўзи қоладими? Шунча йил ёлғизлик азобини тортгани каммиди? Йўқ, имкони борича уни Тошкентда доимий яшашга кундиради. Банкетни ўтка-зив, уни уйга олиб кетсин, никоҳ ўқитгандан кейин муллага айтиб шариат қонунлари билан таништиради, аёлнинг эр ва оила олдидаги бурчларини тушунтиради, зиммасидаги вазифаларни англатади. Уйдаги шаройтни куриб, ўзи ҳам кетгиси келмай қолади...

\* \* \*

Хосият заргарни шаҳар меҳмонхонасига кузатиб, офисга кирганда боғи Эрамда юрган ширин хаёлларини телефон қўнғироғи пардай тўзгитиб юборди.

- Дугонажон, тошкентлик заргарга эрга тегяпсан деб эшитдим, мени туйга таклиф қымайсанми?

- Э, Ҳалима, сенмисан? Рўйхатнинг бошидасан, ғам қилма.

- Сен узингни тортсанг ҳам мен... эски дўстликни унутмаганман.

Унда айёрликка ухаш макр, утган воқеаларни эслатиш оҳангি бор эди. Хосият дарров сезди-да:

- Ернинг тагида илон қимирласа биладиган бўлиб кетибсанми? Баёзхон шунаقا хунарларният ўргатяптими?-деди.

- Ҳей, устозга тил теккизма!

- Кучага чиқмаган гапни эшитганингга ҳайрон бўляпман-да!

- Антеннам сенникидан яхшироқ ишлайди. Фақат бир нарсани билолмай ҳайронман.

- Нимани?

- Тўйда фата кийиб утирасанми, ё заргар зар румол уратиб қуядими?

- Э, шуям гапми?

- Ўғлинг келин-куёвнинг тиззасида ўтирса керак, а? Ҳа, айтгандай дугонажон, заргарни жуда қари деб эшитгандим, етаклашиб юргани ор қилмайсанми?

Хосият ҳақоратларни асабига игна санчилгандай қабул қилса ҳам узини босди. Бироқ муносиб жавоб қайтармаса, Ҳалима беҳаё гап айтишдан тоймаслигини ўйлаб, хаёлини йигиштириди.

- Энди, бу ёфи билан ишинг булмасин, ундан кура, қарими, ёшми, битта эр топиб тегиб олсанг яхши буларди. Ё эски хунарингни қилиб, Аваз билан куча-кўйда дон олишиб юраверасанми? Ҳа, айтгандай, сен шунаقا ҳаётга урганиб кетгансан. Туғрими? Бупти, хайр!

У алоқани ўзи. Бир нафасдан кейин қунғироқ келди, аммо аппаратни тўла учирив қўйли...

Хосият Ҳалиманинг ичиқоралигини сезди. Яна ёнгинда қули бор деган фикр боғга кўнган қарғадай миясига учиб келди. Гарчи мутахассислар носоз электр монтаждан чиқ-қанлигини айтишган булса ҳам, уни айблаш фикри, ҳар сонияда душманлик қилиши мумкин, деган ҳадик кунглидан чиқиб кетмас эди...

Ягона хатоси бир умр тилини қисиб, ҳаётига хавф солиб туришини ўйларкан, юрагини ваҳима қоплади. Туркиялик қариндоши келишидан олдин уни Аваз билан узоқча жунатиб юборганди. Банкет арафасида яна бирор кунгилсизлик режалаштирганмикин? Йулини тусишига илож бормикин? Аксига олиб, Аваз ҳам у томонга ўтиб кетди. Акмалга маслаҳат солайми? Ёки Сайд акамдан бирор

маъноли гап чиқармикин? Бирорга айтмай, Ҳалиманинг кетидан детектив юборсам-чи? Шундай қилганим маъқул. Бирор ёмонлигини аниқласам, козир қулимда буларди.

У қийин аҳволда қолди. Менга ичиқоралик қыляпсан, узингни йиғиштириб ол, деб айтолмайди, чунки бирорта ёмонлиги устидан чиқмаган. Ўзининг эса тили қисик! Даҳанаки жангда гоҳ ютиб, гоҳ енгилиб юрса ҳам ичидагулаётган жараёнларни, утган иш ва унга муносабатиниadolat тарозисига солиб, виждони қийналади.

Бегалва калла каллами деганларилик, Ҳалиманинг кунғироғи чуқур қайғуга чуктирди. Вужудини бушаштириб, "Диана"да бўладиган никоҳ банкетига иштиёқини сўндира бошлади. Ўйлай-ўйлай офисдан чиқаётганда калласига ажойиб фикр келди-ю, телефонни олиб рақам тера бошлади...

Атайлаб боғланиши тумасини босмаётгандай, заргарнинг телефони ҳалегандада жавоб беравермади. Тоқати тоқ Хосият SMS ёзди. "Саид ака, банкетга Баёзхон акани ҳам таклиф қўлсангиз!"

Ҳалима билан Баёзхоннинг устоз- шогирдлик муносабатлари ҳавас қўлса арзийдиган даражада тоза, самимий-литини эшиштган, Баёзхон бизнесмен ва заргарлар олдида ҳалол ваadolat билан иш юритиши туфайли катта обруга эришганлиги ҳам яхши билади. Банкетда у қатнашса, Ҳалима ёмонликдан узини тияди!

Ярим соатлар ўтгач, унга Саид акаси қўнғироқ қилди.

- Фикримиз бир жойдан чиқибди. Сиз хотиржам булинг, уни узим айтиб келаман.

- Раҳмат, Саид ака, хурсанд қилдингиз.

Заргар хаёлга чумди. Хосият у билан бир-икки марта иш юзасидан муомала қилганини узи сурагандагина тилга олган холос. Рашқ қилишга арзийдиган сабаб йуқ. Баёзхон аёллар масаласига эҳтиёткорлигини эшиштган...

Баёзхоннинг раҳматли отаси қобил заргар: "Болам, ишиңг оғир! Куз нуринг, юрак қуриңт билан, азиз умрингни сарфлаб топган пулингни бузуқ аёлларга сарфлама! Улар бунга арзимайди! Аллоҳ зинони ҳаром килиб, бандаларининг файзу баракасини уйлаган. Оиланг учун бир марта егулик-ичгулик олиб кирсанг, Аллоҳ сенга етти юз

баробар савоб ёзади. Уни уйнашга сарфласанг, савобдан маҳрум булиб, оғир гуноҳга ботасан! Ота топган пулига оч ўтирган болалари учун бир қоп буғдой эмас, ахлаб кўтариб келса, рисолага тұғри келадими?! Ўзингни эҳтиёт қил!" дегани сира эсидан чиқмайди...

У осонликча машҳур бўлмаган. Сабр-тоқат билан фақат ишини ўйлаб, ақлга суюниб, нозик одамларга чиройли буюмлар ясаб берди. Зирагу билакузуклари, исирғаю балдоқлари ҳаммага ёқар, айниқса, аёлларда қизиқиш оширас эди. Гоҳо пардоз-андози билангина эмас, чиройи, сеҳрли нигоҳлари ва жозибаси билан шаҳардаги ўнлаб эркакларни куйдирган малоҳатли аёллар унга қош қоқиб келар, аммо қалби ва руҳияти ота насиҳати билан сугорилган заргар ишратга чорловчи имо-ишораларни бир пулга олмас, ишдан чалғимас эди. Ишораларда отаси эслатган шайтони лаъинни кўргандай бўларди

Устоз мақомига етгач, шогирдларга қўйган биринчи талаби - ПОКЛИК бўлди. Бирортаси бегона аёл билан гап-сўз бўлса, ягона ЖАЗО - ишдан ҳайдайди. Ўртага ким тушишидан қатъий назар, қавмига қушмайди, кечирмайди...

Сайд заргар бу гапларни кўпчиликдан эшитган, бегона аёл қучоғидан топиладиган ҳузур-ҳаловатдан кечиб, умрини ишига бағишлаётгани учун Баёзхонга нисбатан зимдан ҳурмати баланд, эди...

Заргар Баёзхонни очиқ кўнгил, тоза ният билан таклиф қилгани борганда у қўчоқ очиб кутиб олди. Кўзларида самимий табассум, мулойимлик сезилиб турибди. Катталарга хос улуғворлиги уни янада кўркам, оҳанрабоси бордай курсагади.

- Бева кўнглини обод қилганингиз катта савоб, уз ҳаётингизга ҳам файз, ҳаловат киради, яхши қилибсиз! - деди сўрашган-ларидан сўнг столга ўтиришгач, - икковарнингизга тинчлик, қуша қариш баҳтини тилайман!

- Раҳмат, aka, азиз меҳмонимиз бўлсангиз бошимиз осмонга етади!

- Иншооллоҳ...

Заргар кайфияти кўтарилиб қайтди. Зиёфатта алоҳида эътибор билан тайёргарлик куриш, диди чакки эмаслиги-

ни кўрсатиб қўйиш, Хосиятнинг обрусини кутариш ҳақида уйларкан, юрагида аллақандай турур, севинч ва мағрурлик хукмрон эди.

\* \* \*

Зиёфатга машҳур хонанда қизиқчиси билан айтилгани Хосиятни ҳайратта солди. Боши осмонга етди. **Наҳотки!** дейди ичида. Заргар ўзига алоҳида меҳр-муҳаббат билан эътибор бераётганидан, дуст-дushman олдида нуфузини уйлаётганидан хурсанд эди. Бир ерда утиrolmas, янги турмушга чиқаётган қиздек яқин танишларига қунғироқ қилиб зиёфатнинг учини чиқарар, табриклаганларидан кейин машҳур санъаткор, қизиқчи ҳақида сўз очар, зиёфатга қизиқишлини ошириб юборар эди. Бир неча синфдош қизларни таклиф қилганда яхши ниятларини эшишиб яйраб кетди. Бундай гўзал, руҳиятга ором берадиган кечинмалар ва туйгуларни анчадан бери қалбида ҳис қилмаган, пул ва савдо орасида юравериб, ички ҳаловатни ёдидан чиқариб юборган эди. Энди у янги оламга кираётганини, дунёнинг асл маъносини ҳис қиласиган, яшашдан муддаони туғри белгилайдиган муҳит билан юзма-юз келаёттанини англаб, узини бошқача одам сифатида ҳис қила бошлади...

Яқинларини таклиф қилиб булгандан кейин Баёзхонни Саид акаси айтганини эсладиyo, Ҳалима эсига тушиб тўхталиб қолди. Нима қилсан, орадаги гап-сўзларни йиғишириб қўйиб зиёфатга айтсингни, ёки зиёфат машҳур хонанда ва қизиқчи билан зур утганини, шаҳарда "дув-дув" гап булганини эшишиб ичи куйгани яхшироқми?!

- Нима булгандаям ўзи ҳам кутмаган ажойиб зиёфат билан унга бир зарба бериб олиши керак.

Аммо юрагини бошқа бир ғашлик эгаллаб олди. У зиёфатга қатнашмаса ёки маросимда юриб, ишқал чиқармасикин? Купчилик орасида киши билмас қилиб тўйни бузиши ёки бошқа йўл билан обрўсини тукиши мумкин! Кечаги суҳбатда кек сақлаб юргани яқзол билинди-ку! Таклиф қилган тақдирда ҳам орқасига одам қўйиш, ҳар бир ҳаракатини билинтиrmай, куздан қочирмай кузатиш керак!

У режани Сайд акамга айтайми, айтмайми, деб узоқ мулоҳаза қилди. Ва охири, ўз муаммоларимни еча олишим, унинг кунглини ғаш қилмаслигим, қолаверса, икир-чи-кирлар билан севикли кишимнинг бошини қотирмаслигим керак, деган хulosага келди. Бу фикрдан хурсанд булиб, телефонни қулга олди. Бироздан кейин Ҳалима-нинг жаранглаган овози эшитилди.

- Дугонажон, орадаги гина-қудуратларни бир чеккага сурис қоя оламизми?

Ҳалима бирдан жавоб қилмади, аммо кўп ўтмай қувноқ овози янгради.

- Сенга ёмонликни раво курмайман, биласан-ку!

Хосият юрагининг энг нозик жойида чаён нишини ҳис қилди. Мияси тормозланиб қолмаслиги учун узини чалғитди.

- Асл дўстимсан! Чучмал гапларинг менга ботмайди. Чунки кунглинг тоза!

- Эшитаман, дугонажон!

- Ҳаммаси яхшилик! Шанба кунги никоҳ зиёфатига таклиф қиласман! Кечки пайт "Мадонна"га келсанг, бошим осмонга етарди.

- Албатта, бораман, албатта! Сиздай дустим баҳтини топляпти-ю, икки оғиз тилак билдиришга ярамасак, бу дунёда нима қилиб юрибмиз?

- Раҳмат, хурсанд қилдинг, дугон!

У Авазни бошлаб кел демоқчи эди, бироқ оқибатсизлигини уйлаб, тилини тийди. Зарур булса, Ақмал айтади. Қилмишидан уялмаса, без бўлиб келаверади.

Шанба куни Хосият дид билан безатилган тўкин дастурхоннни куриб, оғзи очилиб қолди. Одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Энг муҳими, оддий дастурхонда Европа ва Шарқ маданияти ўйғунлашган! Энг зўри - ўзимизнинг қишлоқча оддий косада қатиқ қуйилгани, устидаги қаймогининг сап-сариқ, қалинлиги кўпчиликни ҳайратда қолдирди. Столдаги ҳақиқий тоғ гули меҳмонлар қалбини бир олам завқга тулдирди. Бунақасини Туркияда ҳам курмаган, умуман хаёлига келтирмаган эди. Меҳмонларнинг деярли ҳаммаси ўз вақтида келди. Зиёфат гавжум, шоду хуррамлик билан, қувноқ ўтди. Чиройли, яхши

ниятлар билдирилди. Машхур хонанданинг "Анжанчасига" ашуласига үйнамаган одам қолмади. Ҳамма яйради, күвнади, еди, ичди, кайф-сафо қилди. Хосият Ҳалимани алоҳида кузатувчига топширган булса-да, узи ҳам куз узмасдан назорат қилди. Аммо бирорта шубҳали ҳаракатини сезмади. У эл қатори мазза қилиб рақс тушди, столда шериклари билан хотиржам сұхбатлашиб үтирди. Зиёфат ўртасида бир дақиқа чироқ учыб қолганда кимдир "Бу қанақаси?" деб таажуб изҳор қилувди, айримлар "қизиқчиликка, шумлик қилишяпти" деб, кутилмаган воқеани зиёфатнинг фазилатига айлантириди...

Ҳаммани кузатиб булишгач, Акмал учовлари қолишиди.

- Машинани миниб олайми? - суради Акмал.

- Үзим эплайман, ароқ әмас, шарбат ичдим... - деди хотиржамлик билан Сайд заргар.

Унинг эс-хуши жойида, учинчи кишининг кераги йүқ эди ...

У уйку босган одамдай күзларини тез-тез юмбочар, калласини бир томонга лоқайд қийшайтиар эди.

Хосият космосни томоша қилиб тушган одамдай үзида йўқ хурсанд, севинчи ичига сифмайди, айниқса, синфдош дугоналари бағрига босиб табриклаганини эсласа, танасига сифмай кетади. Баҳордай яшнаб, гулдай очилиб кетганини курган заргар гоҳ-гоҳ сукланиб қараб қуяди. Ҳатто зиёфат вақтида Ҳалима ҳам унга тез-тез ҳавас ва ҳасад билан термулганини сезди ва бир олам шодликка тўлди.

Улар "Мерседес"да келинчак-куёвдай кетишарди. Бахтиёр ва шод эдилар.

Бирдан... бирдан "қарс, гум қарс!..." этган кучли овоз эшитилиб, машинага кучли зарба урилди. Шу лаҳзанинг үзида заргар боши билан ойнага урилди, ойна синиклари бошини тилиб юборли. Хосият бирор ушлаб силтагандай аввал орқага, сўнг олдинга мункиб, ўриндиқ суюнчигига қапишиб қолди. Заргар "Ихх," деган ун чиқарди-ю, пешонасидан оқаётган қонни артмоқчи булиб бошига қул чузди, аммо мадори етмай очиқ эшик томонга йиқилди.

- Сайд ака! - қичқириб юборди Хосият, вужудини алақандай ваҳима, куркув чирмаб олган, оёғидан бошигача титроқ босган эди, - сизга нима булди?

У бўйни оғриётганига парво қилмасдан, эшикни бир илож қилиб очди-да, бошидан қони оқаётган заргарга қараб хушидан кета ёзди. Иккала қули билан заргарни кўтарди, аммо кучи етмади. Бироқ куч топиши керак! Елкасидан ушлади, сал ўтириб, кўкси билан тургазишга ҳаракат қилди, аммо заргар бошидан оқаётган қон Хосиятни бешбаттар ваҳимага солгани учун оёғида дармон қолмади. қўйвориб, қайта кутараман деганда заргар асфальтга гурсиллаб йиқилди...

Хосият талвасада қолди. Нима қилиш керак? Вақт кеч, ёрдам берадиган одам йўқ. Бирорта машина утмаяпти. У атрофга аланглаб нажот қидирди, аммо ерда ётган заргарнинг аҳволи юрагини вайрон қилиб бораётган эди. Бирдан Акмал эсига келдию, телефонини қулга олди. Афсус, учирилган экан.

У бор кучини тўплаб, заргарни кутаришга ҳаракат қилди, бирдан Худо куч берди шекилли қултифидан олиб, ўриндиқقا утқазди. Аммо бошидан юзига оқаётгали қонни курдию миясига хуник фикр келди. "Ўлиб қолса-я "Энди нима қиласман? Бир нарса бўлса сингилларига қандай деб жавоб бераман? Эй, Худо, оғзим ошга етганда бошим..."

қули, қўйлагига теккан қондан ижирғаниб, уни қаерга артишни билмай кунгли беҳузур бўлди. Сумкасига қўл узатганда юзи заргарнинг буйнига тегди... Унинг ҳарорати паст эди.

Хушига келтириш учун юзига шапатилаб кўрди, елкасидан ушлаб силтади, ҳаракат йўқ! Ранги докадек оқариб боряпти, Хосиятнинг кўксини совуқ бир ҳиссиёт, умидсизлик туйғуси тирнаб бораётган эди...

Узоқдан машина чироги куриб, юрагига ёруғлик тушди, вужудига қувват кирди. Бир қули билан заргарни ушлаб машина келаётган томонга буйлади. "Нексия" экан. Эшикни оҳиста ёпди-да, йўлга чиқди. Хайдовчи Хосиятни таниб қолди ва дарров тўхтаб ҳол-аҳвол суради...

Заргар шошилинч тиббий ёрдам булимида икки соатдан сўнг ўзига келди. Майда қон томирлар ёрилиб, мия суюкларига кучли зарб теккан, бироз чайқалганди.

- Ваҳима қиласидиган жойи йўқ! - деди даволовчи врач эрталаб унинг олдига кириш учун рухсат сўраётганда, - Худо хоҳласа, уч-тўрт кунда отрай бўлиб кетади.

Врачнинг шошилмай, хотиржам гапиришидан **Хосият** икки хил маънони англади: аҳвол ваҳимали эмас, ёки **Саид** акамнинг оғирлигини билдириласлик учун касбига хос маданиятга риоя қиляпти

Заргар барча дори дармонларни олиб бўлгандан кейин олдига кирганда куз очиб, хаёлга чумиб ётарди.

- Тузукмисиз, **Саид** ака? - уни чучитиб юбориласлик учун секингина гапирди.

- Худога шукур! Узингизга ҳеч нарса булмадими?

- Мен соппа-соғман!

- Бошга тушгани куз кўраркан! Ўшандай баланд қамчиқ довонидан ун марталаб ўтиб тўсиққа урилмаган одам йўл ўртасидаги бетонга қоқилиб ўтирсам-а?! Ҳайрон қоламан!

- **Саид** ака, сиз буларни уйламанг! Врачлар уч-тўрт кунда согайиб кетадилар, дейишаяпти.

- Худо хоҳласа, эрта-индин оёққа тураман. Лекин **Хосиятхон**, ароқ ичмаганман, узоқ йул юриб чарчаганман, ланж бўлиб, бир дақиқа кузим илинибию, нима бўлганини англамай қолдим. Кейин кейин у ёғини ўзингиз кўрдингиз. Сизга ҳам қизиқ туюлмаяптими?

- Ҳайронман! Боя кираверишда ёшгина врач билан гапла-шувдим. Никоҳ банкетимизнинг овозаси кеча етиб келибди. - У ёш қизчадай аллақандай қувонч ва шодлик билан гапиради, - куз тегдими дейман-да!

Заргар ишонганиданми, иримлар бидъат деган маънодами - фалати жилмайиб куйди. У автоҳалокат сабабини, ижрочисини уйлаб ётганини **Хосият** яхши билмасди. Миясида врачнинг бояги гапидан кейин куз тегиш фикри ўрнашиб қолган эди.

Банкетдан олдин масжидда никоҳ ўқитишгач, **Хосиятнинг** қўнглида улуғвор шодлик, кайноқ туйгулар пайдо бўлган, ҳаётида - эр деса дегудек, кўз-кўзласа арзигудек **Саид** акаси пайдо бўлганидан қувонган, фурури осмон қадар юксалганидан ўзини қуярга жой толполмаётган эди. Заргарнинг ёши катта, лекин чиройи, шаҳди ёшларнидан қолишмайди. Энг муҳими, **Хосиятни** тушунади. Бойбадавлат. Бу фикрни у севимли аёлининг ҳар қандай истагини муҳайё қила олишга қодирлиги, аёлга ҳурмат,

истакларини қадрлаш туйғуси - инсонийлик қирраси бўртиб тургани учун ўйляяпти. Туркияга олиб борди. Жаҳонга машҳур Анталия сиҳатгоҳида дам олдирди. Куплар етолмаган тилла занжир совға қилди. Туғилган ерида ҳамманинг оғзи очилиб қоладиган банкет қилди. Қайси синфдошимнинг эри шундай қила олади?! Қодирлари ҳам аёлига ҳурмат маъносида бу ишни амалга оширолмайди! Аммо Саид акаси унинг учун ҳамма нарсага тайёр!

У заргарнинг каравоти этагида шуларни уйлаб ўтирашкан, ўзини янги одам сифатида ҳис қилди. Азиз одамига ғамхурлик қилиши лозимлиги, унинг саломатлиги, юриштуришига жавобгар эканини англади. Бироқ кечаги автоҳалокат юрагига ғалати ғашлик, кутимаган қайғу солаётган эди. Саид акаси ичмайди. Истанбулда, Анталияда номигагина кўтарилиган қадаҳни ичганга йўймаса ҳам бўлади. Айниқса, Анталия ресторанида Давронбейнинг ҳурмати учун бир-икки хуплаган булди. Кеча нозик меҳмонлар билан ҳам ичмади. Чунки анжуманни чиройли утказиб, меҳмонларни соғлом кузатишдан бошқа нарсани уйламасди. Ташибиф буюрганлар хурсанд, ҳатто кўплари миннатдорчилик билдириши. Саид акасининг кайфияти аъло эди. Айниқса, хизматга шай турган Акмалга жавоб бериб юбориб, Ҳосиятнинг билагидан ушлаб, ўзига тортганда ҳам руҳи тетик, чехраси очиқ эди. Ё куз теккани ростмикин?! Ахир, бир зал одамнинг ичида суқназар, ҳасадназарлари бўлади-да! Тўхта! Балки Ҳалима баҳтимизни куролмасдан... Мегажиннинг кузи бормикин? У ёқ-бу ёққа шиппиллаб юрувди, парихонга бирор нарса қилдириб йулимизга сепдимикин?! Юрагида кеки бор, ҳар нарсани кутса бўлади...

Заргар аниқ эслолмайди - хаёлидами, тушида курдими: фира-шира воқеалар, аллақандай оқ ҳарир туман тарқалди-ю, кўз олдида банкет пайдо бўлди. Одамлар... Озодбекнинг қушиғига аёллар эркаклар билан биргалиқда рақс тушяпти. Бирдан чироқ учиб, атрофни зулмат қоплади. Ҳамма жим-жит будиб, сунг таажжуб аралаш шовқин кўтаришаётган пайтда қоронгулик орасидан оқ ниқоб кийган новча одам пайдо булди ва Саид заргар шарбат ичаётган стаканга кукунга ухшаш алланарса солди. Сунг

ҳеч ким кўрмадими, дегандай шошиб, у ён бу ёнига қаради ва куздан ғойиб бўлди...

Заргар бақириб юборди ва алаҳсираган овози устига чиқиб кетган шекилли,

- Саид ака, сизга нима бўлди, кўзингизни очинг! - деб тепасида турган Хосиятга кузи тушди.

- Новча одам қани? Қани, новча одам, қаёққа кетди? ...

- Саид ака, нималар деяпсиз, кузингизни очинг! Қанақа новча одам, алаҳсираяпсиз шекилли?

Хосият елкасидан енгилгина силкитди ва заргар уйғониб кетди. Таажжубда қолган Хосиятга гапирмоқчи эди, аммо тушини сир тутишни лозим кўрди...

Хосиятнинг хизматкори овқат, целлофан халтада майдада-чуйда кутариб кирди.

- Саид ака, тура оласизми, овқатланишингиз керак.

Заргар аёлнинг олиб келган нарсаларига қараб:

- Овора булиб нима қиласдингиз, опа! - деди-да, қузғолишга ҳаракат қилди, аммо боши оғриб яна жойига ётди.

- Кейин... - деди Хосиятга. Шу пайт даволовчи врач кирди.

- Э, сизга қузғалиш мумкин эмас, бир-икки кун ёстиқдан бош узмайсиз, ётиб овқатланишингизга тўғри келади.

Хосият "Саид акамнинг дарди шунаقا оғирми?", дегандай қаради. Врач дарров тушунди.

- Ортиқча ташвиш чекманг, Ҳосиятхон, касал даволанаман деса, бизнинг қоидаларга амал қилиши керак!

Хосият докторнинг сўзига эътиroz билдирамади. Аммо кунглидан "акамнинг ахволи оғир шекилли", деган фикр утди. Юраги сиқилиб, хаёлига турли-туман уйлар кела бошлади.

- Мияда озгина чайқалиш бўлган, бошингизни кутармасдан ётинг, Саид ака! Қараб туришлари учун Хосиятхонга рухсат берамиз. Аммо кеча банкет зур булибди, эшиздик! Мәҳмонларнинг орасида ҳар хили бор-да, озгина қузиқкан булишларинг мумкин, яна ким билади...

Заргар мийифида кулди. Кечаги воқеани эслади. Шаҳардан чиқишида узини оғир ҳис этар ва бу ҳолатидан таажжубга тушарди. Йиғинни ўтказиб кўнгли қўтаришган, руҳи тетик одам нима учун дақиқа сайин оғирлашиб кетаяпти?

Үйқу босган одамдай бошини сүянчиқقا құйиб, бироз мизғиб олмоқчи ҳам булди, Хосиятнинг "Тинчликми, Саид ака!", деб ҳайрон булишини хоҳламади. Ярим соатта қолмай Хосиятларникига етиб олишини үйлаб үзини бардам тушишга уринди.

Хосият хизматкор аёл билан гаплашиб турганидан фойдаланиб, заргар кузини юмди ва лоп этиб ҳәёлига чироқ үчган пайт келди. Ҳамма қатори таажжуб билан турганда кимдир ёнига келиб, столга энгашгандай бўлди, аммо бу одаммиди, қоронгуда ҳис этилган шарпами билолмай турганда у йўқолди. Энди эсласа: ШАРПА - стакандаги шарбатга үйқу дори солтан одам экан! Охирги хупламини хузур қилиб ютаркан, томогида тахирлик, кейин аччиқ таъмни сезди. Ҳаёли меҳмонларни яхши кузатишда бўлгани учун нега бунақалигини үйлаб қўрмаганди... Лекин уни үйлантирган, ташвишга солган нарса шуки, шарпа ким, ичимликка дори солишдан мақсади нима?! Узича қилдими ёки бироннинг топширигини бажардими? Топшириқ берган ким, ололмаган қасди бормиди? Заргарни Худо асрабди. Заҳар бўлганда ҳозир нариги дунёга равона буларди. Мол-мулки, хазинаси, кечагина никоҳига олган хотини кимларга қоларди?!

Хосиятнинг "Нокиа"си булбулдай сайраб юборди.

- Эшитаман!  
- Дугонажон, заргар эринг билан биринчи кечани яхши ўтказдингми?

- Ёмон эмас. Нима ишинг бор?  
- Дугоналар бир-биридан кўнгил сўраб туриши керак-ку!  
- Устимдан куляйпсанми? Кулфатимга шерик бўлиш ўрнита масхара қиляпсанми?

Хосият яшин тезлигига үйлай бошлади. Аварияда унинг кули бормикин? Бўлиши керак! Акс холда қунғироқ қилмасди. Иблис! Мақсади нима? Ичиқоралик эви билан-да! қачонгача мен билан олишади? Бу ишни бир ёқлик қилмасам бўлмайди.

- Ҳозир қаердасан?  
- Офисингга келсам, йўқ экансан!  
- Кетмай тур, ярим соатда етиб бораман, сенда икки оғиз гапим бор, тушундингми?

- Кутаман...

Кувнокұлғигига қараганда унча-мунча ғап кайфиятини туширадиганга үшшамасди.

Хосиятнинг жаҳли чиқди. Сайд акасига билдирмаслик учун коридорга чиқиб ғаплашган бўлса ҳам ичкарига киргандан кейин кайфияти бузилганини билишганд, иккевлари нима ғап, дегандай бир-бирларига қарашибди.

- Сайд ака, мен ярим соатда етиб келаман, сизга холам қараб турадилар!

Хосият таажжуб тўла нигоҳларга жавоб бермасдан ташқарига отилди.

Ақмал машина эшигини очиб қўйган экан. Хосият жаҳл билан ўтириди-да:

- Офисга ҳайда! - деди.

"Ласетти" елдек учиб бораракан, Хосиятнинг мияси мотор каби тез ишларди. "Ифлос! Совунимга кир ювмабсан ҳали, исқири! Тиллаларим билан одам бўлиб, энди менга хужум қиляпсанми?! Арзимаган хатога шунча туломви? Инсон булганингда мени кечирардинг, тилинг бошқа дилинг бошқа экан! Орани очиқ қилганимиздан кейин ҳам шунаقا ифлослик қиляпсанми? Энди кечирмайман. Ресторандаги ёнғин электр кабелидан чиққан дейишиди, аслида уни сен қилгансан! Бойиганимни куролмай, ичингга ўт тушган! Бойигимнинг ярмини сарфлаб бўлса ҳам ҳамма айбингни бўйнингта қояман, ё қаматаман ё оёғимга тиз чуктираман, болангни уртага қўйиб кечирим сўрайсан! Аяб ўтирумайман. Аввал урганимда жонинг омон қолган бўлса, бу сафар битта зарбамдаёқ тил тортмай ўласан!

Ҳалима Хосиятнинг важоҳатини куриб, ранги оқариб кетди, тахтадек қотиб қолди...

Хосият Ҳалиманинг кўзида қувлик ва ёвликка үхашаш ҳиссиёт курди. қулини олишга иккиланиб турганда миясига заргарнинг "Бизнес одами душмани билан дустдай муомала қилиши керак!" деган гапи келиб, кечинмаларини билдирмасдан сўрашибди. Аммо вужудини чулғаб олган ғазаб ўти кўзларида зоҳир булган шекилли Ҳалима эҳтиёткорлик билан ўзини тортди.

- Менда нима ишинг бор? - имкон қадар ўзини босиб сўради Хосият.

- Бир куриб утмоқчийдим...
- Бошимга кулфат тушган вақтни атайлаб танладингми ёки устозинг үргатдими?
- Бу ерда устоз причём? Бемаза гапларни сузлама!
- Нима учун?
- Яхши мақсадда келдим-ку!
- Аммо кечқурунги автоҳалокатда қулинг бор!
- Мен бачкана иш қилмайман.

Хосият унга астойдил тикилди: бояги қувлик кўринмас, кўзини олиб қочар эди. Хосиятнинг шубҳаси кучайди.

- Ҳалима, битта гапни очиқ айтайми?
- Гапиравер.
- Аҳволингни бир кўрай, чираниб қаергача борардинг, бировларни норози қилиб нимага эришардинг, деб келгансан! Туғри гапирдимми, виждонинг булса тан ол?!
- Сен ўйлаб гапир!
- Биз сен билан орани очиқ қилгандик. Ҳатойим учун сен истаганча товон тўладим. Мард булсанг, эски гина-кудратларни унутардинг, аммо сен устозингга, берган ваъдангга тескари иш қиляпсан!

Ҳалима кутилмагандан шаҳд билан урнидан турди. Бир силтаниб олди-да, қаддини магрур тутди.

- Ёмонлитинг бир умр ёдимдан чиқмайди. Фуури бор одам сен билан муомала қилаётганда уни ҳисобга олади. Менда ор-номус, фуур йуқми? Кеча темир билан уриб сойга ташлаб юборсангу, бугун сен билан оғиз-бурун упишайми? Йуқ, дугонажон, бунақаси кетмайди!

- Демак сен...
- Ҳа, мен ҳамма келишувларни тиллаларингни тортиб олиш учун қилганман!

- Номард! - ҳайратда қолди Хосият унинг ғазаб тула кўзларига дадил қаараркан.

- Ҳа, сенингча, номардман! Аммо билиб қуй: бир марта ёмонлик қилиб, бир умрлик душман орттиридинг! Эсингдан чиқарма: бир кўза тиллангни босқинчилик билан олган, энг яхши ходимингни ўзига оғдирган, ресторанингга ўт қўйган, уша севимли Саид акангта уйқу дори бердирган - мен Ҳалима бўламан!! Мен сени куришни хоҳламайман, овозсиз милтиғим булса-ю, етмиш ерингдан отиб

ташласам!

Хосиятнинг мияси фувиллаб кетди. Фазаб ва нафратни босиш учун чуқур-чуқур нафас олди ва ҳозирча бундан ошириб гап айттолмаслигини билиб, қулоқ чаккасига шапалоқ тортиб юборди. Ҳалима зарбани кутмагани учун диванга ўтириб қолди. Икки кафти билан юзларини ушлади-да урнидан турди.

- Ул, ифлос, чидамаяпсанми? Қурқан олдин мушт кутаради! Йилатинг бор-да! Илигинг қалтирайди. Мени бир шапалоқ ғранинг билан енгдим деб уйлайсанми? Жўжани кузда санаймиз. Ҳалимани осонгина таслим қиласидиган полвон онасидан туғилган эмас!!

- Агар устозинг Баёзхон разил, ифлос ишларингни эшитса, кетингга бир тепиб идорасидан ҳайдаб чиқаради. Пес-маховдай яккаланиб қоласан?! Билиб қўй: сен номардлик қилдингми, энди ҳамма кирдикорингни узим бориб устозингга айтаман!

Ҳалима бушашди, ранги оқарди, бундай бўлишини кутмагани учун довдираб қолди, аммо даражасини қўлдан бермасликни уйлаб ўзини дадил тутарди.

- Баёзхон акам сендақа хиёнаткорга ишонадиган лақма эмас, мегажин! Тиллаларимни тортиб олиб, узимни сойга оқизиб, сунг у билан ҳамкорлик қилганингни эшитса, иккинчи ёнига йулатмайди ва сенга лаънат айтади! Қолаверса, бу ҳақда уша севикли Саид акангга ўқки оғиз гапириб кўйса, эрдан куруқ қолишинг турган гап! Бундан ташқари, айбимни унга исботлаб беролмайсан!

Хосият Ҳалиманинг кузига жиддий тикилди. Уни бешафқатлик билан мот қилиш мавриди келганини сезди ва зудлик билан фикрларини жамлаб олди.

- Мени айбингни исботлолмайдиган аҳмоқ деб уйлайсанми?

- Ундан ҳам бешбаттарсан!

Хосият буйнидаги катта экранли "Нокиа"сини олди-да, тугмачаларини босди. Ва шиддат билан Ҳалимага тугрилади.

- Куриб қўй, эшит!

Экранда Ҳалиманинг ҳаяжон билан қулларини ёзиб гапираётгани пайдо булди ва шу сониянинг узида овози

эшишилди. Хосият унинг ғапларини диктофонга: ёзиб, ҳаракатларини тасвирга туширган эди...

Ҳалима талмовсираб қолди. Кўзи ола-кула бўлиб, қўллари қалтирай бошлади. Фожеа олдида нажотсиз одамдай кўксига аччиқ фарёд туғилди. Томоғига тиқилган номус ғазабини сочишга йул бермади. Руҳияти бомба портлаган уйдай алғов-далғов булиб кетди. Уни жар ёқасига келтирган Хосият вазиятдан фойдаланиб сўнгги зарбани берди.

- Энди, дугонажон, орамиздаги меҳр-оқибат, аҳду вафо тугади! ғалчани ҳурмат қилсанг чорифи билан тўрга чиқибди деган мақолга мос иш қилганинг учун кечирмайман. Сени прокурорга бераман!- деб телефондаги ёзувларга ишора қилди у,- Ресторанни таъмирлаш учун кетган ун беш минг долларни тулайсан, Сайд акамга етказган ҳамма зарарни қоплашга "кўки"дан санашингга тўғри келади. Босқинчилик билан тиллами тортиб олганинг учун камида ун йил утириб чиқсан!! Энди асабимни бузмасдан қаердан келган бўлсанг ўша ерга жуна! Турқингни куришга тоқатим йўқ!!

Ҳалима голибдай чиқиб кетаётган булса ҳам қонсиз юzlари, серташвиш кўзларидан "Ҳамма сирим фош булса қандай бош кутариб юраман, Баёзхон акамнинг олдида ким деган одам буламан", деган изтиробли уйлар куриниб турар, айни дамда Хосиятга узиб оладиган икки оғиз суз айтиш учун фйкларини жамлаб олишга қийналаётган эди. Ноилож унга нафрат билан қаради-да, орқасига тепки еган одамдай ташқарига чиқди. Машинаси олдига боргунча Хосият кузатгани чиқармикин, деган илинж билан кутди, аммо узи қаттиқ ёпган эшик очилмади... Машинани ўт олдириб, жўнаб кетаётганда ҳам Хосият куринмагани алам қилди ва юрагида қоронгулик, асабни емирадиган ғашлик пайдо булди...

"Ифлос! Еб туймайдиган очофат! Шунча бойлиги туриб мен билан учакишига бало борми? Топганингни еб, жимгина юравермайсанми? Аммо бу сафар индамай кетмайман!! Охиригача курашаман. Далиллар етарли. Тоғдан топган тиллаларингни давлатга топширмасдан, узлаштириб борганинг учун қонун олдида жавоб берасан! Шаҳардаги энг зур ресторанни гиёҳфурушлиқдан келган даромадга олга-

нингни органга айтсам энангни Учқурғондан курасан! Сен ишонган ички ишлар бошлиғи аллақачон истеъфога чиқсан!

Ёмонликка олсам, уйингла саклаётган бир кўза тиллани давлатга айтаман. Ана унда аҳволингга маймунлар йифлашини кураман!"

У Хосият олдида тургандай яксон этувчи далиллар билан мот қилаётгандай кўзларини катта-кatta очиб, нафрат билан сўзларди. Аммо кунгил тубида нега шуларни узига айтолмадинг, Қурқингми, узингни йуқотиб қўйдингми, дея ожизлигини тан олаётган эли. Ўзини тезкор, темирни қизиғида босадиган одам ҳисобласа-ла, зарур вақтда сукут саклаб рақибиға ютказиб қўйгани алам қилас, орқага назар ташлаб яна Хосиятга қарши далиллар топишга интиларди. Ҳаяжони босилиб, жаҳлидан тушгандан кейин эса куксида адолат туйғуси уйғонди ва камчиликлари, хатолари кўз оллидан ўта бошлади.

"Нега ўйлаб иш тутмадим, Шайтоннинг сузига кирдими? Ҳеч булмаса устоз олдида шарманда булишдан курқмадим-а?

Хосият бир жойда ҳақ: гуноҳи учун товоң тулади. Бойлигининг ярмини босқинчилик билан тортиб олсам ҳам менга қарши иш тутмади. Энг чақкон ходимини оғдириб, ресторанини ёқиб юборганимда ҳам тишини ёрмади. Энди улганнинг устига гепандай қўнғироқ қилиб хақоратлашим, булмагур гапларни айтишум нафсониятига тегди, орини қузғаб юборди шекилли. Ахир, ноҳақ боссанг, қурбақа ҳам "вақ" дейди-да!

қилмишларимни Баёзхонга айтармикин? Наҳотки, якаланиб қолсам?! Энди обру топаётганимда оёқ ости булишга қандай чидайман? Буни қоя турай. Айбимга икрор булганимни диктафонга ёзиб олди. Прокурорга ариза ёзса, устимдан жиноий иш қўзғайди. Камида ун йил утириб келасан, деди. Бу даҳнат, бу азоб, тўғрироғи, бугунлай йўқ булганим-ку? Энди нима қилдим?

Эй Худо, нега ҳаддимдан ошдим? Нега ортимга бир қараб чукур ўйлаб олмадим? Бойлик кузими кўр, аклими ни заиф қилиб қўидими? Балки қўрмаганинг кургани курсин, деган мақол менга гури келаётгандир! Энг ёмони,

бу ишларимни на Тожи момо, на устоз билади? Мени бир томчи сувдай тоза, ҳалол ишляпти деб уйлашади. Агар гуноҳларимга иқорор булиб, вазиятдан "иқишига ёрдам сурасам, абллаҳлигимдан ҳайратда қолишса керак! Ёрдам беришмайди, нафратланишади. Ресторан ёнгандан кейин, устоз суруштируvida хайриятки, шерикларим сотмади. Сувдан қуруқ чиқдим. Аммо бу сафар ишим чаппа кетяпти. Нима қилиш керак? Тезроқ йулини топмасам, адойи тамом буламан!"

Ҳалима чиндан-да, афсус чекаётган эди. Надомат түйфуси руҳига азоб берар, нажотсизликдан узини куярга жой тополмай қийналар эди.

\* \* \*

Хосиятнинг қалби, бутун руҳияти гурли фикрлар таъсирида остин-устун булиб кетди. Одамлар бешафқат, хиёнаткор эканлигини уйларкан, асаблари зуриқди, куксининг өлг нозик жойида собит турган яшаш иштиёқи қалтис силкингандай булди. Инсонга ишонч йуқолгани учун энди фақат узи курашмоқчи, тусиқларни билдиrmай олиб ташламоқчи булди. Бу ҳақда ҳатто Саид акасига ҳам айтишни истамай касалхонага кириб келди. Оқсоқ билан гаплашиб ётган заргар бир қараашлаёқ юз берган воқеани тахминан англаб етди, мавриди эмаслиги учун савол бермади. Ҳеч ким ҳеч нарса сезмади дея узини хотиржам тутаётган Хосият хизматкорни уйга жунатиб юборди. Диван этагига оҳиста утириди ва заргарга юзланди.

- Тузикмисиз?
- Мен яхшиман...

Хосиятнинг англалича, заргар ундан қаерга, нима учун бориб келганини сурамоқчига ухшарди, аммо негадир жавоб кутмасдан узи гап бошлаб қолди.

- Рақобат кучайиб, ҳаёт оғирлашди. Биз-ку, умримизнинг катта қисмини яшаб бўлдик, усиб келаётган ёшлар хушёр, ақыли, андишали булмаса оиласда ҳам, кучада ҳам қийналиб қолади. Бундан кейин етти улчаб бир кесиб яшашга туғри келади шекилли...

Хосият бу гаплар узи учун айтилаётганини сезди. Бисотини қидириб, уни хотиржам қиладиган, узига ҳам

таскин берадиган сүз тополмади.... Заргар дори-дармон таъсирида ухлаб қолди. Икки соатча үтгандан кейин Хосиятнинг телефони жиринглади.

- Ярим соатдан кейин сен билан куришсак буладими?-  
бу Ҳалима эди.

Ҳалиманинг овозидан нима мақсадда құнғироқ қилаётганини бирданига билиб булмади. Мулоҳазага берилган Хосият:

- Мени эшитяпсанми, дугона? - дегандагина үзига келди.  
Овозида билинар-билинмас ялинчоқлик, мулойимлик бор. Ҳалима ён бермоқчи! Вазиятдан чиқиш учун айёрлик қилаётганини түшүнгән Хосият баланддан келди.

- Бугун вақтим бўлмайди! - деди жиддий оҳангда.  
- Биз атиги бең-ун минут гаплашамиз холос!  
- Касални ташлаб кетолмайман. Хизматкоримни уйга жунатиб юбордим.

- Унда қачон қуришамиз?

Энди айёрлик навбати Хосиятга утди. Ҳалимани озгина қийнашни лозим топди.

- Эртадан кейин телефонлашамиз. Шунчалик зарурми?  
- Менимча, икковимизга ҳам яхши! Дугонажон, бенуқсон парвардигор! Айрим нарсаларни келишиб олсак ёмон булмасди.

Хосият бироз индамай турди-да, уни эзиш ҳакида фикр юрита бошлади.

- Бир марта келишганимиз. Сен лафзингга хиёнат қилгансан, яна нимани гаплашамиз? Бошимни қотирма, ҳаммаси тугади.

У атайлаб алоқани узиб куйди. Бир неча дақиқадан кейин Ҳалима яна қунғироқ қилди.

- Дугонажон, ресторон масаласида гаплашмоқчи эдим.  
Тил топишганимиз яхшимасми?

- Сени прокурорга берганим ундан яхшироқ!

Ҳалима бироз жим қолди. Хосиятга зарба бериш учун фикрлаётгани сезилиб турар, аммо нималарни уйлаётгани Хосиятга қоронғу эди.

- Яхшиликка юрмасант, эшит: наша етиштириб, харидор топган Ҳайир aka менинг қулимда! Прокурорга кўрсатма

бериш учун шай турибди! Ҳамма олди-соттиларингни диктафонга ёзиб олган, бир оғиз айтсам, терговчига қўйиб беради. Гиёҳвандлик моддаси етиштирганинг ва уни сотганинг учун ун беш йил оласан! Билиб қуй: ҳар ҳолда сендан беш йил кам ўтиарканман!

Хосият Ҳалиманинг далиллари олдида анграйиб қолди. Ички ишлар бошлиғи билан келишиб иш қўлганман, қорлар ёғиб излар босилди деб ҳисоблаган эди. Аммо Ҳалиманинг куттилмаган далиллари олдида таслим булишга мажбур. Хайир акни ҳақиқатан диктафонга ёзиб олган булса, иш пачава! Тезроқ чора курмаса бўлмайди. Жиноят очилса, ресторани сотиб ҳам босди-босди қилолмайди. Ҳалим исқиқт билан учакишиб адашдим шекилли! Тинчгина юраверсам бўлмасми? Ахир, ит хурап, карвон утар дейишган-ку!

У хаёлларини йиғишириди ва шу заҳоти, Худо қўллагандай, хаёлига келган далилдан илҳомланиб кетди.

- Сен бир куза тиллани қаерга қўйганингни, нима ишлар қилиб юрганингни билмайди деб уйлайсанми? Ҳаммасини биламан, ярим тунда кимлар билан куришиб, тиллани қаерга олиб боргансан, қайси пул эвазига чет элдан товар олиб келгансан - яхши биламан! Тиллалар қаерда эканини ҳозир тегишли идораларга айтишим мумкин. Бу бойлик менга бобомдан қолган, ўғирлик билан топмаганман! Сен эса босқинчи, ўғрисан! Кўзингни мошдек очиб қўядиган вақт келди. Тушундингми?!

Ҳалима чучиб кетди. Лекин Хосиятнинг тахминдан гапираётганини сезиб қолди. Сабаби: бойлигини беш жойга яширган. Бу Баёзхоннинг усули! Утган ой ҳамкорларидан эшитган. Бир вақт шогирдларига: "Агар бир жойдаги тиллангни олиб қўйишига, турт жойдагиси билан бемалол узингни тиклаб оласан!" деган экан. Ҳалима унга амал қилиб кузадагини бешга бўлди ва узи ишонган жойларга яширди.

- Ёлғон-яшиқ гапларинг билан чучитолмайсан. Бойлигимни энг зур изқувар ҳам тополмайди. Мен олдириб қўядиган аҳмоқ эмасман! қолаверса, ҳеч ким мендан айб тополмайди. Аммо сен наша учун жавоб берасан. Яхшиликка юрмадингми, энди ўзингдан кур, пандавақи!

Ҳалима алоқани узди. Ҳосият турган жойида тарашадек қотиб қолди. "У чиндан наша ҳақида органга айтармикин?" Айтса, мен чув тушаман!

Мен аҳмоқман! Душманим узи сулҳ тақлиф қилсаю, нега келишмайман?"

Уни ҳамшира чақириб қолди. Сайд акаси уйғониб сураёттан экан.

- Яхши дам олдингизми, ака? - Ҳосият хотиржам суради. Заргарнинг кузидаги зийраклик воқеаларни мuloҳаза қилиб ётганидан дарак бераётган эди.

- Раҳмат... Бошимда сал оғриқ бор...

Ҳосият "ялт" этиб заргарга қаради. Назарида, бугунги воқеалар миёнмни оғритиб юборди деган маъно бордай эди. У шифтга қараб мuloҳаза қилиб ётар экан, воқеаларни бирма-бир адолат чириғидан ўтказиб, Ҳосиятта муҳим гап айтишга чоғланаётгандай эди.

- Менимча, Ҳосиятхон, узингиздан паст одамларни енгаман деб вақт сарфлагандан кўра, бизнес яхши эмасми? Улар вақти келиб узи қазиган чоҳга йиқилади. Ҳозир яхши тушунмаган бўлишингиз мумкин, аммо вақтлар ўтиб, бу гапларни бекорга айтмаганимга амин буласиз...

Ҳосият ерга қараб мuloҳазага берилди. Ишоранинг маъноси ва заргар зеҳни ҳайратда қолдираётган эди.

- Туркиялик ҳамкорларингиз билан шаҳар марказида аёллар кийим-кечаги ғотадиган супермаркет очмоқчи ёдингиз, уни кечиктирманг!. Душман ютуғингиздан бир эзилса, унга қарши курашдан ор қилганингизни билиб, ер билан яксон булади...

- Тўғри айтасиз, Сайд ака! Мен шу бугоноқ Истанбулга қўнғироқ қиласман.

- Бу бошқа гап, асалим! Мақсадингиз шаҳарда энг бой аёлга айланиш эканини ёдингиздан чиқармасангиз булгани!

Заргар унинг қулини ушлади. Кафти, бармоқлари майин ва иссиқ эди.

- Сиз бачкана рақиблар билан курашиш учун эмас, менинг кунглимни обод қилиш ва чиройингиз билан юрагимга баҳор олиб кириш учун туғилгансиз, жоним.

Ҳосият заргарга табассум ҳадя қилди ва хонада ҳеч ким

йүқлигидан фойдаланиб заргарнинг ишораси билан уни упид қўйди. Заргар қузғолишга ҳаракат қилувди,

- Ака, сизга мумкин эмас!- дея екасидан силаб ётқизди. Заргар унинг иягидан, узига ярашган қоп-қора соchlаридан силади. Ёш аёлда ҳаяжон пайло булди.

- Ака, бирор кириб қолиши мумкин...

- Хусусийлаштириб олган хотинимни силаш мумкин эмасми?

- Акажон, бу ер Тошкент эмас!

- Тузалишим билан Тошкентга олиб кетаман. Бу ер икковимизга хавфли шекилли...

Хосият ерга қаради. Эркаланиш вақти келганини сезди, қаддини тұлғонтириб кузини сұзди. Күксини тулдириб келаётган әхтирос кузларida зоҳир булаётганини билган заргар уни қулидан ушлаб узига тортди. Үпмоқчи булиб юзига яқынлаштирганда эшик тириқлаб қолди ва улар катталар куриб қолишидан чучиб, икки ёнга қочган ёш йигит-қызлардай бир-бирларидан узоклашишди... Ва ... кулиб юборишли.

Врач Хосиятга кетаверишини айтди. Беморга ҳамшира ва врачдан ташқари одам қарааш шарт эмаслигини тушунтириши.

У уйга бориб-ла, Истанбулга қунғироқ қилди. Ҳамкорлар кейинги ҳафта водийга келишаётганини айтганда заргар бежиз гапирмаганини, майда-чуйда, икир-чикирлар билан уралашмасдан асосий иш билан жиддий шуғулланиш зарурлигини яна бир карра ҳис қилди. Акмалга тезда етиб келишини тайинлади. У узида сирли бир дадиллик сезар, ишлари юришиши учун Ҳалимани эсдан чиқариши лозимлигини, яккама-якка курашга чиқолмаслигини тушуниб борарди. Билганини қилсин, мен узимни ҳимоя қила оламан. Эҳтимол Сайд акам айтгандай узи куйган тузоққа узи илинар... Нима булса пешонамдан курдим. Ахир, Худо бор ва у ҳаммасини куриб турибди...

Ҳалима Хайир аканинг олдидан чиқиб, шаҳардаги уйига кетаркан, мияси асалари уясидай ғувиллар, қалбига сонсаноқсиз игнадай санчилаётган саволларнинг қай бирига жавоб беришни билмас, Хосиятнинг далиллари олдида

ожиз эканлигини уйлаб сиқилиб кетаётган эди. "Аслида мен нонкурлик қилдим, нега у билан курашыпман? Товон тулаб бўлган-ку. Худо пешонамга ёзган экан - Ўлмадим. Омон қолдим. Энди Гожи момонинг гаъбирича, Худога шукур қилиб, пул топиб юраверсам булмайдими?"

Ҳалима орада булган воқеаларда узини айблор қиласкан, юрагида енгиллик сезди. Вужудини қамраб олган кек, гинахонлик туйфуси секин-аста чекингандай буларди.

Бундан ташқари, воқеалардан кир қидириб душман ортирадиган булса, узини бой хотинга айланишида сабабчи бўлган Хосиятга қарши юрса, нонкўрлиги утун Худонинг жазоси муқаррарлиги кунглини ғаш қиласди.

Фикрлар хаёлидан утаркан, Авазнинг кечаги гаплари ёдига тушди.

- Хосият билан учакишининг кераги йук! Сени деб уни ташлаб келганман. Энди ишимиз юришиб турганда, узинга душман ортирасанг, бошқа ҳамкор топишумга туғри келади.. Мен "Ласетти" олмоқчиман. Уч-турт марта хорижга бориб келсан, ишимиз даҳшат булиб кетади. Ҳалто Хосият ҳам бизнесимизга тан беради. Душманликни эсдан чиқаради. Бизга дўстона якинлашади. Менимча, уни сенга муносабати асли ёмон эмас!

Ҳалима Авазнинг гапларини ёслади, Хосият билан урталарида булган кунгилсиз воқеадан бехабарлигини уйлаб, ичиди бир хурсиниб қўйли...

Аммо у Авазнинг гапларига амал қилмай иложи йук. Иши юришяпти. Даромад кўпайди. Бизнеснинг янги-янги турларини уйлаб топяпти. Унинг одати - хориждан катта мол олиб келяпман, деб тиниб турмайди, вақтдан унумли фойдаланишига интилади. Ҳалима фойдани куриб кувонади. Миясига қойил қолади. Бир неча кун аввал шидлат билан бозордан келди-да, беш минг доллар пул суради.

- Нега? - деди Ҳалима таажжуб билан.

- Ҳозирча сир, лекин фойласи нақд.

- Ишончли одамларми?

- Ҳаммасини танийсан. Вазият шунаقا булиб қолди.

Бир ҳафтадан кейин Аваз унга беш минг долларни қайтарди ва ёнига минг доллар кушиб берди.

- Нима иш қилдинг?- деган саволига:

- Билишинг шарт булса айтай: битта танишим пулга мухтох булиб янги "07" сини сотувга қуйувди. Вазиятдан фойдаланиб қолмоқчи булган харидорлар машинани ерга уриб ташлади. Мен эса уни уч минг арzonига - беш минг долларга сотиб олдим. Бир ҳафтадан кейин эгаси машинамни қайтариб оламан деган эди. Нархини берасан дедим. Вазиятдан чиқарганим учун етти минг доллар узатди. Мен рози булдим. қалай?

- Ёмон эмас! Лекин у норози эмасми?
- Аксинча, хурсанд. Беш минг доллар билан деярли шунча пул ишлабди...

Ҳалима шуларни уйлаб кетаётганда телефони жириングлади. Мутлақо нотаниш рақам. Ҳайрон булди. Күнгли ҳижиллашди. Ҳатто бир неча марта жиринглаб турса ҳам уланмади. Яна құнғироқ келди. Бөгланса нохуш хабар келадигандай юрагига ғулғула тушиб, узини нокулай сеза бошлади...

Ниҳоят, учинчи марта қунғироқ келганда боғланишга мажбур булди.

- Менга Ҳалимахон керак эди. - Мулайим аёл овози Ҳалимада юракка ғулғула соладиган даражада шубҳали эмасди. "Бекор чучиган эканман!"- қүнглидан утказди у. Аммо бефарқликқа берилмади.

- Эшитаман, опажон!
- Бизнес масаласида ишим бор эди. Уйнингизга борсам, икки-уч кундан бери келмаётган экансиз.
- Ҳа, сафарда эдим.
- Мен подъездингиз рупарасидаги скамейкада үтирибман. Опангиз ўргилсін, озгина вақтингизни аяманг!

Аёлнинг гапиришида аллақандай танишлик, унүтилган воқеаларни эсга соладиган бир нарса бор эди. Вақт қисқа бўлгани учун Ҳалима уни эслолмади.

- Беш-ун минутда етиб бораман. Жа, шошилинч эмасми?
- Йук! Озгина маслаҳатли иш холос...
- Куришамиз.

Аваз уни "дом" олдига ташлади-да, Олматага "КамАЗ" гаплашиш учун питакка кетди. Ҳалима подъезд олдига келганда қорача аёл скамейкада ултирап, қарашларими, лаби ёнидаги кулдиргичими, - танишга ўхшарди. Сураш-

ганди ҳам уни қаерда курганини эслолмади. Фақат уйга кириб, юзларига фотиҳа торгишгандагина у билан Москвада бирга ишлаганини эсладио, юраги "шув" этди. Куз олдига учала аёлдан уғирлаб қочган ўн минг доллар келдио, ранги қув учди, оёқ-кули қалтираб, тузоққа илинганди одамдай талвасага тушиб қолди. Аёл эса, Ҳалима ўтган воқеаларни эслаганини сезиб, ғазабини ичига ютди ва бутун нафратини кузига жойлаб унга тикилди. Ҳалима ўлжасини авраётган илонга қарагандай, қўрқа-писа унинг кўзларига назар ташлаб қўрқиб кетди.

- Мени танимадингиз шекилли, а?

Аёл овозида мулойимлик йўқолган, "қулга тушдингми, қочиб қаёққа борардинг, танимасликка олма! Энди қилмишларинг учун жавоб берасан!" деган нафратомуз оҳанг бор эди. Ҳалиманинг ички қуввати тукилиб борарди. Авазни жунатмасам буларкан, деган фикрга борди.

Аёл қул телефонини олиб аллақайси рақамга гудок ташлади. Ҳалиманинг ваҳимаси кучайиб, вужудини ушлаб турган нозик иплар секин-аста узилиб борарди, ўртадаги сукунат юракни эзадиган даражада оғир ва изтиробли эди.

- Опа, менда нима ишингиз бор эди?

Аёл Ҳалиманинг оғир ҳолатга тушиши режалаштирилган натижадек хотиржам эди

- Наҳотки, қандай иш билан келганимни сезмаган булсангиз?- аёл нафрат билан сўзларди. - Шу қадоқ қўлларимга қараб, - аёл икки кафтини унга узатиб ёзди, - Москвадаги оғир кунларни эсламадингизми?

Ҳалима туни билан ошхонада картошка тозалаб, сабзи тургайвериб мадори қуриган оғир дамларни эслади. Пул уғирлаб қочгани хотирасига келиб уятдан қип-қизариб кетди. Ер ёрилсаю кириб кетса, аламзада аёлнинг нафрат ва ғазаб тулган кузларига қарамаса! Тирикчиликдан қийналган, кечалари ухламай қирқ даража совуқда ижара уйга пиёда келганларини эсларкан, қанчалик бағритошлиқ, пасткашлик қилганига амин булди. Уша пайтда бири тўй қиласман, иккинчиси, катта углимга уй қураман деб ишлатётгани, энг ёмони, Санобар опа икки етимни бокаман деб бегона юртларда юрганини уйламагани учун узини ёмон куриб кетди. Жавоб берадиган, жабрдийдалардан оёғига

ётиб кечирим сурайдиган пайт келдими? Иш осонликча битса-ку яхши, товон талаб қылса ҳам оз. қайтар дунё деганлари шумикин? Хосиятдан товон ундирганимни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Эй Худо! Үзинг шарманда қилма! Гуноҳларимни кечир!"

Кутылмаганда эшик зарб билан тақиллади. Ҳалима дик этиб ўрнидан турди-да, эшикка якинлашди.

- Ким у?

- Оч!

Ташқаридағи одам кутмади. Зарб билан итарувди, эшик Ҳалиманинг билаги аралаш елкасига урилди. Гавдасига яраша баджаҳл одам:

- Бизнинг хотин қани? - деди дағал овоз билан коридорга кириб келаркан. "қамалиб чиққан одам" деб үйлади Ҳалима құрқинчли башарасига қарапкан. "қамалиб чиққан одам" нинг салобати, шаҳди шу қадар кучли әдики, ҳеч ким ортига қайтаролмасди.

- Келинг амаки! - деди Ҳалима уни юмшатиш учун.

- Ҳа, келдим. Ҳалима бўлсанг керак, а?

- Ҳа, ушаман!

- Хотинимнинг пулинин үғирлаган сен экансан-да?

- Туғрими?

- Ичкарига киринг, bemalol гаплашамиз!

У қушнилар эшитиб қолмасин деб секин гапиравди.

- Биринчи уринда пулни тула, уша ун мингни ҳаммасини бирданига берасан!

ЗИК Ҳалимага қараб беухшов ишшайған эди, оғзидан ароқ ҳиди анқиди. У буйдор ва семиз, туриши юз килодан ошиқ, - яшин тезлигига чақирса ҳам Аваз унга бас келолмайди.

- Амаки, бир пиёла чой ичинг! Кейин масалани ҳал қиласкерамиз.

ЗИК аёл ён бергани учун пулни ундириш мумкинлигини сезди ва коридор уртасига қирқ олти размерли туфлисини ечиб Ҳалима бошлаган хонага кирди. Аёлини куриб, сал юзи ёришди.

- Нима булди, хотинжон, пулни ундиридингизми?

- Ҳозир гаплашамиз, дадаси, бироз утириб туринг.

- Э-э, раз шу хотин олганми? Давай берсин, биз ҳали Тошкентга кетишимиз керак. Уч минг доллар пул деб орқанғдан уч қундан бери юраман. қамоқдалигимда қун-фироқ қилганингда шу чоққача пул чунтагимизда бўларди.

Аёл Ҳалимага қаради.

- Эшитдингиз, а? - деди аёл қузларини луқ қилиб. Лекин Ҳалима бир қарорга келмаган эди. Аччиқ надомат туйфуси туғри қарорга келишига ҳалақит бераётган эди.

- Сиз пулимизни үғирлаб қочган эдингиз. Уша вақтда қидиролмадик. Москвадан қайтгандан кейин изингиздан тушдик. Омадимиз бор экан, ўртоғингиз билмай манзилингизни айтиб қўйди.

Аёл хотиржам гапиргани учун Ҳалима ҳам анча узини босиб олди.

- Учала аёл бизни вакил қилиб юборган! Ун минг доллар беришинг керак. Агар тонсанг, агар тонсанг, сени узим асфаласофинга жунатаман! Менга барибиру манавинга қийин булади, - деди эркак хотинини курсатиб, - яна болаларни узи боқади. Мен келиб кетиб юраверадиган одамман. Аммо-чи,- у Ҳалимага яқинрок сурилди, - сенга ҳам қийин булади, ёш жонингда қих,- курсатгич бармоғини кекирдагига кундаланг юргизди, - ёш жонингда у ёққа кетворасан. Шунча молу давлатинг аллакимларга қолади. қани давай, ун минг долларни чиқар.

Ҳалима талмовсираб қолди. "қамалиб чиққан одам" ёнидан овчиларникидай каттакон пичноқ чиқариб столга санчди.

- Тезроқ бўл! Мен ҳазиллашишни ёмон кўраман!

Ҳалима нажот истагандай аёлга қаради. Аммо у "хужай-иним шунақа" дегандай қулинини икки ёнга ёзиб елка қисди.

- Сенга беш минут вақт бераман. Пулни столга қўйсанг, процент олмайман, қўймасанг, ун уч минг қилиб тулайсан! Тушундингми?

"қамалиб чиққан одам" кўзларидаги ғазаб ва қатъият Ҳалимани чучитиб юборди, яна дагдаға қилди.

- Тез бул, сени томоша қилгани келмаганман.

Ҳалима нима қилишни билмай турганда эркак столга соат қўйди.

- Эслатиб қўяй: вақт кетди!

У ёнидан сигарета олиб чека бошлади. Паға-паға тутунни хузур қилиб тортаркан, Ҳалимага соатни кўрсатди. Оғир сукунат аёлнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилаётган сасиз-садосиз ҳукмга ўхшарди.

- Ҳа айтгандай, эшик қалити қани?

"қамалиб чиқсан одам" мақсадни фаҳмлаб қурқув ичида коридорга чиқди-да, қалитни суфуриб, унга келтириб берди. У пичоқ билан соат ўртасида қўйди...

Вақт Ҳалимани сиқувга олаётган эди. Бирор хушини олиб қўйгандай мияси яхши ишламас, олдида турган жиддий муаммони ечиш учун тафаккури тагчарми ейилган туфли яхмалакда сирпаниб кетаётгани каби аниқ бир чорани фикр қилолмас эди... Миясини бирор караҳт қилиб қўйганга ўхшарди. У талвасага тушиб қолди. Сандиқчасида нари борса уч минг доллар пули бор. қолганини қаердан топиб беради?. Авазни чақириш учун телефонга ёпишиди. Атайлагандай хизмат доирасидан ташқарида экан... Баёз-хоннинг ёрдамчиси Нурилло ҳам трубкани кутармади. Устознинг ўзи эса ўчириб қўйибди.... У тузоққа тушган қушдай нажотсиз қолди. Англадики, ЗИК атайлаб беш минут вақт берган...

Ҳалима пулдан ажраб қолишдан эмас, ҳисоб-китоб тугагач, жазолашларидан қўрқиётган, столга санчилган, тифи ярқираб турган пичоқ хаёлидан кетмай, юрагига қурқув солаётган эди, "қамалиб чиқсан одам" аёли олдида унга нисбатан шармандали жазо қуллашини уйласа, кинолардаги қулга тушган айборлар азоби эсига тушар эди. У коридорда турганда ичкаридан овоз келди.

- Хей хотин, бу ёққа қара-чи!

Овоз шу қадар қупол ва даҳшатли эдики, Ҳалиманинг бошига Мункарнакир гурзи билан ургандай, аввал вужуди, кейин юраги зирқираб кетди. Ажал қувлагандай, куз очиб юмгунча унинг олдида пайдо булди.

- Кўряпсанми? - деди соатга ишора қилиб, - вақтинг тугади!! қарзинг ун уч минг долларга етди! Тушундингми?

Ҳалиманинг вужудини қурқув қамраб борар, овоз чиқариб гапиришга ботинолмас эди.

- Икки соат кутаман, агар ун уч минг долларни олиб келмасанг, - у пичоқни столдан суфуриб, томоғига яқин-

лаштириди,- молдай бўғизлаб ташлайман. Кўксингни ти-либ "УФРИ" деб ёзиб қуяман. Аммо ҳақимни қолдирмай-ман: тилла тишларингни сугуриб, тақинчоқларингни юлиб оламан, машинангни Тошкентга миниб бориб, болаларга берсам, запчас қилиб сотиб юборишади...

Ҳалима ётоқхонасига кирди-да, сандиқласидан уч минг доллар олиб чиқди. Сўнг сумкасини елкасига илиб жуна-ётганини сезган "қамалиб чиқсан одам":

- Кечиксанг, ёки органга хабар берсанг уйингга ўт қўйиб кетаман! - деди қатъий.

- Вақтида келаман...

- Сенда одамгарчилик йўқ экан. Бирга ишлаган аёл келди, ҳатто чой қўймадинг! Пулга муқкасидан кетган очофат экансан, ошхонангдаги нарсаларни курсат, узимиз овқат тайёрлаб еб турамиз! Ҳа айтгандай, қочиб кетишини хаёлингга келтирма, Америкадан бўлса ҳам йигитларим оёғингни ерга теккизмай олиб келади. Жон керак бўлса вақтида келасан. Яна ун минг доллар қарзинг қолди, шошил, вақт кетди!!

"қамалиб чиқсан одам" соат билан пичоқ уртасидаги калитни унга узатди...

- Калит ичкарида қолсин!..

Ҳалима кўркувнинг зўрлигидан кўчага қандай чиққанини, машинасини ўт олдирганини, шаҳардаги уйига қандай етиб борганини билмайди. Назарида, икки соат - бояги беш минутдай тез ўтиб кетаётганга, столга санчилган пичоқ ҳаллод қиличидай бошида ярқираб турганга ухшарди...

\* \* \*

Хайир аканинг оғзи маҳкам, қийналса ҳам олган пулини ҳалоллаб қуядиган, ҳисоб-китобли, эҳтиёткор эканини гапириб юришларини Хосият билан Акмал куп эшифтгани учун нашазордаги фаолиятини давом эттиришига рози булишган, наша сотилиб, ҳаққини олгандан кейин эса Хосиятга алоҳида раҳмат айтган ва меҳнатга рози эканлигини билдирган эди. Ҳатто кетар чоғида хизматга тайёр, ўзига ишонишлари мумкинлигини билдиргани ҳамон эсида. Шу одам Ҳалиманинг чирмандасига уйнайдими?

Пулга сотилдими? Ё бошқа иш бормикин? Балки Ҳалима құрқитиши учун үйин қилаётгандир? Акмал шуғулланиб күрса, гап нимадалиги аён буләди...

Хосиятнинг хаёлларичувалашиб кетди. Фикрлари охирiga етмаслигини сездию, вазиятдан чиқиш учун чора куриш лозим деган қарорга келди. Буларни Саид акасига билдирмаслик учун олдига ҳамширани қўйди-да, ташқарига чиқиб Акмалга кўнфироқ қилди.

Акмал яқинда экан, беш минут утар-утмас етиб келди. У муддаони тушунгандан кейин уйланиб қолди.

- Бугун Хайир акани Ҳалиманинг машинасида куриб, юрагим "шув" этганди. Улар нега бирга юришибди деб уйладим. Авазни биздан тортиб олди, энди Хайир акани ҳам үзига оғдирмоқчи эканию, наша масаласида тил бириктириши хаёлимга келмабди.

- Шу бугуноқ тагига етиш керак.
- Менимча, ҳозирдан ваҳимага тушмасдан хотиржам шуғуллансанк яхши бўлармикин?
- Нега ундей деб ўйлайсан?
- Ҳалима спектакль қўймоқчи булаётгандир-ла!
- Сабаби?
- Гигант мафиозлар пешонасига туппонча гираганда гапирмаган Хайир aka Ҳалимадай чувириди хотинга алданиб кетмаса керак!
- Катта пул ваъда қилган бўлса-чи?
- У пулга сотилмайди, сузидан қайтадиган одам эмас!
- Сен бугун шуғуллан, ортимизни текислаб қўйганимиз маъқул. Эртага битта bemazанинг гапи деб анча пулга тушиб утиришни истамайман.

- Яхши!

Хосият касалхонада қолди, Акмал Хайир аканинг телефон рақамини топди. Аммо учирилган экан. Машинани ўт олдириди-да, уйи томон йул солди. Умид билан эшик кўнфироғини чалган эди, йигирма сшлардаги арманисифат йигитча чиқиб дадасининг шаҳарга кетганини, кечга томон қайтишини билдириди. Ва совуққина хайрлашиб кириб кетди.

Акмал Хайир акадан хотиржам, аммо Хосиятнинг гапидан кейин юраги фаш булиб қолди. Наҳотки, у Ҳалимага

сотилса, иродаси мустаҳкам: ўн сотихлаб наң изорга қарайди, аммо бир тортим чекмайди, уч ойлаб ынга келмасдан экинни парваришлайди, бирор марта нолимайди. Хизматининг баҳосини яхши билади ва зимдан билдириб қуяди, шунинг учун берилган суммага эътиroz қилмайди. Бирорнинг сирини бошқасига гапирмайди. Ваъдаси-нинг устидан чиқиб, қазо-казоларни қойил қолдириб, уялтириб келган.

Кутилмагандаги Акмалнинг омади чоңди: айлана йулдан марказга бурилаётганда Хайир аканинг эски "Тико"си куриниб қолди, қувиб утиб олдига тұхтади.

- Мени ким деб үйляяпсиз, ука?- деди Хайир ака Акмалнинг галидан кейин, жаҳлини яширишга интилиб,

- Хайир аканғиз әлликдан үтганда хиёнат кучасига кирмайди. Мен лафзни бир куза тиллодан афзал биламан. Буқаламун булганимда аллақачон миллиардер булардим.... Мендей ғарифни нечун йүқлаб қолдиларинг десам, мақсад шумиди? - деб қолди.

- Ака, сиз мендан ҳафа булманг, сизга ишонмасам гаплашармидим.

- У хотин олдимга келди. Нашазорга қоровуллик қилишда анча тажрибанғиз бор экан. Хосиятнинг нашазорини пойлаб берган экансиз, менга ёрдам беринг деб қолди.

- Сиз нима дедингиз?

- Үхшатиб жавоб қилдим. Сизга ким айтди, дедим үзимни жаҳлим чиққандай курсатиб, у саволимга жавоб бе әолмади. қандай иш билан шуғулланишни үзим биламан. Хосиятнинг наша экканини билмайман, олдимда гапирман! - дея пуписа қилсам, ранги оқариб кетди. Ишончли одам топиб беринг деб ялинди. Ҳатто кузига ўш келди. Назаримда, важоҳатимдан курқиб кетди шекилли,

- деди у.

- Кейин нима булди?

- Эрталаб уни бир уйга олиб бордим. Эшигига калламдай қулф солинган экан, қүшнилардан сўрадик. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди.

- Аслида-чи?

- У одам аллақачон Россияга кучиб кетган. Уйни олган киши эса хорижда ишлаётганини яхши билардим. Ука, мен

ер тагида илон қимирласа биламан. У аёлнинг Ҳосият билан ғанимлиги бор.

- Нимадан?

- Уни билмайман. Одамлар уртасида ҳар хил гаплар юради. Ҳаммамизни "тупик"ка тиқмасин деб уша ерга бошловдим-да!

- қойил, aka! Ҳурсанд қилдингиз. Лафзида турадиган инсонлиғингиз учун сизга хурматимиз баланд...

\* \* \*

Ҳосият уйдан хабар олиб, ресторанга бориб келиш учун кетганди. Озиқ-овкаг магазинидан чиқиб касалхонага кириши билан таниш ҳамшира унга юзланди

- Тезроқ хонага боринг... - деди.

- Тинчликми?

Ҳамшира "Ие, ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми?" дегандай ғалати қараб қўйди. Кунглига тумандай хавотир оралаган Ҳосият заргар ётган палатага югорди. Иккита врач, бир неча ҳамшира Сайд акасининг тепасида турар, осма укол уланган, пешонасига докани намлаб босилган эди. Эрини бирор бир нарса қилиб қўйгандай ваҳимага туша бошлади. Қизариб кетган юзида қорайиш, изтироб излари куринарди. Бошининг дока боғланган жойидан озгина қон сизган, ҳамшира докасини янгилаган булса ҳам қизил доғлар яққол билиниб турар эди. Ёшроқ врач заргарнинг билагини очиб алланарса суртаётган, каттароги юрагини эшитиб кўраётган эди. Ҳамширалардан бири эса қон босимини улчаб куриш учун тайёрланаётган эди.

У кимдан нимани сурашни билмай гангиб турганда каттаси ишини тутатди.

- Нима гап, доктор? - деди аллақандай титроқ билан.

- Аввал узингизни босинг, синглим. Озгина ҳарорати кутарилди, қон босимида узгариш бор, ҳозир таҳлил учун қон олдик. Натижа тайёр булгандан кейин сизни хабардор қиласиз. Ортиқча ташвиш қиласиган жиддий дард йўқ....

Ҳосият автоҳалокат кунидагидан бешбаттар ваҳимага тушди. Миясига Сайд акасидан ажраб қолиш фикри

келганда қалбини совуқ бир түйфу эгаллаб олган, ахвол жиддий, аммо врач менга юмшатиб гапиряпти, деган фикрга борганди.

- Боягина, - деди у босими кутарилишига кетиб қолгани сабабчидай таажжубини билдира бошлади,- бир чиройли ётувдилар.

- Синглим, беморнинг боши ойнага урилган, қон кетган, ёрилган жойларини шиша синиқларидан тозалаб ташлангимиз, битта-яримта микроб тушган булса озгина безовта қилиб туради. Секин-аста йуқотамиз. Бу киши кўз очгандан кейин уйқудан турган одамдан муомала қилишни унутманг...

- Хуп булади, доктор...

Врачлар чиқиб кетгандан кейин осма дорининг кетишини назорат қилиб турган ҳамширагина қолди. Хосият хаёллари билан андармонлигидан фойдаланган ҳамшира бирдан суз бошлади.

- Опа, - деди ер остидан унга ҳавас билан боқаркан, - туйларингиз зур булибди, а? - унинг кўзлари порлаб, юзлари қизариб ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди, - Озодбек Назарбеков келгани ростми? •

Қизнинг ҳаваси, ўзи тенгилар фикрини ифодалаётганини сезган Хосият ич-ичидан фуурланиб қўйди. Туй банкети ҳамма ерда овоза булганига энди ишонч ҳосил қилди.

- Диски бўлса бир кўрсак, майлими?

- Эртага тайёр булади дейишган.

- Биз билан уқиган қизлар, сураб куринг, деб илтимос қилишувди.

- Олиб келсан албатта, бераман...

- Раҳмат, опажон, мен нокулай булмасмикин, деб аранг сурагандим. Хурсанд қилдингиз. Илоҳим, хўжайнингиз тузалиб кетсинлар..

- Раҳмат, синглим!

Хосият ҳозиргина ишини тугатиб нарсаларини йифишириб чиқиб кетган қизнинг порлоқ кўзидағи ҳавасни эсларкан, юрагида ширин бир фуур ва ҳузур туйди. Ухлаётган Саид акасига қаараркан, унга соғлик, узоқ умр, ёмон кўзлардан Худо асранини тилади. Пешонасига қулини қўйди. Иссифи йуқ. "Хайрият!"- кунглидан уtkазди. Тусат-

дан "Нокиа"си сайраб юборди. Бу хизматкор аёл эди.

- Хосиятхон, Сайджон тузукмилар?
- Анча яхшилар.

Аёл бироз жим қолди. Хосият ҳайрон булди.

- Тинчликми?
- Айтишга тилим бормаяпти....
- Нима гап? - чучиб кетди Хосият.
- Уйга кела оласизми?
- Тезроқ тушунтирангиз-чи?
- Уғлингиз...
- А? Нима булди унга?
- Ҳозирча тинчлик... Аллакимлар угирилаб кетганмиш...
- Ким айтди буни? - Хосиятнинг юрагига совуқ бир ваҳима, титроқ ёпирилиб кирди.
- Дарвозахонага компьютерда ёзилган хат ташлаб кетишибди.
- Қачон?
- Бир соатча олдин куриб қолдим... Тезроқ келсангиз, курқиб кетяпман. Хат ваҳимали....

Хизматкорнинг овозидаги титроқ ва қурқув Хосиятга ҳам юқди: күксини совуқ ҳиссисёт эгаллади. Заргар алаҳсираб уйфона бошлади. Юзи докадай оқариб кетган, худди уликтининг рангига ухшарди...

Хосият қайси томонга қараши билмай шошиб қолди. Юрагининг бир чеккасида үғли, иккинчи бурчагида заргар нажот кутгандай мултираб тургандай. Касални ташлаб кетгиси келмай, врачни айтиб келди. У заргарнинг юрагини эшитиб курди. Назариди, қон босими тушиб кетгандай таассурот қолдирди шекилли, врач ҳамширага алланарса деди, у шошилганча ташқарига отилди.

- Доктор, нима бўляпти узи?
- Үзингизни босинг, ҳозирча бир нарса деёлмайман. Юракка қувват берадиган бирор нарса юборишимиз керак, мана шу дориларни тез етказиб келинг! - у Хосиятга ер остидан қаради. Врач ҳақиқий ҳолатни айтмаяпти, дегандай юраги ғаш торта бошлади. Дорихонага югуаркан, упкаси тулиб йифлагиси келар, қўксини тирнаб турган бесаранжомлик баттар хуруж қиласарди. "Уғлимга нима бўлдийкин? Кимлар қилдийкин бу ишни?" Дорихонадан

қайтаркан, оёқлари қалтираб тез юролмас, күркүв ва изтиробдан нафаси қисилиб борарди. Касалхонага кира-веришида Акмал эсига тушиб қолди. Телефонини сумкаси-дан олаётганды "Тез ёрдам" булимига үтадиган йулда унинг машинаси кўринди. Яшин тезлигида келиб оёғи остида тўхтади.

- Тез булинг, кетдик!

Хосият Акмал ҳаммасидан хабардор эканини тушунди. Ва "Ҳозир" деганча палатага кириб кетди.

- Доктор, вазият қанақа?

Врач лабларини тишлиб бошини қимирлатди. Кўзлари ташвишли, кутилмаган ҳолатдан бироз қайғули эди.

- Ёмон эмасу, энди иситма кутаряпти!

Хосият заргарнинг пешонасига кафтини босди. Иссиқ!

- Нега?

- Конга микроб тушганга ухшайди.

- Биргина микробга шунчаликми?

- Кон таҳлиллари чиқса биламиз.

Хосият бироз ўйланиб тургандан кейин врачга юзланди.

- Ойна теккан жойларидан бир неча кундан бери қон тўхтамаётганига ҳайронман, доктор?

- Биз ҳам ...

Хонага оқ ҳалати остидан адрес куилаги куриниб турган ёшгина амалиётчи ҳамшира кириши билан Хосиятнинг хаёлига келди.

- Доктор ўзингиз бир нарса қилиб туринг, мен бироздан кейин келаман...

Врач ҳайрон булганча бир Хосият чиқиб кетган томонга, бир ҳамширага, бир чўғ булиб ётган заргарга қараб ҳайрон бўлди.

- Тавба, эридан муҳим нима бор? Бизнесменларгаям қойил қолмайман: пул деса ҳамма нарсадан кечворади!

Хосият Акмал билан ҳовлига кириб борганда хизматкор хурмо остига қўйилган сўрида қунишиб ўтирад, уларни бетоқат кутаётгани билиниб турарди.

- Хат қани?!

Иккаласи бирданига хизматкорга яқинлашди.

Аёл хонтахта тагини кўрсатди, қўллари қалтирас эди.

Хосият хатга қул узатиши билан Акмал бақириб юборди.

- Хосиятой, тегма!!

\* \* \*

Халима Хайир аканинг бунчалик содиқ, забардаст инсонлигини билмаган, озгина пул берсам, касалхона қорувулига үшшаб эшикни очыб беради леб уйлаб янгишган экан. Күзларидаги қатыяят ва нафратни куриб қурқиб кетди. "Сизга буни ким айтди?" деб қараши юрагини тешиб юборай деди. Күкси титраб, олдиде чукиб қолди. Ҳатто ипи үзилгап маржондай атрофга сочилиб кетгандай булди. У "Орамиздаги гап-сузни Хосиятга айтади" деб уйлагани учун юрагига ваҳима ин қуриб борар, эрта-индин мени суд ёки прокурорга ёзиб беради деган құрқұв күксини тирнар эди.

Уни уйига ташлагани борганды машинадан тушиб, дарвозасига яқынлашган Хайир аканинг олдига үтди.

- Сиздан битта нарсаны илтимос қымбаттың қылмоқчиман, амаки!
- Бемалол.
- Орамизда булган гапларни Хосият билмасин деган умидда эдим. Шундоғам үртамизда совуқчилик бор, янаям чуқурлашиб кетиши мүмкін...
- Отанғ тенги одамга гап үргатиб овора булма, кимга нима гапиришни яхши биламан!
- Мени кечириңг, амаки, ёшлик қылдым.
- Үзингни босиб ол. Одамларим хориждан "Камаз"да юк олиб келмаса ҳам, пулим сеникидақа күп булмаса ҳам эсхүшим, одамгарчилигим жойида.
- Раҳмат, амаки!

Хайир ака уйига кириб кетгандан кейин Ҳалима дарвоза олдиде бир нафас үйланиб қолди. У билан учрашиб, асоссиз гаплар айтиб хато қылганини тушуниб етаркан, Баёзхондан беркитиб қылган ишлари юрагида муштдай түгунга айланди.. Уйга кетишини ҳам, шаҳарга боришни ҳам билмасдан аросатда қолди. Хайир ака уттан ишларни Хосиятга айтмаса ҳам, маълум қисмини етказиши мүмкінligини үйлаб юрагига ғулғула түшди. Хосиятта қарши фитна үйлаб топиши, уни құрқитиши керак. Токи у қарши курашдан узини тийиб юрсин. Лекин нима тадбир қуллайди? Ҳозир ишончли одам топиш қийин!

Машинани шаҳар томон бураркан, ақлли гап илинжида Авазга қунғироқ қилди. Ағсус, телефони үчирилған экан. Ноиложликдан юрагини бетоқатлик тумани урай бошлади. Рұхиятида беҳаловаттік, асабларидә зуриқиши күчайди. Ўйлаб-уйлаб Тожи момонинг олдига боришиңа қарор қилди, аммо бу фикр ҳам таскин бермади. Ҳозирги вазиятда Тожи момо түғри йул курсатишиңа қодир эмасдай туюлди. Таваккал қилиб шаҳарға, Чорсу марказида доллар айрибошлайдиган, қарздорларни қақдорларға "разбор" қилип пулини үндериб бералиған, буюртма буйича бирөвларға пуписа қилиб қоядиган, узгани обрусизлантириш учун шармандаликтан қайтмайдиган нұсхалар олдига борди ва битта ишончли одам топиб, хизмат ҳақини келишди ва Хосиятнинг үғли үқийдиган мактабни курсатди...

\* \* \*

- Нима дейсан?
- қогозга тегма! Уни экспертизага бериш керак, бармоқ излари йүқолиб кетиши мүмкін.
- Вой үлай! Нима бўлди дебман! - куйлаги ёқасини очиб ичига пуфлади хизматкор аёл.
- Ахир хатни укишимиз керак-ку!
- Хонтахтани кутарамиз!

Ярим варақ хат палос устида буқланғанча турад, укиш учун уни ёзиш керак эди. кимтиниб турған хизматкор аёл гуноҳкордай бошини эгиб олии.

- Мен ушлаб үқиганман...
- Икковлари "ялт" этиб унгә қарашибди. Ва ҳафсаласи пир бўлган одамдай бушашиб кетишли.

- Нотўғри қилибсиз!
- Ахир нима ёзилганини билиш керак эди-да, қизим!

Ақмал бироз уйланиб турғач,

- Тұғри! - деди Хосиятга қараб. У даструмоли билан хатни ушлаб икки тарафға ёзди. Компьютерда катла ҳарфлар билан ёзилған экан. Икковлари шошилиб куз юргутиришидию, қурқиб кетишли. Хосият бармоқ изи тушишини уйламай хатни турт буқлади-да, Ақмалға юзланди:

- Нима қиласиз? - уннинг кузлари жиққа ёш эди.
- Милицияга хабар берамиз...

- Бошқа чораси йүқми? Шантажиларнинг эсини кири-тиб қуядиганлар бор деб гапиргандай бўлувдиларинг! Ҳозирча шов-шув қилмасдан ўзимиз шуғулланиб кўрай-лик.

- Унгача ўғлингта шикаст етиши мумкин...

Хосият бешбаттар қўрқиб кетди. Оёғи титраб, қўллари шалвираб қолди. Асаблари таранг тортилган куйи тезроқ бўлмайсанми, дегандай хўмрайиб қаради.

Акмал телефонини олиб рақам терди. Четроқقا ўтиб, икки-уч киши билан беш минутдан ортиқ гаплашди. Бироздан кейин Хосиятнинг олдига келиб, жиддий қиёфада топшириқ берди:

- Сен уйда тур, мен одам топдим!

У машинани тезлик билан ўт олдирди ва бир сонияда кўздан фойиб бўлди...

Хосият бошини чангллади, қайфу юрагини кемираради: "Сайд аканинг аҳволи нима кечдийкин? Ўғлимга зиён етмадимикин?..."

Ваҳима кучайиб борар, хаёлига ёмон фикрлар келиб, кўз олди қоронғилашаётган эди. Бирдан... бирдан... куча тарафдан ўғлининг қувноқ овози эшитилди. У "ялт" этиб уша томонга қаради.

- Ойижон, мен келдим!

У югуриб борди-да, ўғлини бағрига босди. Кузларидан тўклилаётган дув-дув ёшларни артиш ҳам хаёлига келмай, юз-кузларидан упа кетди.

- Қаерда эдинг, асалим?.

- Ҳеч қаерда! - уйдаги вазият, ойисининг аҳволидан бехабар бола ҳайрон булганча бемалол гапираради, - менгачи, битта амаки роса ширин музқаймоқ олиб берди. Ойингга олиб бораман деди. Қизим бор, таништириб қўяман, икковинг бирга ўйнайсизлар, ёзда лагерга бераман, деди. Кейин биз расмга тушдик.

. - Уша одам биланми?

- Ҳааа! - ўғли чузиб гапираради.

Хизматкор аёл ўғлини Хосиятдан оларкан:

- Асалим, ҳаммамизни қурқитиб юбординг-ку! Худога шукр, тан-жонинг соппа-соғ экан, деди.

Кутилмаганда Хосиятнинг "Нокиа"си сайраб юборди.

Акмалдан хабар келди, дегандай төзда уланиш тутмасини босди.

- Эшитаман! - Хосият шошилганда экрандаги рақамга қарамади.

- Ҳозирча үғлинг эсон-омон. Огохлантиришни тушунгандирсан. Агар бир кишилик юрмасанг, хатда нима ёзилган булса, ушани қиласыз, куза-куза тиллаларинг уни құтқаролмайди, тушундингми?!

Алоқа узилди. У шошилиб пүпіса келган рақамга қаради. Афсус, махфий экан!

Хосият Акмални қайтариш учун унинг рақамини босди. Уланиши билан:

- Тез қайтиб кел, үғлим топилди!- деди.

- Ростданмі?

- Ҳа...

Нафаси қисилиб томоғи күйгани учун столдаги чойдан бир хұпловдиямки, яна телефони сайради.

- Хосиятхон, мен Сайджоннинг даволовчи врачиман, зудлик билан етиб келишингиз керак.

- А?!.. - унинг күзләри ҳайратданми, құрқұвданми катта-катта очилиб кетганди...

\* \* \*

Халима ёлланма қурқигувчы билан ҳақини келишаёт-ганды умуман тортишмади. Таалаң қылған пулға рози булди.

- Ҳаммасини театрдагидан бешбаттар үхшатиб құяман!

- деганди у қип-қизил маңбусникига үшаш кузини ханжардек қадар экан.

Бугун ҳақини олиб кетаётганды Халимага айёrona иршайди:

- Хоним, шунақа хизматлар булса доим тайёрмиз. Истаган вақтингизда Чорсудан топасиз, фақат бугунгидай

сийлик қилиб турсангиз бас, шаҳардаги унча-мунчасини

тта пүпіса билан юрагини қинидан чиқарворамиз.

Дугонангиз бир неча күн узига келолмайди, сизге умуман дахл қилолмайди. Бемалол бизнес қилиб юраверасиз. Мен

йулини тозалаб берганлар бой булиб, қиролдай яшапты!

Акс ҳолда бир-бирини еб, узи ҳам адo буларли.

Халима гапларни мулоҳаза қиларкан, асосли эканига тан

берди, гарчи күчада юрган безорига үхшаса-да, гаплари замиридағи фалсафани ҳис қиларкан, узи қандай қоидага амал қилаётганини билгиси келди, аммо күнглида ақли етмайдиган тушунчаларга түмшүгимни суқиб нима қила-ман деган фикр құзғалдию, асосий ишдан чалғымасликни лозим қурди.

Дам олиш ниятида тумандаги уйи томон учеб бораркан, бугунги ишидан үзини мустаҳкам сезиб, күнгли хотиржам тортган бұлса ҳам, устозидан яшириб қилаётганды гуноҳлари күпайиб бораётганидан ҳижил эди. Үзини ҳимоя қилиш учун унга мурожаат қылса сирлари очилиб қолади, обрү-сидан ажрайди, гурухдан ҳайдалади. Тожи момога гапи-риб, ичини бүшатиб олгиси келардию, орият түйгуси тилини ичкарига тортиб қуярди.... Айби очилса, момо-нинг ихлосини қайтади, дуолари ижобат булмай қолади, үйлаб-үйлаб үзини тийди.

Аччиқ чой ичди, телевизор куриб дам олди. Диванга ёнбошлаб күзи илинганды митти телефони үйфотиб юбор-ди.

- Ҳалима!

Авазнинг уктам овози. Кайфияти баландлыги, хотиржам қунғироқ қилаётгандыги нафасидан билиниб турибди.

- Эшитаман, қалайсиз, Аваз aka!

- Мен яхши, молни эсон-омон божхонадан утказиб олдим. Худо хоҳласа, кечга яқин етиб бораман.

- Ҳурсандман. Чарчаб қолмадингизми? Ҳаммаси жойи-дами?

- Жамол акам омон булсин! Иш юриб турса чарчамайман! Кайфият кутарилиб дам оламан-ку! Бұptи, қолған гаплар-ни борганимда гаплашамиз.

\* \* \*

Пуписа қилған одам Ҳосиятнинг кайфиятини бузган бұлса ҳам үғли топилиб пайдо булған ҳурсандчилигини йүқотиб юборолмади. Аммо даволовчи врачнинг гапидан кейин анча саросимага тушиб қолди. Угли ҳам, уйи ҳам күзга куринмай Акмалға қунғироқ қилди.

- Тезроқ етиб кел, касалхонадан сурашяпти.

Акмал уй олдига етиб келганды Ҳосият ташқарыда у

ёқдан бу ёққа бетоқат юраётган эди. У машинаға үтирида:

- Тезроқ ҳайда! - деди.
- Тинчликми? - унинг кайфиятини бузмаслик учун секин гапиради Акмал.
- Биттаси тугамай иккинчи ташвиш бошланяпти. Сайд акамнинг мазаси қочганмиш...

Акмал хотиржамгина "Шифо берсинг" деди холос. Машинани елдек учиреб касалхонага борганда Хосиятнинг ранги ўчиб кетган, бир неча соатдан бери содир бўлаётган асаббузарлик, руҳий зарбалар таъсир қилгани яққол билиниб турарди. Сумкасини олиш ҳам эсидан чиқиб заргарнинг палатасига югурди...

- Доктор, нима бўлди?

Врач Хосиятга қаради-да:

- Ўзингизни қулга олинг, Хосиятхон! Ортиқча сиқилган билан иш битмайди. Иситма тушмаяпти... қулимиздан келганини қиляпмиз, аммо сиз кетганингиздан кейин озгина утгач, бемор хушидан кетиб қолди. Янги чиққан дори билан узига келтирдик...

Ҳамширалар хонада қолишли, даволовчи врач эса Хосиятни ташқарига бошлади.

- Танишганингизга қанча бўлган? - бирор эшитишидан чучи-гандай секин гапиради у.

- Бир неча ой, нима гап?

- Бирор касаллик белгисини курганмидингиз?

- Сезмаганман. Ҳатто яқинда йигирма кун Туркияда дам олдик., узини ёмон ҳис қилганини, ё хушидан кетганини эслолмайман. Мендан соғлом юрганлар.

- Тушундим. Кутилмаганда бош айланиш пайдо булганини сезмаганмисиз?

- Эслолмайман. Нега бундай деяпсиз?

- Ҳозир энг яқин одами сиз! Бор гапни айтишим керак, олдини олмаса булмайди.

- Очифини гапираверинг.

- Биз берган дорилар билан бемор анча соғайиши керак эди. Аммо олдинга силжиш йўқ! Ҳатто қон таҳлили яхши чиқмади...

Врачнинг юзидаги ташвиш икки карра булиб Хосиятга

Үтди. Заргарнинг касали түгрисида ёмон гап айтмасин-ла, дея ўйлаб турганда врач оҳиста гап бошлади.

- Бу дастлабки холосалар холос:: ойна синиклари тилган жойда без бор экан...

Врач ёнга қараб гапираётгани учун гапимни тушундимикин, дегандай Хосиятнинг кузига термулди. Аммо у врач фикрини тушунмагани сезилиб турарди.

- Гапнинг очиғи, - энди урғу бериб сўзларди врач, - бу оддий без эмас...

- Доктор, нима демоқчисиз, очиқ гапириңг! - Хосият ошкора бетоқатлана бошлади.

Врач хотиржам булиб гапини давом эттириди.

- Қариндошларидан бирортаси саратон билан оғримаганми?

Чучиб кетган аёл ичида "Наҳотки!" деди-ю, ортидан "бўлиши мумкин эмас!" - деб қўйди. Фам гирдоби илигидан қувватини емириб ташлаганди.

- Хабарим йўқ! Иккита синглисими танийман, улар билан фақат бир марта кўришганман, холос.

- Миясидаги тиф теккизиш мумкин булмаган безлардан экан...

- Энди нима булади, доктор?

- Даволанади...

Доктор үзича бемалол гапирса-да, касалнинг аҳволидан ташвишда эканлиги куриниб турарди. Касбига хос маданият ва сир сақлаш хусусияти устиворлиги учун ҳаммасини ётиғи билан, юмшоққина тушуниришга ҳаракат қилаётган эди.

Хосият врачни тушунди, заргарнинг соғлигига ишончи йўқола бошлади. Анчадан бери эр-хотиндай юришса ҳам бирор марта яқинлик қилишмаганининг сабабини энди англади. Хорижий мамлакатда битта хонада соатлаб якка қолишганда у бирор марта эҳтирос билан интилмаган, кучини кўрсатиб қўймаганини дунё таниган, аётни жинсий жуфтлик учун эмас, дўст, суюнчиқ, йўлдош сифатида ҳурмат қиласиган маданиятли, узини босиб олган одамнинг сиполигига йўйган эди. Ҳозир бу сиполик замирида ожизлигини, касалини яшириш истаги мавжудлигини англаркан, уни яхши билмаслиги, янги қирралари чиқаётган эди.

ганидан юраги сиқилаётган эди.

- Шу ерда даволаш мумкинми?
- Ҳаракат қиласиз, аммо малакали мутахассисларга, вилюят ўсма касалликлари шифохонасига етказиш керак...

Хосиятнинг юраги "шув" этди, чунки врач охирги сузларни шу қадар қагъий урғу билан айтдик, касаллик оқибати туғрисида ваҳима қузғаб юборар эди.

- Шунчалик қўрқинчлими?
- Касалликнинг яхшиси булмайди... Бугун жой масаласини ҳал қилиб келсангиз, эрталабгача йулланма тайёрлаб қўяман.

Хосият Ақмал билан шаҳарга йул олди...

\* \* \*

Ҳалима телевизор кургиси келмай, бозордаги сотувчилардан насия пулини ундириб келишга қарор қилди. Машинасини ут олдираётганда телефони жиринглади. Экранга қаради. Касалхонадаги "агенти" Гулхумор.

- Ҳалима опа!
- Эшитаман, жоним!
- Суюнчи беринг, янгилик!
- Суюнчининг каттаси сиздан айлансин, нима гап?
- Ҳозир айтсам ўзингизни ташлаб юборасиз..
- Айтақолсангиз-чи, жонидан!
- Хосиятнинг эри рак экан!
- Наҳотки! Ростданми?
- Ҳа, опажон, ҳозир эшик орқасида врач билан суҳбатини эшитдим. Хосият оёфи куйган товуқдай типирчилаб шаҳарга ўсма касалликлари шифохонасига жой гаплашгани кетди. Телефонда ҳол сураб қўйинг...

- Раҳмат, асалим! Бу хушхабарингиз учун бугун Қозоғистондан келадиган янги молларнинг энг сараси сизники!

- Бупти, опа!
- Хайр...

Ҳалима оғир муаммони ҳамирдан қил суғургандай ҳал қилган каби қаддини фоз тутиб мағрур жилмайди. "Энди у эри билан овора бўлади. Мен режалаштирган ишларимни қиласман..."

Аваз юқ машинасини Ҳалиманинг уйи олдида тухтат-

тирди-да, унга қунғироқ қилди. Күз очиб юмгунча Ҳалима ташқарыда пайдо булди.

Улар машинада орқама-кетин бозордаги тижоратчиларга мол булиб берадиган иш бошқарувчиникига йул олишиди. Икковининг кайфияти баланд. Олдинда кетаётган Ҳалима орқадаги машинада утирган Авазга қунғироқ қилди.

- қалай булди?
- Олтин!
- Сиз доим ишни олтин қилиб юргансиз.
- Сизнинг раҳбарлигингизда...

Икковлари кулиб юборишиди.

- Айрим молларни ўтган сафаридан анча арzon олдим,  
- Аваз Ҳалимани янаям хурсанд қилиш учун гапираётгандай эди, - қора бозорда долларнинг нархи тушиб кетгани фойдамизга бўлди.

- Омади бор йигитсиз-да. Ишимиз шунаقا кетиб турса, яқинда "Ласетти"нинг рулига утирасиз, йигит!  
- Айтганингиз келсин.

Ҳалима Тожи момоникига кириб утаман деб унинг қишлоғи томонга бурилиб кетди.

"Камаз" милиция посгидан утаётганда баланд бўйли лейтенант ҳайдовчига имо қилиб машинани четга олиб тұхтатишини буюрди.

- Юкxoнани очинг, текширамиз! - жиддий қиёфала талаб қилди милиционер.

- Нима?! - шофёр билан Аваз құрқиб кетганидан күзлари хонасидан чиқиб кетай дерди...

\* \* \*

Хосият Саид акасининг қон таҳлилини етакчи мутахассисига курсатди. Юрагида тумандагилар холосаси нотуғри чиқсан-да, деган илинж бор эди.

- Бу бошланғич таҳлил холос. қайтадан текширишдан кейин аниқ холоса айтамиз.

- Унга даволангани жой ҳозирлаш керак деган фикрдаман.

- Яхши! Эрталаб олиб келинг, таҳлил учун қон оламиз. Японларнинг аппаратига туширамиз.

- Доктор, қанча пул кетишининг қизиги йуқ, фақат у

тузалиши керак. қаердан қандай мутахассис әки дори керак булса топиб келамаи.

Врач уйланиб қолди. Бир нүқтага тикилған күзларидан нималарни мулоҳаза қилаётганини билиш қийин эди. Хосиятнинг гапларини узича таҳлил қилаётгани эҳтимолдан холи эмаслигини у сезаётган булса ҳам ташвиш билан жавобини кутар эди.

- Аввали Худо шифо берсин! Замонавий аппаратлар, ноёб дори-дармонлар, хорижда малака оширган мутахассислар бор, қўлимиздан келганини қилайлик, эплолмасак узримизни айтиб бошқа касалхонага йуллармиз...

Хосият изза булди. Ҳамма умид сизлардан, дейиш урнига катта гапириб юборганидан ҳижолат тортди.

- Доктор, узр, ҳолатимни тушунасиз. Гапимни маълол олмайсиз.

- Ҳечқиси йўқ, билиб турибман. Касални эртага олиб келаверинг. Жой ҳозирлатиб қуяман.

Хосият туманга жунади. Унда ғалати бир ғашлик, бесабрлик ва хавотир бор эди. Айланана йулга етганда телефони садо берди.

- Дугонажон, Эринг онкологияда даволаниши керак эмиш.

- Сенга нима қизифи бор?

- Ахир, дугонамиз. Мабодо дурустроқ танишинг булмаса, ёрдам бериб юборай дегандим. Бир умр ярасидан йиринг оқадиган ракни отдай қилиб юборадиган таниш врачлар бор, адресини берайми?

- Сенга муҳтоjлигим йўқ! Одам эмас, абраҳсан! Эримнинг касалини суриштиргунча ичиқоралик, баҳиллик, нонкурлик касалингни давола! қозофистондан келаётган юкингга қара!

Хосият алоқани узиб, телефонни учириб қўйди. Аммо шум хабар унга бир зумда қандай етиб борганига ҳайратда қолди. Одамларга нима? Эрим касал бўлса, байрам қилади-я! Эртага ўзи нима булишини билмай устимдан кулишига бало борми?... Бу ишини эслаб қоламан. Ифлос, мен туфайли одам булгансан, кунгилни кутариш қулингдан келмаса, асаббузарлик қилмай қуявермайсанми?!

Одам бир-бирини еб яшаркан! Бошига мушкул тушганда

яқинлари, кимлиги билинади. Ҳалима одам бўлганда гина-кудуратни унутиб, ҳол сурагани келарди. Ичиқоралик, ҳасаддан бошқа нарсаси йўқ. Энди у билан алоқани тикламайман, ҳаммасига бир йўла жавоб берадиган қилиб тупикка тиқаман. Кейин додини Басзхон акасига айтадими, Авазга йифлайдими, узи билади. Мени енгаман, оёғим остида қолдираман деб овора бўлма, аблаҳ, сенга енгиладиган Хосият ўтмишда қолган, янчидан ташлайдиган аёл бор, ҳаёт дуст билан душманни фарқига борадиган қилиб қўйди.

Баёзхон қінғир ишларингни билса, изингни қириб этагингга солиб берарди. Қанча күп ғашимга тегсанг, шунча газабимни, нафратимни аланга олдирган, узингта қийин қилган буласан. Мен гапидан қайтадиганлардан эмасман, бир нарсага қасд қилдимми, охирига етмай қўймайман. Аслини олганда сени янчидан ташлаш мен учун жаа қийин эмас, фақат вақт тополмаяпман, холос...

\* \* \*

Заргар врач ва ҳамшираларнинг қулоққа чалинган гаплари, Хосиятнинг ташвиш тұла сұровлари, шивирлашиб ташқарига чиқиб кетишларидан англадики, саломатлиги ёмон!. Вужудида содир булган узгариш ва нохуш жараёнлар, оғриқ ва иситмалар фақат автоҳалокат асорати эмас, оғир касаллик белгиси эканини сезиб ётаркан, бир неча йил олдин катта опасининг елка қисмida пайдо бўлган қаттиқ бездан ваҳимага тушиб, үсма касаллуклари шифохонасига олиб боргани, врачнинг синглисидан яшириб, шивирлаб айтган гапларини эслади.

- Ну, акажон, үсма бези, тиф теккизиш мумкин эмас. Агар билиб-бilmай теккизиб қўйилса, очиги, даволаб бўлмайди. Унинг барча ёмонлиги ва хуружи тирноқдек гўштсимон безда яшириниб ётади, бу кузада ётган жин билан баробар, сингил эҳтиёт булиб юраверсинлар...

"Менда белгилари йўқ эди. Е булгандиru билмай қолдимми?"

- Касаллик томир сурали, илгари шу дард билан бобокалонлар оғриган булишлари мумкин, - деган эди врач.

- Ҳаммада булиши мумкинми? - сураганди врачдан у.

- Билиш қийин. Кимда кимнинг гени күпроқ утган булса ушанда содир бўлади.

- Мен бобомга тортганман.

- У киши нечага киргандилар.

- Саксон бешда ўз ажаллари билан ўтганлар.

- Сиз у ёшдан ўтасиз, - кулиб қўйганди врач.

- Айтганингиз келсин...

Суҳбат ҳозиргача заргарнинг эсига келмаган эди. Дард чекиб ётаркан, умри тугаб қолаётганини сезиб, нохуш ва кайфиятсиз эди. Болаларини уйлаб-жойлаб, турмуш ташвишларидан тинган одамда бўладиган хотиржамлик қанчалик омонат, азиз ва ўлчамли эканини кейинги вақтда кўп уйлаганди. Айниқса, бугун барча залвори, хушёрликка тортувчи изтироби билан юрагида қайтадан пайдо бўларкан, умри маълум босқичга чиққани, кейинги босқичлардан унчалик катта умид йўқлигини тушуниб, "Худо қанча ёзган булса шуни яшайман!" деба хурсинди-ю, юрагини камшилиб утди...

\* \* \*

Ички ишлар ходим "нинг важоҳати бошқача эди.

- Нима сабабдан текширмоқчисиз?- ички бир қайғу билан суради Аваз.

- Текшириш - бизнинг вазифамиз... Қолаверса...

Милиционер тұхталиб қолгач, Аваз шубҳаланиб, унинг оғзига қаради.

- Қолаверса, бизга топшириқ булган... - у постдаги шерикларига қаради- лейтенант Муродов, машина эшигиги очинг!

Ҳайдовчи ташвиш билан Авазга қаради. Икковининг кўзида "Шунча ердан товарни бемалол олиб келсагу ўзимизнинг жойда текшир-текшири нимаси!" деган маъноя яширинган эди. Лейтенант "КамАЗ" орқасига утиши билан ҳайдовчи эшикни оча бошлади. Аваз Ҳалимага кўнғироқ қилди. Орқа томонда лейтенант билан ҳайдовчи алланарсаларни гаплашишарди.

Лейтенант уларни жиноят устида қўлга туширишга ишонгандай шахд билан кийим-кечак ва парда матолари орасидан алланарсани қидира бошлади. Ҳайдовчи ҳайрон

эди.

- Тинчликми, уртоқ лейтенант?
- Ҳозирча тинчлик...

Милиционернинг ҳаракатлари шубҳали эди. "КамАЗ" ичига чиқиб янги матоларни эзид, рулондаги пардаликларни бир томонга ола бошлади. Ва ниҳоят, целлофан қофозга ўралган ҳалтани қулига олиб эзид курди. Жиддий ва сирли маънода пастда үзини кузатиб турган ҳайдовчига қаради.

- Бу нима?- деди ёш болага дуқ қилгандай.
- Бу... бу... билмадим... - ҳайдовчи талмовсираб қолди.

Тасодифий суроқقا тайёр эмаслиги билиниб үзини йўқотиб қуяй деди.

- Уртоқ лейтенат, очинг-чи, нима.экан?

Лейтенант эринмасдан ҳалтани очди ва чиқсан нарсани ҳадлаб курди.

- Наша-қу! Машинани четга олинг!!

Ҳайдовчи қўрқиб кетди. "Булиши мумкин эмас!" Бу гапни милиционерга айтдими, узига гапирдими, билмай қолди.

- Машинамиизда бунақа нарса булиши мумкин эмас!

Ҳовлиқ颤анча улар олдига келган Аваз нима гаплигини дарров тушунди. Лейтенантта қараб бир чимирилиб қўйди.

- Душман аралашган!- бу гап кўксидан отилиб чиқди. Ҳатто лейтенантнинг қулоқларини жаранглатиб юборди,  
- биз бунақа иш билан шуғулланмаймиз. Кимдир қўлга тушириш учун машинамиизга ташлаб қўйган.

- Уша ким?

- Уни сизлар аниқлайсизлар.

- Бизни майна қилманг, оғайни, икковингиз булимга борасиз, ҳамма нарсага ойдинлик киритамиз. Аввал протокол тузамиз, кейин кимдан гумонингиз бўлса айтаверасиз.

Бир дақиқа утмай постдаги ҳамма ходимлар йифилди. қандай воқеа содир булганини сезган бошлиқ:

- Протоколни шу ерда тузинг! - дея лейтенантга буйруқ берди.

- Хуп булади.

Аваз саросимада қолди. Ҳалима телефонни кутармаётгани эса ростмана жаҳлини чиқара бошиади. Кимдан мадад кутишни билмай, яна унга қунғироқ қилди. Яхшики, бу сафар трубкани кутарди...

\* \* \*

Назирахон оиласда ҳам, ишхонада ҳам қийинчиликларни писанд қилмай юрарди. Кадрлар билан боғлиқ хужжатларни уз вақтида талаб қилиб олар, папкаларига жойлар, юқоридан текширувчи келса, тартиб билан курсатар, ундан жиддий камчилик тополмай кетишарди.

Бакувват булгани учун ёлғиз қизини купам ишга солмай, ҳамирни узи қилар, кирни ювар, овқатни чиройли тайёрлаб, эридан мақтovлар эшитарди. Ёз кунларининг бирида ишдан терлаб келди-да, одатдагидек, шартга куйлагини ечиб ташлаб, муздек сувда чумилди, булиқ елкаларини артаркан, гуштли жойида қаттиқ нарса борлигини, иккинчи марта сочиқ текканда эса уша жойда бироз оғриқ сезди. Бармоғи билан ушлаб, яра ёки чипқон белгиси эмаслигига кузи етгач, парво қылмади. Кечаси уша томонини босиб ётган экан, эрталабга яқин оғриқдан уйғониб кетди, эриға айтгиси келмай, кундузи билан кузатди. Эртасига оғриқ кучайганини билиб Сайджоннинг олдига борди. Кунгли ғаш, рак туғрисида эшитганинни уйлаб, хаёлига ёмон фикрлар келаётган эди Укаси билан таниш врачга боришиди. У кўрдию, аввалига индамади. Утиб кетади, ҳеч нарса эмас, деди. Бирозлан кейин:

- Таҳлил учун қон топширсангиз яхши буларди, - деди. Назирахоннинг назарила врач бепарволик билан гапириб ниманидир яшираётганлай эди, - хотиржамлик учун қилиш керак!- деб кушиб қуиди. Демак, касаллик белгиси бор. Назирахон врачнинг гапини "қон топширишингиз шарт!" деган маънода тушуниб кўрқиб кетди... Эртасига таҳлил натижаларига боришганда врач Сайджонни четга тортиди... Назирахон ўзини қуярга жой тополмай қолди...

Заргар опаси бошидан кечган воқеалар билан ўзиники ўртасида боғлиқлик борлиги сезди, аҳволи оғирлашди.. Изтироб билан уйланиб ётаркан, хотиржамлик ва улимдан

құрқишиң ҳисси бир-бири билан олиша бошлади. Курас әвж нұқтасында етгандың үзини дүнёға сиғмаётгандай, севги, аёл, бойлық ва бутун борлық мөхиятини йүқтәётгандай, бемалол кетиши учун халал берәётгандай туюла бошлади. Қунглиға совуқ фикр келиб, баданлари сесканды: наҳотки улыб қолсам! Тошкентдеги магазин, заргарлик дүкөнләри, Түркіядаги филиалләри, одамларга бериб қўйған юз минглаб долларлари куз олдига келди-ю, томоғига ютиб бўлмас нарса тиқилди: ичкарига кетмайди, ташқарига чиқмайди... Бу - тақдир ёзувлари олдидаги чорасизлик фожиаси эканини фаҳмлади: умр манзилга етса, вагонда тилланг булса ҳам нағас олиш қўлингдан келмайди! Бевафо дунё шуми?! Ҳамма нарсадан ихлоси, иштиёқи қайтди. Умрнинг қолгани кузги япроққа ухшаб эрта-индин узиламан деб турибди... "Эй, Худо! Умрим тугаган булса, енгилидан бер, охирига етмаган эса, ҳаловатимни қайтар... Чала жон эмас, соғлом инсондай умр кечирай!"

Хосият уни онкология шифохонасында жойлаштиргач, Москвадан Германияда ишлаб чиқарилган энг ноёб вакцина олиб келинди. Жароҳатидан оқаётган қон тұхтади. Үзидан кура Хосият күпроқ қувонди. Мутахассислар янги гап айтмаган, аммо қон тұхташи яхшилик аломати эди. Врач Москвадеги устозига касал түгрисида ахборот берди, у беморни Москвага етказиб келинса, даволаб юборишини билдириди. Хосият заргарга қаради.

- Борамиз! - деди бир нұқтага тикилиб, - барча бойлигим бир қунлик умримга арзимайди!

У бир нағас тиң олғач, ёнидан телефон рақам олиб, Хосиятдан қўнғироқ қилишни суради. У рақам терди. Овози майин ва ингичка эркак киши трубкани кутарди.

- Расулжон, - деди иш бошқарувчисига, - мазам қочиб қолди. Москвага бориб даволанишим керак. Юз минг доллар пул тайёрланг.

- Яхши, ака, бироқ бетоблигингизни эшитиб, сингилларингиз билан олдингизга жунаб түрувдик.

- Шарт эмас, эртагача пулни стказинг, шу ердан түғри Москвага жунаймиз...

Келишилган куни кеч соат саккиз яримда Сайд заргар ва Хосият Москвага жунаб кетишли...

Ҳалима воқеани Аваздан эшитгач, саросимага түшиб қолди. Миясига "Буни Ҳосият уоштирган бўлиши мумкин!" деган фикр келди. Аламига чидомасдан унга қўнғироқ қилди. Афсус, телефони ўчирилган, оғисида ҳеч ким йуқ. Баёзхонга қўнғироқ қилсинми? У қандай фикрга бораркин? Телефони жиринглади.

- Юк булим ҳовлисига киритиб муҳрлаб қўйилди. Энди нима қиласиз?

- Башим қотиб қолди.
- Менда битта фикр бор.
- Хуш?

- Ҳосият билан ишлаёттанимизда булим бошлиғи билан Акмал икковимизниг алоқамиз яхши эди. У пенсияга чиқиб кетган, аммо ҳозирги бошлиқ унинг шогирди экан. Ўша билан гаплашайликми?

- Тезроқ ҳал қил. У ерда юкимиз кўп турса, душманларнинг кети семиради. Ҳозироқ ҳаракатни бошла.

- Мени тилхат билан қўйиб юбориши. Машина билан булимига кел. Бирга борамиз.

Ҳалима машинасини шамолдай тез бошқарарди. Бўлимга яқинлашганда Аваз пешвоз чиқди.

- Қандай рўй берди? - ҳовлиқсанча сурали Ҳалима.
- Машинани тухтатиб текшириши. Наша топишди.
- Ким ташлаб қўйган бўлиши мумкин?
- Билолмадим.
- Душманликдан булган.
- Бизни наша билан ушлашди. Энди муаммони тезроқ ечмаса бўлмайди. Шаҳарга кетдик....

Ҳалима қўрқаётган эди. Овозидаги титроқ чучиб қолганидан далолат берар, фикрларини жамлаб олишга қийналар, юраги сиқилар эди. Аваз унга лалда берди.

- Кўрқманг, Ҳалима. Жонимизни олармиди? Худо хоҳласа, бугуноқ ечамиз. Сиз беш-ўн минг "кук" идан тайёрлаб қўйинг!

Аваз уйига бориб, узининг машинасига утириди-да, собиқ бошлиқникига жунади....

\* \* \*

Нажатбей отасидан қолган сармояни кўпайтириш учун эски таниши билан бизнес қилмоқчи булиб, Олмонияга келди. Афсус, Канн бир мунча камбағаллашиб, дустлари орасида нуфузини йўқотган эди. Истанбулга қайтиб келиб, отасининг темир сандигидан қарздор одам - Асманбей-нинг тилхатини топиб олди. Катта бойликка эришгандай қувониб кетган Нажатбей унинг олдига борди. Қарздор - яқин қариндоши эди.

- Бераман, лекин ҳозир эмас, - деди бироз ўйланиб тургач, - бир неча ойдан кейин қўлимга икки миллион доллар пул келади, сиз билан ҳисоб-китоб қиласиз.

- Лекин бир нарсани эътиборга олмаяпсиз, афандим!

- Яъни?

- қарзни қайтариш муддати уч ой ўтиб кетган...

Нажатбей муддатида қайтаролмаганингиз учун фойда берасиз деган фикрни ўйлаётганини Асманбей тушунди.

- Мени тушунинг, - деди узини қийналган курсатмоқчи булиб, - бошимдан оғир кунлар утди. Энди узимни тиклаб оляпман.

- Сизга бир савол, - деди Нажатбей унга тик қараб, - мабодо тилхатни топиб олмаганимда пулни бермасмидингиз? - унинг кузларида таъна, заҳархандалик бор эди.

- Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман, бироннинг ҳаққидан қурқа-ман, биродар.

Унда нега ҳозиргача қарзингиз ҳақида бир оғиз гапирма-дингиз?

- Мавриди келмаганди, қолаверса, пулга муҳтожмассиз, муаммоларимдан хабарингиз бор деб ўйлабман!

Нажатбей ўйланиб қолди. Яқинда қарздорнинг якка ўғли автоҳалокатга учраб, умуртқа поғонасидан шикастланганда Америкала жарроҳлик йули билан даволатиб келган, тижорати орқага кетган, ногирон ўғил қарашиб юборадиган аҳволда эмасди. Аммо Асманбей бу каби харожатлардан чарчаб қоладиган ўртаҳол эмас. Фақат, Нажатбейнинг эшитишича, дусти билан катта пулини қалтис бизнесга тиккан... Лекин пулни сураласа, бермаслиги мумкин, фойдалангани учун уни кўпайтириб беришини эса хаёлига келтирмайди. Ҳозир пулнинг ярмини

олишига қарор қылған Нажатбей масалани кундаланг күйди.

- Уч кунда беш юз минг доллар берсангиз, қолганини кейин беришингизга розиман.

Асманбей иложсиз қолди...

Ҳақини ундирган Нажатбей Давронбейнинг олдига келди.

- Хосиятхоним билан алоқага қилишимга ёрдам берсангиз!

Бир муддат аввал Хосиятга "Юртингизга кетяпмиз" деб боролмай қолгани учун сал ҳижолат тортган Давронбей:

- қарорингиз қатъийми? - деб сўради.

- Ўйлаб курдим, афандим!

Улар қунғироқ қилишганда Хосият Москвада Сайд акаси билан бирга эди. Заргар дунёнинг энг зур онкологлари ёрдамида босқичма-босқич нур билан даволанаётган, эр-хотиннинг кайфияти яхши эди.

- Бир ҳафтадан кейин Тошкентда буламиз, Сайд акамнинг уйларида куришсак маъқулми?

- Яхши, хоним! Мен Истанбулдан учиб бораман.

- Сизни аэропортда кутиб оламан...

- Ташуккур Сизга, хоним!

Врачлар заргарга бир неча ой санаторийда даволанишни тавсия этишди. Заргар бизнесга аралашибдан воз кечди.

У утган умрига назар ташларкан, ҳаётдан рози, армонлар эзмаётганидан кунгли хотиржам булди. Барча ривожланган давлатларда булган, машхур санаторийларида дам олган, донғи кетган бизнесменлар билан ҳамкорлик қилған ва бир кунда минглаб доллар пул топган пайтларини яхши эслайди. Нуфузли доираларда обруси, урни бор. Бирорга ёмонлик қилмагани учун тусиқларга дуч келмаган, қаерга борса иши олдинга босар, режалари катта самара берарди. Бир неча йилда бир дунё бойликка эришди. Магазинлари, заргарлик дўконлари ва бошқа мулқаридан ойига бир неча минг доллар пул оқиб келяпти. Унда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Аммо хотини утгандан бери бойлик, ҳузур-ҳаловат, саёҳатлардан кунгли қолди. Автоҳало-катдан кейин ҳаётга интилиши қолмади. Еш, куч-куватинг жойида, саломатлигинг мустаҳкам вақтида умр ўлчови, дунё уткинчилиги ҳақида ўйламас экан-

сан, мазанг қочса жонинг күзингга куринаркан.. Месхрингни тортган нарсалар моҳиятини йўқотади. Энг гузал ҳаёт - маъносиз бушлиққа ухшаркан... Заргар кейинги ҳаётни кўз олдига келтиrolмади. Врачлар ўсмани куйдириб, дардан халос қилаётганда танасига иссиқ киргандай, яшашга иштиёқ қайта бошлиди. Аммо юрак қаърида ҳаёти омонат эканини ҳис қилиб турарди. Бир ҳафта руҳий узгаришларни кузатган исроиллик врач кайфиятсизлиги-ни йўқотиш учун:

- Сайдбей! - деди кутилмаганда, - ёнингизда шундай гузал ва меҳрибон хотин туриб, нега яшашга муҳаббатингиз йуқ?!

Заргар илжайганча Хосиятга қаради. Кунглида тушуниб булмайдиган нохуш туйғулар кезарди.

- Ёддан чиқарманг, яшаш учун севиш керак! Кенг ҳовли, меҳрибон хотиш, яхши улов умрни узайтиради. Назаримда, сизда ҳаммаси бор ва Хосиятхон севишга арзидиган аёл! Озгина дард чекиб тушкунликка тушманг, дунё курган, иссиқ-совугини тотиган одамсиз-ку! Мен юзлаб мамлакатларда булганман, саломатлиги ёмон, егани бир бурда нони йуқ ночор одамлар узоқ яшашга интилганини куриб ҳайрон қолганман. Пулингиз етарли, Хосиятхоним билан дунё кезинг, одамлар билан танишинг, Худо хоҳласа, юзга кирасиз!...

\* \* \*

Ҳалима наша масаласини "босди-босди" қилгунча эна сути оғзига келай деди! Собиқ бошлиқ аллақайси гурга кетади, баъзан қон босими кўтарилиб, уйдан чиқолмайди, нархини кутариш учун пайсалга солаётганга ухшарди. Излаб боришганда журттага қовоғини солиб олади, қош-қовоғига қарашга мажбур бўладилар. Қолаверса, пенсияга чиққан бошлиқ инжиқ, таъмагир булиб қолганини иккови кечроқ тушунди. Ниҳоят, учинчи куни иккита пакетни майда-чуйдага тулдириб, боришганда юзи ёришгандай бўлди.

- Эртага у билан тўйга бораман, қайтишда гаплашиб кураман! - деди.

- Ака, - деди Аваз вазиятдан фойдаланиб,- хизмат ҳақи

нақд, албатта, хурсанд буласиз.

У уч кундан кейин қунғироқ қилиб, хизмат ҳақини айтганда Ҳалиманинг юраги орқасига тортиб кетди: мулжадан икки баробар куп сурәтганди.

Құлдаги пулларни йиғиширишди, пұлат сандықлар очилди, ҳатто Нигор "биржачи"дан қарздор булиб қолиши ді. Пулни тұплаб, Аваз олиб кетганда Ҳалиманинг ичидан бир ларча нарса узилгандай булды. "Ярамас начальник! Порани соғиниб қолған-да, энасининг хуниниям күшиб юборди! Начора! Фақат бошқа үйин чиқармаса бұлғани!"

Бундайлар ҳақида савдогар Нормат амакисидан эшитганди:

- Ҳаражатта тириқ, бошқалар сарф қилиши, улар фақат олиши ва ейиши керак! Пешонасига шундай ёзіб қуйилғандай! Түй қылсалар ёғ, гурунч, гүштга ухшаган нарсаларни, дастурхончидан тортиб нонвой, ошпаз, ҳатто санъаткорларни ҳам савдогар, банкир, фирмач, тижоратчи, қўйингки, иши тушиб туралыган одамларга юклаб қўйишади. Ўзлари туёналарни олиб туришади, холос!...

Мол аччиғи - жон аччиғи деганларидек, озгина ғалати булиб юрди, аммо қайтмас бўлиб кетган пул Ҳалимага унтуилмас сабоқ берди. Ресторанга ут қуйилгани ва уни шавла кетса кетсин, обру кетмасин учун яшин тезлигида катта пулга таъмирланганини эслаб, йўқотиш азобини ҳис қиларкан, бирвларнинг ишига бемаврил аралашиш минг машаққат билан топилган даромадни ўпириб кетишпидан изтиробга тушди. "Хосият мендан бешбаттар азоб чеккан-дир, кечалари менга қарши не-не режаларни тузмадий-кин? Роза қарғаган булса керак! Аммо мард экан, ут қўйганимни тан олдирган булса ҳам прокурорга ёзіб бермади. Бироқ машинамга наша ташлаб, мардлигини ювib юборди! Энди унга қарши иш қилишга мажбурман!"

Ҳалима, машинаға ким наша ташлаганини аниқ билмас, фақат Хосиятдан гумон қиласарди.

Аваз эртаси куни машина билан молларни олиб келганды Ҳалиманинг кунгли бироз тинчигандай булди, бироқ катта пулни йўқотиш азоби ҳамон юрагини тирнаб турар, ҳали-вери кетадиганга ухшамас эди.

- Бирор наша ташлагунча ғафлат босиб ётганингизга

ҳайронман!

Аваз унга ғалаги қараб қўйди.

- Ишимиз зур кетиб турувди, қайси абллаҳнинг арпасини хом ўрганимизни билмай қолдим. Энди сиздан битта илтимос, Ҳалимахон.

- Хўш?

- Хосият билан учакишманг!! Куряпсиз, бир тийинлиқ фойдаси булмаяпти.

Ҳалима юраги нафрат билан тула булгани учун "туғри айтасан, энди үндай қилмайман" дёёлмади. Аксинча, ғаши келди.

- Ўзи тинч юрмаяпти! Масалан, машинага нашани ким ташлаган деб үйлайсиз?

- Ишончли далил йўқ, бирордан гумон қилолмайман.

- Мен эса бу ишни Хосиятдан куряпман!

- Исботингиз йўқ-ку!

- Далил: унинг душманлиги!

- Мен реалистман, асосим бўлмагунча ишонмайман.

- Нима қилиш керак дейсиз?

- Муҳими, эҳтиёт булиш, бирорлар ишига аралашмаслик. Хосият билан ўчакишишни тухтатсангиз, қаршилик барҳам топади.

- Аниқ ишонасизми?

- Ишонаман!

Ҳалима унга бир қараб, сал узоқقا кетди. Беш минутдан кейин келиб, Авазга жиддий разм солди.

- Рақобатни тўхтатаман. Агар у яна давом эттираса, - Ҳалима бироз кулимсиради, - зараримни тулайсиз! Тушундингизми?

кул олишишди. Аваз жилмайиб қушимча қилди.

- Фойдани эса тенг буламиз!

- Гап йўқ!

Икковлари кулиб юборишишди. Ва юк тула машинани бозорга ҳайдашни буюришишди...

\* \* \*

Назира ўзини кўярга жой тополмайди. "Укам бечора Хосиятга илакишишдио, водийга қатнаб толиқди, саломатлигини йўқотди. Нимасига учганига ҳайронман.. Бу хотин

укамни қандай ром қилган?. Биз курсатган аёлларга күнгли исимади, Хосият деб туриб олди-я. Соддагина, күнгли тоза. Укам билан баҳтли яшайдиган чоғи бор. Аммо кейинги воқеаларни уйласам, юрагим орқага тортади. Уни Туркияда олдирди, тилла трос совға қилибди. Ресторандаги тўй дув-дув гап бўлди. Сунг автоҳалокат... Бошидаги рак безининг ёрилиши... Соппа-соғ юрган булармиди?..."

Назиранинг кўнглида қизғаниш, ачиниш ҳисси аланга олади. Айниқса, сотувчisi Туркиядан телефон қилиб, унга тилла трос совға қилганини айтгач, Хосиятга нисбатан ичиқоралиги кучайди. Икковини ажратиб юбориш фикри туғилди. Ресторанин үн беш минг долларга таъмирлатганини билганда укаси билан уришишдан, Хосият билан юмталашишдан тоймасди...

Назира Тошкентда тагли-тугли аёллар, утириб қолган қизлар акасига тегишига ишонарди. Куплари ошкора хушомад қилди, ҳагто айримлари уртага одам қўйди... У чархи кажрафтор ишларидан ғаш эди. Автоҳалокатдан кейин эса "Кўнглим бекорга ғаш эмас экан-да!" деб уйлади.

Заргар "Москвадан жунадик, якшанба куни кечқурун Тошкентда буламиз" деб кунфироқ қилганда, "Туғри бизникига келаверинглар!" деди, аммо заргар "Сизлар бизникига бориб туринглар, Туркиядан меҳмонлар келади" дегандан сунг гапиролмай қолди. Укасиникига бориб, хизматкорни чақиртириди, ҳовлини, уйларни қайтадан тозалатди, ойналарни арттириди, заргарга ёқадиган парҳез таом пишириши тайинлаб, ҳайдовчи билан аэропортга кетди...

...Хосият самолётга билет олиб келганда заргар кетиш учун тайёр булиб турар, қувватдан қолгандай ранги заҳил эди. Тогни талқон қиладиган одам қисқа вақтда шу кўйга тушганига ишониш қийин эди.

Хосият кечадан бери ўйга толади. Оиласи ва келажагини ўйлаб хурсинади. Ота-онаси аллақачон утиб кетишиди. Битта ўғли бор холос. Ҳаётида гавжумлик, файз, шукуҳ йуқ.. Заргар билан танишиб ҳаётига узгариш киргандай бўлди. Жамиятдаги нуфузи кўтарилди. Аммо баҳт тополмаяпти. Заргар тушунган, қаерга қулини узатса етади, аммо ички эхтиёжини қондирадиган, руҳий ва жисмоний

лаззат бердиган эҳтирослари йўқ!. Мехр тўла гапларини ҳисобга олмагандан, у музнинг узи!

Битта ўғил - давомчиси бўлолмаслигини бувиси айтган, эрга тегиб, ўғиллар куришини, уларни аждодларга муносаб улғайтиришини тайинлаган эди. У заргар билан учрашди-ю, асосий ишни унуди. Эсига тушса, ўзини алдайди. Бугун заргарни абор ҳолда куриб, ўғил куриш орзуси армонга айланганини аччиқ изтироб билан тан олди. Ҳатто у билан тузук яшай олмаслигини уйлаб, қайғуга ботди. Заргар космосга олиб чиқса-ю, битта фарзанд орттиришга қурби етмаса, яшашдан маъно борми?! Дунёнинг шодлиги, бойлиги, лаззатини бир тугунга жойлаб, Хосиятга берганда ҳам битта ўғилнинг жажжи қўлчаларини чузиб кулишига тенг келолмаслигини энди тушуниб етмоқда! Илгари бу ҳақда уйлаган, лекин у саёҳат ва тантаналар, тилла трослар соясида беркиниб, узини кузкуз этолмаган эди. Бугун ватанга кетиш олдидан заргарга қараб кўнгли чўкди, ҳатто олдинги шодликлари учун тўлов даражада чўкди. Тошкентга бориб, вазиятни таҳдил қилгач, жиддий қарорга келмаса бўлмайди. Бойлик, обрў ўз йулига, номини давом эттирадиган яна битта ўғил эса ҳаммасидан муҳимроқ.

Заргар самолётда Хосиятдаги изтиробни кўрди. Аммо фикрларни тушунмади. Тошкентга эсон-омон етиб, узини эҳтиётлаш чораларини қўллаш асосий мақсади эди. Ёши катта, энди фарзандли бўлолмаслигини Хосият билиб теккан деб уйлар, шунинг учун аёлнинг дардини тушунмас эди.

Назира укаси билан ачомлашиб сурашгандан кейин Хосият билан кўришди.

- Хосиятхон, - деди унга жиддий қараб, - тезлик билан уйга етиб боришингиз керак! Хизматкор аёл қўнғироқ қилиб, тайинлади.

Назира кўзларини олиб қочар, нигоҳларида аллақандай хавотир, одамни изтиробга соладиган ташвиш бор эди.

- Нега?! - Хосиятнинг юрагидан тошиб келаётган курқувга үхаш туйғу ресторон ёниб кетганда пайдо булган руҳий ҳолатига үхшаб кетарди.

- Аниқ айтмади, лекин зудлик билан етиб боришингиз керак!!!..

\* \* \*

Авазнинг ажраб чиқишдан асосий мақсади Акмални ҳам, Хосиятни ҳам доғда қолдириш эди. Бу йулда ҳеч нарсадан қайтмасликка, кеча-ю кундуз ҳаракат қилиб, тезда янги "Ласетти" минишга қасд қилганди.

Саккизинчи синфгача бирга ўқиган синфдоши Азаматнинг акаси Санжар милицияда ишлашини, қулидан анчамунча иш келишини билгандан кейин күнглида мудҳиш режа пайдо булди...

Кулай вазият туғилишини пойлаб, Санжарни кузатди. Нихоят, Азамат билан тоғасининг түйига бормоқчи эканини билди-ю, отни қамчилади. Түйхонага етай деганларида "Түйга келаастгандим" деб қўшилиб олди ва эл қатори түёна бериб кирди-да, бир хонада ёнма-ён утиришга мұяссар булди. Ва Санжарга үзини ҳамма ишни миси чиқмайдиган қилиб уддасидан чиқадиган қилиб кўрсата олди. Санжар бир-икки жиддий разм солди-да, ҳамкорликла пул ишласак буладими, дегандай учирма гап қилди.

- Мен билан ишлаганлар ҳеч қаҷон нолимаган!

Ташқарига чиқишигач, боя "алоҳида гаплашишимиз кепрак", деган фикр кунгилга тугилганилиги учун бир-бирларидан ажрагилари келмади. Азамат бозорда ишим бор, деб кетиши билан икковлари бир-бирларига қарашди. Аваз отни қамчилади.

- Битта иш бор!  
- "Соққа"си яхшими? Қийин эмасми?  
- Бемалол қўлингиздан келади, начальник билан қалай-сиз?

- Бирга "гап" еймиз!  
- Унда яхши, хуллас бундай...

Аваз Ҳалима берган пулнинг туртдан уч қисмини қайириб қолди-да, қолганини Санжарга олиб борди.

- Эрталаб юкни олиб кетаверинг!- деди у. Сирни ўзидан бошқа киши билмади. Ҳалима Хосиятдан гумон қилиб қолаверди. Авазнинг курсатган найранги унинг хаёлига келмади. Ҳатто бу воқеадан кейин унда Аваз тегирмонга тушса бутун чиқадиган, у битиролмайдиган иш йўқ, деган фикр пайдо булди.

Авазни Ҳалима тижоратлан бунчалик тез бойиб кетиши

мумкин эмаслиги, сармояси қаердан келаётганлиги ўйга толди-рарди. Назарида, унга бошқа ердан пул келарди. Тахминлаб тубига етолмади.. Охири, Баёзхон билан қандай яқин булиб қолгани ҳақида ўй суралашади. Аввал Хосият яқин эди, у бошқасы билан ишлай бошлагач, Ҳалима унинг этагидан тутди. Аммо бир нарса Авазни қониқтирмас эди: Баёзхон бекорга офтобга чиқмайдиган мушуклардан. Наф курмаса, бирорни ёнига олмайди, маросимларига совға-салом билан келмайди, безори-лардан ҳимоя қилмайди. Демак, Ҳалимадан фойда борки, у билан гаплашяпти.

Аваз аввалига Баёзхон донлашиб юрган, деган фикрга борди, аммо бу фикр кулгили эди. Баёзхон билан танишишни истаган жононлар сероб, аммо унда мойиллик кам...

Бир куни Ҳалима билан шаҳарга кетишаётганда у йўлда дугонамникига кириб чиқай деб машинадан тушиб кетгач, ёстиқча тагидан битта юз долларлик куриниб қолди. Аваз шошилиб кўрпачани кутарди. Конвертдаги пул беш минг доллар экан, дарров жойига қўйди. Синаш учун қўйган булиши мумкин, деган фикрга борди. Аммо бирордан кейин машина кичик юкхонасини очдию, ҳанг манг булиб қолди. Доллар тахлами кафтга сифлас эди... Чучиб кетди, юрагига ваҳима, шайтоний ҳис урмалади, беш-унтасини олиб қўйсам сезмайди деган фикрга борди, аммо санаб қўйган, ҳозир кузатиб турган булса, ишончи йуқолишини уйлаб жойига қўйди. Тижоратдан топаётган даромади, савдогарларнинг қўлидагисини - яхши билади. Минглаб долларлар қаердан пайдо булди? Уни таажжуб чулғаган эди...

Уша куни ўйлаб курса, хизматига яраша эмас, ёш боладек берганини олиб, итдек хизмат қилаётган экан! Катта бизнес тагида фирромлик ётади дейишгани тўғри экан-да, деган холосага келдию, кўнгли бузилди. Турли йўл билан Ҳалиманинг пулинин сууриб олиш режасини тузди. Наша операцияси режанинг биринчиси эди...

\* \* \*

...Заргар узини қанчалик дадил тутмасин, аҳволи оғир-

лигини ҳис қиляпти. Лазер нури, бошқа дори-дармонлар касалликни маълум вақт қўзғалишига йўл қўймайди. Аммо бошқа органлари, хусусан, жигар билан юракка таъсир қилди - дармони йуқ, жонсиз одамдай беҳол. Бир неча кундан бери муолажалар чоғида гоҳ кузини юмиб, гоҳ тепасида турган Хосиятга тескари угирилиб хаёл сурди. Автоҳалокатда омон қолиб, азоблари утиб кетганидан, бироз хотиржам, аммо Хосият билан турмуши қандай кечишини уйлаб қайфуга ботди. Аёл истаган нарсани беролмаганига айборлик сезди. Турмуш қурганига афсус чекаётгани юрагига таъсир қила бошлади...

Уйга етиб келишгандан сўнг, овқатланиши, бироз гаплашиб утириши. Аммо ҳаммада ҳар хил туйғу, ният борлиги учун суҳбат қовушмади. Давра ути учган учоқдай совиб қолди.

- Сиз уйдан хабар олинг, Хосияхон! - деди заргар жимликни бузиб, - хизматкор бежиз қунғироқ қилмагандир. Мен билан булиб уйдан узилиб қолдингиз, сиздан миннатдормиз.

Заргарнинг гаплари "Аҳволимни қуриб турибсиз, энди сиз билан яшолмайман" дегандай туюлди. Ҳозир жунаб кетса, ораларидаги ришта узиладигандай ҳис қилди ўзини. Ва юрак тубида аламга ўхшаш туйғу пайдо бўлди. Ерга қараб утиаркан, заргарга жавоб қилиш эсидан чиқиб қолди. Назира "Мен ташқарига чиқиб келай" дегандан кейин хаёли бўлинди.

- Бу ерда ҳам ўзим қарасам дегандим! - деди Хосият заргарга меҳр билан тикилиб, - сингилларнинг рўзгори бор, мени сиздан муҳимроқ ишим йўқ!

Хосият туркияликлар келиши ёдингиздан чиқдими дегандай заргарга қаради. Касаллик унинг хотирасига таъсир қилибди. Қўзлари маъносиздек... Нажатбейнинг келишини эслатиб қўймаса бўлмас эди.

- Сайд ака, Нажатбей келса, одам жунатиб олдириб кетаман. Сиз ортиқча безовта булманг!, - деди ниҳоят.

- Дарвоқе, ҳамкорлар келиши керак, а?

- Беш-үн кун дам олгунингизча уларни кузатиб юбораман, кейин доим бирга буламиз....

- Раҳмат Хосиятхон, тақдир сиздай меҳрибонни учрат-

**ганидан хурсандман!**

Зарғар бу гапни йулига айтдими, юрагидан гапирдими - билиб булмасди. Қарашлари шукуҳсиз, ҳаётдан совиган одамнинг нигоҳларига ухшарди...

Хосият эрим якка қолишини истаяпти шекилли, деб ўйлаб, унга утирилди.

- Уларни ўзим кутиб олсан буларди-ю, хизматкор тез боришимни тайинлаган экан. Қўнғироқлашиб турамиз.

Бомдод намозидан сўнг ҳайдовчи уни водийга кузатиб қўйди...

\* \* \*

**Келгунча Хосиятнинг юрагини нотаниш ваҳима тирнаб юборди.**

- Үғлингиз икки қундан бери тинимсиз қайт қиласди! - хизматкор аёлнинг биринчи гапи шу булди. Хосиятни ташвиш ва сабрсизлик билан кутгани сезилиб турар, врач дорилари натижа бермаганидан чўчиётган эди.

Хосият таниш врачга қунғироқ қилиб, машина юборажагини, тезда етиб келишини тайинлади. Ақмал врачга кетгач, боласини бағрига олди. У инқиллар, билинрабиланмас энтикар эди. Танасидаги ҳарорат ҳар доимгидан баландроқ, қўл-оёқлари қувватсиз эди.

- Нима булди, асалим!

- Билмадим, ойи, кунглим айниятти...

- Эрталаб нима единг?

- Ҳеч нарса!

Диван тесасида айбдордай турган хизматкор яқин келиб пешонасини ушлади.

- Аввал еганини ташлайверди, кейин ҳеч нарса утмай қолди.

Врач келгач, ҳаммани ташқарига чиқариб юборди. Ўн минутча утгандан кейин Хосиятни чақиртириди.

- Касалхонага олиб бориб тула текширувдан утказиш керак!

- Бирор қасаллик белгилари борми?

- Текширувдан кейин маълум булади. Фақат ишни тезлантириш керак.

Таҳлил натижалари тушдан кейин чиқалиган булди.

Уйга қайтишаётганда Нажатбей қунғироқ қилиб, кечки соат еттида Тошкентда булишини айтди.

- Сизни ёрдамчим Акмалбей кутиб олади ва туғри водийга олиб келади.

- Маъқул, хоним, бироқ Сайдбейни зиёрат қилиш ниятим бор эди.

- Ишни битириб водийдан қайтгандан кейин бемалол сұхбатлашсак, карши әмасмисиз?

Нажатбей бироз уйланиб қолди. Аммо Хосиятнинг таклифини рад этмади...

Хосият үгелини хизматкорга топширгандан кейин Акмал билан шаҳар марказий бозори ёнида магазин учун танланган ва сотиб олинган жойни кургани борди, бино бушатиб, евроуслубда таъмирланган, кузни қамаштирас даражада файзли ва күркам эди. Унинг күнгли кутарилди, қандай жиҳозлар сотиб олиш ва уларни қандай жойлаштиришни Нажатбей билан маслаҳатлашишни кунглига тугиб қуиди.

Акмал Тошкентта жунаб кетгач, ҳамкорлик бўйича фикрларини жамлаб, Нажатбейга айтадиганларини саралай бошлади... Аммо кечадан бери заргар билан яшай оламанми-йуқми, деган савол миясига бостириб келаверар, аниқ жавоб тополмас, у билан яшаса, фарзанд курмаслигидан астойдил ташвишда эди. Муъжиза рўй бериб үғиллик булишса, заргар олган дорилар, лазер нури таъсирида бола ногирон тугилмасмикин?! Энтикиб кутган оиласвий турмуш илк кунларданоқ ташвишли қелиши келажакнинг шукуҳсизлигидан дарак бераётгандай кунглини чуктирди. Куксига алам ҳисси бостириб кириб, интилишини сундира бошлади.

У билан ажрашса, қариндош-уруглар, бизнесменлар уртасида нуфузи тушиб кетиши, енгилтак аёлдай таассурот қолдириши мумкин. Кечагина шаҳарга овоза булган, ҳалиям тилдан тушмаган туй қилиб, бугун ажраб кетса, дуст-душман олдида нима деган одам булади?! Фанимлар кулмайдими? Ҳар хил гап тарқатмайдими? Ҳозирча ажраш ҳақида уйламаган маъқул!

У хизматкор аёл ва уғли билан тушлик қилиб булувди-ямки, "Нокиа"си мусиқа чалди.

- Хосиятхон! - таниш врач,- текширув натижалари тайёр

бўлди, таҳлил қилиб чиқдик.

- Ҳаммаси жойидами?- умид билан сўради Хосият. Боядан бери хаёли бошқа ёқда булгани учун уғлидан хотиржам эди.

- Ҳозироқ ўғлингизни касалхонага олиб келишингиз керак!

- А?!

\* \* \*

Хосиятнинг онаси чиройли, оқила аёл эди. Силлиқ сочи устидан оқ румол ураб, фариштадай уриниб юргани учун ҳамма ер саранжом-саришта, ёғ тушса ялагудай озода бўларди. Қизининг кийимларини дазмоллаб, шкафга териб қуяр, у истаган вақтда биттасини кийиб мактабга кетаверар эди. Якка қиз, ёлғиз фарзанд булгани учун эҳтиётлашар, ардоқлашар, бирорта уртоғи ёки қариндошлариникида ётиб қолишга рухсат беришмас, яқинлариникида қолса, онаси бирга тунар, эрталаб олиб келиб отасига курсатгач, мактабга жунатар эди. Чунки хазинага эгалик қилиб, уни ишлатиш ҳукуқини қулга киритадиган ягона ворис шу эди!. Ота-онаси ҳам бувиси ҳам ўғил куролмай армон билан утиб кетишган...

Хосият Тошкентдалигига угли ёлғизлигини уйлаб изтиробга тушганди. Уйда ҳам шу туйғу безовта қила бошлиди. Маслаҳатгуй йуқлигидан уксинди. Боғдан битта-битта учган қуштардай уни тарқ этган аждодлар ҳаётини куз олдига келтириб, куксини қайғу, армон изтироблари эгаллади.

- Ҳеч булмаса, бувим тирик бўлганларида шу куйга тушмасдим.

қайгули, уйкусиз тунларда белгисиз ёқдан нотаниш овоз келарди:

- Бу Аллоҳнинг синови!

Үйлари давом этарди:

- Аллоҳ мустақил йул топишмни огоҳлантиряп-тимикин!?

Ушанда илк бор Ҳалимага нисбатан адолатсизлик қилганидан афсусланган, азобланган эди. Туғри юриш учун бирорга жабр қилиш шарт эмаслигини теран тушунмаган

булса ҳам, ички түйфу билан ҳис этган, гирромликсиз пул купайтиришга ахд қилган эди. Аммо ёшлиқ, тажрибасизлик билан қилган хатолари кейинги ҳаётидаги асосий воқеаларни чалкаштириб юборди.

У болалигыда тиззасида ухлаб қолса, уйғонгунча онаси қимирламай ўлтирап, уйғонгач, ҳузур қилиб керишиб булғандагина севинган онаси ишига туриб кетарди. Она меҳри ва эркалашлари ёдига тушганда үша беғубор ва беташвиш кунларга қайтгиси келади!! Вужудида юракни күйдирувчи чүгдай соғинч, аллақандай лаззат түяди. Начора ҳаёт - бешафқат!! Кайфияти, орзу-истаклари ва бошига тушган кургуликлар билан ҳисоблашмайди. Алам ва қайғуларини писанд құлмасдан дадил қадамлар билан илгарилаб -боради.

Шу кунларда онасини күп эслаяпти. Раҳматли Санобар опа уй юмушларини хотиржам, бир бошдан бажарар, эри ҳовли ёки ошхонадан камчилик тополмас, уйда ёки ошхонадаги тартибсизликка узи ҳам тоқат қиломас эди. Ҳамманинг кийимлари ювилган, шкафга тахланган булар. мәҳмона ажратилған қанд-қурсни алоҳида сақлар, қариндошлар саришталик ва муомалани ҳавас қилиб қайтишарди. Эңг мұхими, ҳамма құшнилар уни чин юракдан ҳурмат қилишарди, у ҳам бутун маҳаллани кафтида олиб юргани учун оламдан үтганды роса йиғлашды, маросимларга жон күйдириши.

Санобар опа эрининг жаҳли чиқса, тортишмасди, ҳовридан тушириш учун ҳалимгина булиб туриб кетарди. Оиласын вазиятни юмшатиб, ҳаммани бир-бирига яқинлаштириб юради.

Әнді узи ҳам ишларини онасидай хотиржам, бир чеккадан шошилмай бажарса-чи? Ҳалима билан олишиб, узини ўтга-чүққа уравермасдан муроса йулини тутса ҳам булади-ку!

Бу фикрнинг яхши томонларини уйлаб, бизнесда гоҳ шошилиш, гоҳ қулай вазиятни кутиш, баъзан эса бир-бирига ухшамаган вазиятларда түгри йулни танлай билиш керак, ҳисоб-китобни жойига қўйиб ишлаган ҳеч қачон ютқазмайди, деган фикрга келди.

Хосият хаёлларини йиғиштириб, оғриқ нұктасига қай-

тди.

Нима учун бошига пайдар-пай муаммолар тушмоқда? Тұгри йүл тантай олмадими, душманлық овора булиб қолдими?

Касалхонага шошиларкан, кузининг оқу қораси, умид юлдузи бұлған ягона үглем бирор касалликка чалиндими, шошилинч чақиришидан врачнинг мақсади нима, дея изтиробга тушарди.

Наҳотки, ягона меросхўри оғир аҳволда? Унга бир нарса бұлса, дунёда яшашидан, бизнес қилишидан маъно қолмайди!

- Хосиятхон, сиз тушунган аёлсиз!

Врач аллақандай ҳадик аралаш гапиради. Хосият нохуш хабар эшитидан чучиб, унинг кўзига қаради.

- Яқинда бошингизга тушган кунгилсизликдан хабарим бор. Сабрди бўлинг, Худо хоҳласа үглингиз яхши бўлиб кетади!

- Нега ундей деяпсиз, доктор?- курқиб кеттанини билинтириб қўйди Хосият ва кузларига ёш келди, - касалини очиқ айтинг, мен ҳаммасига тайёрман, фақат тезроқ даволаса буладими?

- Улимдан бошқасининг иложи бор, даволаймиз!

- Унга нима бўлган?.

Врачнинг кузида андиша бор эди. Хосиятга терсланди. Ва узини бепарво тутганча гап бошлади.

- У қачон сариқ касали билан оғриган?

- Уч йил аввал.

- Хориждан келтирилган дори қабул қилганми?

- Ҳа!

- Дори баъзан бошқа органга таъсир қилади. Биз даволаб юборамиз. Сиз ортиқча ваҳимага тушманг, үглингиз ёш, ҳамма дардни енгишга қодир!

- Юрагим сиқилиб, тарс ёрилиб кетай деяпман, очиқ гапираверинг!

Доктор бирдан дадилланди.

- Углингизнинг қонида С вирус бор!

Бу гап Хосиятга боланинг умри қисқа дегандай эшитилиб, юрагини ваҳима қоплади.

- Бу қанақа вирус?

- Режим билан тезроқ даволанса, жигарни ишдан чиқармайди. Шу маңнода шошилинч чақыртиргандым...

- Раҳмат, сизга доктор!

- Бұлымда жой тайёр, ҳозир ётқизишиңгиз мүмкін...

... У үғлиға әртаю кеч парвона буладиган ҳамшира сотиб олди. Дунёни унұтди, пул, бойлик, танишлар, ҳатто заргар ёдидан чиқди. Алам ва изтироб қоплаган юрагида боласи-ни тезроқ тузатишдан бошқа муддао йүқлиги учун уйига қамалиб ётиб олди. Кайфияти түшкүн, фарыб одамға үхшарди. Мусибатлару синовлардан норози булса ҳам, сабр қылса ҳам мукофот тайинлигини үйлаб, дили гоҳ вайрон булар, гоҳ аллақандай хотиржамлик ҳикмати билан тұлар эди.

Олтмишга яқынлашған заргар үн минглаб доллар сарфлаб, Москвада даволанди. Аслида у ота сифагида вазифаларини үддалаб булған: қызларини чиқарған, ўғлини үйлантирган, ҳаммаси үзидан тинчиб яшаяпты, уларға керагидан ортиқча бойлик ҳам берған, лозим булса ҳозир ҳам ёрдам қулини чүзишга тайёр. Аммо бир күн бұлса ҳам яшайин, ёруғ дунёдан армон билан үтмайин, деб дунёга таниқли врачларда даволанди. Үглемнинг келажаги олдинда, құлымдан кслган ҳамма ишни қиласа, Худо хоҳласа күрмагандай булыб кетади. Бундан бошқа умид чирогим, куз тиккан болам йўқ! Ҳамма мол-дунёмни сарфлаб даволатсам арзиди! Ота-боболаримнинг ушалмаган орзулари, узи билан кетған әртакларини ростға айлантириш, улар обрусини тиклаш ва күтариш унинг баркамол усиши, жамиятда мавқеини яратишига боғлиқ эмасми?! Ундан ҳеч нарсаны аямайман! Ҳамма ишимни йиғишириб булса ҳам орзуларимға қодир инсон қилиб етказмасам, дунёга нега келдім? Ер юзида жонивордай изғиб юришдан не наф?!

Менга кичкина тикан кирса ота-онам қалбига бигиз санчиларди. Еру күкка ишенишмас эди. Мен үглемга ота-онадан күрган меҳримнинг учдан бирини беролдімми? Беролмадим! Чет әлда дам оламан, эримға қарайман, деб уни үн күнлаб хизматкор аёлта ташлаб кетдім. Суюб эркалай олмадим. Меҳримдан бенасиб ўсяпты. Хаёлимда бизнес, пул, исқильт ракибни енгиш!! Буларнинг барчаси

ягона зурёдимнинг бир тола сочига арзийдими? Ҳалима билан олишгандан кура, боламга тарбия берсам булмайдими? Заргарнинг молу давлатига учмасдан ўзим тенги уртаҳол йигиттага тегиб углимни жуфтлаб олишим шарт-ку! Энг азиз ниятларимга нега амал қилолмайман?! Ихитис-римдан ташқаридаги куч ундан узоқлаштираётганга ухшайди. Тақдиримга муносиб, орзуларимга уйқаш яшолмаётганим учун кайфиятим кутарилмаяптимикан?!

Хосият илк бор хатоларини тан оляпти, уларни таҳлил қилиб, холоса чиқаришга интиляпти! Ботиндаги кутилмаган узгаришларни аллақандай нозик туйфулар билан сеза бошлади... Узгараётган рух, кайфият, дунё ва унда содир булаётган воқеалар томирини ҳис этиш тушунчаси бошқача одамга айлантириши мумкинлигидан нишона бераётган эди.

Ўй-хаёлларга, сийрат тулқинларига шу қадар ғарқ булган эдики, хизматкор аёл қунғироқ келаётган қумридек сайраб турган телефонини кутариб кирганини сезмай қолди...

\* \* \*

Назира ғалати тушлар кургани учун юраги ғаш, миясида ёқимсиз хаёллар айланиб юрар, укаси түғрисида булгани учун бирорвга айтгиси келмас, аммо ичини бушатмаса ёрилиб кетадигандай эди. Эрини ишга жунатгандан кейин ҳовли туридаги олмадан узиб, уникига отланди.

- Эсон-омонмисиз, ука!- кела солиб ташвиш билан ҳол сурай бошлади у. - Йўлда девонага туш пули бериб келдим, сизни Аллоҳ асрасин.

Заргар жиддий тортиб опасига юзланди.

- Нима гап?

- Сиз кунгилга олманг, душман нималар демас, тушга нималар кирмас! қоронғи хона эмиш, ниқоб кийган одамлар сизни ечинтириб, ваннада ювинтироқчи булар, сиз эса улиб қоладигандай қўрқиб орқага тисарилар эмишсиз, баданингизни қурт тешиб кириб қонингизни сўраётган эмиш... Ё тавба! Туш ҳам шунаقا бемаъни буладими? Эрталаб қушнимизга айтсам, ёқмаган нарса еб қўйгансиз, ичингиз бузилган дейди, Илоё, шундай булсин дедим...

- Хотиржам булинг, Москвада врач ҳали қуп яшайсиз

деган...

Заргар опасини тинчлантириш учун гапирдию, кунглиғаш булди. Узи ҳам кечалари ухломай қийналади, уйқуси қочиб, эрталабгача юради, телевизор күради, юрагига қил сиғмайды.

Опасининг туши кунгилсизлик даракчисидай кайфиятини туширди, бироқ узини дадил тутмаса булмайди. Хосиятни соғинган. Ёнидаги одам бирдан кетиб қолса соғиниб қолиш мумкинлигини анчадан бери ҳис қилмаган эди... Унга телефон қилиб тушолмади. Узи қунғироқ қилмади.. Никоҳидаги хотини телефонда бўлса ҳам бирор марта йўқламаганига уксингандай бўлди. Опаси келганда эса кайфияти кутарилди. Жигар - жигар экан-да!

- Илоё, докторнинг айтгани келсин! Анча тузукмисиз, ишқилиб?!

- Худога шукур, яхшиман!

У туш айтиб инимнинг кайфиятини бузиб қўймадиммикин деб уйлаган эди, кўзига қараб ўзгариш сезмагач, хотиржам булди.

- Хайрият! Эрталабдан бери хаёлимга нималар келмади дейсиз?!

Ичкарига кириб фотиха қилишгач, заргарнинг телефоны жириングлади. Экранига қарамай лоқайдлик билан тугмани босди.

- Алло! Сайджон aka! - ташвишли овоз Хосиятники эди...

\* \* \*

Ҳалима тижоратчилар билан ҳисоб-китоб қилиб уйига қайтаркан, заарнинг бир қисми қопланганидан хотиржам булди, аммо катта йуқотиш юрагида қоронгуликка ухшаб сақланиб қолди.

Авазга пул бериб Санжарга жўнатганда "хайрият муаммо ечилади", деб енгил тортган эди. Эртасига молларни тарқатиб булишгач, бу ишда уйин йўқмикин, деган шубҳага бориши. Бироқ далили бўлмагани учун Авазга ҳам, бошчи ҳам гапиролмади. Назарида, пул маккорлар макрининг курбонига айланганди.

Бир вақтлар "кулингдан кетган нарсага ачинма!" ҳикма-

тини уқиган эди. Йүқотиш захрини уйламаса ҳам, мол аччиғи - жон аччиғи, катта пул порага кетиши юрагини сидириб үтди. Уйлаб-үйлаб: сабоқ булди, Худо олди, берадиям, удан күпини беради!!- дея таскин топди.

Авазнинг учарлиги, катта ишларни дадил битказа олиши Ҳалимани анчадан бери хурсанд қилаётган эди. Наша масаласида ундан гумон қилмади, аммо наҳотки, шундай ҳушёр, эпчил одам наша ташлаб қуишилариға бепарво булган, нега сезмай қолдийкин?- дея ҳайрон булди...

Ҳалима айрим ички ишлар ҳодимлари бирорларни қулга тушириш учун машинаси ёки чұнтагига наша ташлаб қуишиали, деган миш-мишларни эшитган, бу сафар ҳам шундай булдимикин, деган фикрга бораётган эди. Үйлаган сайин изтиробга соладиган воқеалар, ҳәётий миссоллар хаёлині қоплаб оларди. Хосият ва Акмал Хайир ака билан тил бириктириб, йигирма сотих ердаги нашани Россияга пуллади ва түяни ютиб думини курсатмай бемалол юришибди, мен эса олмадай наша учун катта пул сарфладим, бошқача айтганда, емаган сомсага пул туладим! Нега шундай булди? Қайси гуноҳим учун тulos беряпман? Орқамдан одам тушганми? Астайдил олишмоқчи, молиявий инқизозга учратиб, банкрот килмоқчими?

Саволлари жавобсизлиги учун фикрлари чархчининг калавасидайчувалашиб кетди.

Кечкурун қизини ухлатгандан кейин ҳам қузи илинмади, руҳиятига нотаниш қоронбулик инди. Үзини қулга олишға, воқеаларни түгри таҳлил қилишга ҳаракат қилди. Бироқ хотиржамлик берадиган ақдли гап тополмади...

Ярим кечада қузи юмилди... Каттакон тоғ, Хосият билан борган гордан ваҳимали жойда ёлгиз юрибди. Қурқинчли, олатасир товушлар эшитилди-ю, ғор түридан каттакон илон оғзидан олов пуркаб бостириб келди. У даҳшатидан ларзага тушар, қочадиган түйнук, беркинадиган пана йүқлигидан юраги ёрилгудай қуркувда эди. Илон: мени улдирғанлардан бири сен, энди қулимга түшинг, дегандай аламзадалик билан тикка бостириб келарди. Ҳалима деворга ғирилиб күзини юмди: ҳәётим тугади! Бироқ илон уни думи билан урмади, елкасига ёки

оёқларига тишини ботирмади. Ваҳимали овозлар тиниб, атроф сокин булиб қолди. Ортига ўгирилса, илон вафодор кучугидай оёғи остида кулча булиб ётибди!! У донолик ва хотиржамлик билан қараб турар, назарида, Ҳалимага зарар етказиш нияти йўқ эди.

Зарур сирни айтмоқчи бўларди-ю, забони йуқлиги учун гапиролмаётгандай эди. Кўзларимдан уқиб ол, дегандай одамга ухшаб термуларди, Ҳалима унга жиддийроқ тикилди ва бу қўзларда Тожи момо қараб турганини сезди:

- Момо! - бақириб юборди у, - илоннинг кузила нима қилиб юрибсиз! Қачон жойлашиб олгандингиз?
- Доим шу ердаман, сен билмайсан холос!
- У ерда яшаб булмайди-ку!
- Мен яшайман!
- Қандай қилиб?
- Шарт эмас. Аммо сен билишинг керак бўлган нарсаларни бил, уқ!
- Масалан, нималарни?
- Санжарга қанча пора бердинг?
- Беш минг доллар.
- Бермаслик керак эди.
- Машинамиздан наша чиққанди. Аваз иккаламизни қамаб юборишарди.

- Авазни-я! У узини узи қаматадими?...

Кутилмаганда суҳбат бўлинди. Илоннинг кузи хориж детектив фильмларидағи машина фарасидай ичига кирди, қопқоғи ёпилди, момо ҳам унинг қаърига сингиб кетди ва илон ҳам асл ҳолига қайтди.

- Момо!!!

Бақиргани устига чиқди шекилли, диванда ётган қизи қурққанидан:

- Ойи!! - деб додлаб юборди.

\* \* \*

Аваз Санжарга бериладиган пулдан уч минг долларини қайириб қолди-да, ҳеч нарса бўлмагандай қолганини элтиб берди. Эртаси куни молларни тижоратчиларга тарқатишгандан кейин одатдагидай, bemalol юраверди. Ҳалимада шубҳа уйготмагани учун хотиржам эди. Аввал-

ги шубҳалари ҳақида қайта-қайта ўйлардию, қониқтирадиган хулосага келолмас эди. Ҳалимага сон-саноқсиз пуллар қаердан келяпти? Энди бу пулларнинг қанчасини юлиб олиш мумкин? қайси йўл билан?

"Ласетти" олгандан кейин ундан чиқади, алоҳида бизнес қилади. Ҳозирги мақсади: унга келаётган пуллар манбасини топиш, қандай қилиб бўлса ҳам уни узлаштириш эди. Ўша кунги бир даста долларни қаерга қўйган? "Дом"идаги сейфида сақлаётганми ё Тожи момоникига қўйганми? Менимча, уйида бўлса керак!

Аваз бу пулларни топиш ва узлаштириш учун ўзича режа тузди. қулай вазият етилишини пойлай бошлади.

Беш-олти кундан кейин шаҳардаги кузга куринган тижоратчиларидан бири икковларини туғилган кунига таклиф қилди. Энг куркам ресторанга, нозик дидли, миллионер одамлар даврасига бориш учун Ҳалима гузаллик салонида Европа усулида соч турмаклатиши, пардоз-андоз қилдириши керак эди. Аваз унга улгуржи бозор ёнидаги салонни тавсия қилди.

Ҳалима сумкасидан кармон олиб салонга кириб кетаётганда Аваз ўриндиқни тушириб, узини уйкуга солди:

- Бирор соат етадими, Ҳалимахон? - деди бепарвогина.
- Аёллар куп булмаса етади!

Аваз ун минутча узини уйкуга солиб ётди-да, кейин салонга яқинлашиб, ичкарига муралади. Ҳалима сартарош столига ўтираётган экан. Демак, чиқишига бир соатча вақт бор! Ортига қайтди. Тезлик билан машина ўриндиғида қолган Ҳалиманинг сумкасини титиб қалитлари солинган чарм ҳалтачани очди. Ҳонаси ва сейфининг қалитини занжирдан ажратиб, қолганларини жойига қўйди. Ва шошилганча бозор ёнида қалит ясад үлтирадиган корейс чол олдига борди...

Чол икки баробар ҳақ олиб илтимосини бирпасда бажариб берди

Европача соч турмагию, пардозига қувонган Ҳалима машина эшигини очганда Аваз "ухлаб" ётар, гүёки бутун дунёдан бехабар эди...

Зиёфат яхши утди. Ҳалима ҳаммани узига қаратгани, чиройини кўз-кўз қилолганидан хурсанд. Икки рюмка конъяқдан сунг яноғи помидордай қизариб, янаем очилиб

кетган, Авазнинг "Базм маликасига ўхшаб қопсиз, а?" дея хушомад қилганда эса гул-гул яшнаб кетди. Ўзини ҳётдан рози, бахтиёр, орзулари ушулаётган ҳурилиқдай тутар, ҳамма эътибордан қувонар эди. Ҳавас ва ҳасад билан тикилган кузлар кунглига чўғ, олов солар, руҳиятини осмон қадар юқорига кутарар эди...

- Мени шаҳардаги квартирамга ташлаб келинг! - деди Авазга.

Ниятимни фаҳмлаб, атайлаб қилмаяптимикин, деган хаёлга бориб, Ҳалимага қаради. У сархуш, ўзи билан ўзи... Айни муддао дамлар келганини фаҳмлаб, режасини амалга оширишга киришди.

Яшин тезлигига туман марказига жунади. Ҳалиманинг домига яқин қолганда машинани расмий турар жойда қолдириб, у ёғига пиёда кетди.

Ҳаяжони денгиздай тошаётган бўлса ҳам узини хотиржам тутиб кетиб бораркан, янги калит Ҳалиманинг қулфига тушармикин, ёки имкониятни қулдан бериб қуяманми деган хавотирда эди. Йук! Корейс чол пухта иш қилган экан! Биринчи бурашидаёқ эшик очилди. Дарров ичкарига кириб, эшикни қулфлади. қушнилар эшишиб қолмасин дегандай, оёқ учиди бориб, зал тўридаги пардани кутарди. Сейф қулфининг илмоққа ухшаш темири куринди. Ўзини босиб, калит солди. қўли қалтирас, миясини қоплаган турли-туман хаёллар, манзаралар юрагини титратар, биринчи марта угирлик қилаётгани учун ўзини тута билмасди. Калит ширқ-ширқ этиб буралди ва пўлат сандиқ эшиги тиши суфурилаётган одамнинг оғзидай вазмин очилди.

Сейф токкасидаги қофозга ўралган тўрт бурчак нарсани очиб кўрди. Бир даста юз долларлик! Дарров чўнтағига солди. Сунг латтага тугилган нарсани кутарди. қаттиқ! Нима экан? Тилла буюмлар эмасми? Кўрай-чи?

Тугунчани ечдию, оғзи ланг очилиб қолди. Бир ҳовучдан кўпроқ тилла танга экан!!

Куксининг овози аввал томоғида, сўнг қулоғи остида эшитилгандай бўлди. Юрагига пинҳоний бир қувонч; руҳиятига чароғонлик қўйилди. Пўл, бойлик топиб, бунчалик шиддатли ҳаловатни туймаган эди. Ҳалимада каттагина, сирли бойлик борлигини гумон қиласадио.

бир тутун тилласи борлиги хаёлига келмаганди..

Ажабо! Баёзхон заргар билан бекорга алоқа қилмас экан-да!

Буларни қаердан олган? Ота-бобосидан қолганми? Нега шу пайтгача ишлатмаган? Ё бирор жойдан топиб олганми? Тоза тиллани қайси аҳмоқ ташлаб кетади? Э, менга нима! Ишимни қилсан-чи!

Аваз тиллаларни латтага тугди-да, күйлаги ичидан қўлтиғига қистирди. Кули теккан жойларга қизил қалам-пир сепди... Сейфни қулфлади. Оёқ учида коридорга келиб, туфли, шиппаклар қўйиладиган столчада нафасини ростлади. Пешонаси, бурни устидаги терларни сидириб олди. Ҳамон ҳаяжонланар, юраги гупиллар, ташқарида бирор пойлаб тургандай, безовта булар эди. Машинасига етиб олса бас! Бирор кўрадими-йўқми, барибир, тиллаларни яширгандан кейин мингта гувоҳ олиб келса ҳам тан олмайди!

Ташқарига чиқиб, эшикни қулфлади. Ҳамма ёқ жимжит, бир-иккита болалар копток уйнаётганини ҳисобга олмаганда одам куринмайди. Шундай булса ҳам, назарida аёллар, эркаклар балкон ва дераза пардалари ортида уни кузатаётгандай, ҳовлига чиқиши билан иккитаси қўлга тушираётгандай туюларди. Йўқ! Уни ҳеч ким тухтатмади, ҳатто бирорта одам юзма-юз келмади! Машина олдига шунчалар хотиржам етиб келдики, қоровулга пул бериб чиқаётганда юзидағи терлар қуриб қолган, қўлидаги титроқ билинмасди. Янаям ўзини босишга уринди. Дарахтлар ёнидаги йўлакчадан катта йўлга бурилиб, тугунчани бардачокка ташлаб қўйди. Чунтагидаги бир даста долларни тагидаги гиламча остига жойлади. Машинани милиция туродиган йўлдан эмас, камнатнов кучадан ҳайдади.

У пулни олгандан кейин қаерга беркитиши аввалдан режалаштирган эди, аммо тиллани қаерга яширишга боши қотди. Уйида пулат сандиги йўқ! Бирор жойга кўмиб қўйсинми?

Фикрлари охирига етай деганда, телефони жиринглади. Шошиб экранга қараса: Ҳалима!!

Телефон "қулга тушдингми, ўғри!" дегандай жиринглар эди. Уни ўчириб қўйди...

Хосиятнинг заргарга қунғироқ қилишдан мақсади - ҳол-аҳвол сұрагандан кейин үғлиниң саломатлиги хавф остидалигини, касалхонада у биләп бандлигини билдириб қойиш эди. Заргар вазият бу қадар мураккаблигини хаёлига келтирмагани учун:

- Энди бу күргулик қараб турған эканми? - деди хайрихохлик ва меҳрибон товушда, - бу ерда менга үзлари қараб туришибди, сиз болага әхтиёт булинг. Якка үғил нозик булади, дейишади.

- У сал үзиге келиши билан хизматкорга топшириб, етиб бораман, Саид ака! - деди хижолат оқангыда.

- Бемалол, Хосиятхон, биздан ташвиш тортманг! Сингиллар ёлғызлатиб қойишмаяпты. Қани энди соғлигим кутарсаю, олдингизга қүшдай учиб борсам! Соғиндим, асалым!!

Хосиятнинг күксига соғинч ҳисси ёпирилиб кирди. Заргар бу чи жойли гапларни чин күнгілдан гапираётгандай туюлдай.

- Ёнингиздес бүлиб, меңрибонлик қылсам дейман.

- У күнлар көлади. Асал ойыда сизни саёҳат қилдириш урнига ташвишга қойғанимлан хижолатдаман.

- Үндай деманг, Саид ака! Пешонага ёзганини курамиз. Шундай бұлсın дебсизми? Эхтимол Аллоҳ бизни синовдан үтказаётгандыр!

- Тұғри, Сиз имтихондан "беш"га үтяпсиз! Мен эса, "уч"га ҳам лойиқ әмасман!

- Менинг "беш"имдан "бир"ни сизге құшсак, иккала мизники "Яхпли" баҳо бұлади!

- Ҳар доим кунглімни кутарасиз, сиздан Аллоҳ рози булсın!

Заргар Хосиятга ишонди. Күнглида ҳузур-жаловат түйди. Вужудини ёшликка хоскуч-мадор әгаллади. Бугун етиб бораман дегиси келди-ю, удласидан чиқолмаслигini сезиб, тилини тийди.

- Доим мени үйлаганингиздан хурсандман!...

Хосият алоқаны узғандан кейин вужудини қамраб олған бир-бирига қарама-қарши түйғуларни таҳлил қилмоқчи булды.

Ундан күнглини узмоқчи булади, қунғироқ қилганда яшашга эхтиёжи қолмаганини сездириб қуядиган гапларни айтгиси келдади, аммо заргар шириң гаплар билан уни эритиб юборади. Фикрлари бир зумда йүқолиб кетади. Аллақандай күч уларни қуиринмас иплар билан бөглаб турғандай бўлади. Лекин ҳозир умрининг охиригача шириң гапларга маҳлиё булиб яшолмаслигини, алоқани чирт узиб, ҳаётини бошқаси билан боғламаса, якка ўғли қийналишини ўйлаб қолди. "Энди сираям телефон қилмайман. Узи құнғироқ қылса ҳам совуқ муомала билан күнглини қолдираман!!"

Бу Хосиятнинг қатъий қарори эди!

Унга амал қилиш қийинлигини билади, бажармаса ҳаёти илмилиқ давом этаверади, узи орзу қилғандай узгаришлар, саодатли кунлар келмайди.

Бувиси шукроналик түғрисида күп гапиради. Очарчилик, уруш йилларидаги одамларнинг очликдан, касалликдан, оддий қизамиқдан қанча-қанча гудаклар қирилганини сўзлаб тинч-омон кунлар учун шукур қилиш зарурлигини бир неча марта таъкидлаган, қадрига етишни уқдирган эди. Ҳозир Хосият у кунларни эслаб, юрагида шукроналик туйди. Яқинда ким эдиму бугун кимман, деган саволга жавоб топди ва утаётган кунлардан, умридан хурсанд булди. Фақат ўғлини жуфтлаш масаласида юрагида ғашлик, безовталик борлиги учун Аллоҳга илтижо қилди:

- Эй Худо! Купчиик қатори ўғлимни ёлғиз қолдирма! Ишларимни, наслимни давом эттирадиган зурёдимга суюнчиқ бер! Ўзинг ҳамма нарсага қодирсан! Мехрибонсан!

Хосият астойдил, чин дилдан сураётгани учун кузларига ёш келди. Күксига хазин туйғулар қуйилиб, қалби юмшади. Яноғидан маржондай ёшлар юмалаб тушди...

Аллоҳ илтижоларини қабул қилғандай анча енгил тортиди...

Врачга бориш учун Акмалга қунғироқ қилди.

Аваз тилла тангалару долларларни жойлаб булғандан кейин бироз тинчили. Вужудини қамраб олган қуркув, ҳаяжон ва чалкаш фикрлар йүқолғандай бўлди. Айбини бирор бўйнига қуёлмайдигандай ўзини дадил ҳис эта

бошлади.

Үйига бориб чой ичди, үглига қушилиб бироз уйнади. Кечкүрун улфатлари билан шаҳар марказидаги чойхонага ош қилиб егани борди. Йигитлар үзаро гаплашиб үтиракан, гурунч савдоси билан шуғулланадиган Асқар билан Дилшод 25 сум устида хасислик билан тортишиб қолишиди. Шериклар ора а тушса ҳам келиштириб бўлмади.

Аваз уларни кузатаркан, йигирма беш сум устида тортишган Асқар майдакашлик қиластгандай устидан кулар, ўзи яқиндагина беркитиб қўйган хазинани ўйлаб, ичичидан қувонар, утирганлар-нинг ҳаммасидан устун эканлигини ўйлаб бир газ усгандай бўларди.

- Ҳей Дилшод. - деди жанжалкашларга ўгирилиб, - курум-соқлик қилмасдан бер шунга, сенга Худо берсин!

Дилшод Авазнинг майдага масалаларга аралашмаслигини билиб, астойдил гапираётганига ишонч ҳосил қилди, шекилли, юзи ёришиди.

- Авазбек, сен буни билмайсан, юз минг сўмлаб фойда курса ҳам бир сўмга зор одамдай тортишаверади... Бирор марта ош қилиб берай демайди. Бугун ҳам кийимини алмаштирганда пули уйда қолганмиш, мен қушивордим...

Давра четроғида утирган Солижон ҳаммага қараб бир иршайиб қўйди-да, сўзга лаб жуфтлади:

- Ема-ичма, бул баҳил, бой бўлмасанг мен кафил!

- Э, бормисан, оғайни, ичимдагини топдинг, қулни ташла!- деди Дилшод шарақлаб қулганича.

- Шу гапларнинг ўрнига, - ҳаммани узига қаратди Аваз,- бир пиёладан оқидан урайлик, оғайнилар, бу ерга 25 сум можаросини қилгани келмаганмиз-ку!

- Туғри гап!

- Бормисан?

- Буларкан-ку!

Пиёлалар жаранги қушни каравотда утирганларнинг ҳам завқини қузғаб юборли...

Аваз кеч ётган бўлса ҳам эрта уйғонди. Хотини, болалари ухлаб ётар, ҳаммаси ширин тушлар кураётгандай ёқимли нафас оларди.

У қандай туш курганини аниқ эслолмайди, аммо алла-қандай ёқимсиз лавҳалар куз олдидан утар, кўнгли гапи, ножам эди. Кечаги воқеалар бирданига куз олдига келиб,

ичи қоронгулашди.

Бойлика қизиқиб, үз ҳамкорига хиёнат қилганини, умрида илк бор, аммо жиддий үғирликка қул урганини виждони олдида тан олишни хоҳламас ва бу ишини оқладиган баҳона тополмай қийналарди. Ҳалима бу пулларни ишлаб топганми, қінғир йұллар билан орттирганми - фарқи йўқ, аммо уни үғирлаш катта гуноҳ эканлигини үйласа, ёнига хиёнат масаласи қушилиб, күрінmas каламушдай юрагини кемирап эди. "Шундоғам катта-катта пул топиб турувдим, яна икки марта хорижга бориб келсам "Ласетти" олардим, ношукрлик, дүстимга хиёнат қилдим, юзига осқ қүйдим, наҳотки шунчалик сурбет, виждонсизман? Шу бойлик вафо қиласыкин?! Мени боши берк кучага киргизиб құймаслигига ким кафолат беради?! Ҳеч ким! Шайтон йұлдан урди, энди хатони тұғрилаб бұлмайди. "Машинадан чиқсан наша"-баҳонасиса уч минг доллар ишлаганимдан кейин узимни боссам буларди. Нега очқузлик қилдим? Ҳалима бугун-эрта бор-будидан ажраганини билса, мендан гумонсирай бошлайди, катта йұқотишга бардош беролмай юраги ёрилиб кетмасыкин? Чидолмасдан ит олиб, келиб текширирса, құлға тушиб қолсам нима булади?"

У, үрнида ётса, ёнилагилар гунохини билиб қоладигандай ташқарига чиқиб кетди. Вақт ҳамма нарсаны даволагани каби кучаларни айланиб, бир-иккита одамлар билан сұрашиб, гузардаги қоровул билан валақлашды, күнгли ёзилгандай, азоб бераёттан хаёллар нари кетгандай бұлди. Рұхини азоблаёттан оғриқ енгиллашды. Оила аъзолари билан гаплашиб нонушта қылғач, әговлаёттан түйғулардан халос булди.

Машинасига ўтириб, шаҳар томон юаркан, буюм сандиқчасисидан сигарета олиш утун қул узатганда битта юз долларлық құлига илашиб чиқди. Аввал қурқиб кетди, сүнgra юзлаб долларлар, түгунчадаги тилла тангалар куз олдига келди-ю, юрагига бойлик завқи, аллақандай ёввойи әхтирослар қуишиб, азоб үрнини екімли түйфулар әгаллади. Ұзини янаям бардам ва гуноҳсиздай сеза бошлади. "Мен олғанимни ҳеч ким курмади, бирорта инсон исботтолмайди, гувоҳ келсаям шартта тониб юбораман! Бу дунёдаги миллион-миллион бойликлар

тагида гирромлик бор, де-йишгани рост! Ҳалима ҳам барини ҳийла-найранг билан топган. Яқинда Ҳосиятнинг ортидан судралиб юрган хотин бирданига шунча пулни пешона тери билан топганига ишонмайма!! Бу ерда бир сир бор! Шу сирни билишим керак! Шунда яна купрогига эга буламан!"

Аваз руҳланиб кетди. Қалбини тириаётган қурқув, виждон азоби шамолда учган ҳазорлай йуқолиб, кунгли равшан тортди. Энди бойлигини эҳтиётлаш ва энг муҳими, кўпайтириш ҳақида уйларди.

Шу пайт Ҳалима қунгироқ қилганини эслаб, телефонига қаради. Нега истадийкин?

Фош булишдан чўчиган Аваз вазиятдан чиқиш чорасини излай бошлади...

*Виранчи китоб тугади.*

*Инсонларни таъсирлашади.*

*Маркази ғарбий тарзларни таъсирлашади.*

*Демократик тарзларни таъсирлашади.*

*Хизматчилик тарзларни таъсирлашади.*

*Социалдемократичек тарзларни таъсирлашади.*

**Адабий-бадиий нашр**

**Боқий МИРЗО**

# **ТИЛЛАФУРУШ**

*Roman*

**Биринчи китоб**

**Муҳаррир:** Нурбек Абдуллаев

**Дизайнер:** Отабек Камолов

**Мусаххих:** Улуғбек Умаров

2011 йилнинг 4 июлида теришга берилди. 2011 йилнинг 20 июлида босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 15 босма табоқ. Газета қофозига офсет усулида босилди.  
Адади 1000 нусха. № 204-сонли буюртма  
Баҳоси келишилган нархда.

**"Наманган"** нашриёти, Наманган шаҳри,  
Навоий кӯласи, 36- уй.

Китобнинг оригинал макети "Заковат" нашриёт уйи МЧЖ  
босмахонасида газета қофозига офсет усулида босилди.

**Корхона манзили:** Косонсой шаҳри,  
"Чорбог" кӯласи, 17 уй

## «ТИЛЛАФУРУШ»НИНГ ИККИНЧИ КИТОБИДА ЎҚИНГ:

\*\*\*

Аваз оғриқдан инграшни ор билиб, Акмал-нинг қўлидан ушлади ва оёғи билан отиб юборди. Акмал бу пайтда тифи отилиб чиқадиган икки томони ўтқир пичоғини олиб улгурган ва Авазнинг қорнини кўндалангига тилиб юборган эди...

\*\*\*

Аввал жануб томон тўрт қадам юриб хазина топишганди. Демак, шимолдаям олтин бор! Боболаримиз, ўрис босқинчилар олгандан кура, невара-чеварапаримизга қолсин, дейишган экан-да...

\*\*\*

Эйфель минорасига чиқиб ҳайқирамиз:

- “Хо-ой, Акмал билан Хосият, куриб қўй, биз дунёга машҳур жойга сендан олдин етиб келдик! Сенлар аллақандай Анталияда юрган бўлсанг, биз Парижнинг машҳур минорасида турибмиз, ичинг ёниб ўлси-и-и-ин!”

\*\*\*

Ҳалима ошхона эшигини очиб йўлакка чиқди. Чиқдию...ҳайрат ва қурқувдан юраги чиқиб кетаёзди. Юзига ниқоб таққан одам унга илондек совуқ қараб турар, оёғи остида Аваз хушсиз ётарди. Бир лаҳзалик ҳодиса қандай содир бўлганини тушунолмай турганда ноқобли кимса уни буға бошлади. Ҳалима илондай тўлғониб бақирмоқчи бўлди, аммо овози чиқмади...

Тел: + 998906006104

11000

